

6343  
N-31

БАГРИКЕНГЛИК

ТОЛЕРАНТНОСТЬ

TOLERANCE



*Рахбархон Муртазаси*  
**ЎЗБЕКИСТОНДА  
МИЛЛАТЛАРАРО  
МУНОСАБАТЛАР  
ВА БАГРИКЕНГЛИК**



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА  
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
МИРЗО УЛУФБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

МУРТАЗАЕВА РАҲБАРХОН ҲАМИДОВНА

ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР  
ВА БАҒРИКЕНГЛИК

Олий ўқув юртларининг магистрлари учун  
ўқув қўлланма

Тошкент

“Университет”

2007

Ўқув қўлланмада Ўзбекистон ҳудудида бағрикенглик тамоїйиларининг тарихий жиҳатлари, унинг энг қадимги даврдан то ҳозирги кунга қадар намоён бўлганлиги илк бор аниқ маълумотлар асосида ёритиб берилган. Шунингдек, қўлланмада ажоддларимиз тарихий меросида бағрикенглик ғояларининг акс эттирилиши ва унинг мустақиллик йилларида ички ва ташқи сиёсатда намоён бўлганлиги ҳамда ўзбек менталитетига хос хусусиятлардан бири — бағрикенгликка асосланган ҳолда амалга оширилиши очиб берилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳудудида кўпмиллатлиликнинг шакланиши ва ўзбек ҳалқи орасида бошқа ҳалқ ва миллат вакиларининг тараққий этиши жараёни кўрсатиб берилган.

Ўқув қўлланма ижтимоий-гуманитар фанлар вакиллари, талаба ва мутахассислар, мавзуга қизиқувчи барча китобхонлар доираси учун мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир:** *т.ф.д. Холиқова Р.Э.*

**Тақризчилар:** *т.ф.н., доц. Эшов Б.Ж.,  
т.ф.н., доц. Одилов А.А.*

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2007 йил 7 ноябрдаги Илмий-методик Кенгашида тасдиқланган. (2-сонли баённома).

## Кириш

Барча тарихий замонларда инсоният одамлар, давлатлар, цивилизациялар ўртасида ҳамжиҳатлик, тинч ва тотув муносабат ўринатиш йўлларини топишга интилиб келган. Гарчи бу соҳада сайи-ҳаракатлар ҳамиша ҳам мудаффақиятли чиқавермаган бўлсада, ҳар ҳолда маданий жиҳатдан ўзаро муносабатларга интилиш, бағрикенглик (толерантлик) феъл-автор таомили, доимий мақсад бўлиб қолаверган. Узбекистон кўп миллатли давлат типига мансубдир. Бу ерда асосий миллат ўзбеклар билан бирга ўз маданиятига ва анъаналарига эга бўлган юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Ана шундай шароитда, кўпмиллатли жисплашган давлатни барто этишида, миллатлараро ва элатлараро бағрикенгликка эришиши сиёсатининг аҳамияти бенихоя кеттадир. Бу сиёсат ёкирган, қолоқ ақидалардан воз кечишга ва миллий мустақиллик ҳамда маънавий янгиланиш гоялари ва тамойилларини одамлар онгига сингдиришига қаратилгандир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, ўтмишдаги миллий сиёсатда ўйл қўйилган хатолар; таълим, меҳнат, бошқарув соҳаларида миллатига қараб камситиш ҳоллари; миллатчилик ҳурофотлари ва бошқа салбий тушунчалар миллат ва элатлар ўртасида ўзаро кескинлик ва можароларни келтириб чиқарувчи асосий сабаблар қаторидан жой олган. ۲

Мамлакатимиздаги мустақил ривожланиши шароитида рўй берадётган чуқур ижтимоий ўзгаришлар ўзбекистонликларнинг менталитетида янги миллий давлатчиликни қарор топтириш жараёнларини жадаллашиб юборди. Нафақат бу, балки, энг асосий демократик тамойиллардан бири бўлмиш толерантлик давлат даражасидагина эмас, шахслар, гуруҳлар даражасида ҳам тобора юзага чиқиб бормоқда, толерантлик эса турли этник гуруҳларга мансуб кишиларнинг турмуши тарзига, феъл-автори, ҳис-туйгулари, фикр-ўйлари, гоялари ва диний қарашларига ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлишини билдиради.

Миллатлараро муносабатлардаги янги тизимнинг қарор топиш жараёнларини ўрганишдан кузатилган мақсад аҳолининг барча ижтимоий гуруҳлари, айниқса, ёшлар ўртасида шундай муносабатларнинг ҳолати ҳақида яхлит ва тўлиқ тасаввур олишдан иборат.

“Муболагасиз айтиш мумкинки, - дея таъкидлаган эди Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов, - бизнинг

келажсагимиз, мамлакатимизнинг келажаги бизнинг ўрнимизга кимлар келишига, ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрлар тайёрлашимизга боллиқ ”<sup>1</sup>.

Давлатнинг бутун диққат-эътибори мазкур муаммога қаратилганилиги, чунончи ёшларни тарбиялашга янги ёндошувлар белгилаб берилганилиги ва бу ишда, аввало, маънавиятни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга ургу берилганилиги ёш авлодга муносабат тубдан ўзгарганлигидан далолат беради. Халқ турмушининг ижтимоий, сиёсий, маънавий, иқтисодий, ахлоқий эҳтиёжлари, демократик жамиятни ривожлантириши истиқболлари ана шу муносабатларга асос қилиб олинган.

Демократик ислоҳотларни амалга ошириш, таъсирчан миллий сиёсат юритиш учун ёшлар орасидаги миллатлараро муносабатлар қай ўйсунда ўзгараётганлигини синчиклаб ўрганиш методологик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эгадир. Аҳолининг сони ва таркибини билдирувчи кўрсаткичлар бундай хулоса чиқариш учун асос бўлади. Масалан, Ўзбекистоннинг йигирма етти миллионли аҳолисидан 60 фоизи 25 ёшга етмаган йигит ва қизлар бўлса, шундан 43 фоизини 16 ёшдаги ўсмирлар ташкил қилди.

Миллий жараёнларнинг моҳиятини тушуниш, ёш авлод тарбиясига оид таъсирчан сиёсатни ишлаб чиқиши, ёшлар орасида миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириши методларини яратиш учун ҳам миллатлараро бағрикенглик муаммоси бениҳоя муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги дунёда маданий алоқалар кенгайиб бораётганлиги сабабли, турли маданиятлар ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлиги муаммоси долзарб вазифа қилиб қўйилмоқда. Ўзаро маданий алоқа ва бу соҳада ҳамжиҳатлик гоят мураккаб жараён бўлиб, хилмажил мантиқий ва маънавий таркибга эгадир, бу ҳолатни инкор қилиш кўпинча мураккаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Эндиликда инсоният “биз яшаб турган дунё қандай бўлиши керак”, “қон тўклишишига, экстремизмга, одамлар ўртасидаги адоватга қандай қилиб барҳам бериши керак”, деган масала устида тинимсиз бош қотирмоқда<sup>2</sup>. Алоҳида ҳар бир одамни ва умуман жамиятни ўзидан бошқа шахс ва жамиятларни салбий даражада талқин этмаслик, ўзгалар фикрига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиш - демократик, ҳуқуқий жамиятнинг энг асосий

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиљмоқда. — Т.: Ўзбекистон, 2000, 15-бет.

белгиларидан бири эканини тушунниш руҳида қандай қилиб тарбияламоқ керак, деган масала ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Бағрикенглик, яъни толерантлик инсоннинг онги ҳаётида ва жамиятнинг менталитетида янги онг, шуурни пайдо қилиб, устивор аҳамият касб этмоқда.<sup>4</sup> Толерантлик тұғрисидаги замонавий концепция яқиндагина пайдо бўлиб, бу тушунчани шакллантиришда ЮНЕСКО кўп куч-қувват сарфлади. Жумладан, 1995 йилда ушбу ташкилот томонидан қабул қилган “Толерантлик тамоѝллари декларацияси”да толерантлик фуқаролик жамиятининг қадрияти ва ижтимоий нормаси, дея таърифланди.

Ҳозир дунёдаги мамлакатларнинг аксарияти кўпмиллатли, кўп маданиятли характерга эга. Таъкидлаш жоизки, Узбекистон Республикаси ҳам айнан шундай мамлакатлар жумласига кириб, ушбу ҳол фуқаролар ўртасидаги тинчлик-тотувлик ҳамда миллатлараро ҳамжиҳатликни сақлаб қолишига тўсқинлик қилмайди.<sup>5</sup>

Жаҳон тажрибасидан маълумки, давлатнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан миллатлараро муносабатлардаги турли муаммоларни ҳал этиши қобилиятига боғлиқдир. Кейинги вақтларда, глобаллашиб бораётган дунёдаги мөжаролар, шу жумладан миллатлараро низолар кучаяётган бир шароитда, бу муаммо айниқса муҳим ўринга чиқиб боряпти. Шу муносабат билан миллатлараро тотувлик ҳар қандай кўпмиллатли давлат учун ҳал қилувчи омил сифатида аҳамият касб этмоқда.

Одамларнинг дунёқараш, фикрлаш тарзига асосланувчи мураккаб ҳодиса бўлмиш миллатлараро муносабатларнинг ҳолати ва ривожланиши кўп жиҳатдан мамлакат аҳолисининг бағрикенглик даражасига боғлиқдир. Миллатлараро толерантлик унинг устивор жиҳатларидан биридир.

Толерантликни ривожлантириш одамлар ўртасида доимий мулоқотни йўлга қўйишни кўзда тутади. Шу сабабли ҳозирги глобаллашиб бораётган дунёда толерантликни оммалаشتаришга, кишиларнинг инсонпарварлик тафаккури ва феъл-атворини такомиллаشتаришга, ўзгаларга ётсираш билан қараш (ксенофобия)га қаршилик қилиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга интигурувчи турли ноҳукумат ташкилотлар, фуқаро гуруҳлари ва айрим ташаббускорлар ҳаракат қила бошлидилар.

XX асрнинг иккинчи ярмида толерантлик муаммоси ҳалқаро тус олди, чунки бу муаммонинг ижсобий ҳал этилиши ҳалқлар ўртасидаги ва мамлакат ичидаги кўпгина мөжаролар түгунини

ечиб юбориши имконини беради. Чунончи, бир-бирига сабр-тоқат билан қараш, бир-бирининг ўзгача яшаш ҳуқуқини тан олиш, айрим ижтимоий субъектларнинг мутлоқ ҳақиқат тушунчасини тан олиш тўғрисидаги фикрига қўшилиш соҳасида муайян ҳамжисхатлик бўлмаса, ўзаро мозкаролашувчи томонлар ўртасидаги муроқотда муросага эришиб бўлмайди.

Толерантлик муаммосига катта аҳамият берилаётганини шундан ҳам билса бўладики, жаҳон ҳамжамиятигининг бу ҳаётий муаммога эътиборини жалб қилувчи кўпгина халқаро тадбирлар утказила бошлади, жумладан, 1995 йилни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бағрикенгликка бағишлади. Бу тадбирларда толерантликни ривожлантиришга кўмаклашувчи шартшароитларни яратиш ўйлари изланмоқда, бу муаммони ҳал этишига халақит бераётган омилларни бартараф этишига ҳаракат қилинмоқда. Ҳозирги дунёning глобаллашиб бораётганлиги ана шундай омиллардан биридир. ↗

Глобаллашув жараёнининг моҳияти ҳам одамлар, ҳам давлатлар ўртасидаги ўзаро алоқа ва ўзаро боғлиқликнинг ҳаддан ташқари кенгайиб ва мураккаблашиб бораётганлигидан иборатдир. Чунончи дунё миқёсидаги аҳборот макони, капиталлар, товарлар ва ишчи кучларининг жаҳон бозори вужудга келмоқда, табиий муҳитга техноген таъсир муаммоси, миллатлараро ва динлараро низолар ва ялти хавфсизлик муаммоси чигаллашиб кетмоқда.

Ҳозирги дунёning глобаллашуви жараёни инсониятга дунё хилма-хил ва айни вақтда ягоналигини ҳамиша ёдга солиб турмоқда. Маданиятлар хилма-хил эканлиги сабабли айни бир хил жараёнларга ёндошувлар ҳам турли-тумандир, аммо бу нарса аниқ ижтимоий субъектлар учун ҳам, бутун дунё учун ҳам хавф солиши мумкин.

Глобаллашув жараёнида инсониятнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб, унинг бундан буёнги тақдирни учун масъулият англаб олинаётганлиги эса толерантлик маданиятининг шаклланишига шак-шубҳасиз имкон бермоқда.

Иқтисодий ўзаро боғлиқлик, аҳборотнинг глобаллашуви ва хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқлик ҳозирги дунё глобаллашувининг ўзига хос хусусиятларидир.

Толерантлик — бошқаларнинг фикрига, қарашлари ва ҳаракатларига тайри табиий тарздаги пассив тобелик эмас; итоаткорона сабр-тоқат қилиши эмас, балки фаол маънавий позициядир; этнослар, ижтимоий гурӯҳлар ўртасидаги ҳамжисхатлик

йўлида, ўзга маданий, миллий, диний ёки ижтимоий муҳит кишилари билан ижобий ўзаро муносабат йўлида бағрикенгликка руҳий тайёрликдир.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш тарихи янги юз ишлек билан, дунёда миллатлараро ва динлараро адоват бениҳоя ишлек олган юз йишлик билан бир пайтга тўғри келди. Бизнинг кўз унгимизда бутун-бутун давлатлар барбод бўлмоқдаки, бунинг асл сабаби мазкур давлатлардаги миллий манфаатларнинг түқнашувиdir. Шу сабабли биз Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи миллатлараро ҳамжиҳатлик ва тотувлик, тинчлик ва барқарорлик деганимизда, бу гап шунчаки ҳаммага маълум бўлган ҳақиқатгина бўлмай, балки бу ҳозирги нотинч дунёдаги республиканинг катта муваффақиятидир.

Дунёдаги этник можароларнинг сабаблари кўп бўлиб, шу можароларнинг аксариятига учта асосий муаммо сабаб бўлмоқда:

1. Глобаллашув халқларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтиради, барча жамиятларнинг янги технология ютуқларидан баҳраманд бўлишларига имконият яратади, иқтисодий тузилмаларни тубдан ўзгартиради, дунёни ягона коммуникацион тизимга айлантиради, шу билан бирга у кўп кишиларда ўзининг тарихий илдизларидан — миллий хусусиятлари, тили, маданий ва диний анъаналаридан маҳрум бўлиш хусусида табиий хавотирлик ўйғотади, бу туйғулар баъзан ўзга этник ва диний қадрият ҳалларига қаршиликни юзага келтиради.

2. Глобаллашув оқибатида айрим миллий давлатларда ички зиддиятлар кучаймоқда, давлат чегаралари йўқолиб бормоқда, шу чегаралар орқали жамиятга цивилизация неъматларигина эмас, кўпгина умумжсаҳон хавф-хатарлари ҳам кириб келмоқда.

Мамлакат ташки сарҳадларини ҳимоя қилишга, ҳарбий хавф-хатарни даф қилишга қаратилган аввалги хавфсизлик воситалари эндиликда халқаро терроризм ва диний экстремизм, наркотиклар транзити ва одамлар савдоси каби даҳшатли иллатларга қарши курашда етарлича самара бермай қўйди.

“Халқларнинг кўчиши” деб аталган янги жараён бир томондан полегал миграция муаммосини кескинлаштирса, иккинчи томондан у дунёдаги кўпгина давлатларнинг аввалги бир миллатли негизини емиришга олиб бормоқда. Ҳозирги этник жиҳатдан хилмачил жамиятларда давлат ва жамиятни жиспласиширувчи ўзакларни топиш жуда қийинлашмоқда, аммо халқлар миллий давлатларни сақлаб қолиш принципларидан чекинишни хоҳламаятилар.

Дунёниг кўпгина мамлакатларида этник мавзуни рўкач қилиб, ундан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишига интилаётган турли-туман миллий ҳаракат ва партиялар фаол ҳаракат қилмоқда, миллий озчиликларга, мигрантларга нисбатан чекловчи чоралар кўришга чақираётган сиёсатчилар айрим жойлардаги сайловларда овозларнинг бир мунча қисмини олиб, жамиятлардаги миллатлараро кескинликни кучайтирмаоқдалар. “Рақибингнинг далил-исботлари қолмагач, миллатингни суриштира бошлиди” деб бежиз айтмаганлар. Шуни ҳам айтиши керакки, кўпгина замонавий давлатлар ички миллатлараро кескинлик оқибатида узоқ вақтдан бери парчаланиши хавфи олдида турибди.

3. Ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ҳал этилмаганлиги кўп жойларда миллатлараро можароларни келтириб чиқармоқда. Дунёниг кўпгина минтақаларидағи ривожланишида мутаносиблик бузилганлиги аён бўлиб, ҳатто бир жамиятнинг ичидаги ҳам кишиларнинг ижтимоий ҳолати текис даражада эмас. Камбағаллик, ишсизлик, ресурслардан фойдаланишининг чекланиши, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилмаслиги, саводхонлик даражасининг настлиги кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шу ўринда “Нафрат — камбағалларнинг ғазаби” деган ибора ўз ўринда аитилганлигини шоҳиди бўлиши мумкин. Ер юзида саккиз юз миллионга яқин киши очликда ҳаёт кечиради, бир миллиондан кўпроқ киши, яъни инсониятнинг бешдан бир қисми кунига бир доллардан ҳам камроқ пул топади. Ер юзи аҳолисининг атиги 20 фоизи қўлида улкан ҳажмдаги бойлик тўпланган. Бундай адолатсизлик ҳозирги дунёда бошқа халқларнинг вакилларига нисбатан экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари тарзидаги ўткир можароларни келтириб чиқармоқда.

Шундай қилиб, бизнинг давримизда дунёдаги миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилиди. Инсоният миллатлараро иноқликнинг ҳаммабон (универсал) формуласини ишлаб чиқмаганлиги ХХI асрнинг энг мушкул муаммоларидан биридир. Мазкур муаммо жуда катта вайронагарчилик кучига эга бўлиб, дунёдаги кўпгина хавф-хатарлар ва таҳликаларнинг асосидир.

Экспертларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, 2003 йилда дунёда асосан миллий-диний сабабларга кўра ўн тўртта маҳаллий уруш ва ўнлаб қуролли можаролар рўй берганлиги қайд этилган. Тажсовузкорлик ва миллий адоват кўпинча ўз миллати ва дини устунлигини таъкидлашдан иборат ички истак туфайли келиб

чиқади.

Бизнинг келажак авлод фарзандларимиз глобал дунёда яшаб, ўз вақтида турли мамлакатларга бор ҳақиқатнинг ғувоҳи бўладилар. Улар дунёни миллатлар ва ирқларга, динларга бўймайдилар, осойишта тинч ҳаётнинг гарови мана шундан иборат, шу боисдан ҳам ёшларни байналмилалчилик руҳида тарбиялаш керак.

Биз доимо жаҳон тараққиёти билан бирга одим ташламоғимиз, мамлакат олдида турган амалий вазифаларни ҳал этишда кўп миллатли жамиятимизнинг хусусиятларини зътиборга олишимиз зарур. Бошқача қилиб айтганда, олга ҳаракатнинг белгиловчи омили бўлмиши миллатлараро иноқлик тажрибасини доимо назарда тутиб, шунга амал қўлмоқ лозим бўлади. Жамиядта толерантликнинг роли ва аҳамияти унинг моҳиятидан келиб чиқади. Айни одамлар асосий оммасининг турли мафкуравий назарияларга, маънавий, диний қарашларга, маданий ҳодисаларга, турли миллат кишиларига ва шу кабиларга муносабат йўналиши ва даражаси ижтимоий барқарорликни кўп жиҳатдан белгилаб беради. Толерантлик фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий-ахлоқий принципидир. Ҳар бир алоҳида кишининг толерантлик даражаси кўп жиҳатдан унинг шахсий сифатларини, маънавий стуклиги ва маданиятини, унинг бошқа кишилар билан муносабатини билдиради. Ҳозирги кунга келиб - толерантликни шакллантириш муаммоси долзарб жиҳатга эга бўлмоқда. Бунинг исла ўз навбатида кўпгина сабаблари мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат: жаҳон цивилизацияси иқтисодий, ижтимоий, ахлоқий ва шу каби бошқа белгиларга қараб тез табақалашиб бормоқда ҳамда шу муносабат билан ўзгаларга тоқатсизлик, диний экстремизм; маҳаллий урушлар оқибатида миллатлараро муносабатларнинг кескинлашуви; қочоқларга оид муаммолар, маънавий парадигмаларнинг ўзгариши ва ҳоказо ҳолатлар шу жумлага киради.

“Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик” деб аталган маҳсус курснинг мақсади аввало толерантлик тушунчаси моҳияти ва аҳамияти, ҳозирги вақтда толерантлик принципларини ўрганиш заруриятини очиб беришдан иборат. Шу билан бирга мазкур курсда Ўзбекистондаги бағрикенгликнинг тарихий илдизлари ва ўзбек халқининг менталитетини изоҳлашга ҳаракат қилинади.

Ўзбекистонликларнинг миллатлараро ҳамжисҳатлиги ва

бағырынгылықтың давлаттамыз барқарорлыгининг асосицидир. Күрснинг вазифасы барча тарихий босқычларда миллатлараро муносабатлар тарихини, бу соңадағы ютуқлар ва нұқсанларни үрганишдан иборат. Курсда жумладан, тарихий-демографик муаммолар ҳам ёритилади.

## **Биринчи мавзу. Толерантлик — фуқаролик жамиятининг меъёри ва қадрияти**

- 1. Толерантлик тушунчаси, унинг моҳияти.*
- 2. Шарқ ва гарб мутафаккирларининг асарларида бағрикенглик (толерантлик) муаммоси.*

*Ҳозирги дунё глобаллашув, ўзаро боғлиқлик ва интеграция, ижтимоий тузилмаларнинг ўзгариши, ижтимоий ҳаёт фаолияти шаклларининг тобора бир хиллашуви, кенг миқёсли миграция ва урбанизация шароитида яшаб турибди.*

*2000 йилнинг сентябрида Бирлашган Миллатлар Ташкилотида минг йиллик Саммити бўлиб ўтди, унга тўпланган дунёдаги кўпгина мамлакатларнинг раҳбарлари инсоният олдида турган ва цивилизацияни сақлаб қолиш мақсадида кечиктирмай ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммоларни белгилаб олдилар<sup>1</sup>. Жаҳон раҳбарлари глобаллашувни<sup>2</sup> олдимиизда турган энг муҳим муаммо, деб таърифладилар ва БМТ ни бутун инсониятнинг ноёб умумий ўйи деб атаб, тинчлик, ҳамкорлик ва тараққиётга бўлган ялпи интилишни шу йўлда рӯёбга чиқаришга интилајжаларини билдиридилар. Шу билан бирга глобаллашув дунёдаги барча ҳалқлар учун ижобий омил бўлиб қолишини таъминлаш, инсоният олдида турган бош вазифа эканлиги таъкидланди.*

*«Аммо, ҳозирда унинг неъматларидан бир текис фойдаланимаяти ва унинг нуқсонлари ҳам бир текис тақсимланмаяти» дея, таъкидланди Саммит декларациясида. Бу*

<sup>1</sup> Мингйиллик Саммит Декларацияси мислсиз учрашувларнинг учинчи куни охирида икдиллик билан қабул қилинди. Бу — жаҳон давлатлари раҳбарларидан тарихда энг күп киши қитнишган учрашув бўлди. Сессия ишида юз нафар давлат бошлиги, қирқ етти нафар ҳукумат бошлиги, уч нафар валиаҳд шаҳзода, беш нафар вице-президент ва бош вазир ўринбосари, шунингдек саккиз минг делегат, беш минг беш юз журналист қатнишди.

<sup>2</sup> Глобаллашув (французча *global* — умумий) — бутун инсониятни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий ўзаро муносабатлар билан қамраб олиш жараёни. Глобаллашув ҳозирги дунёнинг ҳодисаси сифатидан турлича таъкидни ётилади ва баҳоланади. Бу иборани ҳалқаро ҳамкорликдаги маъмурӣ-сиёсий тўсикларни олиг ташлаш, молиявий оқимлар, ахборот ва технологияларнинг бутун дунёга тарқалиши, деган маънода тушунувчи кишилар бу жараённи кам ривожланган мамлакатлар учун ривожланган мамлакатлар даражасига етib олиш имконини берадиган ижобий ҳодиса деб биладилар. Глобаллашув тушунчаси айрим мамлакатларга, аввало, АҚШга бошқалар ҳисобидан турли манфаатлар олиш имконини берадиган янгича мустамлакачилик ва эксплуатация жараёни деб, иқтисодий, ахборий, сиёсий ва бошқа имкониятларни яратувчи восита деб билувчи кишилар эса, уни салбий ҳодиса деб тушунадилар. Глобаллашувда биринчи тамомил ҳам, иккинчи тамомойил ҳам мавжуд булиши ҳамтимол. Глобаллашув объектин жараёй бўлиб, энди уни тўхтатиб бўлмайди (Мельник В.А. Современный сканар по политологии. — Минск, 2004. 57-58 бетлар).

хужжатда бутун инсоният учун жуда катта ахамиятга эга бўлган олтига қадрият таърифлаб берилган. Булар эркинлик, тенглик, бирдамлик, масъулият туфайли бўлинган табиатга ҳурмат билан бир қаторда толерантлик ҳам халқаро муносабатларнинг асоси сифатида тилга олинган.

Бироқ, баҳтга қарши, инсоният XXI асрга қадам қўйган пайтда ер куррасининг турли минтақаларида зўравонлик ҳаддан ошиб, халқаро терроризм кучайганлиги ҳам қузатилди. Ҳозирги пайтда кўпинча этник, диний, мағкуравий тафовутлар экстремистик феъл-автор шакллари учун баҳона бўлмоқда. Ўз ғаразли мақсадларини кўзловчи муайян сиёсий кучларнинг ғаламисликлари эса вазиятни тобора кескинлаштироқда. Экстремизмнинг кучайиши эса тинчликка, инсониятнинг барқарор ва хавф-хатарсиз ривожланишига таҳлика солувчи янги хавф-хатарлар орасида олдинги ўринлардан бирига чиқиб олди. БМТ эълон қилган ғоялар, олий мақсадлар ва тамойиллар билан сиёсий-миллий, иқтисодий ва бошқа мақсадларга эришиши мақсадида зўравонликнинг яшовчанигини кўрсатувчи ҳақиқий жараёнлар орасида катта тафовут борлиги яққол кўриниб турибди. Инсоният жамият тинч ҳаётига ва халқаро барқарорликка таҳлика солаётган глобал хавф-хатарлар орасида тадқиқотчилар, аввало, қўйидағиларни кўрсатиб ўтмоқдалар:

- этник-миллий можаролар;
- озчиликка нисбатан камситувчанлик;
- айниқса қочоқлар ва мигрантларга қарши ксенофобия ҳаракатлари;
- ирқчилик ташкилотлари ва мағкуралари ҳамда ирқий жабр-зулм ҳаракатлари;
- диний экстремизм;
- фикр эркинлиги ва ифодалаш эркинлигини талаб қилувчи зиёлиларга, бошқа шахсларга қарши зўравонлик ва қувғинлар;
- айрим жамоат гурӯҳларини жиноятчилик, ишсизлик, соғлиқни сақлашнинг ёмонлиги каби ижтимоий иллатларнинг айбори деб ҳисоблайдиган сиёсий ҳаракат ва идеологиялар томонидан ўтказилаётган адоватчилик сиёсати;
- ҳимоясиз гурӯҳларни маргинализациялаш<sup>1</sup> ва жамиятдан

<sup>1</sup> Маргиналлик — ўз гурӯҳи, уюшмасидан ташқарида бўлиш, умум қабул ётилган мебёrlар, тушунчалар чегарасидан чиқиши.

бадарға қилишда ёки мазкур гурұхларға қарши камситиш  
ва зұравонликда намоён бұладиган муросасизлик  
(нотолерантлик).

Муросасизлик ҳозирғи дүнөнінг эң катта глобал  
муаммоларидан бирига айланди. Бунинг мөхияти айрим кишилар  
на маданияттар үртасидаги тафовутларни инкор қилиш ва  
бостиришдан иборат. Жамоавий, институционал ва ҳатто давлат  
пүктәи назари даражасында күтарилған муросасизлик демократия  
тамойилларини құпоради ҳамда инсоннинг шахсий ва жамоавий  
жүйеклери бузилишига олиб боради<sup>1</sup>.

Глобаллашув толерантлик муаммосынан янги сифат ва үткірлик  
бахш этади. Олимларнинг таъқидашыча, “турли маданияттар,  
диналар, цивилизациялар аввал ҳам үзаро мұлоқотда бұлған, айни  
нақтада күтінчә кескін адоварат ва муросасизлик рүй беріб турған.  
Аммо буларнинг асосий манбалари ҳудудий жиһатдан бұлған,  
бір-биридан ажратылған қолатда бұлған. Эндилекда миграция  
әкімлары мавжуд түсіктерден ошиб үтмоқда, турли маданият ва  
турмуш тарзларини жағон майдонидаги ягона маконга  
жинслаштырылады. Ижтимоиј үзаро мұносабатларнинг бир-бирига  
сингіб борувлы тиғиз тармоги вужудда келмоқда. Ана шундай  
шароитдаги нотолерантлик кескінлікни күчайтириб, миллий  
даражада ҳам, жағон даражасыда ҳам ижтимоиј тұзумларнинг  
жайт фаяолиятінде түсінілік қылмоқда”<sup>2</sup>.

Сиёсатшунос В.Лосанонинг таъқидашыча, “Нотолерантлик  
инсониятни ғұрга тиқади, шу сабабли ҳозир нотолерантлик  
муаммоси халқаро ақамиятга зәға бўлиб қолди. Юз йилліклар ва  
ҳатто минг йилліклар давомида вужудда келған буюк  
цивилизациялар, деб таъқидалайди сұнгра у, чамаси, яқин  
келајакда йўқ бўлиб кетмайди, деб ўйлайман. Шу сабабли турли  
инсоний ҳамжамияттар үз ораларидаги тафовутларға қарамай,  
биргаликда яшамоқлари керак. Модомики шундай экан, бирмунчада  
ривожланған цивилизациялар үз тамойиллари, үз қадриятлари  
бидан-бір түғри эканлигига ишонч билан бошқа ривожланиб  
бораётган цивилизациялар устидан ҳукмронлик қилишга беҳуда  
уринмасынлар, бир-биридан устун бўлған цивилизациялар йўқ.  
Муайян мамлакатда туғилиб ўсган кишилар учун мақбул бўлған

<sup>1</sup> Карап: Тишкиев В.А. Оттолерантности // Толерантность и согласие. Материалы международной конференции «Толерантность, взаимоотношения и согласие». Якутск, июнь, 1995 г. — М., 1997, 17-бет.

<sup>2</sup> Толерантность // Под ред. М.П. Мчедлова. — М., 2004, 279-бет.

бір цивилизациянинг тамойиллари, қадриятлари ва дини мавжуд бўлиб, у қолган бутун инсоният учун маъжбурий эмас”<sup>1</sup>.

Салбий тамойилларнинг кучайиши толерантлик маданиятининг қарор топишига кучли эҳтиёжни вужудга келтирди, камситувчанликка қарши ва толерантлик учун ижтимоий ҳаракатни юзага чиқаради. Турли мамлакатларнинг олимлари, сиёсатчилари, жамоат арбоблари толерантлик муаммосини идрок этишга ва доимий ўзгариб бораётган ҳозирги дунёда унинг ўрнини аниқлашга эътиборни қаратдилар.

Хўш, толерантликнинг ўзи нима? Ҳозир бу тушунчага қандай маъно берилмоқда? Аввало шуни айтиб ўтмоқчимизки, толерантликнинг тарихи кўп жиҳатларни ўз ичига оловчи мураккаб тушунча бўлиб, бу хусусда тадқиқотчилар ҳамон бир фикрга келган эмаслар.

Илмий жамиятшунослик адабиётида толерантликнинг маъносини турли олимлар фалсафа, этика, социология, сиёсатшунослик, психология, маданиятшунослик, ҳуқуқ, ва бошқа ижтимоий фанларнинг категория аппарати воситаси орқали таърифлайдилар.

Толерантлик сўзи лотинча (*tolerantia*) сўзидан олинган бўлиб, сабр-тоқатни билдиради<sup>2</sup>.

Хорижий сўзлар лугати толерантлик тушунчасининг маъноларидан бирини сабр-тоқат, кимгадир, нимагадир ҳурмат-эҳтиром деб талқин этади.

Москвада нашр этилган янги энциклопедик лугат бу тушунчани учта маъносини баён этади, бу маънолардан бири толерантлик атамасини ўзгаларнинг фикрлари, динлари, феълатворига сабр-тоқат билан қарашиб деб ифодалайди<sup>3</sup>.

Оксфорд лугати толерантликни “шахс ёки буюмни норозиликсиз ёки аралашувсиз қабул қилишга тайёрлик ва қобиллик” деб таърифлайди<sup>4</sup>.

Таниқли россиялик олим В.А. Тишков бу соҳада қўйидаги

<sup>1</sup> Ф. Лосано. Толерантность — важнейший принцип равноправия / Право и образование, № 1(2), 2000, [www.tuh.ru](http://www.tuh.ru).

<sup>2</sup> Аммо бу ерда шуни эслатиш керакки, рус тилида толерантлик ёки сабр-тоқат тушунчаси сабр қилиш ёки сабрлилик маъносини билдирамайди.

<sup>3</sup> Лугатда толерантлик сўзининг табиий фанларда ишлатиладиган бошқа таърифлари ҳам берилган. Жумладан, толерантлик атамаси биология ва тиббиётда ишлатилади. Қаранг: Новыи энциклопедический словарь. М., 2004, 1216-бет.

<sup>4</sup> Қаранг: Тишков В.А. От toleranceности // Толерантность и согласие. Материалы международной конференции «Толерантность, взаимопонимание и согласие». Якутск, июнь, 1995. М., 1997, 19-бет.

таърифни беради: “сабр-тоқат, ошкоралик ва эркин фикрлаш хислатидир. Шахсга ёки жамоатга тегишили бўлган бу тавсиф дунё на ижтимоий муҳит кўп қиррали эканлигини, бинобарин бу дунё ҳақидаги қараашлар турлича бўлиб, бу турликдан иборат қилиб қўйилмаганилиги ёки бирор кимсага хизмат қилиши керак эмаслигини билдиради”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида толерантликка қўйидагича таъриф берилган: “Бағрикенглик, ўзгаларнинг турмуш тарзи, ҳулқ-автори, одатлари, ҳис-туйғулари, фикр-мулоҳазалари ва тоялари ва эътиқодларига нисбатан тоқатли бўлиш”.

Ҳозирги вазиятда сиёсий толерантлик тушунчасини аниқлаб олиш муҳимдир. Москвада нашр этилган сиёсий энциклопедия бу тушунчани қўйидагича талқин этади “Сиёсий толерантлик — ўзгаларнинг фикрлари, эътиқодлари, урф-одатларига сабр-тоқатли бўлиш. Сиёсий толерантлик — ижтимоий ҳаётда фаол қатнашувчи, давлат ичидаги ҳам, давлатлар ўртасида ҳам тартибли, маданий муносабатлар зарурлигини англайдиган барчага нисбатан қўйиладиган талаб. Толерантлик тамоилига оғишмай риоя этиши шахслар, жамоат ташкилотлари партиялар билан давлат ўртасида натижали алоқалар ўрнатишнинг биринчи шарти. Хоҳ ташкилотлар, партиялар ёки давлатлар бўлсин, томонлар ўртасида ихтилофга сабаб бўлувчи кескин сиёсий муаммолар хусусида музокаралар юритиши пайтида сабр-тоқатли, толерантли бўлиш қобилиятни алоҳида муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай ҳолатларда толерантлик асло заифлик эмас, балки шундай қобилиятни намоён қўлувчи томон учун кучли, объектив жиҳатдан ижобий ва манфаатли фазилатдир. Толерантлилик қобилиятни ўзга томоннинг барча фикр-мулоҳазалари ва далил-исботларини тинглаш, уларни пухта мушоҳада қилиш, ўзга томоннинг нуқтаи назарига холисона ёндошиш, унинг ёндошувидағи заиф ва кучли жиҳатларини аниқлаш, сўнгра шунга мувофиқ равишда ўз нуқтаи назари ва тактикасига тузатиши киритиши имконини беради. Сиёсий толерантлилик бўлмаса сиёсий иқтисодчиларни излаб топиш амри маҳол”<sup>2</sup>.

Ирқчилик — ксенофобия, диний адоват, терроризм, ҳар хил турдаги экстремизмга фаол қарши туриш толерантликка хос

<sup>1</sup> Карап: Тишков В.А. О толерантности // Толерантность и согласие. Материалы международной конференции «Толерантность, взаимопонимание и согласие». Якутск, июнь, 1995. М., 1997, 19-бет.

<sup>2</sup> Политическая энциклопедия в двух томах. М., 1999. Т.2. 504-бет.

хусусиятдир, деб хулоса қилишади тадқиқотчилар<sup>1</sup>.

Этник толерантлик таърифига ҳам тұхталиб үтиш мақсадда мұвоғиқдір. “Этник толерантликни, деб ёзади Н.М. Лебедева, үзга этник маданиятга салбий муносабатнинг йүқлиги деб, аниқроғы эса, - үз маданиятини ижобий идрок этган ҳолда үзга маданиятга ижобий муносабатнинг мавжудліги деб тушунмоқ керак. Бунинг маңындық шуки, этник толерантлик үз маданиятидан воз кечиб, үзга маданиятга құшилиб кетиш эмас, балки үзига хос этносларапо интеграциядір, бунда үз этник маданиятини ҳам, шүнингдек мазкур гурух билан алоқа қыладыған үзга гурухнинг этник маданиятига ижобий муносабат тушунилади. Гурухлар идрок этишининг үхашағынан ана шундай тушуныш этник маданияттар қадрият тенглигі ҳамда бир маданиятнинг иккінчисідан ағзал деб ҳисоблашига йўл қўймаслик таомилига асосланган бўлади”<sup>2</sup>.

Муроса тушунчаси муросасизлик тушунчасининг аксиидир. Москвада чоп этилган атамашунослик луғатида ёзилганидек: “Муроса — қийинчиликларга бардош бериш қобиляятыда ва турли манфаатлар, эътиқодлар, урф-одатларни үзаро англаш ва унга рози бўлишга интилишда намоён бўладыған характер белгисидир. Муроса үзгаларни фикрини ҳурмат қилишни назарда тутади. “Муросасизлик қийинчиликларга бардош бера олмасликда, инсоннинг үз туйғулари, тасаввурлари, эътиқодлари, урф-одатларига мос келмайдыған ҳамма нарсага эътиroz билдириш одатида ифодаланади. Муросасиз киши муқобил мулоҳазалар, фикрлар, эътиқодлар билан ҳисоблашмайди. Характер белгиси бўлмиш муросасизлик одатда маънавий тарбиядаги камчиликларнинг натижасидир”<sup>3</sup>.

Муроса билан муросасизликнинг ана шундай қарама-қарши маңындық махсус адабиётда очиб берилади. Чунончи, В.С. Глаголевнинг таъкидлашича, “Дихоталик бўлиш (иккига ажратиш) доирасида “толерантлик-нотолерантлик” тушунчаларининг нисбати “ижобий-салбий”, “муҳаббат-нафрат”, “бирлашув-адоват” каби жуфт сўзларнинг нисбатига үхшашидир. Мазмун нуқтаи-назаридан олганда эса “толерантлик” тушунчаси билан “нотолерантлик” тушунчасининг муносабати үзига хос

<sup>1</sup> Толерантность // Под ред. М.П. Мчедлова. — М., 2004, 79-бет.

<sup>2</sup> Лебедева Н.М. Теоретико-методические основы исследования этнической идентичности и толерантности в поликультурных регионах России и СНГ // Идентичность и толерантность. — М., 2002, 26-бет.

<sup>3</sup> Рижестененский Ю.В. Словарь терминов (Обществознательный тезаурус): Мораль. Нравственность. Этика. — М., 2002. 23-бет.

хусусиятга эгадир, чунки “толерантлик” ҳамиша муайян обьект (объектларга) нисбатан кечинмалар, фикр-үйлар ва ҳаракатларнинг бирмунча чекланиши мавжудлигини назарда тутади; бу чекланишинг маъноси ва йўналиши эса мавжумлигича қолаверади.

Холбуки юқорида санаб ўтилган бошқа ижобий тушунчаларнинг мазмунида аниқ шароитни ҳисобга олмай шунчаки кўриб чиқиладиган ва ҳеч қандай лимитларсиз қолаверадиган жараёнлар ва нуқтаи назарларнинг йўналишига асосий ургу берилади. “Толерантлик”да эса чеклаш, асосий императив ҳисобланади, бунда ўз психологик фаoliyatининг эмоционал, рационал ва амалий-ирода соҳаларига етарли равишда эга бўлган ва ўз кечинмалари ва ҳаракатларининг йўналишини ҳам, мазмунини ҳам назорат қила олиш учун социумда амалга ошириладиган субъект (субъектлар)нинг мавжудлигини тақозо тутади. “Нотолерантлик” эса, аксинча, танқидий-бузғунчилик ҳаракатларида тўла эркинликни назарда тутади, бу ҳаракатларнинг чуқурлиги ва давомийлиги (ҳеч бўлмаганда уларнинг ташқи кўринишлари) нотолерант субъект (субъектлар) томонидан ўзини уни бирон-бир тарзда чеклашлар нималигини билмайди”<sup>1</sup>.

Толерантликнинг тескариси муросасизлик, жанжалбозликдир. Гарчи толерантлик можароли вазиятларни ҳал қиласа ҳам, аммо ў муросага келиш йўлини топишнинг энг муҳим шарти бўлиб можароларни зўравонликсиз, тинч ҳал этиши муҳитини яратишга кўмаклашади. Динлар, ҳалқлар, синфларнинг ўзаро адовати ва келишмовчилигини билдирувчи фанатизм нотолерантликни кўчайтиради.

Шундай қилиб, толерантлик тамойили шахслар ўртасида, турли цивилизацияларга мансуб жамиятлар ўртасида, эркаклар билан аёллар ўртасида, катта ёшдагилар билан болалар ўртасида, ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида ўзаро ҳурматни назарда тутади. Ўрли зиддиятлар шароитида толерантлик – атрофдагиларга зарар отказмаган ҳолда ўзини-ўзи қарор топтиришадир. Толерантлик ҳисстуйгуларни жиловладиган онгли сергак нуқтаи назардир. “Толерантлик, деб хуоса қиласи А. Капто, шундай бир қадриятдирки у “ўзгалар билан қарама-қарши туришга эмас, балки тинч-тотув яшашга, “ўзгалар”ни инкор қилишга эмас, балки тан ошишга, зўравонликка итоаткорона сабр-тоқат билан қарашга эмас, балки уни бартараф этишга асосланади. Фаол сабр-тоқат –

<sup>1</sup> Глаголев В.С. Теоретические и аксиологические основания толерантности в международном политическом процессе. З-бет.

*тоқатсизлик, бошбошдоқлик ва ҳар қандай құлмисшларни кечириб юборишнинг ҳаддан ташқари ұукмли шаклларини қабул құлмаслиқдир*<sup>1</sup>.

Хуллас, толерантликнинг моҳиятини ҳар ким ҳар хил тушунади, баъзилар уни асосан сабр-тоқат деб тушунса, бошқалар инсониятнинг бирлиги, бошқалар ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва бошқача бўлиш ҳуқуқи деб тушунади, яна бошқалар эса толерантликни жазаваларга, номуайянлик вазиятига, можаро вазиятига чидамлилик деб тушунадилар.

Кўпгина муаллифларнинг мақолаларидан иборат бўлган монографияда толерантликнинг моҳиятига берилган таъриф бизга маъқулдир. “Агар толерантлик (сабр-тоқат) моҳиятини қисқача таърифлайдиган бўлсак, аввало шуни таъкидлаш керакки, бу — ҳар қандай жамият, ҳар қандай ижтимоий қатлам, ҳар қандай фуқаро (унинг жинси, миллати, ёши, дини ва ирқидан қатъи назар) маънавий, ҳуқуқий, сиёсий маданияти сифатидир. Толерантлик турли шаклларга: ахлоқ, феъл-автор, ижтимоий психология, онгда акс этадиган шахсий, ижтимоий шаклларга ва қонунчиликда, сиёсий амалиётда акс этадиган давлат шаклига эгадир”<sup>2</sup>.

Биз ўрганаётган предметнинг кўпдан-кўп таърифларини кўриб чиқиб, ўз асаримизда толерантликни кенг маънода — шахснинг маънавий нормаси, эътиқоди, феъл-автор модели сифатида (бунда оғир-вазминлик, муросага келишга тайёрлик назарда тутмилади), шунингдек турли ижтимоий ҳодисаларга, биринчи навбатда этнослараро муносабатларга шахсий ёки ижтимоий жавоб шаклида кўриб чиқишини мақул ҳисоблаймиз.

Маълумки, инсониятнинг бутун тарихи давомида “үзгалар”га ганимлик ва душманлик оқибатида келиб чиқкан тўқнашувлар, урушлар, қонли можаролар жуда кўп содир бўлган. Афсуски, ҳозирги дунёда ҳам толерантлик тўла-тўқис қарор топган эмас. Толерантлик зарурлигига ҳамма розидек туюлса ҳам дунёда давлат ичидаги барқарорликни, ҳалқаро ҳамкорликни қўпорадиган чуқур жараёнлар давом этмоқда, шунинг оқибатида даҳшатли ва кўпинча қонли миллатлараро, динлараро ва цивилизациялараро низолар келиб чиқмоқда. Ҳозирги тарихий вазиятда толерантлик муаммосини янгича идрок этиш долзарб вазифа бўлиб қолди, ҳозирги замон фани толерантликни турли маданиятларнинг тинч-

<sup>1</sup> Капто А. От культуры войны и культуры мира. — М., 2002, 153-бет.

<sup>2</sup> Толерантность. — М., 2004, 9-бет.

тотув яшашини шахслараро ҳамжықатликни йўлга қўядиган, унинг тарихий илдизларини тушунтириб берадиган қудратли восита деб исобламоқда.

Осиё, Европа, Африка ва Американинг ўтмишдаги кўпгина атоқли мутафаккирлари ёзib қолдирган илмий асарларда ҳам, уларининг амалий фаолиятларида ҳам толерантлик, яъни бағрикенглик руҳида иш тутганлар.

Шарқ мутафаккирларидан Абу Наср Форобий ижодида бағрикенглик гоялари юксак роль ўйнаганлигини яққол кўришимиз мумкин. Унинг “Бахт-саодатга эришув йўллари ҳақида рисола” (“Рисола фи-т тарбиҳ ала асбоб ас-саодат”), “Шаҳарни бошқариш” (“Ас сиёсат ан-мадания”), “Уруш ва тинч турмуш ҳақида китоб” (“Китоб фи маойиш ва-л хуруб”), “Фазилатли ҳулқлар” (“Ас-сийрат ал-фазила”), «Фозил шаҳар одамлари қарашилари»<sup>1</sup> сингари асарлари ўзининг бой инсонпарварлик ва бағрикенглик тамоиллари сингдирилганлиги билан муҳим аҳамиятга эгадир. Форобийнинг бой илмий мероси шуниси билан ҳарактерлики, унда барча даврларда барча жамиятлар интиладиган идеял сифатларга: фозиллар жамияти, фозиллар шаҳри ҳамда фозил инсон тушунчаси, унинг ўзига хос хусусиятларига муҳим аҳамият қаратади. Шу билан биргаликда Форобий идеалликка эришиш йўлларини ҳамда назариясини ишлаб чиққан. Идеаллик ҳақида яшви борар экан, бағрикенглик унинг ўзагини ташкил этганлигини таъкидлаб, қуйидаги мисоллар орқали келтириб ўтишимиз мумкин:

“Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи асос— инсонийликдир, шунинг учун ҳам, одамлар инсоният туркумига кирганиклари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим.

Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий дарајсадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади, у бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж сезилади...”

Шу сабабли мисол учун зарур бўлган кишиларни бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашувчи кўп кишиларнинг бирлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича штилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> М.Хайруллаев. Ўйтониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. Т.: Ўзбекистон, 1971. 42-б.  
<sup>2</sup> А.Н.Форобий. Рисолалар. Т.: Фан, 1975.

*Шарқнинг буюк қомусий мутафаккир олими Абу Райхон Беруний ижодида ҳам бағрикенгликка муҳим аҳамият қаратилиб, бу ҳол унинг бой илмий меросига ҳам сингедирилган.*

*Абу Райхон Беруний илм-фаннинг деярли барча соҳалари, шу жумладан, тарих илми билан ҳам маҳсус шугулланиб, жуда бой илмий мерос қолдирган. Унинг илм-фан, маданият, дин, фалсафа, табиий фанлар, риёзиёт, илми ҳайъат, илми нужум, геодезия, хариташунослик, тиббиёт, доришшунослик, маъданшунослик ва бошқа соҳаларда қолдирган илмий ва тарихий асарлари, олим яшаган X-XI асрларда ҳам, кейинги даврларда ҳам Ўрта ва Яқин Шарқда, айниқса, Э.Захау тадқиқотларидан сўнг гарб илм-фани, тарих фани ривожига беҳад салмоқли ва самарали таъсир кўрсатди. Берунийнинг «Ҳиндистон» асарининг илмий ва маънавий аҳамияти хусусида машҳур рус шарқшуноси барон В.Е.Розен «Бу ҳиндистоншуносликда шундай бир улуғвор «ҳайкал»ки, у ўз сирасига кўра якка-ю ягона ва унга тенг келиши мумкин бўлган бошқа асарни гарб ва Шарқнинг бутун қадимги ва ўрта аср илмий адабиётларида ҳам учратиш мумкин эмас»<sup>1</sup>, — деб ёзган эди.*

*Беруний илмий мероси инсонпарварлик ва бағрикенглик тамоийллари билан жилоланган. Шулар сирасида «қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар»<sup>2</sup> ва «Ҳиндистон»<sup>3</sup> асарлари аҳамиятлиdir.*

<sup>1</sup> Б.Розен. Рецензия на издание арабского текста «Индии», ЗВО РАО, т. III, СПб., 1881. — с. 147.

<sup>2</sup> Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар ёки асл номи «Ал-осор ул боқия мин ҳурун ул-халия». Гарчи бу асарни кўлгина олимлар, айниқса Абдулхай Носиров 1000 ўйлар атрофида Журжонда Беруний 27 ўшида ёзган деб таъқидласа-да, олмининг ўзи томонидан тузылган Фехрестидан тамомланмай қолган ва оққа кўчирилмаган асарлар қаторида санаб ўтганилиги бошқа таъкинга ўрин қолдирмайди. Қолаверса, Беруний мазкур тугалланмаган асарлар сарлаҳасида, «умримини охирги вақтлариди ёза бошлаг ҳанузечана тамом бўлмаган ва оққа кўчирилмаган китобларим» деб аниқлик киритган. Демак, бу китоб, ҳамто Маҳмуд Газнавий ҳукмронлиги даврида ҳам эмас, балки Масъуд даврида, эҳтимолки, унинг ўзни Мавдуд даврларидиа ёзилган бўлиши эҳтимолга жуда яқин. Кўлэзма матнининг биззача ўйлаб кўлёзма нусхалари ва 1878, 1923 ўйларда Лейпцигда Э.Захау нашир қолдирган арабча нашири, 1897 ўйл Лондонда нашир этилган инглизча таржимаси ўлон қилинди. Кейинчалик бу машҳур асарга қизиқиши мисливуз бўлганилиги учун ўйлаб бошқа мамлакатларда турли тиъларга таржима қилинди ва қилинмоқда. Китобининг Петербургдаги арабча нусхаси ва Тошкентдаги фурсоча таржимаси асосида М.Салаев рус тилига таржима қилиди ва 1957 ўйлда нашр этилди. А. Расулов томонидан амалга оширилган ўзбекча таржимаси, 1968 ўйли Тошкентда нашр этилди. «Ал-Осор ул-Бокия» асарининг тарихий мавзулари, маълумотлари, уларнинг муҳассал тадқиқи, таҳсифи ва баҳосини Фарб ва Шарқнинг забардаст олимлари муносиб баҳо берганлар.

<sup>3</sup> Тахқиқ-молил ҳинд мин маҳзулат мақбулат фил-аҳл-ав марзулани, ҳиндларнинг ақлга сизадиган ва симайдиган таълиматларни аниқлаш китоби — қисқача «Ҳиндистон». Бу китобининг ҳажми Берунийнинг ўзи ёзишига кўра 700 варақ бўлган. Бу китоб қўлёзмасининг номи А. Носировнинг ёзишача турли шаклларда юритилиб келинганд. Масалан, «Тарих ул-хинд», «Аҳвол ул-хинд» ёки «Ажойиб ул-хинд». Ушбу китоб олимнинг таъқидлашича, 1017-1030 ўйлар орасида ёзилди. Э.Захаунинг аниқлашича эса, асар 1030 ўйл 30 апрелдан 30

Беруний «Хиндистон» асарида айни пайтда аниқ фанларнинг мұтахассиси сифатида ҳам эңг күп дикқат қылған йұналиш қадимги әралар, тарихий тақвимларнинг түзилиши, ишлаш тартиби ва үларнинг үзиге хосликларидан иборат<sup>1</sup>.

Бу асарда ҳам Беруний үзининг қатый қоидаларига амал қыніб, барча қалқларга тенг, оқилюна, инсоний сабр-тоқат ҳамда толерантлик намоён қылди<sup>2</sup>.

Замонавий вазиятни баҳолаб, ҳамда экстремизм ва терроризмға қарши курашдаги эңг мұхым вазифаларни белгилаган қолда, уларға қарши курашда турли-туман манбалардан ғойдаланыш лозим. Үрта Осиё, жумладан Үзбекистон заминида қратылған маърифатпарварлық салохияттунинг ижтимоий-фалсафий қарашларини юзага чиқарыш, оммалаشتариш лозим. Бунда зиёдилар ижодининг йирик бағрикенглик намуналари ахамиятлидир. Улар Шарқ ва Farb мұаллифларининг меросини қайси тилде бұлишидан қатын назар, қайси ирқ ва динге әထိုးက қараласдан, ўқиб ўрганғандар. Бу Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Райхон Беруний ва күплаб үтмишдаги бошқа олим ва мутафаккирларнинг ижодида ёрқын намоён бұлади.

Күпгина йирик ватандошларимизнинг фалсафий-тарихий ижодида диний ва замонавий бағрикенглик анъанавий узвий болғанғандық мұхым ахамият касб этади. Динлараро мұносабатларға тегишли бұлған Абу Наср Форобийнинг фалсафий қарашлари, Абу Райхон Берунийнинг фикрлари, Имом ал Бухорий ва Ҳаким ат-Термизийнинг ҳадиси шарифлари ҳамда бошқа Күпгина мутафаккирларнинг асосий ғоясини бағрикенглик ташкил қылувчи асарлари мисол бұлади.

Масалан, олимларнинг таъкидлашича, Абу Наср Форобий, "улуғ хоразмлик" Абу Райхон Берунийларнинг тарихий-фалсафий фикрларининг толерантлик характеристери авваламбор турли хил фалсафий, диний ва ирқий табақаларға мансуб бұлған кенг

сенингіргача бұлған беш ой мобайнида ёзиб түгатилған. Құлесма нұсхаси Истамбулдагы Күтрулұ құтубхонасыда 1001-инвестар қақами билан сақланады. Асарнинг Ҳиндистон тарихи, шынноғызы, илмий, адабиي, диний, фалсафи, ахлюқи, бидбатлы мазҳаблар таълимнотларига оның бебақо ва нөдир мағлумотлары бутын инсониятни мудом қызықтыриб келаётғандығы учун шұдда күплаб тилларға ўғырылған ва турли мамлакаттарда ҳозирда ҳам нашр қилиш давом итмоқда. Асарнинг русча, узбекча тұлық ва эңг мұкаммал нашрлари Тошкентде 1963-1965 шындарда амалға оширилған.

<sup>1</sup> А.Ирисов. Абу Райхон Берунийнинг «Ҳиндистон» асари. Танланған асарлар, 2-ж. Т.: Фан, 1965, 17 бет.

<sup>2</sup> А.Носиров. Беруний асарларининг рұйхати (Фехрести)-Беруний-үрта асрнинг буюқ олимі 1. ҰлФА нашириети. 1950, 154, 167-бетлар.

күламдаги халқларга тушунарлы бўлганлигида намоён бўлади. Агар Форобийнинг илмий меросида қадимги юон мутафаккирларидан Платон, Аристотел, Гален, Зенон, Александр Афродизийский ва бошқаларнинг фалсафий ва табиий, илмий қараашлари битилган рисолалари кенг тарзда кўрсатилган бўлса, Берунийнинг илмий фаолиятида эса ундан ташқари, Ҳиндистон, Эрон, Марказий Осиё ҳамда Араб дунёси давлатлари ва бошқа халқларнинг фалсафий ютуқларини ўрганиш муаммолари кўтарилиган.

Бу буюк олимларнинг тарихий фалсафий фикрларининг толерантлик ҳолати диний, сиёсий, ирқий ва маъмурий чегараларга қаралмаган ҳолдаги кенгликда, балки ўзларининг ҳамда бошқа халқларнинг фалсафа тарихига оид саволлар устидаги ишлаган муаммоларига онгли равишда методологик нуқтаи назардан қараашларда кўринади. Форобийнинг фалсафий оқим ва маълумотларида берилган ҳар хил мамлакатларнинг тарихий-фалсафий жараёнларини қандайдир мафкуравий ёки маънавий диний доирага олмасдан кўриб чиқади. У обьектив фалсафий билимларга эришиш имкониятлари кафолатини нуқтаи назарларининг, қарааш ва ёндошишларнинг турли-туманлиги ва хилма хиллигида кўради. Бу эса унинг фалсафани эволюцион кўрининшида баён қилганинига намоён бўлади.

Бағрикенг бўлмасликнинг хавфлилиги тўғрисида кейинчалик Беруний ўзининг “Геодезия” деган китобида шундай деган эди, “Кимда ким ақл бовар қилмайдиган даражада мутаассибликка (жонкуярликка) берилган бўлса, у ҳамманинг ишончини йўқотади ва қарғишига қолади, унинг номи “син” ҳарфи билан тугайди”. Ушбу ҳолатда Беруний юоннларнинг номини назарда тутади. Буюк олим фандаги бундай чидаб бўлмайдиган ёндашишларни, бу экижатдан фалсафадагиларни қоралаиди ва қаттиқ танқид қиласди.

Юқорида айтилганлардан “мутаассиблар туфайли, уларга ҳамфикр бўлмаганларни таъқиб қилишларга қарши Форобийнинг довюраклиги, ботирлиги керак бўлган” деган фикрини тушуниб олса бўлади. Форобий “Бахтга етйишиш (ёки эришиш)” асарида фалсафанинг баъзи бир жабхаларини назарда тутган ҳолда шундай дейди: “Фалсафа бизга юоннлар: Платон ва Аристотелдан шундай сифатда келган”. Характерли томони шундаки, Форобий у ёки бу мутафаккирнинг фалсафий қараашларини қандайдир диний қамровда тан олиш масаласини қўймайди, балки кейинчалик ўзи эътиқод қилган ва вояга етган динга тўғри қарааш ва ишонтириш зарурлиги, бунда олийжаноблик ҳаракатларини амалга ошириш

*тарафида туриш кераклигини таъкидлайди.*

Бошқа бир халқларнинг, ўзга эътиқод вакилларининг фалсафий илм натижалари объектив ва шу билан бир вақтда бағрикенглик қарашлари тамойили Беруний изланишларида ўша динларда мавжуд бўлган шарқ олимлари ичидаги биринчи бўлиб ҳинд фалсафасига изоҳлар ёзганини кўрсатади. У ўзининг раҳбарлиги остида амалга оширилган тарихий фалсафий тадқиқотларининг методологик принциплари тўғрисида тўғридан-тўғри гапириб, айнан мана шу унинг ижодиётининг муҳим асосини ташкил этарди. Беруний диний сабабларга кўра ҳинд фалсафасини ўрганишда унинг издошларига нисбатан асоссиз айблар ишлатмаганини таъкидлайди: “Зоро ҳиндулар эътиқоди шундайки, бу уларнинг уларигагина яхшироқ кўринади ва тушунилади”. Айниқса бу уларни “Дин — бу фақатгина уларнинг эътиқоди, фан — эса фиқатгина уларда мавжуд бўлганларидир” деб уларни айبلاغандага ёрқин намоён бўлади.

Бошқа халқлар ва давлатларга нисбатан, масалан, Хоразмда Араблар истилоси, Маҳмуд Газнавийни Ҳиндистонга ҳарбий юришилари пайтида юзага келган тоқатсизлик ва зулмнинг кучайшини олдини олишни қаттиқ қоралайди. Унинг фикрига кўра бундай сиёсатнинг энг мудҳии натижалардан бири, бу илм-маърифатга, шу жумладан, фалсафий илмларга келтирадиган катта тарафдир<sup>1</sup>. Беруний ирқий камситишга асосланган ҳар қандай зулмни қоралаган ҳолда, барча инсонларнинг шаклланиш ўзаги битта асосга таянишини таъкидлаб, турли халқлар, ижтимоий гуруҳлар ва муайян инсонлар ўртасидаги тинч-тотув муносабатни амалга оширилишига ҳалақит берувчи миллий ва диний чигараланишларга қарши чиқади.

Буюк давлат арбоблари Амир Темур, Улугбек, Бобур динлар ўртасида, шиллатлар ўртасида тотувликни мустаҷкамлашга бутун умрларини бағишилаганлар ва бу соҳада муайян мудҳии муслаҳатларга ўришганликлари тарихий манбалардан маълумдир. Туркистоннинг XIX аср охири XX аср бошларидағи миллий тараққийтарвар шёлларни бўлмиш жадидлар ҳам диний бағрикенглик ғояларини руши рост ифодалаб берганлар. Уларнинг атоқли намоёндалари— Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов ва бошқалар ўз асалларида ҳам, амалий

1. Насирходжаева. Бағрикенглик — жамият барқарорлигининг асоси // Историко-физиософское наследие Фараби и Беруни в контексте проблемы толерантности (илмий-амалий иттимои-уман материаллари). Ташкент. 2003. стр. 148-149.

фаолиятларида ҳам бағрикенглик, яғни толерантлик ғояларини тарғиб қылдилар. Җунончи, А. Фитратнинг “Мунозара” ва “Ҳинд саиёхининг ҳикоялари” асарларида диний ва миллий бағрикенглик мавзуи муҳим ўрин олган.

Миллий тараққийпарвар зиёлиларимиз Россиянинг бошқа мусулмон минтақаларидағи маслакдошлари билан ҳамкорлиги ва алоқалари туфайли уларнинг фаолиятида бағрикенглик ғоялари ва амалиёти ривожланиб борди. Жадидчилик ғоясининг ёрқин намояндаларидан бири бўлмиш Маҳмудхўжа Беҳбудий, Туркистанда давлат бошқарувининг шакллари хусусидаги қизғин мунозаралар пайтида, хусусан Туркистан үлкаси Ижроия қўмиталарининг 1917 йил апрелда бўлиб ўтган қурултойида туб аҳолининг сайланган идоралар ишида тенг ҳуқуқ билан иштирок этишини қаттиқ туриб ҳимоя қилди. “Мусулмонларни қолоқ ва мутаассиб деб айтиш нотўғри бўлур эди, деб таъкидлайди у, - биз умуман бир-бирилизни яхши билмаймиз, биз биргаликда яшаётганимизга кўп бўлганий ўқ ва фақат эндигина озодлик бизни бирлаштиради, бундай бирлашувдан мусулмонлар манфаатдордирлар. Шаҳар бошқармаларини бир-биридан ажратиб қўйиши руслар учун ҳам манфаатли эмас, кўпгина шаҳарларда руслар яшайдиган қисмлар ўз эҳтиёжларини қондира олмайдилар. Руслар ёш мусулмонлар билан биргаликда ишлашлари керак. Руслар қисувга тушишдан хавфсирамасинлар. Бухоро мусулмонлари орасидаги яхудийлар 1200 йилдан бери яшаб, бойиб, ривожланиб бормоқдалар. Маданиятга ва қўшиналарга эга бўлган Овруполиклар ҳеч чўчимасинлар, ўз навбатида мусулмонларнинг ҳуқуқларини камайтириш демократия тамоилларига зид бўлур эди”<sup>1</sup>.

Жадидлар ижодида бағрикенглик ғоялари ўз даврига ҳамоҳанг тарзда баён қилинган бўлиб, бунда таълим соҳасига алоҳида ургу берилади. Улар биринчи наебатда ҳалқнинг саводини чиқариш ва жаҳон андозаси даражасида бўлишини амалга оширишга киришидилар. Жадидлар ёшларни ўқитиши учун Германия, Франция, Туркия, Миср ва бошқа мамлакатларга юбориши режсалари билан ўртага чиқдилар. Масалан, бундай таклифлар М.Беҳбудийнинг «Эҳтиёжи миллат» (1909) ва Чўлпоннинг «Дўхтири Мұхаммадиёр» (1915) сингари мақолаларида баён этилди.

Жадидлар нафақат Ватанга ва миллий қадриятларга муносабати билан, айни пайтда, умуминсоний тараққиёт ютуқларини

<sup>1</sup> Алимова Д.А. Религиозная толерантность и гуманистические идеи национально-прогрессивной интеллигенции Туркестана. // O'zbekiston tarixi. 2005, №3, 14, 18-бетлар.

тушунишда ҳам тарихий намуна бўлишлари мумкин. Улар ҳеч қачон миллий доирада чекланиб қолмаганлар ва бу ўринда уларнинг гарб цивилизацияси томон интилишларини тушуниш мумкин. Уша пайтда гарб технология ва ишлаб чиқариш даражаси жиҳатидан Шарққа нисбатан анча илгарилаб кетган эди. Жадидлар узларининг келажакдаги давлат тузилишини барча миллатларнинг бирлиги асосида масаввур этар эдилар. Бу ҳақда Беҳбудий шундай деган эди: «Биз жорий этган қонунлар яхудийларнинг ҳам, насронийларнинг ҳам, мусулмонларнинг ҳам ва умуман, барчанинг манфаатларини ҳимоя қилиши керак. Агар биз, Туркистон мусулмонлари, биргаликда ислоҳотлар ўтиказишни истасак, бизнинг шебилар, маърифатпарварлар, бойлар, руҳонийлар ва олимлар миллат ва Ватан фаровонлигига хизмат қилишлари керак...».

Юқоридаги мақоладан ҳам кўришимиз мумкинки, жадидлар ижодида бағрикенглик ғоялари муҳим аҳамият касб этган. Шу билан биргаликда бу эзгу ғояни ҳалқнинг, ёшларнинг онгига синадириш учун муҳим тадбирлар ишлаб чиққанлар.

Абдурауф Фитрат диний бағрикенглик ғоясини илгари суриб, маҳдудликни рад этади. У уламоларнинг ҳеч бир гуноҳсиз пок эканига ҳалқнинг чексиз ишонч билан қараши хунук оқибатларга олиб келишини кўрсатиш мақсадида тез-тез христианлик тарихи, жумладан инквизиция даврига мурожжат қиласди. Фикрлари исботи учун кўплаб далиллар келтиради. Чунончи, Фитрат таназзул сабабларини қўйидаги мулоҳазалар орқали кўрсатиб беради:

- Ҳақиқатдан ҳам Бухоро ва бухороликлар ҳоли жуда ачинарли бўлиб, воқеан бу худписанд уламоларнинг ишлари миллатнинг таназзулиға сабаб бўлғон»<sup>2</sup>.

Бағрикенглик, эркинлик ва барча ҳалқларга нисбатан дўстона муносабат жадидларнинг сиёсий фаоллиги юқори босқичга кўтарилишининг бош омили эди. Бу айниқса Туркистон мухторияти ғоясида яққол намоён бўлди. Мухторият жаҳон тажрибасида синовдан ўтган умуминсоний ғояларга асосланган миллий давлат қуриш йўлидаги илк уриниши эди.

Бу даврга келиб тараққийпарварларнинг диний ва миллий бағрикенглиги умумдавлат сиёсати мақомини олиб, ягона тушунчага айланди.

Лекин, жадидларнинг бағрикенглиги ислом маданиятининг аҳамиятини биринчи ўринга қўйишларига монелик қиласди. Улар

<sup>1</sup> М. Беҳбудий. Баёни ҳақиқат // Улуғ Туркистон. 1917-12-июнь.

<sup>2</sup> Абдурауф Фитрат. Ҳинд саиёҳи баёноти // Таиланган асарлар, 1-жилд. — Т., 2000, 76-бет.

жакон цивилизацияси ютуқларида мусулмонларнинг ҳам ҳиссаси борлигини ҳамиша таъкидлаб келган. Ўз мақолаларида Арасту, Афлотун, Сүкрот асарларидан кенг фойдаланган, уларга замондош фалсафий оқимлардан яхшигина хабардор бўлган жадидлар улар билан Шарқ ислом фалсафаси ўртасида муштарак жиҳатларни топди. Жадидлар маданиятлараро мулоқотнинг дунёқараши билан боғлиқ тамойилларини қаттиқ турриб ҳимоя қилди. Буни фақат замонавий жараёнлар таъсирига йўйиш унчалик тўғри эмас. Бағрикенглик Ўрта Осиёда ўзининг тарихий илдизларига эга. Кўп асрлар мобайнида бу ерда турли этнос ва дин вакиллари тинч—тотув яшаб келган. Шунинг учун ҳам жамиятнинг бир қадар илгор қисми онгида, диний ва ирқий мансублигидан қатъи назар, миллатлараро ҳамжиҳатлик ва эркинлик, атрофдаги кишиларга нисбатан дўстона муносабат мавжуд эди.

XVII асрда яшаб ижод қилган инглиз файласуфи ва сиёсий арбоби Ж. Локк (1632-1704 йиллар) либерализмнинг ғоявий сиёсий доктринасини яратар экан, черковнинг кучли цензураси шароитида толерантлик тўғрисидаги ўз фикрларини ёзди. Унинг асарларида толерантлик тушунчаси қатъий чекланган диний чегаралар доирасида бўлса ҳам, уни мустақил тушунча сифатида ифодалаб берди. Унинг “Диний сабр-тоқат тўғрисида мактуб” асари (1685-1686 йиллар) жамиятдаги толерантлик соҳасини шакллантиришида муҳим қадам бўлди. Бу асарда фуқароларга диний ибодатларда эркинлик бериш ҳуқуқи, диний жамоаларнинг тенг ҳуқуқлилиги, черковни давлатдан ажратиш тўғрисидаги ғоялар баён этилган эди<sup>1</sup>. “Айрим кишилар ўртасида бўлгани каби турли чerkovlar ўртасида ҳам ҳамиша бирон-бир ҳуқуқий устунликка йўл қўймаган ҳолда тотувлик, тенглик ва дўстлик баббаравар даражада ҳурмат қилиниши керак<sup>2</sup>”, - деб таъкидлаган эди Ж. Локк.

Француз мутафаккири Вольтер (1694-1778 йиллар) толерантлик ғоясининг таниқли тарафдори эди. Аслида, толерантлик назариясининг моҳиятини ифодалайдиган афоризмга айланниб қолган қуйидаги фикрни Вольтер айтган деб ҳисоблайдилар. “Мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман, лекин сизнинг ўз фикрингизни айтиши ҳуқуқингизни ҳимоя қилиш учун жонимни фидо қиламан”.

<sup>1</sup> «Диний сабр-тоқат тўғрисида мактуб» ёълон қилингандан кейин бошлилаган қизғин мунозара давомида Ж. Локк иккинчи, учинчи мактубларни нашр этди. Ж. Локк ўзининг тўрттинчи мактубини тугаллай олмади ва у муаллифнинг вафотидан сўнг 1706 йилда чоп қилинди.

<sup>2</sup> Локк Дж. Письмо о толерантности // Локк Дж. Собр. соч. в 3-х томах. Т.3. — М., 1988, 101-бет.

Англияда XVII асрда рүй берган воқеаларни ўрганиш натижасыда Вольтернинг бу масаладаги фикрлари шаклланди. Үшанды диний хилма-хиллик ва диний толерантлик шароитида фуқаролар ўртасыда тинчликка эришилган ва меҳрибонлик мұхити қарор топған эди. Мазкур файласуф 1763 йилда толерантлик тұғрисыда маҳсус рисола зыян көрді. Аммо у, «атеизм, толерантликнинг синоними эмас, ҳар қандай дин каби атеизм үзіншілдегі фанатизм даражасыга етиши мүмкін», - дея таъқидлади, үз натыбатида биз ҳам бу фикрга құышыламыз. Таъқидлаш жоизки, бу фикрнинг тұғрилигини тарихнинг үзи исботлади. Ибодатхоналарнинг вайрон қилиниши, динларнинг таъқиқланиши жәмиятга катта маңынави шиғарылған.

Вольтер бундай деб ёзды: “Биз барча кишиларни үз биродарларымыз деб билмогымыз керак. Турк ҳам, хитой ҳам сенинг биродарингми? деб сұрапсыз. Ҳа, ҳеч шубҳасыз, улар менинг биродарымдир. Биз ҳаммамыз бир отанинг фарзандларымыз”. У толерантликни умумбашарий қадрият ва яхши фазилат деб атади.

Вольтер толерантлик қақида назарий трактаттар ёзигендегі қолмай, үзи ҳам адолатсизликка қарши кураши.

Вольтер вафотидан кейин 11 йил үтгач 1789 йилда Франция Таңсис мажлиси Инсон ва Фуқаро ҳұқуқлари декларациясина қабул қилиб, жаҳонга шахс, сұз, виждан әркинлигини, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглигини, жабр-зулмга қаршилик қилиши ҳұқуқини зылон қилди. Ана шу ҳұқуқлар учун Вольтер тинимсиз курашған эди. Бу ҳұжжат бизнинг замонамызда қабул қилинған Инсон ҳұқуқлари тұғрисидеги декларацияларнинг инициаторы, 1948 йилда БМТ қабул қилған Инсон ҳұқуқлари умумий декларациясынинг дебочаси бўлди.

XIX асрда яшаб үтган инглиз олими Жон Стюарт Милль (1806-1873) толерантлик ва хилма-хилликни бир-биридан ажратмас деб ҳисоблаб, үзининг “Озодлик тұғрисыда”ги ишида хилма-хилликни “буюк қадрият” деб зылон қилди.

Толерантликнинг қозирги тушунчаси тарихини 1894 йилги Аспекта конвенциясыдан ҳисоблаш мүмкін. Бу ҳұжжат уруш тақтида аскарга шахс сифатида оз даражада бўлсада ҳурмат билан қарашни ва тиббиёт ходимларининг холислигини талаб қилди. Бу тоя ҳарбий асирлар билан муомила қоидаларини белгилашда Ҳалқаро қизил Хоч құмитаси тузилишида ўз ривожини топди<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> “Қизил Хоч”, айрим мамлакатларда “Қизил Ярым Ой”, Эронда “Қизыл Шер жа Күёш” жемияттың ҳарбий асирлар, беморлар, яраторларга ёрдам бериш учун күпинше мамлакатларда түштеган күнгизли жемият. Тинч даврда табиий құфатларда азият чеккеларға ёрдам беради, қосалыкларнинг олдини олиш тадбирларини утказади. XIX асрнинг 60-шыллардан түзиле бошынан.

1926 йилда Миллатлар Лигаси қабул қилған конвенцияда құллук қонундан ташқари деб әзілон қилинди. Халқаро ҳуқуқий ұжажаттар, дүнө миқёсіда демократик күчларни жиспеслаштиришда жуда кіттә ахамиятга әга бўлди.

Иккінчи жаҳон урушидан кейин толерантлик сиёсий, тафаккур ва амалий феъл-атворнинг янги қоидаларини талаб қила бошлади, шу туфайли инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда юридик ҳимоя қилиш, маргинал, ижтимоий гурӯхлар ва айрим кишиларни давлатнинг зўравонлик тазиқидан ҳимоя қилиш тизимини яратиш йўлида муайян қадамлар қўйилди. 1945 йилда БМТ қабул қилған Бирлашган Миллатлар Хартияси асосида инсоннинг халқаро тан олинадиган ҳуқуқларини юридик тарзда мустаҳкамлашга киришилди. БМТ Низомининг муқаддимасида таъкидланишича, "... дунёда бир-бiri билан бирга яшаш қўшиналар каби муроса қилиб бирга яшаш" зарур<sup>1</sup>. БМТ ва унинг қошидаги ташкилотлар суверен давлатлар феъл-атворининг умумий легитим (қонуний) асоси бўлиб қолиши лозим бўлган ҳуқуқий муҳитни шакллантира бошладилар.

1948 йилда БМТнинг универсал Декларацияси қабул қилинди, шу ҳуҗжатга мувофиқ равишда инсоннинг фуқаролик, сиёсий, шунингдек иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари тўғрисидаги битимлар тайёрланди. Ер куррасидаги кўпчилик давлатлар бу битимларни қўллаб қувватладилар.

Инсон ҳуқуқлари муаммоси толерантлик билан чамбарчас боғлиқдир. Шу сабабли "Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси"нинг муқаддимасида бундай дейилган: "Башарият оиласининг барча аъзоларига хос бўлган қадр-қимматни ҳамда уларнинг тенг ва ажралмас ҳуқуқларини эътироф қилиш озодлик, адолат ва ялпи тинчликнинг негизидир"<sup>2</sup>. Сўнгра ҳуҗжатнинг I-моддасида: "барча кишилар эркин туғиладилар, уларнинг қадр-қиммати ва ҳуқуқлари тенгdir" деб таъкидланади<sup>3</sup>.

БМТнинг фан ва маданият, маориф масалалари билан шугулланувчи ташкилоти бўлмиш ЮНЕСКО толерантликни шакллантириши йўлида катта қадамлар қўйди. ЮНЕСКО 1995 йилни, яъни БМТнинг 50 йиллигини халқаро толерантлик йили тарзида ўтказиш ташаббуси билан чиқди ва унинг мувофиқлаштирувчиси бўлди. 1993 йилда ЮНЕСКОнинг

<sup>1</sup> Антология мировой политический мысли в пяти томах. 1997, Т. V. 343-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда. 416-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда. 417-бет.

*Париждаги қароргоҳида толерантлик бўлинмаси ташкил этилди. 1991 йилнинг сентябр ойида БМТ Бош ассамблеясининг расмий ҳужжатларида толерантликка бағишиланган БМТ иши доирасидаги ҳаракат дастурининг асосий йўналишлари белгилаб олинди.*

*1994-1995 йилларда 50дан ортиқ минтақа ва халқаро конференция, семинар ва анжуманларда толерантлик, маданиятларнинг хилма-хиллиги, одамлар ўртасидаги тафовутлар масалалари муҳокама қилинди, шу мавзуда диний ва маданий мулоқотлар ўtkазилди. Уларда қабул қилинган тавсиялар якуний Декларация учун ва толерант иши тадбирларини давом эттиришга oid ҳаракат режаси учун асос қилиб олинди. Бу анжуманлар орасида "Инсон ҳуқуқлари асосидаги диний толерантлик" (Болгария), "Толерантлик, ҳамжиҳатлик ва иноқлик" (Россия), "Бир осмон остида биргаликда яшайлик" (Тошкент) мавзудаги конференцияларни, "Муросасизликка қарши бирдамлик учун, маданиятларнинг мулоқоти учун" (Тбилиси) мавзудаги халқаро анжумани ва бошқа тадбирларни санаб ўтиш мумкин. Аввал бошданоқ ўзаро фикр ва билимларни баҳам кўриш учун бир баҳона тарзида ўtkazilgan мазкур семинар, конференция ва анжуманлар толерантлик тушунчаси ва талабларини ишлаб чиқишига кўмаклашди, толерантликни оммалаштириш ва яқин йилларда муросасизликка қарши кураш стратегиясини белгилаб берди. Мактаблар Халқаро Йил доирасида ўtkazilgan тадбирларнинг муҳим марказлари бўлди. ЮНЕСКО бутун дунёдаги минглаб мактабларга "Толерантлик: тинчлик йўли" деган қўлланмани тарқатди. Бунда ўқитувчиларнинг фикр-мулоҳазалари ва истаклари ҳисобга олинди. Барча жойлардаги мактабларда толерантлик мавзууда суҳбатлар уюштирилди, ўқувчилар учун ахборот ҳафталиклари, фестиваллар ташкил этилди, дастурлар айирбошлианди. ЮНЕСКО толерантлик ва сабр-тоқат ғояларини оммалаштирганлик учун ҳамда болаларга аталган толерантликни тарғиб қиласиган адабий асарлар учун маҳсус совринлар таъсис қилди.*

*Мазкур дастурга кўра якка тартибдаги кўпгина лойиҳалар ҳам тақдим этилди, чунончи дарс беришининг анъанавий ва оригинал усуllibаридан фойдаланиш таклиф қилинди. Болалар учун ўзга маданият, динлар ва турмуш тарзи ҳақида тасаввур берувчи қўйирчоқ спектакллари, кўргазмалар уюштириш, мусиқий асарлар ва фильмлар яратишга кишишилди.*

*Халқаро Йил доирасида айрим кишиларнинг толерантлик*

тамойилига риоя этиш ва бу соҳадаги ижтимоий онг савиясини ошириш тўғрисидаги янги-янги ташаббуслари эълон қилинди.

Дунёдаги энг атоқли олти нафар рассом — *Frendenszeich Hundertwasser* (Австрия), *Souleymone Keita* (Сенегал), *Rashid Koraichi* (Жазоур), *Roberto Matta* (Чили), *Rodert Rauschenverg* (АҚШ), *Dan Von* (Вьетнам) толерантликнинг рамзи бўлган б та байроқни ишлаб чиқдилар<sup>1</sup>. ЮНЕСКОнинг холис ниятли элчиси Пьер Карден бу байроқлар мажмуасини тайёрлаб, миллионлаб кишиларга толерантликни доимо эслатиб турадиган ёдгорлик сифатида уни ҳар бир мамлакатга топширди. Яна бир холис ниятли элчи Жан Мишель Жар Париждада толерантликни қўллаб-қувватлаш учун 1,5 миллион кишига концерт қўйиб берди, бу концерт телевидение орқали миллион кишиларга кўрсатилди.

ЮНЕСКОга аъзо бўлган давлатлар жаҳон миқёсида “Толерантлик йили” режаси асосида 2000дан ортиқ тадбир ўтказди. Халқаро толерантлик йили эски гояларни қайта идрок этиш ва янги гояларни излаш учун, шунингдек, ижтимоий онгни камол тоپтириш учун янги имкониятлар берди.

1995 йил 16 ноябрда ЮНЕСКО Бош конференцияси “Declaration of principles on tolerance”ни тасдиқлади. 185 давлат, шу жумладан Узбекистон ҳам уни имзолади. Декларация миллий, этник, диний ва лисоний гурухларга нисбатан зўравонлик, ётсираш ва камситишнинг умумий кучайишига қаршилик кўрсатмоғи лозим. Бу ҳужжат миллий ва халқаро миқёсларда экстремистик-террорчилек кирдикорларининг олдини олиш, тугатиш ва бартараф этиш учун гоявий-услубий асос бўлади деб ҳисоблаш мумкин.

Муқаддима ва олтига моддадан иборат бўлган Декларация ижтимоий даражадаги толерантлик (бағрикенглиқ)нинг моҳиятини қандай тушуниш кераклигини ифодалайди.

Декларация биринчи моддасида бундай дейилган: “Толерантлик дунёимиз маданиятларининг бағоят хилма-хиллигини, фикр-мулоҳазаларни ифодалаш шаклларини ва инсоний ўзига ҳосликини намоён этиш усулларини ҳурмат қилиш, қабул этиш ва тўғри англашни билдиради. Билимлар, ошкоралик, мулоқот ҳамда фикр, виждан ва эътиқод эркинлиги бунга қўмаклашади. Толерантлик — хилма-хилликдаги уйғуноликдир. У

<sup>1</sup> ЮНЕСКОга аъзо бўлган мамлакатлардан 2500 нақиль ҳозир бўлган 28-Бош анжуманга бу байроқлар тақдим этилди. Улар 16 ноябрь куни ЮНЕСКОнинг 50 йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО биноаси олдида кутарилди, сунгра Париждаги кургазмага қўйилди <http://www.unesco.org>.

маңнавий бурчгина бўлиб қолмай, айни вақтда сиёсий ва ҳуқуқий ҳұмтиёж ҳамдир. Толерантлик шундай яхши фазилатдирки, у тинчликка эришиш имконини топади ва уруш маданиятини тинчлик маданиятига айлантиришга күмаклашади. Толерантлик — инсон ҳуқуқларини, хилма-хилликни (шу жумладан маданият хилма-хиллигини) демократия ва ҳуқуқ-тартибни қарор топтиришга күмаклашиш мажбуриятидир. Толерантлик — ақидапарастликдан, ҳақиқатни абсолютлаштиришдан воз кечишни билдирадиган ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳалқаро ҳужжатларда белгилаб қўйилган нормаларни тасдиқлайдиган тушунчадир”, — деся таъкидлаб ўтилди.

“Давлат миқёсида толерантлик адолатли ва холис қонунчилукни, ҳуқуқ-тартибот, суд процессынан да маъмурий међерларга риоя этилишини талаб қиласы, — деб уқтирилади бу ҳужжатда. — Толерантлик ҳар бир кишига ҳеч бир камситувсиз иқтисодий ва ижтимоий ривоҗланиш имкониятлари берилишини ҳам талаб қиласы. Бегоналашув ва (узоқлашув) маргиналлашув руҳий тушкунлик, ғанимлик ва фанатизм ҳолатига сабаб бўлиши мумкин”.

Шундай қилиб, толерантлик фуқаролик жамиятининг қадрияти ва нормасидир. Шу маънода у жамият барча аъзоларининг турлича бўлиш ҳуқуқида, динлар (конфессијалар) сиёсий, этник ва бошқа ижтимоий гурӯҳлар ўртасидаги уйғунликни таъминлашда, дунёдаги турли маданиятлар, цивилизациялар ва ҳалқларнинг хилма-хиллигини ҳурмат қилишда, ташқи қиёфаси, тили, әзтиқодлари, урф-одатлари ва диний қарашлари бир-биридан фарқ қиласидиган кишилар билан ҳамкор ва ҳамжиҳатликка тайёрликда намоён бўлади.

Декларация қабул этилган пайтдан бошлаб ҳар йили 16 ноябр Ҳалқаро толерантлик куни сифатида нишонлана бошланди, шу кун доирасида бутун дунёда сабр-тоқат ва ҳамжиҳатлик ғояларини оммалаштиришга қаратилган тадбирлар ўтказилади.

Кейинчалик мазкур ғояларни ривоҷлантириш мақсадида “Уруш ва зўравонлик маданиятига қарши тинчлик маданияти ва цивилизациялар ўртасида мулоқот учун” мавзуудаги ҳалқаро аңжуман (Кишинёв, 1998 йил) ўтказилди, “Маданиятлар мулоқоти учун, тинчлик ва сабр-тоқат учун” Тбилиси Ҳалқаро Маркази, мөжароларни олдини оловчи Марказий Осиё Маркази (Қирғизистон), толерантлик муаммолари бўйича маҳсус минтақавий тармоқлар тузилди, шу соҳада ишловчи ёш олимлар

учун стипендиялар ажратылды ва бошқа бир қатор табдирлар амалга оширилди.

Тинчликни сақлаш, толерантликни ривожлантириш үйли ҳозир ҳам давом эттирилмоқда. БМТ Бөш Ассамблеяси тинчлик, шунчаки мәжароларнинг йўқлиги эмас, балки барчанинг кенг иштирокига асосланган ижобий жўшқин жараён эканлигини, бу жараёнда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик руҳидаги мулоқот рағбатлантирилиши ва мәжаролар бартараф этилишини тан олиб, совуқ уруш тугаши туфайли тинчлик маданиятини мустаҳкамлаш имкониятлари кенгайганинг таъкидлаб, дунёнинг турли жойларида зўравонлик ва мәжаролар давом этиб кенгайиб бораётганлиги муносабати билан чуқур ташвиш изҳор этиб, ҳар қандай шаклдаги камситиш ва тоқатсизликни тугатиш зарур деб ҳисоблаб, 2000 йилни “Халқаро тинчлик маданияти йили”, 2000-2010 йиллар ўртасидаги даврни эса ер курраси болаларини манфаатларини кўзловчи “Тинчлик ва зўравонликдан холи маданият” Халқаро ўн йиллиги деб эълон қилди.

Турли шаклларда намоён бўлаётган дунёқараш экстремизм тинчлик ва зўравонсизлик маданияти йўлидаги катта тўсиқ эканини яна бир эсга олайлик. Бу иллатни тугатмай туриб, тинчлик маданияти олий мақсадларига эришиб бўлмайди. Толерантлик тамойтили ирқий, этник, диний ва бошқа ҳар қандай салбий ғоялардан ҳалос бўлган атоқли мутафаккирлар, файласуфлар, диний арбоблар ёки айрим шахслар учунгина олий мақсад бўлиб қолмай, инсоният учун аҳлоқ ва феъл-автор нормаси бўлиб қолиши керак. Мазкур фикр толерантликни жадал шакллантириш ижтимоий портлашлар хавфини камайтириш, фуқаролик жамиятини барпо этиши соҳасидаги сиёсатнинг услугий асосларини тақомиллаштириш ва ривожлантириш учун экстремизмга қарши қураш учун таъсирчан чоралар ва воситаларни ишлаб чиқиши бениҳоя мухимлигини тасдиқлаб турибди.

Толерантлик тинчлик маданияти муаммоларини фуқаролик жамиятини қарор топтириш жараёни билан боғлайди, ҳозир бу иш гоядан, сиёсий-фалсафий назариядан жаҳоншумул воқеликка айланмоқда. Бу назария универсал назария бўлиб қолиши ва турли маданиятларнинг равнақи ҳамда тараққиётига йўл очиши мумкин. Ҳозирги замон илм-фанида, кўпгина социологик ва сиёсатшunoslik назарияларида жамиятнинг толерантлик савияси ва даражаси унинг маънавий, ижтимоий, сиёсий давлат тарзидаги ривожланишида етакчи, баъзан эса бош мезонлардан бири,

*фуқаролик жамиятни шакллантириши энг муҳим шароити деб қаралмоқда<sup>1</sup>.*

*Толерантлик—экстремизмнинг олдини олишга хизмат қилувчи тинчлик маданиятини тарбиялаш жараёнининг натижасидир. Ўзбекистоннинг ҳозирги шароитида тинчлик маданияти унинг универсал қадриятлари орқали толерантликка амалий равишда эришиш мумкин.*

*БМТ Бош Ассамблеяси қабул қилган “Тинчлик маданияти тўғрисида декларация”да<sup>2</sup> таъкидланишича, тинчлик маданияти қадрият қоидалари, дунёқарашлар, анъаналар, феъл-автор тоифалари ва ҳаёт тарзларининг йигиндисидир. Улар маориф, мулоқот ва ҳамкорлик воситаси билан ҳаётга ҳурмат, зўравонликни тугатиш, зўравонлик қилмасликни рағбатлантириш ва зўравонликдан амалда воз кечишга; давлатларнинг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллигини тўла-тўқис ҳурмат қилишга, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми ва ҳалқаро ҳуқуққа биноан ҳар қандай давлатнинг ички ҳуқуқшунослигига мансуб бўлган масалаларига аралашмаслик қоидасига; инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тўла-тўқис ҳурмат қилиш ҳамда рағбатлантиришга; мөжароларни тинч йўл билан бартараф этишига содиқликка; тараққиёт ва атроф-муҳит соҳасида ҳозирги ва келажак авлодларнинг эҳтиёжсларини қондириш йўлидаги куч-гайратларига; ривожланиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш ва рағбатлантиришга, аёллар билан эркакларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятларини ҳурмат қилиб рағбатлантиришга; ҳар бир кишининг ўз фикри ва эътиқодларини шфода этиш ва ахборот эркинлиги ҳуқуқларини рағбатлантиришга; жамиятнинг барча поғоналарида ва ҳалқлар ўртасида эркинлик, адолат, демократия, сабр-тоқат, бирдамлик, ҳамкорлик, ҳилмашиллик, маданий ўзига хослик, мулоқот ва ҳамжиҳатлик табоийларига содиқликка асосланади.*

*Бу ўринда бошқа инсоний қадриятларга содиқлик билан бир*

<sup>1</sup> Фуқаролик жамияти — жамиятнинг шундай бир тоифасидирки, унда одамларнинг ҳошиш-истаги бемалол изҳор этилиши мавжуд бўлади ва доимо кенгайиб боради, уларнинг фаолиятига давлатнинг аралашуғ ҳуқуқи чекланган ва аниқ белгилаб қўйилган бўлади. Бу жамият хусусий кишилар, уларнинг ихтиёрий ўюшмалари ва институтлари (шу жумладан, оила, мактаб, ибодатхона, оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш, ижодий ва ҳушарманчалик бирлашмалари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва ҳарикатлари) мажмумасидан иборат бўлади, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинади, улар сиёсий давлатнинг ўзига қарар бўлмайди // (Мельник В.А. Современный словарь по политологии. — Минск, 2004. 81-бет).

<sup>2</sup> Тинчлик маданияти соҳасидаги Декларация ва ҳаракат дастури 1991 йилда Бирлашган Миллатлар Бош ассамблеясининг 53-сессиясида қабул қилинган.

қаторда толерантликка содиқлик тинчлик маданиятни барпо этишининг зарур шарти деб, маданий хилма-хилликнинг олий мақсади деб, “шафқатсиз рақобатни умумий қадриятлар ва идеалларга асосланган ҳамкорликка” айлантиришнинг калити деб қаралади (1, 2-моддалар).

Тинчлик маданияти соҳасидаги ҳаракат дастурида ҳам ҳамжихатлик, сабр-тоқат ва бирдамликка кўмаклашиш тадбирлари кўзда тутилган.

Бу тадбирлар сабр-тоқатга бағишланган БМТ йили (1995 йил) муносабати билан Сабр-тоқат тамойиллари декларациясини ва шундан кейинги фаолият режасини амалга оширишни; мазкур Йил орасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кўмагида цивилизациялар ўртасида мулоқот тадбирларини ўтказишни (2001 йил); низоларни бартараф этишининг маҳаллий ва туб аҳоли қўллайдиган усуслари ва анъанавий тамойилларини ўрганиш ва тегишли сабоқ олишни; аҳолининг турли гуруҳларига нисбатан сабр-тоқатни тушунтириш ва бирдамликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлашни; дунёдаги туб жой халқлари Халқаро ўн йиллиги мақсадларига эришиш соҳасидаги ишларни қўллаб-қувватлашни; қочоқлар ва кўчирилган шахсларга нисбатан сабр-тоқатни ошириш тадбирларини амалга оширишни ҳамда уларнинг ўз юртларига ихтиёрий қайтиш ва ижтимоий интеграциялашуви вазифаларини ҳисобга олиб, улар билан бирдамликни мустаҳкамлашни, мигрантларга нисбатан сабр-тоқатни оширишга ва улар билан ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлашни; барча халқлар ўртасида, жумладан, янги технологиялардан етарлича фойдаланиш ва ахборотни оммалаштириш туфайли ҳамжихатликни чуқурлаштириш, сабр-тоқатни ошириш ва ҳамкорликни кенгайтишини тарғиб қилишни; халқлар ўртасида, шунингдек мамлакатларда ва мамлакатлар ўртасида ҳамжихатликни чуқурлаштиришга, сабр-тоқатни оширишга, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтишига қаратилган тадбирларни қўллаб-қувватлашни ўз ичига олади.

Кейинги вақтда нашр этилган адабиётларда қайд этилишича, халқаро ҳамжамият эндиликда янги умумий аҳлоқ-одоб мажмуаси бўлиб қоладиган, одамлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга кўмаклаша оладиган жаҳоншумул қадриятлар тизимини ишлаб чиқишга ҳаракат қилмоқда. Бу соҳадаги сиёсий, маданий хилма-хиллик ҳосил қиладиган воқелик ва имкониятларни самаралироқ

дүйнөс олиш йүли билан этнослараро жамиятни жиспештиришига қарашылмоги лозим. Хилма-хил маданиятга мансуб гурухларни ижтимоий демократик интеграциялашынг асоси деб, инсонпарвар на маданий хилма-хиллик қадриятларини ривожлантиришининг ишлери деб тан олишга асосланган инсоният салоҳиятини ривожланти-ришининг янги стратегиялари зарур. Бу ўринда гап этносларнинг маданий тафовутларига ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сабр-тоқат билан қарашига эришиш ҳақида ва тегишли қадрият дастуруламалларини шакллантириш тұғрисида бормоқда<sup>1</sup>.

Хозирги вақтда бу масалага ёндашув бирмунча үзгариб бораётгандыгыни таъкидлаб үтмоқчимиз. Эндилекда потолерантликка қарши курашга асосий эътибор қарашылмокда. Йыны, агар илгари толерантлик рағбатлантирилган бўлса, энди потолерантликка қарши кураш олиб борилмокда. БМТнинг ирқчиликка қарши 2001 йилда Дурбанда үтказилган жаҳон конференциясидан кейин ана шундай йўл танланди. Бу анжуман мазкур соҳада ЮНЕСКО учун маҳсус тавсиялар ишлаб чиқди, Инсон ҳуқуқлари бошқармасида янги бўлим тузилди. Ўшиқарманинг ўзи Инсон ҳуқуқлари ва камситишга қарши кураш бошқармаси деб аталашибган бўлди. Янги минг йилликнинг биринчи йили 2001 йил бутун куч-ғайратни ирқчиликка, ирқий камситишга, ксенофобия (ўзгалардан хавфсираш)га ва шулар билан боғлиқ бўлган тоқатсизликка қарши курашга сафарбар этиш ҳалқаро йили ва цивилизациялар ўртасида Мулоқот йили деб эълон қилинди.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан келиб чиқадиган ҳолоса шуки, толерантлик, яъни бағрикенглик фуқаролик жамиятининг энг муҳим маънавий-аҳлоқий тамойилидир. Мадомики шундай экан, фуқаролик жамиятида шунчаки бамайли хотир яшаб бўлмайди, ҳар бир шахсдан тоқатсизликни амалда бартараф этиш, бағрикенгликни яққол намойиш қилиш, ҳамкорлик қилишга интилиш талаб қилинади, бунга эришмоқ учун эса бир қатор вазифаларни ҳал қилиш зарур бўлади. Жумладан, мамлакатдаги ижтимоий вазиятни тадқиқ қилиш ва келгусида унинг қай тарафга ривожланишини прогнозлаш, таълимнинг барча босқичлари ва шакллари учун бағрикенгликка рағбатлантирувчи ўқув дастурлари тизимини ишлаб чиқиши, бағрикенглик феъл-атворини оммалаштириш ҳамда экстремизм, этнофобия ва

<sup>1</sup> Қаранг: Богатырева Т.Г. От культурного многообразия к культурному плюрализму // Культурное разнообразие, развитие и глобализация. По результатам дискуссии круглого стола 21 мая 2003 г. — М., 2003.

ксенофобиянинг ҳар хил турларига қаршилик кўрсатишнинг самарали ижтимоий-маданий технологияларини яратиш, этносларапо ва конфессиялараро мулокот самарадорлигини ошириш чораларини кўриши талаб қилинади.

Глобаллашиб бораётган дунёғоят хилма-хил этно-маданий ҳамжамият бўлиб, унда ҳар бир этноснинг маданияти ноёб ва тарихий характерга эгадир. Бу маданият авлоддан авлодга ўтиб давом этаверади. Айни вақтда у янги тарихий жараёнлар таъсирида ривожланиб бораётган анъаналарни ўзига сингдирувчи жонли тимсолдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, глобаллашув бир хил тусдаги ҳодиса эмас, у жаҳон ҳалқлари турмуши ва маданиятини бир-бирига яқинлаштиришга кўмаклашади, бу ҳол ўз навбатида, ҳар бир ҳалқнинг қаршилигига, ўз маданияти ноёблигини ҳимоя қилиши ва сақлаб қолишига интилишини юзага келтиради, бу эса баъзан можаролар ва урушларга олиб боради. Бунинг сабаби шуки, миллий маданиятлар ҳозирги кунда ҳам кўпчилик кишилар учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлиб одамларнинг фикр-туйғулари бирлигини, у ёки бу жамиятга мансублигини билдирувчи асосий белгилардан бўлиб қолмоқда.

Этник бир хиллик (этниклик)нинг ўсиш тамойили<sup>1</sup> XX асрнинг 70-йиллари ўртасидан дунёнинг этник таркиби хилма-хил бўлган мамлакатларида ривожлана бошлади. Этник уйғониш ўз моҳиятига кўра ижобий ҳодиса ҳисобланади, чунки у этник маданиятларнинг хилма-хиллиги ва этник тажриба қадриятини таҳлил этади, бироқ этникликнинг ҳаддан ташқари ўсиши этноцентризм кучайишига олиб бориши мумкин<sup>2</sup>, бу эса жамиятнинг маънавий онги пасайган шароитда ва тафаккурдаги “ўсмирлик синдроми”<sup>3</sup> деб аталган ҳолат таъсирида салбий оқибатларга айланиб кетиши хавфини туғдиради.

Этноцентризм тажковузкорона тус олиши ҳам мумкин, бу

<sup>1</sup> Этник бирхиллик (этниклик) деганда ўзи билан бир хилдаги этник гурӯҳ билан бирлашунинг эмоционал-когитиш жараёни, шунингдек ўз ҳалқининг қадрияти, тарихи ва маданиятига, унинг маънавий олий мақсадлари на манфаатларига, анъаналари, урф-одатлари, фольклори, тилига, этноснинг яшаш ҳудуди ва давлатчилигига онгли мунисабати тушунилади. (Қаранг: Стефаненко Т.Г., Шлягина Е.И., Епиколовов С.Н. Методы этнопсихологического исследования. М., 1993. 28, 29-бетлар).

<sup>2</sup> Сиёсий энциклопедида этноцентризм тушунчаси қўйидағича таърифланади: бошқа ҳалқнинг ҳаётни этапон сифатида қабуғ қилинган ўз этносининг маданияти, анъаналари ва қадрият ўнгалишлари орқали идрок этилади. Этноцентризм тушунчасини У. Саммер 1906 ўйлда “Ҳалқ урф-одатлари” ишида илмий таомилга киритди // Политическая энциклопедия в двух томах. — М., 1999. Т.2. 652-бет.

<sup>3</sup> Ўсмирлар тафаккур, руҳшунносларнинг таъкидлашича, максимализм, тоқатсанлик, сабаб-оқибат мунисабатларини тушуниша тарихий ёндоғимаслик билан ажрашиб туради.

шарса этник можаро қатнашчиларининг муросасизлигига яққол намоён бўлади. Айниқса ижтимоий тенгликлар даврида ишноңчиликмиз гояларига берилиш анча кучаяди.

Одатда этносларапо толерантлик (бағрикенглик) пасайган, шунни этник гурухлар ўртасидаги зиддиятлар кучайган вазиятда шир қандай этник можаро бошланиши мумкин. Ҳозирги дунёнинг ҳамма жойларидағи этник можаролар ва кескинликлар уларнинг қатнашчилари ўртасида сабр-тоқатнинг йўқлигидан далолат беради.

Ана шундай шароитда миллий хавфсизликни таъминлаш масалалари яъни мамлакатнинг мустақил яшашини ва ундағи барқарорликни кўзда тутувчи чора-тадбирлар системаси динлатларнинг жиiddий диққат-эътиборини ўзига тортади. Мазкур чора-тадбирлар орасида ирқий, этник, диний тоқатсизликнинг одинни олишга, этник бағрикенглик муҳитини ҳосил қилишга асосий эътибор берилади. Омманинг онгода бағрикенглик муҳитини нујудга келтириш ана шундай ижтимоий фикрни шакллантириш, миллий хавфсизликни таъминлаш фаолиятининг асосий ўналишларидан бири эканлиги ана шундан келиб чиқади.

XX асрнинг охириларида кўп миллатли Ўзбекистонда этник уйлониши жараёни жуда яққол намоён бўлди. Айниқса мамлакат мустақилликка эришгандан кейин, ижтимоий-сиёсий жараёнларда миллий омилининг аҳамияти ўсиб, асосий миллатлар (ўзбеклар, қорақалпоқлар)дагина эмас, бу ерда яшовчи бошқа барча ҳалқларнинг вакиларида ҳам ўз тарихига, анъанавий маданиятига қизиқиши кучайди. Бу ҳол объектив равишда миллатлараро, динлараро муносабат масалаларига эътиборни кучайтиришни, Республика ҳаётида бағрикенгликни ривожлантиришга қўмаклашувчи янги давлат стратегиясини ишлаб чиқишини талаб қилди.

Этник гурухларнинг фаолияти уларнинг бирлигини сақлаб қолишида катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Этник хилма-хиллик ва маданий кўп хиллик мамлакатда жуда бой тараққиёт салоҳияти деб, фуқаролик жамиятини қарор топтиришининг муҳим таркибий қисмидир. Миллатлараро ва динлараро ҳамжиҳатлик эса давлатнинг барқарорлиги ва сақлаб қолинишининг омили деб ҳисобланмоқда. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ҳақли тарзда “Кўп миллатли давлатдаги этносларапо ва миллатлараро муносабатлар шундай таъсирчан омиллардан биридирики, шу омил асосида миллий хавфсизлик тушунчасининг ўзи шаклланади”, — дея таъкидлаган эди.

Күп миллатли Ўзбекистонда яшаб турган барча халқлар томонидан ислоҳот жараёнлари кенг миқёсда қўллаб-қувватланган тақдирдагина фуқаролик жамиятини барпо этиш мумкин. Қадриятлари, дини ва сиёсий маслаклари турлича бўлган ижтимоий гурухларнинг ижобий ҳамкорлигига, экстремизм кўринишларининг бартараф этилишига аввало феъл-автордаги бағрикенглик меъёрларини ва маданиятлараро ҳамжиҳатлик кўнкимларини ишлаб чиқиши йўли билангина эришиш мумкин. Можароли вазиятларнинг олдини олиш, бутун аҳолини бағрикенглик руҳида тарбиялаш, мамлакатда олиб борилаётган миллий-маданий сиёсатнинг асосий вазифалари бўлиб қолмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов этник, маданий, диний сабр-тоқат мустаҳвалик шароитида жамиятимизни маънавий юксалтириш манбаи эканлигини қайта-қайта таъкидлаган эди<sup>1</sup>.

Айни вақтда онгдаги бағрикенглик, яъни толерантлик тамойиллари, Ўзбекистоннинг асрлар давомида таркиб топиб келаётган инсонпарварлик анъаналарига мос эканлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Ўзбекистон Республикасида миллатлараро бағрикенглик муайян уйғунлик даражасига кўтарилганлиги жамиятдаги барқарорликни сақлаб қолишига кўмаклашмоқда. Онг ва феъл-автордаги бағрикенглик, динлараро сабр-тоқат ва тинчликсеварлик тоялари шаклланиб, мустаҳкамланиб бораётганлиги алоҳида муҳим аҳамиятга эга бўлган давлат вазифаси даражасига кўтарилди. Бағрикенглик миллий, диний ва сиёсий тоқатсизликка қарама-қарши ўлароқ мамлакатнинг улуғвор маданий, тарихий ва маънавий қадриятларини қайта тиклаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим. Кишилар онгиди таңқидий тафаккур, фуқаролик фаолиги, можароларни фоши этиш ва ҳамкорлик кўнкимларини шакллантириш билан бирга бағрикенглик тарбияси замонавий демократик жамият фуқаросига хос фазилат бўлиб қолмоғи керак.

Шундай қилиб, мамлакатда бағрикенгликни шакллантириш ва экстремизмнинг олдини олиш соҳасидаги давлат тадбирларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш комплекс вазифа бўлиб, бу иш давлат ҳокимиюти, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, педагоглар, олимларнинг бир ёқадан бош чиқаруб ҳамкорлик қилишларини талаб этади.

<sup>1</sup> Қаранг: Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. — Т., 1998. 135-136-бетлар.

*Хулоса тарзид шуни таъкидлаш лозимки, бутун инсоният учун ҳам, алоҳида шахс учун ҳам бағрикенглик, яъни толерантлик биринчи даражали аҳамиятга эгадир, миллатлараро муносабатлар соҳасида эса унинг аҳамияти беқиёсdir.*

## **Иккинчи мавзу. Ўзбекистонда бағрикенгликнинг тарихий илдизлари**

1. Қадимий империялар ва бағрикенглик.
2. Буюк Ипак йўли — минтақалараро алоқа манбаи.
3. Илк ўрта асрларда халқаро ва маданий алоқалар.
4. Ривожланган ва сўнгги ўрта асрларда диний бағрикенглик.

Инсоний фазилат анъаналари қадимданоқ айнан Шарқ халқларига хос хусусият бўлиб, у ҳозирги давргача авлодлар томонидан сақланиб, давом этиб келмоқда. IX аср охири X асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган машҳур олим Абу Наср Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида шундай деб ёзган эди: “ҳақиқий саодатга эришиш йўлида бир-бирига ёрдамлашиш учун одамларни бирлаштирувчи шаҳар фозиллар шаҳридир ва саодатга эришиш учун бир-бирига ёрдамлашиш мақсадида бирлашган кишилар жамияти — фозил жамиятдир. Яқин кишиси учун ва барча шаҳарлар яхши фазилатли бўлиши учун ҳеч нарсани аямайдиган халқ, миллат яхши фазилатли халқ, яхши фазилатли миллатдир”. Давлатимиз раҳбари И.А. Каримов олимнинг мазкур ғояси ва эзгулик ҳақида бошқа кўплаб ғояларни давом эттириб қуидагиларни айтган эди: “Ўзбекистон халқининг кўччилиги ўзининг шахсий манфаатларини эмас, балки ўз оиласи, қариндошлари, ёр-биродарлари ва қўшниларининг соғлиги ҳамда фаровонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишини биринчи ўринга қўяди. Бу — инсоннинг энг олий маънавий фазилатидир. Бизнинг халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқлардан юқори қўйган эмас. Бошқа миллатларга, бошқа динларнинг намояндаларига муносиб ҳурмат, эҳтиром кўрсатиб келган.

Асрлар давомида шаклланиб келган яхши фазилат ва саҳоват, меҳмондўстлик ва меҳр-мурувват туйғулари ўзбек халқининг юксак маънавий хусусиятларидир. Бу хусусиятлар энг қийин тарихий синовлар вақтида ўзини намоён этди ва халқимиз бардамлигининг негизи бўлди”.

Халқимизнинг яхши фазилатларининг тарихий илдизларини ўрганишда “яхши фазилат” тушунчасининг луғавий маъносига эътибор бериш керак. Бу сўзининг тарихий, фалсафий, сиёсий ва руҳий аҳамияти мавжуд. Илм-фанда кўччилик ҳолларда “яхши фазилат” тушунчаси “бағрикенглик” (“толерантлик”) сўзининг

синоними сифатида ишлатилади ва турли тилларда сўзнинг ўзагини сақлаб қолган ҳолда талқин этилади. Шу билан бирга яхши фазилат — кўп қўррали, кенг миқёсли тушунча бўлиб, ўзаро ҳурмат, дикъат-эътибор, саҳоват, меҳр-мурувват, ҳалоллик, ҳамнафаслик, қўшинилари ва яқин кишилари қайғусига ҳамдардлик, инсонпарварликда намоён бўлади. Яхши фазилат ҳайвонот дунёсига, табиатга муносабатда ҳам кўринади.

Яхши фазилатнинг тарихий илдизлари қадим ўтмишга бориб тақалишини таъкидлаб ўтмоқ керак. Улар мамлакатлар ва цивилизациялар ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатлар билан, қадимий савдо, карvon алоқалари билан муайян ҳудуддаги аҳолининг турмуш шароити билан, ҳарбий-сиёсий вазиятларнинг хусусиятлари ва аҳоли миграцияси (тарихий кўчиши) билан боғлиқдир. Шу сабабли биз мазкур жараёнларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

Дунё ҳалқлари ва мамлакатлари ўзларининг тарихий-маданий ривожланиши жараённада турли моддий ва маънавий бойликларни яратиб, ўзига хос цивилизацияларга асос солганлар. Цивилизацияларнинг бениҳоя хилма-хиллиги улар ривожланиши босқичларига бўлинishi, аввало, ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг хусусиятлари билан, иқлим шароитлари, табиий-жуғрофий жойлашиш, хўжалик юритиш усуслари ва шу каби шарт-шароитлар билан боғлиқ эди. Биз ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи ҳалқларнинг ва асосий машғулоти чорвачилик бўлган аҳолининг ҳудудлараро муносабатлари қандай вужудга келиб, ривожланганлиги мисолида ана шундай боғлиқликни кузатишимиш мумкин. Тарихдан маълумки, ҳалқлар ўртасидаги хилма-хил муносабатлар, хўжалик юритишнинг турли шакллари ва моддий-маънавий соҳанинг омиллари гарбга нисбатан қадимий Шарқда анча эрта пайдо бўлиб, ривожлана бошлиган. Бунинг учун қадимги ва ўрта аср дунё тарихини эсга олишининг ўзи кифоя қиласди. Ана шу тарихдан маълумки, хўжалик юритишнинг муайян шаклларини, кундалик турмушнинг баъзи урф-одатлари, анъаналарини гарб ҳалқлари Шарқ ҳалқларидан ўрганганлар.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳалқлар ўртасидаги доимий тарихий-маданий алоқалар жараённи ва меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмини ва қўшимча маҳсулотни кўпайтиришни таъминлаган, бу эса фикримизча эҳтиёжлар тизимини чигаллаштирган. Бу жараён ўз навбатида бора-бора синфларга бўлинши ва ҳалқлар ўртасида ижтимоий-иқтисодий,

*маданий-майшый ва тарихий-маданий муносабатларни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.*

*Үтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, Ўрта Осиё цивилизацияси Месопотамия маданияти ва Ҳиндистондаги Хараппа маданияти каби Шарқдаги ибтидоий цивилизациялар билан бевосита боғлиқ равишда шаклланди ва ривожланиб борди. Икки машҳур цивилизация оралиғида жойлашган Ўрта Осиё, Шарқ ҳалқларини иқтисодий ва маданий жиҳатдан бир бутун қилиб бирлаштирди ва улар ўртасида турли муносабатларни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Инсоният жамияти тараққиётининг барча даврларида турли қабилалар, ҳалқлар, этнослар ўртасидаги ўзаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалар тутув қўшинчилик, меҳр-мурувват ва саҳоват тамоилларига асосланган пайтларда гуркираб ривожланиб келганлигини таъкидламоқ керак.*

*Бизнинг диёримизда яшаган қадимий ҳалқлар ҳам бу жараёндан четда қолмаганлар ва уларнинг меҳр-мурувват сифатлари қадим тарихга бориб тақалади. Инсоний фазилатларнинг тарихий илдизлари, юқорида айтилганидек, маданий ва иқтисодий муносабатларнинг равнақи, қадимий йўлларнинг ривожланиши ва цивилизация марказларининг вужудга келиши билан бевосита боғлиқdir. Дастробки тарихий-маданий ва иқтисодий муносабатларнинг вужудга келиши ҳамда ривожланиши хусусиятларини тадқиқ этиши жараённида мазкур цивилизациянинг илк хусусиятлари сифатида ишлаб чиқариш ва маданият соҳасидаги ютуқлар кенг оммалашганлигига алоҳида эътибор бермоқ керак, ҳалқлар эса алоқаларни кенгайтиришдан ва ўз ютуқларини бошқа марказларга оммалаштиришдан манфаатдор бўлганлар.*

*Хозирги тарихий-фалсафий, руҳшунослик (психология) адабиётида ва илмий-оммабон китобларда нисбий ривожланган жамият шаклини “цивилизация” деб аташ одат бўлган. Ана шу таърифга кўра, цивилизацияли жамият ижтимоий маданият тараққиётининг энг юксак намунаси (эталони) бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу жамият бир вақтлар иқтисодий ривожланиши, ижтимоий тартиб ва қабул этилган сиёсий барқарорликнинг муайян даражасига эришимаган бошқа жамиятга қарама-қарши қўйилган эди. Цивилизациянинг биринчилиги ёки иккинчилигига қарамай, у умумий этник хусусиятлари билан бирлашган моддий маданиятни яратадиган ва муайян қадриятлар тизимиға қараб иш тутадиган, дехқончилик ва ҳунарманчилик билан шуғулланадиган, шаҳарлар*

пайдо этадиган ижтимоий организмлар тарихий тараққиёттинг муамми босқичидир.

Цивилизациялар күплаб омиллар таъсирида, күргина йўллар билан ривожланиши мумкин. Ўтган асрнинг охиридан бошлаб шу кунларга олимлар Ўрта Осиё ҳудудида жез даври юзасидан тадқиқот ишлари олиб бормоқдалар. Ана шу тадқиқотлар натижасида жез даври маданияти муаммосига, унинг пайдо бўлиши, босқичларга бўлинниши ва хронологияси масалаларига аниқлик киритиш имконияти туғилди. Натижасида қиёсий таҳлилга асосланиб қунидаги холосани чиқариш мумкин. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудидаги турли табиий-жугофий, экологик ва сиёсий шароитларда турлича тарихий-маданий воҳалар шаклланди. Улар уртасида кўп томонлама ўзаро муносабатлар вужудга келиб ривожланана бошлади. Бу жараёнлар цивилизацияни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, сўнгги жез даврига келиб, (милоддан аввалги II-I минг йиллик бошларида) Ўрта Осиё ҳудудида яшаган қабилалар маданияти ҳудудий жиҳатдан ривожланди, яъни бу даврда дашт қабилалари бепоён даштлар ва адирлар ҳудудига ёйилди. Уларнинг хўжалигига ўз навбатида чорвачилик устунлик қиласи, дехқончилик билан шугулланувчи қабилалар эса тоб ён бағирларида, воҳаларда шаҳарсозлик маданиятини эгаллаб олиб, шу тариқа дарёлар ва сойларнинг соҳиларида манзилгоҳлар вужудга келди.

Қадимги манбаларнинг далолат беришicha, дехқонлар билан чорвадорлар ўзларининг маданият ва хўжалик соҳасидаги ютуқларидан бир-бирларини баҳраманд қилганлар, бир-бирлари билан доимий алоқа қилиб турганлар. Иккала ҳудуд аҳолисининг доимий этник, иқтисодий ва тарихий-маданий муносабатлари кейинги даврда ўз натижаларини берди. Темир даврида жамият ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди: иккала ҳудуд соҳибларининг маданият ва хўжалик соҳасидаги фаолияти қўшини ҳалқларнинг таъсирига қўл келади ва ўзи ҳам қўшинларнинг маданий ривожланишига таъсир ўтказади. Бу жараёнлар айрим ҳолатларда тинч ўл билан давом этди (қадимий йўллар, савдо-сотиқ ва бошқалар) айрим ҳолларда эса ҳарбий-сиёсий тўқнашувлар ҳам бўлиб турди (кўпчилик ҳолатларда кўчманчилар ўтрок воҳаларга ҳужсум қиласилар). Мазкур ўтрок ва чорвачилик қабилаларнинг муносабатлари охир оқибатда жамиятнинг ривожланишини тезлаштиради. Жез ва темир давларида

цивилизациялар тараққиётининг асосий белгилари агарар хўжалик ва ҳунармандчилик ютуқларида ўз ифодасини топади, бу даврга келиб сунъий сугориш йўлга қўйилади. Чорвачилик ва дехқончилик хўжаликлари ривожланишинг янги босқичига кўтарилди. Ҳалқларнинг ижобий фазилатлари илдизлари қадимий-тарихий, маданий муносабатларда бошланганлигини тасдиқловчи мисоллар топар эканмиз, бу жараёнда муайян ҳудудлардаги маданиятларнинг ўзаро таъсирини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ керак. Ўрта Осиё жанубида ва уларнинг ҳудудий қўшиларида вузудга келган маҳаллий цивилизацияларнинг ўзаро таъсири айниқса муҳим бўлган.

Ўрта Осиё жанубида жойлашган Бақтрия (Балх) ва Марғиёна (Марв) ҳудудлари ўлкамиздаги қадимги цивилизация маконлари ҳисобланади. Уларнинг маданиятлари қандай пайдо бўлгани ҳақида кўплаб илмий тадқиқотлар амалга оширилган ва бу масала ҳусусида турлича нуқтаи қарашлар мавжуд. Кўпгина тадқиқотчилар бу цивилизацияларнинг бунёд бўлишини миграция жараёнлари билан боғлайдилар.

В.М.Массоннинг фикрича, Мурғоб дарёси ҳавзасида дастлабки қароргоҳнинг пайдо бўлиши, Шарқдан Конетдоғ этакларига маданиятнинг силжисб келиши билан боғлиқдир. Тадқиқотчининг таъкидлашича, Марғиёнадаги меъморчилик мажмуаси Олтинтепа қадимги маданиятига оидdir. Олим Эроннинг шимоли-шарқидан келган гуруҳлар маҳаллий аҳоли билан тил топишиб кетганлигини инкор қўлмайди. Олимлардан И. Масимов билан А. Асқаров ҳам В. Массоннинг Конетдоғ этакларидан бошланган миграция жараёнлари Марғиёнага, сўнгра Бақтрияга ёйилганлиги тўғрисидаги фикрига қўшиладилар.

И.В. Сарианиди Жанубий Туркманистон қабилалари Мурғоб дарёси ҳавзасини ўзлаштирганлар деб ҳисобласа ҳам, Бақтрия-Марғиёнадаги археология мажмуасининг ҳусусиятлари жанубий Туркманистондаги Намозгоҳ V маданияти билан ўхшаши бўлмай, балки Эрондаги ўша давр маданиятига нисбий ўхшаб кетади, деб ҳисоблайди.

Ўтказилган тадқиқотларни қиёсий таҳлил этиши натижасида шундай хуносага келиш мумкин: Бақтрия ва Марғиёна маданиятларининг йўналишлари маҳаллий шароитда юзага келган ва маҳаллий цивилизациянинг маҳсули бўлган. Бу жараёнларда қўшини ҳудудларда вузудга келган маданий анъаналарнинг муайян таъсири бўлганлигини ва маҳаллий аҳоли ўша анъаналарни

ұлапшыриб, үзига хос янги асосда ривожлантирганлигини алоқида таъкидлаб үтиш зарур.

Чуст Фарғона водийсида энг яхши ўрганилган ва машҳур шоғидир. Аҳоли орасида Буонамозор деб аталағиған бу қадимий қишлоқнинг вайроналари ҳозирги Чуст шаҳридан иккى километр шимолдаға ғовасой соҳилида жойлашган. Бу жойни 1950 йилда М.Э. Поронец топған. Мазкур ёдгорлик аввалига В.И. Спришевский, сунгер Ю.А. Заднепровский раҳбарлигидаги тадқиқотчилар гуруҳи томонидан ўрганилди. Қазишмалар натижасида топилған мөддий маданият буюмлари бошқа ҳудудларда топилған буюмлардан анча фарқ қылғанлиги сабабли бу маданият фанда “Чуст маданияти” номини олди.

Чуст маданияти шакланған даврда бутун Үрта Осиё ҳудудида мұдым ижтимоий-иктисодий ва тарихий-маданий үзгаришлар содир бўлған. Тадқиқотчиларнинг фикрича, бу үзгаришлар Энасой (Энисей) ва Урал дарёлари оралиғида яшаган аҳоли (Андроново маданияти) ҳамда Волга ва Дон дарёлари оралиғида яшаган кўчманчи чорвадор қабилаларнинг (Ягачбанд маданияти) келиши билан боғлиқдир.

Шимолдан келган бу қабилалар жез даврида Үрта Осиёнинг маҳаллий аҳолиси билан аралашиб кетган. Айни шу даврда Үрта Осиё шимолидаги аҳолининг бир қисми жанубга силжиб борган, шимолда қолган гуруҳлар эса дарёларнинг ҳавзаларини, тоғ өнбағриларидағи сойлар ва булоқларнинг соҳилларини ұлаштирганлар. Бу қабилалар дәхқончилик учун қулай бўлған срларда сүғорма дәхқончилик билан шуғулланишга ўтганлар. Шу тарика милоддан аввалги иккинчи минг йилликнинг охирларида ва биринчи минг йилликнинг бошларида Үрта Осиёнинг шимоли ва шарқий ҳудудларида қадимий дәхқончилик марказлари шаклана бошлади.

Юқорида санаб ўтилған барча цивилизация марказлари ҳали тұла-тұқис ўрганиб чиқылмаган бўлишига қарамай, кўпчилик тадқиқотчилар улар ўртасида кенг кўламли тарихий-маданий алоқалар мавжуд бўлған ва бу алоқалар уларнинг үзаро таъсирини таъминлаган, деб ҳисоблайдилар. Үзаро алоқалар хусусида шуни айтши керакки, Шумер-Элом анъаналари үрта Шарқдаги тарихий цивилизацияларнинг ривожланиши учун асос бўлған. Бекатлардаги имаратларнинг маъмурий қурилиш тарихида, сопол буюмлардаги афсонавий манзараларда, ҳунармандлар ясаган баъзи буюмларда шунингдек, диний маросимларни ўтказишида маданиятларнинг

ұзаро таъсирини күриш мүмкін.

Бундан ташқари энеолит (мис) даври жez давридан бошлаб Ҳиндистон цивилизациясыга ва ўрта Шарқ маданиятiga кучли таъсир үтказғанлыгын тадқиқотчилар тасдиқламоқдалар.

Жez давридан бошлаб ва сүңг маданий экспенсия вақтида урбанизацияның ривожланиши миқёси Жануби-ғарбий Тоғжикистон ҳудудига ёйилған ва у Шимоли-шарқ томонға ёйила бошлаганды Дашиң чорвадорлари маданиятiga дүч келған. Бу ҳол минтақадагы этносларнинг сиёсий жараёнларини чигаллаштира бошлаган. Дашиң ва ўтроқ жамоаларнинг чегарадош ҳудудларыда мавжуд тарихий-маданий асослар маданиятларининг ұзаро таъсирі күчайған.

Хулоса тарзіда шуни таъкидлаш лозимки, милоддан аввалғи 2 минг ийлilikнинг ўрталарыда қадимий Бақтрия ҳудудида құйидаги цивилизация турлари түрт тарафға ёйила бошлаган: Сополли-дашли ўтроқ деңқончилик маданияти (Сополли тена, Жарқұтон, Даши, Муллоли, Бұстон, Тандиркүл, Норак), аралаш деңқончилик маданияти (илк Гулхар, Гаркүл, Вахш, Мақони-Мор, Откүл, Жаркүл), Дашиң маданияти (Андронов, Құрғонтена) үтиш давридаги деңқончилик ва чорвачилик маданияти (Тегузон, Кангуртут, Құшсой).

Үтказылған тадқиқот натижалари таҳлил этилганда, шу нараса маңылум бұлдықи, шимолдаги чорвадорлар билан жануубдаги деңқонларнинг ұзаро мұносабатлары жадал ривожланиши (аввалига иқтисодий-маданий алоқалар орқали, сүңгра бевосита экспансия (ёйилиш) ва миграция (күчиш) орқали милоддан аввалғи 2-минг ийлilikда ўрта Шарқдаги тарихий-маданий жараёнларға сезиларлы таъсир үтказди ва мазкур ҳудудларда яшөвчи жамоаларнинг тарихий тақдирини белгилашда мұхим роль үйнади.

Жez даврида Ўрта Осиё ҳудудида ривожланиши даражаси түрлича бұлған тарихий-маданий минтақалар мавжуд әди, уларнинг ҳарбий құвваты бир хил эмас әди. Иккى этник маданий тизимлар (ұтроқ ва күчманчи)нинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ҳар хил бұлғанлығы сабабли улар ўртасидаги зиддияттар тобора мураккаблашиб борди. Мазкур этник маданий тизимлардаги жүйроғий-сиёсий алоқалар ижтимоий-маданий мұносабатлар билан баб-баравар ривожланыб борди. Натижада Ўрта Осиёнинг тарихий-маданий майдонида ижтимоий тизимларнинг қайта гурухланиши жараёнлари янада жадаллашды. Уларнинг бабылары таназзулға учраб ҳалок бұлды, бошқалары қайта тиклана бошлади, үчинчилары қоришиб кетиб, янги маданий негизде ривожлана бошлади.

*Археологик тадқиқотлар натижасида мазкур мураккаб тарихий-маданий жараёнлар аввалига Намозгоҳ, Олтинтепа, Сополлитепа, Томур, Мергар, Шаҳри Сўхта каби дастлабки шаҳарсизмон марказлар ривожланган вақтда содир бўлғанлиги аниқланди.*

Узбекистонда цивилизациянинг шаклланиб ривожланишида, багрикенглик анъаналарининг мустаҳкамланиб кучайшида, савдо-сотиқ ва алоқа йўлларининг аҳамияти катта булади. Қадимий йўллар муаммоларига оид тадқиқотлар XIX асрнинг иккинчи ярмидан шу кунгача давом этмоқда. Ана шу тадқиқотлар Узбекистон цивилизацияси бутун Шарқ цивилизацияси билан бевосита боғлиқ қилингани узил-кесил тасдиқлаб берди.

Үрта Осиё қадимий йўлларини ўрганиш учун кўпгина тадқиқотлар ўтказилди. Масалан XIX асрнинг охирлари ва ўтган асрнинг бошларида тадқиқотчилар ўрта аср муаллифларининг асарларидан Балхдан Кеш ва Самарқандгача бўлган қадимий ва бошқа йўналишлардаги йўлларни баён этилганини топдилар. Тадқиқот маълумотларининг кўрсатишича, айрим қадимий йўлларидан ўрта асргача фойдаланиб келинган.

Үлкемиз ҳудудида яшаган эң қадимий халқлар тұғрисида маңылымот берувчи күхна ёзма манбаларда шу ҳудудларда истиқомат қылған ақолининг иқтисодий ва маданий алоқалари тұғрисида етарлича тұлиқ маңылумот баён этилмаган. Шу сабабли археология, этнография ва антропология соқасидаги изланишларнинг маңылумотлариғоят ақамиятлидир. Шу соқадаги маңылумотларни тағып өткізу натижасыда дәхқонлар ва чорвадорлар томонидан Үрта Осиё ҳудудидаги ерларни үзлаштириш соқасидаги үзига хос құсусияттар ва қонунияттарни үрганиши имконияты вузжудға келди. Савдо-сомиқ, мол айирбошлиш ва маданий алоқаларда мұхим ақамияттаға зерттеудегі үзаро мұносабатлар, жумладан, қадимий йүллар ва йұналишлар тарихини үрганиши ҳам гоят ақамиятлидир.

Тадқиқот натижаларидан маълум бўлишича, милоддан аввалги 4-3 минг йилликлардаёқ Ўрта Осиё ҳудуди қадимий Шарқда аужудга келган ва кўп ҳолларда айни шу ҳудудга хос бўлган савдо-сомиқ, мол айирбошлиш ва маданий муносабатлар тизимиға кира бошлаган эди. Шу пайтда энг қадимий ўллар пайдо бўлиши натижасида шарқ халқлари ўртасида маданий ва иқтисодий муносабатлар, хусусан савдо-сомиқ ривожланганини кузатилиди. Масалан, милоддан аввалги 4-3 минг йилликдаёқ Жанубий Түркменистон ҳудудида лойдан ясалган дастлабки гидираклар,

милоддан аввалги 3-минг йиллик ўрталарига келиб, хўқиз қўшилган тўрт ғидиракли аравалар пайдо бўлган. Дастребки юк ташиб воситалари пайдо бўлиб ривожланисиши ички ҳудудда қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотини тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш учун яхши шароит вузудга келтирганлигини бу эса қадимий йўлларда иқтисодий ва маданий муносабатлар самадорлигини оширишга кўмаклашганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, жез даврига келиб Ўрта Осиёдаги янги ерларнинг ахоли томонидан ўзлаштирилиши жараёни жадал тус олди. Шу вақтда Ўрта Осиёда яшовчи кўпдан-кўп қабила ва этник гуруҳлар қорақум ва қизилқумнинг ички қисмидан Помир ва Олонинг юқори минтақаларидан ташқари бутун ҳудудни ўзлаштириб бўлган эдилар. Шу ҳудуддаги моддий маданият умумий тарзда олинганда икки гуруҳга — чорвачилик хўжалигига эга бўлган Андроново тарихий-маданий жамоаси (Ижтимоий зона)га ва дехқончилик билан шугулланувчи Намозгоҳ тарихий-маданий жамоаси (Жанубий зона)га бўлинар эди. Улар ўртасида ва уларга қўшни бўлган ҳудудлар билан қадимий йўллар орқали турли соҳаларда алоқа қилиб турилар эди. Бу алоқалар чорвадорлар билан ўтроқ ахоли ўртасида савдо айирбошлиш муносабатларини тез ривожлантириш имкониятини яратди. Муайян ҳудудда тайёрланган маҳсулотнинг бошқа ҳудудда топилиши ёки қадимий ҳудудлардан топилган хом-ашёлар шу фикрни исботлади.

Масалан, Андроново маданиятига хос бўлган идиш-товоқлар Марғиёна, Бақтрия, Сўғдиёна ҳудудларидан топилган, Хоразмда ясалган лой ва металл буюмлар кўпинча шимолий ҳудудлардаги қазишмаларда учраб туради. Замонбобо ва Хўжайли ёдгорликлари атрофида Бадахшон ложувардидан ясалган буюмлар топилган.

Ўрта Осиё ҳудуди қадим замонлардан қимматбаҳо тош ва металларга бой бўлган, бу ерда топилган нодир тошлар бутун Шарқда маълум ва машҳур бўлган. Ложувардан ясалган буюмларга талаб катта бўлган.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан шундай хуносага келиши мумкин: Жез давридаёт қадимий савдо-транзит (карвон) йўллари пайдо бўлган. Кўпгина тадқиқотчилар бу йўлни “Ложувард йўли” деб ҳам атайдилар. Ўша даврда Ўрта Осиёнинг савдо йўлларидан бири Бақтрия ва Марғиёнани қадимий Хоразм, Сўғдиёна, Марказий Қозогистон ва ўрол билан боғлаган. Бадахшон ложуварди милоддан аввалги 3-минг йилликда Месопотамияда

айниқса шұхрат қозонған. Тадқиқотчиларнинг фикрича, жez даврида Бадахшондан жануби-шарқ томонға борыладиган яна бир йүл Үрта Осиёнинг қадимий халқларини ҳозирги Афғонистон орқали Месопотамиянинг иирик марказлари — Ур, Урук, Киш, Лагаш шаҳарлари билан боғлаган. Жез давридаги учинчи йүл Үрта Осиё жанубидаги Бақтрия ва Марғиёнани Ҳиндистон ва Эроннинг маданий марказлари билан туташтирган. Милоддан аввалги 2-минг йилликка келиб, Фарғона ва Чоч ҳудудлари билан қадимги Шарқ ұлкалари үртасида үзаро муносабатлар бошланған. Тадқиқотлар натижаларига күра, шу даврда Месопотамия шаҳарларидан бошланған савдо йүллари Жанубий Туркманистан орқали Бақтрия ва Сүгдиёнага, сұнгра Фарғонага олиб борган. Бу йүлнинг бир тармоги Фарғонадан гарбга, ҳозирги Қозогистон чүллари орқали Уралға ва Волга бүйларига борган. Бошқа бир тармоги эса Фарғонадан Шарққа, Шингжонга (Шарқий Туркистан), Шимолий Хитойгача өзүлген.

Милоддан аввалги 3-минг йилликка келиб Үрта Осиё ҳудудлари Месопотамия, Ҳиндистон, Эрон каби юқори цивилизацияли мамлакатлар билан ҳам үзаро муносабатлар үрнатған эди. Зарафшоннинг юқори оқимида жойлашған Саразм қадимги маданият ёдгорликларида ҳинд цивилизацияси ашёларига үхшаши буюмлар: чиғаноқ тошдан ясалған безаклар, сопол идиши намуналари топилған. Шу үхшашилкларга қараб, иккала ҳудуд үртасида үзаро муносабатлар мавжуд бўлғанлигини қайд этиш мумкин. Шуни аниқ айтиш керакки, милоддан аввалги 2-3-минг йилликларда Үрта Осиё жанубида яшаган аҳоли Месопотамия ва Эрон халқлари билан, марказий ҳудудларнинг аҳолиси эса, асосан, Ҳиндистон билан бевосита алоқада бўлған. 2-минг йиллик үрталарида ички ва ташқи савдо билан шуғулланған Месопотамия саводгарлари учун Месопотамия ва қўйни давлатлар бўйича йўл қурсаткич-хариталар бўлғанлиги тўғрисида маълумотлар борлигини таъкидлаш даркор.

Халқимиз бағрикенглик анъаналарининг ёйилиши ва ривожланишида бевосита иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда қадимий йўлларнинг аҳамияти катталигига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Шу билан бирга қадим замонларда рўй берган миграция (халқларнинг кўшиш) жараёнлари ҳам бағрикенгликнинг муҳим тарихий илдизлардан бири бўлғанлигини қайд этиш мақсадда мувофиқ бўларди.

Халқлар кўшишининг маҳаллий маданиятга таъсирі ҳақида

кейинги йилларда муайян тадқиқотлар ўтказилди. Баъзи олимлар Ўзбекистон жанубидаги (Бўстонсой) қадимий аҳолининг ўртача умри узунлиги ва антропологик қиёфасини жез даврида Ўрта Осиё ва Қозогистон ҳудудида яшаган аҳолининг ана шундай кўрсаткичлари билан таққослаб, улар ўртасида унчалик тафовут ўйқ, деган холосага келдилар.

Шу даврда ўрта денгиз ирқий қиёфасига ва ўз моддий маданиятига эга бўлган ҳалқлар миграция жараёнлари таъсирида маҳаллий аҳолига яқинлашганлар. Ўзбекистон ҳудуди (Чуст, Далварзин, Сополли, Жарқўтон, Муллали)даги жез даври ёдгорликлари ва жануби-ғарбий Тожикистон (Шерсой, Маканимар), Жанубий Туркменистон (Олтинтепа, Намозгоҳ), шимолий Афғонистон ва шимолий Эрон маданият ёдгорликлари айнан шундан далолат беради. 2-минг йилликнинг охири ва 1-минг йилликнинг бошларида миграция жараёнлари кучайиши натижасида Ўрта Осиёning катта ҳудудида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар содир бўлди. Шу даврда шимолдан келган кўчманчи Андроново маданияти қабилалари маҳаллий аҳоли билан қўшилиб кета бошлаб, дехқончилик билан шуғулланиш учун қулай ерларга жойлашдилар ҳамда ўтроқ ҳаёт тарзига ўта бошладилар.

Сўнгги маданий экспансия давом эта бориб, иқтисодий ва маданий ривожланиши доираси шимоли-шарқий тарафга – ҳозирги жануби-ғарбий Тожикистон ҳудудига ёйлади ва дашт чорвадорлари маданиятига дуч келади. Шу пайтдан эътиборан дашт ва ўтроқ жамоаларнинг чегара ҳудудларида ўзаро маданий таъсир минтақада тарихий-маданий асосда содир бўлаётган этно-сиёсий жараёнларни янада кўпроқ чигаллаштириб юборади.

Бу даврда дехқончилик ва чорвачилик маданиятларининг бирлашуви ҳўжаликни нисбатан самарали юритишнинг муҳим асоси бўлди. Металл қазиб олиш ва уни қайта ишлашда кулолчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришида ҳам юқори натижаларга эришилди. Жез даври ҳунармандлари фаолиятида технологик ўзгаришлар туфайли маҳсулот сифати яхшиланди, шубҳасиз бу ҳол ҳам ички, ҳам ташқи омиллар билан бевосита боғлиқ эди.

Милоддан аввалги 2-минг йилликда жанубдаги дехқонлар билан шимолий чорвадорларнинг (аввалига алоқа орқали, сунгра бевосита экспенсия ва миграция, яъни ёйлиш ва кўчиши орқали) фаол ўзаро муносабатлари Ўрта Осиёдаги тарихий-маданий жараёнларга сезиларли таъсир ўтказди ва мазкур ҳудуд аҳолисининг тарихий тақдирида, шунингдек бағрикенглик анъаналари

*риюзланишида мұхым ақамиятга әга бўлди.*

*Бағрикенгликнинг тарихий илдизлари қадимий халқлар ва уларине ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бунёдкорлик фаолияти билан чамбарчас боғлиқдир. Бу мұхым фикрни қуйидагича талқын шыны мүмкін: **биринчидан**, бу вақтда меҳнат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар ўз табиий жойлашувига биноан синфларга бўлина бошлиди. Археологлар ўтказган тадқиқот натижалари Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг жанубий ва шимолий ҳудудларини ажратиб (жанубдаги халқлар дехқончилик билан шимолдаги халқлар чорначилик билан шуғулланган), бағрикенглик анъаналарига алоқадор фактларни қиёслаш имконини беради; **иккинчидан**, эрта дехқончиликни ва ишлаб чиқарыш иқтисодиётига ўтган дехқон жамоалари кўпайғанлиги демографик вазиятга таъсир қилди. Бу дод қадимий маданият соҳиблари бўлган синфларнинг кўчишига ва хўжалик юритиши тизимининг ўзгаришига туртки бўлди. Мазкур омиллар бағрикенглик анъаналарининг кенг миқёсда ёйилишига асос бўлди; **учинчидан**, ўлкамиз ҳозирги халқларининг шаклланиши мураккаб этно-маданий шароитда содир бўлди. Ўрта Осиё ҳудудида рўй берган жараёнларда қадимги тарихда бошланган маҳаллий урф-одат ва анъаналар устун даражада бўлди; **тўртинчидан**, айни мана шу қадимий аҳоли дастлабки урбанистик маданиятнинг ривожланиши жараённида илк давлатчилик асосларини яратди ва ўлкамиз ҳудудидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланишига раҳбарлик қилди. Айни шу маданият намоёндалари дастлабки дехқон манзиллари ва биринчи шаҳарларни барпо этдилар.*

*Ўрта Осиё ҳудудида милоддан аввалги 2-минг йилликнинг охри ва милоддан аввалги I-минг йиллик бошларида содир бўлган поқеалар бу ўлгадаги муайян тарихий-маданий жараёнлар нақадар мураккаб кечганилигидан далолат беради. Шимолий чорвадорларнинг маданияти (бу маданиятни шартли равишда Андроново маданияти деб атамиз) ўз вақтида бутун Қозогистон ҳудудини қамраб олиб, гарбда Волга дарёси ортидаги даштларгача, Шарқда эса Мунусинс ҳавзасигача тарқалган эди. Уша пайтдаги чорвадорларнинг ўтроқ аҳоли билан маданий ва иқтисодий муносабатлари изларини мазкур давр кўпгина қалъаларида ҳам кўриш мүмкін. Бу жойларда жез ва сополдан ясалган кўпгина буюмлар, меҳнат қуроллари ва ҳарбий қуроллар, шунингдек санъат асарлари топилган. Бу ёдгорликлар ўз навбатида қадимийлиги жиҳатидан Олд Осиёдан кейинги ўринда туриши алоҳида эътиборга сазовор ҳолдир.*

*Антрапологик тадқиқотларининг натижаларидан кўринадикি,*

сўнгги жез даврида ва темир даври бошларида Ўрта Осиёning катта ҳудудида европеоид ирқи намоёндалари тарқалган.

Кейинги йилларда Ўзбекистон, Туркменистон, Шимолий Афғонистон, Жанубий Тоҷикистон ва шимоли-шарқий Эрон ҳудудларидағи қабристонлардан, қалъа иншиотлари қолдиқларидан топилган буюмлар ҳам айнан шу фактни тасдиқламоқда. Дағн әтилганларни антропологик нуқтаи назаридан қиёсий ўрганиш бунинг учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Олимлар археологик ва антропологик тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиши асосида қуйидаги хуносага келдилар: жез даврига келиб Ўрта Осиёning жанубий вилоятларида тарқалган ирқ вакилларининг юзлари чўзиқ ва бўйлари баланд бўлган. Шимолий дашт ва чўл ҳудудларида яшаган қабилаларнинг жануб аҳолисидан фарқи шу бўлганки, уларнинг бошлари юмалоқ, юзлари эса унчалик кенг ва чўзиқ бўлмаган.

Фанда жанубий қиёфага эга бўлган кишилар “урта денгиз ирқи вакиллари” деб аталади. Улар Олд Осиё, Месопотамия, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларнинг катта жуғрофий маконларида яшаганлар. Шимолий тоифага мансуб юзли кишилар жанубий Сибирдан Қозогистонгача, Ўрта Осиёning шимолий қисмидан то Урал ва Волга бўйларигача бўлган ҳудудларда тарқалганлар.

Проф.А. Сагдулаевнинг тадқиқотларига кўра, Жез даврида Ўрта Осиё ҳудудида қадимий жанубий тоифа вакилларининг шимолликлар билан қоришиши жараёни бошланади. Айни шу даврда ўлкамиз ҳудудида яшаган жез даври қабилалари қадимги ҳалқ златларига асос солдилар. Бу давр ўлкамиз ҳудудида юз берган мураккаб этно-маданий жараёнлар билан ҳарактерланади. Жумладан, жанубий ҳудудларнинг ҳосилдор воҳалари ўтрок дехқонлар томонидан ўзлаштирилар, шимолий вилоятларда эса кўчманчи чорвадорлар билан ўтрок аҳолининг чамбарчас ўзаро алоқалари асосида ижтимоий-иқтисодий ва маданий-этник муносабатлар фаоллашиб борар эди. Ана шу муносабатларнинг ривожланиши натижасида бағрикенглик анъаналари шаклана борди.

Милоддан аввалги 2-минг йиллик ўрталаридан Ўрта Осиё ҳудудига шимоли-шарқдан чорвадор кўчманчи янги этник гуруҳлар кўчиб кела бошлади. Уларнинг маданияти маҳаллий цивилизациядан бирмунча фарқ қиласр эди. Бу гуруҳларнинг маданият ёдгорликлари (Тозабогаёб) кейинчалик Зарафшон дарёсининг қуви ҳавзаси

Худудида топилиб ўрганилмоқда. Тошкент воҳасида, Фарғона вадийида, Шимолий Бақтрияниг тоғли ва тоғ олди ҳудудларида зам айти шу этносларнинг излари аниқланди. Катта ҳудудларда, жумладан, Қозогистон чўлларида, Олтой, Жанубий Сибир еририда, Урал олди ҳудудларида яшаган этник гурӯҳлар алоҳида маданият (Андроново маданиятини) яратдилар. Археологик ва антропологик тадқиқотлари натижасида ана шу икки цивилизация намоёндаларининг этно-маданий алоқалари ва ўхшашиб жиҳатлари аниқланди.

Қадимги аҳолининг бунёдкорлик фаолияти минтақаларнинг шир томонлама ривожланиши, жумладан манзилгоҳлар ва шаҳарлар ишоди бўлишида жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бинобарин, қадимиий шаҳар аҳолисининг сони ва бу шаҳарлар жойлашган ерни аниқлаш жуда мароқли ва баҳсли масаладир. Агар ундан вақтда ўрта асрлар, мустамлакачилик даври, совет даври ва мустақиллик даври шаҳарлари аҳолисининг сони тўғрисида муайян тадқиқотлар ўтказилган ва аниқ натижалар олинган бўлса, қадимги шаҳарлар аҳолисининг сонини аниқлаш вазифалари етарлича ўрганилмаган. Қадимги шаҳарлар аҳолисининг сони тўғрисидаги дастлабки маълумотлар хорижий олимларнинг тадқиқотлари натижасида аниқланди. Жумладан, Г. Чaeд шаҳарсозликнинг асосий белгилари ҳақида гапириб, беш минг ва ундан кўпроқ киши яшаган манзилгоҳларни шаҳар деб ҳисоблашни таклиф қилди. Г.Франкфорт маҳсус тадқиқотлар натижасида Месопотамия қадимиий шаҳарлари аҳолисининг зичлиги 1 сектарга 400 кишини ташкил қилар эди, деган хуросага келди. В.М. Массон мазкур қиёсий таҳлил хуросаларига таяниб, Каишубадшоҳда (Тоҷикистон) таҳминан 2000 киши, Зартипода (Ўзбекистон) таҳминан 6.500 киши яшаган бўлиши мумкин, деган юни илгари сурди. Аммо, тадқиқотчи ўз гоясини тўла-тўқис асослаб бермаган ва бу хусусдаги ўз шубҳасини айтган.

В.М.Массон ўзининг қадимиий ва палеоэтник тадқиқотларига асосланиб Жайтун маданияти тарқалган вақтларда Конетдоғ тақларидаги текисликларда таҳминан 3 минг киши яшаган, аҳоли зичлиги жуда сийрак даражада бўлган — 100 км<sup>2</sup>га 14 киши тўғри келган деган фикрни баён этади. Бошқа ёдгорликлардан фарқли умароқ Сополитепа аҳолиси ҳақида муфассал маълумотлар бор. Манзилгоҳнинг катта қисмида маданий қатламлар йўқлиги сабабли, ҳисоб-китоб фақат қалъадаги маълумотлар асосида ўтказилган, сўнгра ундан олинган маълумотлардан бошқа

худудларда фойдаланилган. Академик А.А.Асқаровнинг кўп йиллик тадқиқотлари натижаларига кўра Сополлитепа қалъасининг умумий майдони  $6,724 \text{ м}^2$ ни ташкил этади. Қалъанинг биринчи босқичида 30 та кичик оила яшаган ва ҳар бир оиласга  $224 \text{ м}^2$  майдон тўғри келган. Иккинчи босқичда 61 оила яшаган, ҳар бир оиласга  $110 \text{ м}^2$  майдон тўғри келган, учинчи босқичда оиласлар сони 47 та бўлган ва ҳар бир оиласга  $143 \text{ м}^2$  майдон тўғри келган. Тадқиқот натижаларига кўра Сополлитепада шу даврда таҳминан 1255-1506 киши яшаган.

Акад.Э.В.Ртвеладзе Далварзинтепа мудофаа деворларининг ички ҳудуди 17 гектардан иборат бўлган, ҳар бир гектарда 280 киши яшаган, умумий ҳисобга кўра қадимги шаҳарда б мингдан кўпроқ киши яшаган деб ҳисоблайди. Муаллиф шу усуслда Шимолий Бақтриядаги кўргина қадимги шаҳар ва манзилгоҳлар аҳолисининг сонини қўйидагича белгилайди: Зартепа — салкам 3 минг киши, Хайитбодтепа салкам 1500 киши; Талашгантепа II салкам 100 киши; Ялантўштепа салкам 3500 киши, Кампиртепа 800-900 киши; Хайрабодтепа салкам 500 киши, Бобойтепа 700 кишидан кўпроқ; Аррапоятепа салкам 300, Келинчактепа 70 дан кўпроқ, Ўққўргон 140-150 киши.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қадимги шаҳарларнинг аҳолиси тўғрисидаги маълумотлар жуда камлиги билан характерланади. Шунга қарамай, ана шу озгина маълумотларни умумлаштириш ва бу соҳадаги тадқиқотларни давом эттириш, дастлабки шаҳарлар аҳолиси тарихи тўғрисидаги тасаввуримизни кенгайтиради. Ўрта асрлар ва шундан кейинги даврлар шаҳарлари аҳолисининг сонига келганда, бу хусусда нисбатан кўпроқ маълумот бўлиб, бу алоҳида мавзу ҳисобланади.

Бир вақтлар қадимги ўлкамиз ҳудудида яшаган аҳолининг номи бизга маълум эмас Ўрта Осиё аҳолиси тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Шарқий Юнон-Рим манбаларида тилга олинади.

Юнон тарихчиларининг маълумотларига кўра, Евросиё катта ҳудудида яшаган қабилалар “скифлар” деган умумий ном билан аталган. Геродот уларга юқори баҳо бериб, “бу ҳалқ ўзининг қадимишлиги жиҳатидан Мисрликлардан қолишмайди” деб ёзган. Ўша замондаги бошқа бир тарихчи — Плиний Ўрта Осиё ҳудудида яна 20 га яқин қабила мавжудлигини эслатади. Ёзма манбаларда скифларнинг икки йирик қабиласи: саклар ва массагетлар бўлганлиги ҳам қайд этилади.

Беҳистун китобларида саклар уч турга (хаумаварка,

ти-тракхауда, тиай-тара дарайа)га бўлинади. Массагетлар тўрисида ҳам турли фикрлар бор: улар маҳаллий чорвадор ва жанговор жанччи бўлганлар. Аммо, бу халқ ва қабилалар айнан қайси ирққа мансублиги ҳақида ёзма маълумотлар йўқ.

“Авесто”да ўлкамиз ҳудудида яшаган қадимий қабилалар ҳақида баъзи маълумотлар берилган. Шунга биноан, жамият нъюлари ўша пайтда 4 қисмга бўлинган, уларнинг биринчиси уй, оиласвий жамият бўлиб “имана” ёки “дмана”, иккинчи қариндошлик жамияти — “вис”, учинчи қабила — “занту”, тўртнинчиси қабилалар имтифоқи — “даҳю” деб аталган. Яштларнинг учинчи бобида бундай дейилган: “биз Митра худосига ибодат қиласмиз, ҳеч ким унга ёлғон гапиришга ҳақи йўқ: агар уйда оила бошлиғи, уруғ оқсоқоли, қабила ва давлат бошлиғи ёлғончи бўлса — жаҳли чиққан Митра оилани, уруғни, давлатни ва унинг бошлиқларини йўқ қилиб ташлайди”.

“Авесто”да раҳбарият тизимиға оид маълумотларга кўра вилюят “Дахю” деб, унинг бошлиғи эса “Дахюопати” деб аталган. Давлатни бошқарувчи киши “Кави” ёки “Састар” деб аталган.

Аммо бу манбада шаҳарлар ва қишлоқларнинг ҳокимлари ҳақида маълумот йўқ. “Авесто” қадимги жамиятни уч табақага бўлади. Бу табақалар — қоҳинлар, ҳарбийлар, чорвадорлар ва ҳунармандлардир. Шу манбадаги турли маълумотларга қараб мулоҳаза юритгандаги қадимий шаҳарларда заргарлик, кулолчилик, тўқувчилик ва темирчилик касблари ривоҷланган.

Археологик маълумотлар ва ёзма манбаларни қиёсий таҳлил этиши асосида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон қадимги тарихининг жуда катта даври ҳусусида ёзма хуҗжатлар йўқ. Бу давр фақат археологик ва антропологик маълумотлар асосидагина ўрганилади.

Қадимги Шарқ (Ҳиндистон, Оссурия ва Эрон) ёзма манбаларидан маълум бўлишича, милоддан аввалги 1-минг йиллик урталари ва охирида Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон тарихи ҳинд-эрон қабилаларининг тарқалиши билан боғлиқдир. Ҳинд-Эрон қабилалари аввалига Волга, ўрол ва Жанубий Сибир оралигидаги бепоён ҳудудда яшадилар. Ўрта Осиё ҳудудидаги аҳолининг жойлашуви, эҳтимол милоддан аввалги IX-VIII асрларда этник гурухларнинг бўлиниши билан боғлиқ бўлган. Шуни айтиши керакки, Эроннинг Аҳамонийлар сулоласи шоҳларининг милоддан аввалги VI асрда Ўзбекистон ерларига юриши вақтида бу халқларнинг бўлиниши тўла-тўқис тугалланган эди. Турли

халқларнинг ҳудудий жойланиш чегаралари, вилоятларнинг маъмурӣ чегаралари ва дастлабки шаҳарлар Аҳамонийлар келишидан анча аввал пайдо бўлган эди.

Ўзбекистон ҳудудида яшаган уруглар ва қабилаларниг тарихи, маҳаллий аҳолининг бунёдкорлик фаолияти, бағрикенглик анъаналари ва маданияти минг йилликлар давомида изсиз йўқолган эмас. Бу маданият ва анъаналар дастлабки шаҳарлар маданияти илк давлатчилик тизимининг негизини ташкил этди. Кўшилар билан муносабатларда бағрикенглик урф-одатлари катта роль ўйнади. Бизнинг ажододларимиз ҳисобланадиган ана шу қабилалар иирик бирлашмалар тузганликлари қадимий ёзма манбаларда қайд этилган. Мазкур манбаларнинг далолат беришicha, милоддан аввалги VII-VI асрларда Ўзбекистоннинг дехқончилик воҳаларида сўғдлар, бақтрияликлар ва хоразмийлар яшаганлар, улар яратган юксак шаҳар маданияти мустаҳкам асосга эга бўлиб қадимги Шарқ шаҳарсозлиги билан рақобат қила олган. Ўрта Осиё ва Қозогистон тоғлари, даштлари ва чўлларида яшаган саклар ҳамда массажетлар асосан чорвачилик билан шуғулланганлар, ўтроқ аҳоли билан маданий ва иқтисодий муносабатларни ривоҷлантирганлар.

Ўлкамиз ҳудудида милоддан аввалги I-минг йилликнинг биринчи ярмида яшаган турли халқлар қадимги шарқий эроний тил ва лаҳжаларда гаплашганлар, уларнинг этник қиёфаси ва тиллари бир-бирига яқин бўлган. Шу сабабли сўғдлар, бақтрияликлар, хоразмийлар, саклар ва массажетлар қардош халқлар бўлиб, бир-бирларини яхши тушунганлар. Айниқса, дехқонлар ва ўтроқ қабилаларнинг моддий ва маънавий маданияти, шаҳар тоифасидаги хўжалик ва маданияти ўхшашиб даражада бўлган.

## **Учинчи мавзу. XX асрда Ўзбекистонда қўпмиллатлиликнинг шаклланиши ва бағрикенглик**

1. Истилочилар босқини ва ўлка ҳудудига халқларнинг кўчидан келиши.

2. Аҳоли рўйхатларига кўра Ўзбекистоннинг этнодемографик манзараси.

Ўзбекистоннинг кўп элат ва қўпмиллатлилик илдизлари қадимги даврларга бориб тақалади. Ўлкамиз ҳудуди жаҳон цивилизациясининг энг қадимий марказларидан бири эканлиги шам-фан ҳуласаларига кўра тўлиқ ўз исботини топган.

Бу ердаги хилма-хил табиий шароит, қадимги инсон зоти тарқалишига имкон берган дарёларнинг водийлари ва тоғ ёнбагирларида жойлашган воҳаларда азалдан дехқончилик қилиниб келган. Зардӯштийларнинг муқаддас китоблари ва мадҳияларидан иборат бўлган “Авесто”, қадимги Эрон, Юнонистон, Хитой, Рим манбалари ва бошқа ёзма ёдгорликлар ўлканинг ўтроқ ва кўчманчи аҳолиси тўғрисидаги маълумотларни бизгача етказиб келган.

Ўлка халқлари ўзларининг кўп асрлик тарихи давомида бетакрор ва ўзига хос цивилизация намунасини яратганлар, шу орқали қўйни мамлакатларнинг ҳам тараққиётига фаол таъсир кўрсатганлар. Бу цивилизациянинг ютуқлари қадимги давр ва ўрта асрлардаги юқори маданиятли халқларнинг ютуқлари билан бир қаторда туради.

Марказий Осиёнинг юрагида жойлашган Ўзбекистоннинг жўтрофий-сиёсий мавқеи туфайли мамлакатимиз Шарқ сиёсий тарихининг марказида бўлиб келди, бу эса аҳолининг катта-катта ғурухлари оммавий равишда кўчидан юришига, турли ирқ, қабила на элатларнинг аралашиб кетишига олиб келди.

Ўлка ҳудудидаги халқларнинг маълум даврларда бир неча маротабалаб кўчишлари, вайронгарчилик келтирувчи шиддатли ғрушлар, турли ҳукмдорларнинг жанг-жадаллари — буларнинг барчаси демографик жараёнларда ўз аксини топди.

Асрлар давомида турли истилочилар: Кир II, македониялик Искандар, араб халифалиги, Чингизхон, Россия империяси юртимизга талончилик ва мустамлакачилик мақсадида юриши қилди. Амир Темурнинг давлат фаолияти даврида эса бошқа халқларнинг вакиллари бу ерда кўчидан кела бошлиди.

*Бу ерда шаҳарлар, қалъалар — босқинчиларнинг истеҳкомлари қадоқ кўтарили, қадимий манзилгоҳлар ёнида кириб келган ҳалқларнинг вакиллари яшайдиган ҳудудлар пайдо бўлди. Улар билан бирга бу ерга янги тил, дин ва маданий қадрияятлар кириб келди. Ҳалқларнинг ҳар бири бу ерга ўзига хос маданиятини ҳам олиб келди.*

*Ўлкамиз Буюк Ипак ўйлида жойлашганилиги бу жараёнларда катта аҳамиятга эга бўлди. Минглаб километрга чўзилган бу ўйлар давомида ғарб билан Шарқни туташтирувчи кўпrik вазифасини ўтади. У нафақат савдо ўйлигини бўлиб қолмай, айни вақтда ҳалқлар ва динлар фаол маданий ҳамкорлик ва бордикелди қиласидиган восита ҳам бўлди.*

*Ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди аввало, серҳосил табиий иқлим шароитларига эга бўлган Фарғона ва Зарафшон водийлари, Тошкент ва Хоразм воҳалари ва бошқа жойлар Шарқдан ва ғарбдан кўчиб келганларнинг эътиборини ўзига тортди. Туб жой аҳолисининг меҳмондустлигиги ва очиқ кўнгиллилиги бу ерга келган ҳалқларнинг ўнашиб қолишларида катта аҳамиятга эга бўлди.*

*Шундай қилиб, узоқ давом этган тарихий жараёнлар давомида Ўзбекистон аҳолисининг хилма-хил этник таркиби шаклланди, натижада вужудга келган йирик элатлар XIX аср охири — XX аср бошларида миллатларни шакллантириш ўйлига ўтдилар, шунингдек миграция асосида турли этник гуруҳлар ҳам вужудга келди.*

*Ушибу ҳудудда яшайдиган ва давлатга ном берган асосий этнос — ўзбеклардир. Бу ҳалқ ўз номидан кўра анча аввал вужудга келганлигини тадқиқотчилар хақли тарзда бир неча маротаба таъкидлаганлар. Ўлканинг қадимий аҳолиси ўзбек миллати таркибига кирган дастлабки этник қатлам эди. Сўғулар, бақтрияликлар, хоразмийлар, фарғоналиклар, қанглар ўзбек ҳалқининг тарихий ажододларидир. Бу ерда турли тарихий даврларда жойлашган туркий тилда сўзлашувчи қабилалар иккинчи қатламни ташкил этади. X-XI асрларнинг охирига келиб ўзбеклар асосан этнос сифатида шакланиб бўлган эди.*

*Шундан кейин айниқса XVI-XVII асрларда унга янги этник қатламлар келиб қўшилди. XVI асрдан бошлаб икки дарё оралигининг асосий ҳалқи “ўзбек” деб атала бошланди. XVIII асрда минтақадаги деярли барча элатларнинг жойлашувида ўзгаришлар рўй берди, оммавий миграция жараёни содир бўлди. XVIII аср охири — XIX аср бошларида ўзбеклар, тоҷиклар, туркманлар,*

қозоқлар, қирғизларнинг жойлашув маконлари муайян даражада барқарорлашиб, бирлашиш ва қўшилиш жараёнлари давом этди<sup>1</sup>.

Бу ҳодисанинг кўп қирралилиги ўзбек халқи таркибига кирувчи баъзи халқларнинг этнографик ўзига хослигини узоқ тақтгача сақлаб қолганлигида ифодаланишини тадқиқотчилар таъкидлаб ўтадилар. XX аср арафасида ўзбекларнинг бир қисми ўлари келиб чиққан қабила ва уруғлар номи билан манғит, қўнгирот, найман ва ҳоказо деб аталганлиги, баъзи гуруҳлар эса ўлари яшайдиган жойга қараб, тошкентлик, хивалик, қўқонлик ва ҳоказо деб аталганликлари маълум. Бир қатор шаҳарларнинг, баъзан эса қишлоқларнинг аҳолиси (масалан, Хоразм, Фарғона төнийсида ўзбеклар) ўлканинг бошқа халқлари билан қўшилиб кетган қадимиий маҳаллий аҳолининг ажододлари “сарт” деб аталган.

Ўша даврдаги аҳолининг этник таркиби динамикасини, турли халқларнинг шаклу шамойилини аниқлаш жуда мураккаб назифадир. Бунинг ўз навбатида бир қанча сабаблари бор. XIX аср охирида ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Россия империясининг Туркистон генерал-губернаторлиги, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги таркибига кирганлигини эътиборга олиш керак.

Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига аҳоли рўйхатлари ўтказилмаган, бу эса маълумотларни аниқлашда бирмунча католикларга олиб боради. Россия империясининг биринчи умумий аҳоли рўйхати Туркистон ўлкаси ҳудудида 1897 йил кузидаги ўтказилиши натижасида аҳоли ҳақида тўлиқ маълумот олинди. Шунга биноан, Туркистон ўлкасида яшовчи 5,3 млн. аҳолидан ўзбеклар 35,75%, қозоқлар ва қирғизлар 44,36%, тоҷиклар 6,73%, туркмандар 4,98%, руслар 3,75%, қорақалпоқлар 2,26%, бошқа миллатлар 2,15% бўлган<sup>2</sup>.

Ўзбеклар асосан Тошкент, Фарғона, Бухоро, Хоразм воҳаларида жойлашган эдилар. Рўйхат ўтказилган ҳудудда яшовчи Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркибида русларнинг улуши бирмунча камроқ — 1,9% бўлиб, тоҷиклар 7,4%, қозоқлар 6,5%, қирғизлар 3,4% ни ташкил этган.

Шу ҳудуддаги аҳолининг кўпчилиги — 79% и қишлоқларда яшар эди. Фақат руслар бундан мустасно бўлиб, уларнинг кўпчилиги — 37,9 минг киши ёки 85% и шаҳарларда истиқомат қилган.

Аҳолининг жинсий таркибига келганда, шаҳарда ҳам,

<sup>1</sup> Қаранг: Ўзбекистон тарихи. — Тошкент, 1993. 36-45-бетлар.

<sup>2</sup> Ўзбекистон ССР Энциклопедияси. — Тошкент, 1984. 347-бет.

қишлоқда ҳам барча миллатлар орасида эркаклар нисбатан күпчиликни ташкил қылган. Энг күп сонли халқ ўзбеклар бўлиб, улар жами 1515,5 минг киши (64,4%)ни ташкил қиласар эди. Шундан 1261,9 минг киши ёки бутун аҳолининг 83,3% и қишлоқ жойларда яшар эди. Қишлоқ аҳолисининг таркибида ўзбекларнинг улуши 67,8% бўлган.

Мустақил машғулотга эга бўлган асосий кишилар дехқонлар бўлиб, улар 317726 нафар кишини, шундан ўзбеклар 239153 нафар киши эди. Шаҳарликлар орасида дехқончилик билан 16448 киши шугуулланган. 28968 кишининг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. Шаҳарларда савдо-сотиқ билан 18229 киши, қишлоқ жойларда 10989 киши машғул эди. Бундан ташқари машғулотларнинг мустақил гурухлари орасида ҳунармандлар, турли маҳсулотлар ёғоч, минерал ҳом ашёни қайта ишловчилар, қурилиш ва таъмираш ишлари билан машғул бўлганларни ҳам санаб ўтмоқ керак<sup>1</sup>.

Туркistonга четдан келиб истиқомат қилаётганлар орасида Волга бўйидан келганлар 9236 киши, Россиянинг Марказий Европа қисмидан келганлар 7385 киши, Уралдан келганлар 7360 киши, империя жанубидан келганлар 7068 нафар бўлган<sup>2</sup>.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1897 йилда жами 3948 минг киши яшаб, шундан 81,2% и қишлоқ жойларда истиқомат қилган эди<sup>3</sup>.

Аҳолисининг қадимийлиги ва зичлик даражаси билан ажralиб турадиган Фаргона вилояти алоҳида қизиқишга сазовордир. XIX аср охиirlарида миграцияга қарамай, туб жойли бўлмаган аҳолининг сони бу ерда жуда оз эди. 1884 йилда вилоятда ана шундай аҳолидан 6,1 минг киши яшаган. Энг йирик этник гуруҳ — туркийзабон ўтроқ аҳоли сартлар бўлиб, улар 475,6 минг кишини ташкил қиласар эди. Кўчманчи ва ярим кўчманчи ўзбеклар (5,7 минг), кўчманчи қипчоқлар (5,6 минг), турклар (5,1 минг), қурамалар (1,4 минг), юзлар (0,3 минг) тил жиҳатидан уларга яқин эди.

Ана шу барча этник бирликлар кейинчалик бирга қўшилиб "ўзбеклар" номини олди ва 493,8 минг кишини, жами аҳолининг 69%ини ташкил этди. Кейинги ўринда қирғизлар 104,1 минг киши (14,5%), учинчи ўринда тоҷиклар — 43,2 минг киши (6,0%) турар эди<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (МДА), фонд 1619, оғ. II, 3- иш бўзи.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 7-бет.

<sup>3</sup> Народное хозяйство УзССР за 70 лет Советской власти. Стат. ежег. — Ташкент, 1987, 5-бет.

<sup>4</sup> Рахматиллаев Х. Динамика этнической структуры населения Узбекской ССР. Ферганской долины.

*Фарғона водийси, Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг  
демократичиллик қилинадиган туманлари оралиғида жойлашган  
Мирзачұл башқа бир үзига хос жой бўлган.*

*Бу ерда XIX асрнинг охирларида 175 минг киши истиқомат  
бўлган. Улардан кўпчилигининг турмуш тарзи ярим кўчманчиллик  
иди. Ўзбеклар ярим кўчманчи аҳоли орасида 145 минг, ўтроқ аҳоли  
орасида 18 минг бўлса, ўтроқ аҳолининг салкам 5 минги тоҷиклар,  
1,5 минги руслар эди. Қозоқлар асосан кўчманчи аҳоли жумласига  
кирар эди. Ўша даврда улар орасида ўтроқлашиши жараёни давом  
штар эди<sup>1</sup>.*

*Бир қанча шаҳарларнинг этник таркиби жуда хилма-хил эди.  
Россия империясининг истилосидан кейин барпо этилган  
шаҳарларда бу ҳол айниқса сезиларли бўлган. Агар Марғилон,  
Андижон, Кўқон, Наманган шаҳарларида ўзбеклар 97,6%, 96,5%,  
92,9%, 85,2% ни ташкил қилган бўлса, Янги Марғилон (ҳозирги  
Фарғона) аҳолисининг таркиби қўйидагича эди: руслар — 42,9%,  
ўзбеклар — 29,2%, українлар — 8,1%, поляклар — 8,1%,  
яхудилар, асосан Бухоро яхудийлари — 2,0%, немислар — 1,7%,  
татарлар — 1,6%, қирғизлар — 0,9%, арманлар — 0,5%, хитойлар  
— 0,3%, уйғурлар — 0,2% ва ҳоказо эди<sup>2</sup>.*

*Ўлканинг асосий шаҳри Тошкентдаги вазият ҳам шунга  
ушиаш эди. Унинг 155673 кишилик аҳолиси 43 тилни ўз она тили  
деб атаган. Шаҳарда туркий тилларда сўзлашувчи катта гуруҳлар  
 билан ёнма-ён оз сонли ва майда гуруҳлар — грек, инглиз, италян  
 ва бошқа тилларни она тили деб ҳисоблар эди.*

*Хуллас, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида туб жой аҳолисидан  
ташқари бошқа ҳалқлар вакилларининг гуруҳлари ҳам яшар эди.  
Уларнинг бир қисми ўлкага қадим замонларда келиб қолган  
араблар, эронийлар, лўлилар, афғонлар бўлса, бошқалари XX аср  
бошларида кўчиб келган этносларнинг вакиллари эди. Мазкур  
ҳалқлар бир қисмининг этногенези ва антропологик тури, моддий  
маданияти, анъаналари бу минтақадан олисда таркиб топган эди.*

*Мазкур гуруҳларнинг вужудга келиш тарихи турлича,  
масалан, уйғурлар 1921 йилгача ягона этник номга эга бўлмай,  
таранчи, қашқарлик, турфонлик ва бошқа номлар билан аталаар  
иди. Улар Хитой император маъмурларининг тазиикү, ўз юртидаги  
бошибошдоқликлар оқибатида, шунингдек, иш топиш мақсадида*

<sup>1</sup> Аминов Б. Этнический состав населения Голодной степи в конце XIX начале XX века // Общественные науки в Узбекистане, 1969, №6, 45-47-бетлар.

<sup>2</sup> Рахматиллаев Х. Изменения в этнической структуре населения узбекской части Ферганской вилайети в годы Советской власти // Совместная этнография. 1988. №6.

Шарқий Туркистондан бу ерга оммавий равишда күчіб келган әдилар. XVI-XIX асрларда уларнинг күчіб келиш жараёнлари айниқса фаоллашган эди.

Ч. Валихоновнинг маълумотларига кўра, Хитойдаги миллий зулмга қарши 1828 йилги қўзголон бостирилгандан кейинги йилларда Кўқон хонлиги ҳудудига 160 мингга яқин қашқарлик күчіб келган. Иш қидириб келганлар эса 1914 йилда 40 минг кишини ташкил этди. Уларнинг бир қисми Туркистон ўлкасида ўтроқлашиб қолдилар.

Меннонийлар (менночилар) этник диний бирлиги намоёндаларининг тарихи ўзига хосдир. XVI асрдан бошлаб Европада қувғинга учраган меннонийлар Нидерландиядан Шимолий Германия, Пруссия, Польшага күчіб келиб, немис аҳолиси билан қўшилиб кетади, унинг маданияти, тилини қабул қиласди. XVIII асрда улар яна таъқибга учрагач, Россияга күчіб келадилар. XIX аср охирида диний тариқат ичидаги бўлиншилар оқибатида уларнинг бир қисми гарбий Сибирь, Ўрол ва Туркистонга келиб қолади. Бу ерда улар бир қанча туманларда, шу жумладан, Хива атрофларида жойлашадилар. Биринчи жаҳон урушига қадар Туркистонда алоҳида ажралиб яшайдиган бир неча минг менноний ва баптистлар яшар эди.

XIX асрнинг охрии XX асрнинг бошларида Россия империяси ўлкани босиб олиб, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги устидан протекторат жорий қилганидан сўнг, бу ўлкада мустамлакачилик сиёсатини юрита бошлиши сабабли шарқий славян диаспораси (руслар, украинлар, белоруслар) фаол тарзда ташкил топа бошлади.

Туркистон генерал губернаторлиги ташкил этилганидан кейин рус аҳолисининг бир қисми мустамлака ҳудудига күчіб келиши (иккинчи босқич) бошланди. Петербург ҳокимияти ва мустамлака маъмуриятининг кўрсатмасига биноан янги, шу жумладан ўзбошимчалик билан күчіб келганлар учун, бундан аввал рус қалъалари ва истеҳкомлари теварагига дастлабки келиб ўрнашганлар учун бериладиган солиқ соҳасидаги ва бошқа имтиёзлар сақланиб қолганлиги бундай күчіб келишини рағбатлантирас эди. Хўжалик вайронгарчиликлари, тез-тез бўлиб турадиган ҳосилсизликлар ва помешчиклар зулми давом этиши, уларни Туркистон томон етаклар эди. Улар асосан Астрахан, Воронеж, Самара, Харьков ва Оренбург губернияларидан күчіб келган руслар, украинлар ва қисман немислар эди. Гарчи бундай кўчишларнинг аксарияти дехқонларнинг ўз ташаббуси билан рўй

Берсада, мустамлака маъмурлари уларни жойлаштиришга, ер билан таъминлашга ва хўжаликларини тиклаб олишга ҳар томонлама кўмаклашар эди.

Рус армиясининг қуий амалдорлари хизмат муддати тугасдандин кейин Туркистонда яшаб қолишларига мустамлака маъмурияти кўмаклашар эди. Уларнинг ўз оиласаларини чакиришиларига ва бепул кўчиб келишларига ижозат берилар эди. Ҳар бир оиласа камида ўн десятина қулай сугориладиган ер ва бир қанча имтиёзлар берилган эди. Шуни ҳисобга олиш керакки, ҳар бир тузукроқ гарнizonда, масалан, биринчи рақамли қалъада бир ярим мингдан уч минггача аскар хизмат қилар эди. Бироқ кўчиб келиш жараёни ташкилий жиҳатдан тартибга солинишига қарамай, ўлка ҳудудига ўзбошимчалик билан келувчилар, шумладан, Еттисувга казакларнинг келиши оқими исқармаганилиги сабабли, уларни бошқа туманларга, аввало Қаспийорти вилоятига кўчиришга тўғри келар эди. Генерал-губернатор К.П. Кауфман казакларнинг мустамлака ичкари минтақаларига жойлашувини мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаб, 1873 йилда казакларнинг бу ерга кўчиб келишига қарши чиқди. Туркистон генерал-губернатори “Туркистон ўлкасини бошқариш тўғрисида Низом” лойиҳасига ёзган тушунтириш хатида: бундан буён ўлкани мустамлакага айлантиришни, унга русларни кўчириб келтиришни икки йўналиш: Оренбургдан Тошкентгача ва Тошкентдан Верний орқали Семипалатинсккача йўналиш бўйлаб амалга оширишни таклиф қилди<sup>1</sup>.

У иккинчи йўналишни мақбул деб билар эди, чунки бу йўналишдаги ерлар ўрнашиб олиш учун қулай, серҳосил эди. Аслида Кауфман бошқа ҳолатларни ҳам эътиборга олган эди. Унинг юқоридаги таклифлари 1876 йилда Кўқон хонлиги тугатилганидан кейин қабул қилинди. Энди биринчи йўналиш Оренбургдан Тошкент ва Хўжанд орқали Ўш ва Жалоловодгача, шунингдек Урсатьевск (Ховос) ва Жиззах орқали Самарқандгача ва Амударёгача чўзиладиган бўлди.

1881 йилнинг ўрталарига қадар фон Кауфманнинг таклифларига биноан Россиядан кўчиб келувчилар (Астрахан ва Саратов губернияларининг дехқонлари) афзалроқ деб топилган замда Талас, Чу водийларидаги қирғиз ерларини, Еттисувни ва Даит ўлкасининг бошқа туманларини ўз ичига олган иккинчи

<sup>1</sup> УЗР МДА, ф. И-1, оп. 2 у 1905, З-бет.

йўналиш бўйичагина жойлаштирилмай, айни вақтда биринчи йўналиш бўйича, жумладан ер, сув муносабатлари бусиз ҳам мураккаб бўлган Тошкент воҳасига ҳам кўпгина келгинидилар жойлаштирилди. Ваҳоланки, бу воҳанинг бир қисмига анча аввал камбағаллашган қозоқлар жойлашиб олган эди. Россиядан кўчиб келганларни Мирзачўлнинг сугориладиган туманларига, Фарғона водийси шаҳарларига ҳам жойлаштирилар.

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, империянинг халқларни кўчириши сиёсати ва амалиётидаги иккинчи ва расмий биринчи босқич 1867-1881 йилларни ўз ичига олди.

Шундан кейинги даврда метрополиядан Туркистон ва Даشت генерал-губернаторликларига кўчиб келувчилар, айниқса, ўз ташаббуси билан ихтиёрий кўчиб келувчилар оқими, Хитойдан уйғурлар ва дунгандарнинг, Туркиядан арманларнинг<sup>1</sup> (Каспийорти вилоятига) стихияли қочиб келиши кўпайгач, империя ҳукумати мустамлакаларда жиiddий чигалликларга йўл қўймаслик учун кўчиб келишга оид барча ишларни тартибга солиш чораларини кўришга мажбур бўлди. Бунинг натижаси улароқ Россия императори 1881 йил 10 июлда “Деҳқонларнинг бўш ҳукумат ерларига кўчиб бориши тўғрисида мувакқат қоидалар”ни тасдиқлади<sup>2</sup>.

Империянинг ҳукмдор доиралари христиан тариқатларига ибодат қилувчиларнинг кўплаб кўчиб келишидан, чамаси ташвишга тушиб, 1883 йилда янги қоидаларни жорий этди, бу қоидаларда Туркистонга фақат руслар ва провослав динига эътиқод қилувчилар кўчиб бориши мумкинлиги, шунингдек, бериладиган ер нормасини камайтириш ва уни 10 йилдан кейингина кўчиб келувчи мулкига ўтказиш кўзда тутилди ҳамда бу ерларга ҳар йили экин экиш шарт қилиб қўйилди<sup>3</sup>. Сўнгра Россия ҳукумати ва ўлканинг мустамлака маданияти ўзгарган шароитни, Россиялик кўчиб келувчиларни Туркистонга жойлаштириш имкониятини эътиборга олиб, яна янги қоидаларни ишлаб чиқди. Уни 1886 йил 12 июлда император Александр II имзолади. Бу қоидаларда белгиланишича: “1. Туркистон ўлкасига фақат христиан динида бўлган ва қишлоқ абивателлари табақасига мансуб рус фуқароларигина кўчиб боришига йўл қўйилади. 2. Кўчиб борувчи.арга генерал-губернаторнинг ижозати билан бўш ерлардан

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ф. И-1, оп. 2 д 1905, 4-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда. Оп. 10, д 603, 7-бет.

<sup>3</sup> ЎзР МДА. ф. И-1, оп. 3 д 706, 2-бет

маҳаллий вазиятга кўра қийинчилексиз ажратиб бериш мумкин бўлсан миқдорда берилади... ”<sup>1</sup>.

Туркистондаги объектив ижтимоий-иктисодий вазиятлар замда 1881 ва 1886 йиллардаги кўчиб келиш қоидалари ўртасида китта тафовутлар борлиги рус аҳолисининг мазкур мустамлака ҳудудига кўчиб келиб жойлашишидаги бутун ишда сифат ўзарашларини белгилаб берганлиги сабабли 1881 йилнинг июнидан 1886 йилнинг июнигача ўтган даврни Туркистон генерал-губернаторлигига кўчиб келиш жараёнининг янги босқичи деб исоблаш мумкин.

Орадан уч йил ўтгач, Россия империяси қишлоқларидағи ерсиз ва кам ерли деҳқонлар улушини қисқартиш ҳамда янги мустамлакаларда россиялик савдогарлар ва ишибилармоналарни кўпайтириш эҳтиёжларини, жумладан, Туркистондаги ижтимоий-сийсий аҳвол мушкуллашганлигини эътиборга олиб, империя маъмурияти 1889 йил 13 июнда “Қишлоқ авивателлари ва ишчанларининг подшоликка қарашли ерларга ихтиёрий кўчиши ва мазкур табақаларга мансуб бўлган ва аввалги вақтларда кўчиб борсан шахсларни улар қаторига қўшиш тартиби ҳақида” номли қонунни чиқарди<sup>2</sup>.

Эндиликда кўчишда христиан бўлмаганлардан ташқари барчанинг ўлкага кўчиши учун муҳим чегаралар қўйилмаганлиги сабабли, кўчиб келувчилар оқимининг кўпайиши учун йўл очиб қўйилди ҳамда Туркистон ўлкаси ва бутун Марказий Осиё туб аҳолисининг ижтимоий аҳволи янада кўпроқ мушкуллашиб борадиган шароит вужудга келди. Маълумотларга қараганда 1889-1891 йилларнинг ўзида Туркистонга 28911 оила ёки 100 мингдан кўпроқ киши кўчиб келди<sup>3</sup>. Шундан кейинги йилларда Волга бўши ва Россиянинг бошқа бир қатор ғаллакор минтақаларида юсолисизлик рўй бериб, очарчилик бошланганлиги сабабли кўчиб келувчилар сони янади кўпайди. Шунинг оқибатида, Сирдарё шилоятида туб жой аҳолисининг ерлари кўчиб келувчиларга тез-тез олиб берилгандан кейин, 1892 йилга келиб бўш ерлар деярли қолмади. Шу боис 1892 йилнинг март ойида Россия империяси ҳукумати жойларда кўчиш ҳужжатларини беришни тўхтатиши тұғрисида фармойиш чиқарди. Аммо бу ҳужжат ҳам ўзбошимчалик билан кўчиб келувчилар оқимини тўхтатмади. Бунинг устига, ҳамто 1896 йилда империянинг Ички ишлар вазирлиги ҳузурида Кўчиш

<sup>1</sup> УзР МДА. ф. И-1, оп 3, д 708, 162-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда 16, д 314, 7-бет.

<sup>3</sup> Кауфман А.А. Переселение и колонизация. Т.П – СПб., 1903, 20-бет.

масалалари билан шугулланувчи бўлим (1907 йилдан Бошқарма) тузилиши ҳам Туркистонни, Марказий Қсиёнинг бошқа ҳудудларини ўзбошимчалик билан кўчиб келувчи россияликлардан халос этмади. 1896 йилнинг ўзида Туркистонга кўчиб келган 178400 кишининг 38.1% ўзбошимчалик билан кўчиб келган камбағал шахслар эди<sup>1</sup>.

1892 йилги Тошкент қўзғолони ва 1898 йилги Андижон (Дукчи эшон) қўзғолонидан кейин мустамлака маъмурияти туб жой аҳолини қисувга олишни, хусусан, миллий зулмни кучайтирдилар. 1903 йил 10 июнда жорий этилган янги кўчириб келтириши қоидалари шу мақсадга хизмат қилиши лозим эди. Ушбу қоидаларга биноан фақат православ динига ибодат қилувчи русларни эмас, Ички ишлар вазирлигининг розилиги билан раскольникларнинг ҳам кўчишига ижозат берилди. Бироқ, аввалги барча қоидалардан бу қоидаларнинг фарқли жиҳати шундан иборат эдик, унда мол-мулк, хўжалик билан таъминланган шахсларнинг кўчиб келиши талаб қилинар эди<sup>2</sup>.

Ҳукумат маъмурларининг Метрополия аҳолиси бир қисмини мустамлакаларга, жумладан, Туркистонга кўчиришига ёндашувларидағи ва ўлка ижтимоий-сиёсий вазиятида 1903 йил 10 июннаги янги кўчиши қоидалари қабул қилинган вақтда рўй берган жиддий ўзгаришларни ҳисобга олиб, 1886-1903 йилларни империянинг кўчириш сиёсатидаги яна бир босқич, деб ажратиш мумкин.

1903-1917 йиллар кўчиш ҳаракатида навбатдаги ва сўнгги босқич бўлди. Бу даврда, 1903 йил 10 июн қоидаларидан ташқари Метрополияда 1905, 1907 йиллардаги воқеалардан кейин, Туркистонга кўчиб келган салкам 100 минг кишининг турмуши ўйлга қўйилмаганлиги аниқлангандан сўнг ҳамда Столипин ислоҳоти муносабати билан Россиядан кўчиб келувчилар сонини кўпайтириш учун жуда қатъий чоралар кўрилди. Аммо, бу чоралар Россия империясининг Марказий Өсиёдаги бутун ҳукмронлик йиллари мобайнида биринчи маротаба бундан кейинги кўчириш сиёсати масаласида Петербург ҳокимиятининг қараашлари билан Туркистон маъмуриятининг қараашлари ўртасида қарама-қаршилик келиб чиқшига сабаб бўлди. 1908 йил 31 январдаги расмий ҳужжатлардан бирида таъкидланишича, Туркистонни жадал мустамлакага айлантириши зарурлиги ва мумкинлигига қарамай,

<sup>1</sup> МДА Уз ф. И-16, оп. 1, д. 18-19 бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ганзбург А.И. Русское население в Туркестане. 35-бет.

енсарал губернатор, полковник Мустафин ҳам, ўлқадаги оқимиятнинг бошқа вакиллари ҳам, у жойдаги ерларни әгаллаб ишнинг муҳим давлат аҳамиятини тўла-тўкис тан олсалар-да, ални вақтда ўлқада сугориладиган бўш ерлар йўқ, деб и ботламоқдалар<sup>1</sup>. Аммо, 1906 йилнинг март ойида эркин учунса рухсат берадиган Низом маъқулланди, 1910 йилда эса туб жой аҳолисининг ортиқча ерларини тортиб олиш тўғрисида қонути чиқарилди. Бу ҳужжатлар бутун Марказий Осиёдаги танглик шуматини кучайтирди.

1891-1892 йилларда империя марказидаги очарчилик туфайли ўқака кўчиб келиш ҳолати кучайган бўлса, 1906-1910 йилларда кўчиб келувчилар оқимининг кўпайиши Столипин ислоҳотлари шамла оширила бошлаганлиги туфайли содир бўлди. 1912 йилдан бошлаб эса Волга бўйида бошланган очарчилик муносабати билан кўчиб келувчилар сони янада кўпайди. XX асрнинг бошларидаги деҳқонларнинг оммавий ҳаракати, 1905 йил инқилоби подшо ҳукуматини кўчириш сиёсатини тубдан қайта кўриб чиқишга шамбур қилди. У аҳолини кўчириш йўли билан мамлакатдаги агарар ши сиёсий инқирозларни бартараф этишга кўпроқ эътибор бера бошлиди. 1904 йил, сўнгра 1906, 1909 йилларда аҳолини кўчириш тўғрисида чиқарилган қонунлар шунинг натижаси бўлди. Бу қонунлар Россиянинг марказий губернияларидағи деҳқонларни кўчиришини раъбатлантирас ва ҳатто уларга бирмунча имтиёзлар шам берар эди. Аввалги қонун ҳужжатларида ва маъмурий фармойишларда жорий этилган чеклашлар ва тўсиқлар бекор қилинди, яъни аҳолини кўчириш сиёсатида “янги йўл” бошланди. Бу йўлнинг моҳияти бадавлат унсурлардан Россиянинг чекка ўлкаларида империянинг мустаҳкам таянчини вузрудга келтиришдан иборат эди. 1907 йилдан бошлаб фақат “бақувват ҳуҷаликлар” Туркистон ўлкасига кўчиб бориш учун расмий рухсат ша бошлиди. Шу пайтдан бошлаб ўлка ерларини мустамлакачилар томонидан кенг миқёсда әгаллаб олиш бошланди, натижада 1913 йилга келиб Туркистон ўлкаси қишлоқ аҳолисининг 5.3% ни руслар ташкил эта бошлиди<sup>2</sup>.

Кўчиб келганларнинг аксарияти шаҳарларда ўрнашиб олди. Чунончи, 1907 йилда Фарғона водийсида шарқий славян миллатларига мансуб 24346 киши бўлса, шундан 14712, яъни агурух таркибининг салкам 2/3 қисми шаҳарларда яшар эди. Мазкур

ГВИА РФ. ф. 400 Азиатская часть. 1908, д. 150, 122-бет.

Фимченко А.П. Русское Поселение в Туркестанском крае в конце XIX - в начале XX века.

халқларнинг вакилларидан энг кўни Еттисув ва Сирдарё вилоятларига кўчиб келди. 1913 йилнинг охирларида Сирдарё вилоятидаги русларнинг сони 116861 кишига етди<sup>1</sup>. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида шарқий славян диаспорасининг шаклланиши бирмунча бошқачароқ кечди. Бу жойларда асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланмайдиган аҳоли гуруҳлари келиб ўрнашди. Чунончи, темир йўл қурилиши бир қанча рус шаҳар манзилгоҳлари (Чоржуй, янги Бухоро кабилар) вујсудга келишига имконият яратди. Агар Бухоро амирлигидаги 12 мингга яқин рус фуқароси бўлса, 1917 йилга келиб ҳарбий хизматчиларни ҳисобга олмагандан, уларнинг сони 50 минг кишига етди<sup>2</sup>.

Россия империяси ҳукумати Туркистон ўлкасига нахталикни ривожлантиришга қизиқиб қарап эди.

Шубҳасиз, империя енгил саноатини ривожлантириш учун нахтага эҳтиёж баланд бўлган. Ҳар йили Россия империясидаги фабрикалар 22 миллион пудга яқин нахта толаси ишлатар эди. Шунинг ярмига яқини Туркистондан ва қисман Кавказ ортидан олинар, қолган ярмини Россия Америкадан сотиб олар эди.

Шу сабабли ўша пайтдаги барча расмий маҳфий маълумотларда Туркистон ерларини тезроқ ўзлаштириш мақсади яққол сезилиб туради. Чунончи, Туркистон ўлкаси генерал-губернатори 1909 йилда берган маълумотида бу ерда руслар таъсирини ҳар томонлама кенгайтириш, фабрика ва заводлар, маориф муассасалари барпо этиши таъкидланган эди. “Мамлакатнинг келаҗаги ва бу ерларнинг ўзлаштириб олиниши кўп жиҳатдан рус саноатчилари, тадбиркорлари, савдогарлари ва маданият намоёндаларига боғлиқ” дега таъкидлаган эди Туркистон генерал-губернатори<sup>3</sup>.

Шу даврнинг ўзида деҳқонлар билан айни бир вақтда Туркистонга Россиядан фабрика, завод ишчилари ҳам кела бошлади. Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Қўқон ва бошқа шаҳарларда маҳаллий хом ашё асосида ишлайдиган кичик-кичик завод ва фабрикалар қурилди, ўлкани Россия билан боғлайдиган темир йўллар барпо этилди. Шаҳар аҳолиси тез кўпая бошлади. 1897-1913 йиллар мобайнида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларнинг аҳолиси 300 минг кишига кўпайди. Шаҳарларда рус аҳолисининг салмоғи ошиди. 1911 йилда руслар Андижонда

<sup>1</sup> Обзор Сырдарьинской области за 1913 г. — Т., 1916, 5-бет.

<sup>2</sup> Фомченко П. Русское поселения в Бухарском эмирате. — Ташкент, 1958. 13-14-бетлар.

<sup>3</sup> Чуриков П.А. Подшефная Средняя Азия. — М., 1930. 27-бет.

15%. Самарқандда 20%, Тошкентда 25%, эски Марғилонда 30%ни ташкил этди. Маҳаллий аҳоли ва Россиядан келганлар ҳисобига ишчилар синфининг сони тез ўсди.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ўлқадаги вазият узарииши туфайли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ва ўз моддий аҳволини яхшилаш мақсадида тул ишлаб олишга қизиқувчи шахслар Туркистонга кўплаб кириб кела бошлидилар.

XX асрнинг 20-йилларига келиб, Туркистонда, Бухоро империиги ва Хива хонлигидага 9 миллионга яқин туб жой аҳолиси, 500 мингдан кўпроқ европаликлар (асосан руслар, украинлар, белоруслар), 400 мингдан зиёд Россиянинг миллий районларидан, Осиё, Европа давлатларидан келганлар яшар эди.

Шарқдан келганлар орасида гарбий Хитойдан кўчиб келган 250 мингга яқин қашқарлик, таранча ва дунган ва бошқалар, 60-100 минг эронлик, озарбайжонлар, курдлар, балужлар ва Эрондан келган бошқа халқларнинг вакиллари, 54 мингдан ортиқ арабларнинг авлодлари, 6-7 минг афғон, хазора, жамшид ҳамда Афғонистоннинг бошқа элат ва қабилаларининг вакиллари, 5-6 минг ҳиндистонлик, салкам 30 минг татар ва бошқирд, 18-20 минг нафар маҳаллий яхудий ва бошқалар бор эди.

Европа давлатларидан Россия империясининг миллий районларидан келганлар орасида 20-21 минг арман, салкам 2 минг грузин ва Кавказдаги бошқа халқларнинг вакиллари, 9-10 минг поляк, 8 мингдан кўпроқ немис, 5 мингга яқин европалик-rossиялик ва хорижий яхудийлар, 1000-1200 литвалик, 600 минг грек, 80-100 нафар франциялик ва швейцариялик, 60-70 нафар италиян, 50-60 нафар буюк британиялик ва бошқалар бўлган.

1897 йилда ўтказилган Россия империяси аҳолисининг биринчи аҳоли рўйхати, ўлқадаги поляклар тўғрисида жуда тўғри масаввур берди. Ундаги сўров варақларида миллат катаги эмас, балки она тили катаги мавжуд эди ва шунга биноан поляк тилини она тили деб атаган шахслар Каспийорти вилояти умумий аҳолисининг 1,0% ини, Сирдарё вилоятида 1,19%ни, Самарқанд вилоятида 1,17%, Фарғона вилоятида 0,10%ни ташкил қиласкан.

Бу рақамларни батофсил кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Сирдарё вилоятида поляк тилини ўз она тили деб атаган 2825 кишидан 2671 киши эркаклар ва 154 киши аёллар эди. Рўйхат натижасида аниқланган жинслар таркибида эркакларнинг жуда кўплиги (17,3 баравар ортиқлиги)ни архив маълумотлари ҳам

тасдиқлайди. Шу маълумотларга кўра поляклар диаспораси армияда қисман темир йўл батальонларида хизмат қилган ва кейинчалик бу ерда доимий яшаш учун қолган, шунингдек, сургун қилингандар ва айрим кўчиб келганлар ҳисобига шаклланган. Эркакларнинг кўплиги туфайли бу ерда миллатлараро никоҳлар кўпайган. Поляклар бошқа халқлар, асосан европаликлар аёллар билан турмуш қурганлар.

Полякларнинг ҳудудий жойлашуви қандай бўлганлигини қўйидаги маълумотлардан билиш мумкин. Вилоят шаҳарларида 2787 киши, шу жумладан 2641 эркак ва 146 аёл яшаган. Шаҳарлари бўлмаган уездларда 38 киши, шундан 30 эркак ва 8 аёл яшаган.

Полякларнинг энг кўпи Тошкент уездидан бўлиб, 2214 кишидан эркаклар 280 кишини ва аёллар 134 кишини ташкил этар эди. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги полякларнинг энг катта гуруҳи Тошкент шаҳрида жойлашган эди. Уларнинг сони 2206 кишига борар, шундан эркаклар 2074 ва аёллар 132 киши эди. Тошкент уездининг қишлоқ жойларида эса поляк халқига мансуб атиги 6 эркак ва 2 аёл яшар эди. Вилоятнинг ҳозирги Ўзбекистондан ташқаридаги бирмунча ерларини ҳам ўз ичига олган ҳудудида жами 611 нафар поляк истиқомат қилган<sup>1</sup>.

Поляклар ўзининг диний эътиқоди сабабли муайян муаммоларга дуч келар эдилар. Рим католик руҳонийлари йўқлиги сабабли католикларнинг айрим фарзандлари бирмунча вақт чўқинтирилмай қолди, никоҳларнинг бир қисми черковда расмийлаштирилмади. Диний ибодатлар ва расм-русумларни империянинг бошқа вилоятларидан хизмат сафарига юборилган руҳонийлар ўтказар эди. Чунончи, 1895 йилда Туркестон ҳарбий округи ҳарбий хизматчилари орасида диний ибодатларни бажо келтириш учун Владивозув рим-католик черковининг бош руҳонийси ва Тверь вилоятига қўшинларининг попи Варпуцянский Каспийорти вилоятига бораётib йўл-йўлакай тўхтаб ўтди. У Чоржуй, Самарқанд, Тошкент, Янги Марғилон, Андижон, Ўш, Наманган, Керки ва Петро-Александровскда бўлиб, казармаларда ва ижарага олинган хоналарда диний ибодатларни бажарди<sup>2</sup>.

Гарчи 1897 йилги аҳоли рўйхатига кўра Туркестон ўлкасида 11 мингга яқин католик бўлиб, уларнинг бир қисмини поляклар ташкил этсада, XX асрнинг бошларига қадар бу ерда бирорта

<sup>1</sup> Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 г. Под ред. Н.А. Троицкого.

<sup>2</sup> Спирidonова А.Л., Заславский В.Б. Католики в Туркестане (конец XIX - начало XX вв. / К истории христианства в Средней Азии. — Т., 1998. 213-бет.

католик черкови бұлмаган. Россия давлатидаги қонунларга күра католик черковлари ихтиёрий әхсонлар ҳисобига қурилар эди. Әхсон түпланганидан кейин Самарқанд ва Ашхободда черковлар қурилды. Тошкентда Костёл барпо этила бошланды, аммо 1917 шыл соғаевлари сабабли бу қурилиш тұхтаб қолди. Католик дини бүнчіла Туркистан вилоятининг раҳбари этиб тайинланган Оига Юстин Бонавеншурасы Пранайтис бу қурилишда катта роль үйнади. Жумладан, у биринчи жаҳон уруши йилларида кастёл қурилишида ишилаш учун шаҳар маъмуриятидан асосан поляклар ва австрияларни сұраб олди<sup>1</sup>.

А.М. Матвеевнинг маълумотларига күра, XX асрнинг иккинчи ўи шилдигига келиб Туркистаннинг (Бухоро амирлиги ва Хива кондигини ҳам құшиб ҳисобланғанда) таҳминан 9 миллион туб жой аҳолиси ва 500 мингдан күпроқ европалылари орасыда 9-10 мин. нафар поляк бор эди<sup>2</sup>. Бу маълумот бизнинг назаримизда бирмұнча орттирилған даражасада күрсатылған.

Биринчи жаҳон уруши йиллари (1914-1918 йиллар)да Туркистандаги поляк диаспораси сон жиҳатидан күтайғанлиги күзатылады. Парчаланған Польшанинг икки қисмидан келған кишилар: биринчидан, уруш ҳаракатлари давомида Россия империясидан босиб олинған ҳудудлардан қочиб келғанлар; иккинчидан, дүшмән армиясидан құлға тушған ҳарбий асирлар да “Фуқаро асирлари” деб аталған кишилар ёки “ҳарбий унвони бұлмаган асирлар” бу ердаги диаспорага құшилды.

Австрия-Венгрия ва Германия армияларининг ҳарбий асирлари Туркистанга 1914 йил октябрیدан келтирила бошланды, 1913 йилда уларнинг келиши фаоллашиб 148 минг нафар кишига етди<sup>3</sup>. Иқтисодий вазият ёмоналашуви сабабли 1915 йилнинг июнидан бөшілаб асирларнинг катта қисми Үрта Осиёдан олиб кетилди. Туркистан үлкесида ҳарбий асирлар нисбатан әрқин ҳаёт кекириб, бир оз әркінроқ ҳаракат қилишларига ва ҳатто үзларига иш қыдиріб топишларига ҳам шыл құйылды.

Россиянинг гарбий ерларыда күчириб келтирилған қочоқлар үлкәнде 1915 йил июнидан пайдо бұла бошлады. 1915 йилнинг охирига келиб бу ерда камида 72 минг киши жойлаштирилди. Улар орасыда Польшадан күчирилған 8-10 минг поляк ва яхудийлар

<sup>1</sup> Жукова Л.И. К истории римско-католического костёла в Ташкенте // К истории христианства в Средней Азии. — Т., 1998. 225-бет.

<sup>2</sup> Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на пути к Великому Октябрю (1914-октябрь 1917 г.) — Т.: Фан, 1977. 15-бет.

<sup>3</sup> Уша жойда. 31-бет.

ҳам бор эди<sup>1</sup>. Натижада, ўлка шаҳарларидағи поляклар сони қўпайди. Масалан, статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, Самарқандда 1866 нафар, Каттақўргонда 15 нафар, Жиззахда 16 нафар поляк ва литвалик истиқомат қиласар эди<sup>2</sup>. Сирдарё вилоятининг Черняев уездидаги 1916 йилда Гродно, Холмск, Минск, Лоблинск, Вильненск губернияларидан келган 115 поляк қочоқлари бор эди<sup>3</sup>.

Бу ерга келган қочоқлар тўдаб-тўдаб бўлиб яшар эдилар. Чунончи Тошкентдаги Дачная кўчаси б-йда жойлашган поляк қочоқлари, 1916 йилда 500 кишига, Доминский яшовчилар кўчасида 200 кишига етди. Бундан ташқари шаҳарнинг турли жойларида 60 тача поляк оиласари яшар эди. Шаҳарда поляк қочоқларининг фарзандлари учун маҳсус бошпана барпо этилган бўлиб, уларда 50 нафаргача поляк болалари боқилар эди. Мустамлака маъмурияти томонидан Тошкент уездидаги поляк қочоқлари рус қишлоқларига жойлаштирилди<sup>4</sup>.

Қочоқлар ва ҳарбий асиirlарга турли хайрия жамиятлари, юртдошлик уюшмалари ёрдам берар эди. Улар орасида “урушда қатнашган полякларнинг камбағал оиласига, уруш ҳаракатларидан азият чеккан энг камбағал поляк оиласига қўмаклашиш жамият” бор эди. Ўлканинг бир қанча шаҳарларида, жумладан, Тошкент, Кўқон, Самарқандда жамиятнинг бўлимлари очилган эди<sup>5</sup>. Жамият поляк қочоқларига ҳам, ҳарбий асиirlарига ҳам ёрдам берар эди. Жамиятнинг маблағи ҳисобидан моддий ёрдам берилар, шифохоналар ташкил этилар эди ва ҳоказо.

1916 йилнинг апрел ойи охирларидан қочоқлар олиб кетила бошланди, кузга бориб эса уларнинг аксарияти Ўрта Осиёдан ташқари ҳудудларга олиб кетилди. Улар олиб кетилгандан кейин минтақада кўти билан 7-8 минг қочоқ қолди. Улар орасида 3500 дан 4500 гача поляк, литвалик ва яхудийлар бор эди<sup>6</sup>. 1917 йилгача Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Кўқон, Андижон, Польторацк (Ашхобод)да ва қисман Бухорода ҳам поляклар яшайдиган бир қатор маконлар бор эди.

<sup>1</sup> Матвеев А.М. Зарубежные выходцы в Туркестане на путях к Великому Октябрю (1914-октябрь 1917 г.) — Т.: Фан, 1977. 33-бет.

<sup>2</sup> МДА УзР. ф.И-1, оп 1, д 3841, 1-бет.

<sup>3</sup> МДА УзР. ф.И-17, оп 1, д 24911, 30-бет.

<sup>4</sup> МДА УзР. ф.И-461. оп 1, д 1803, 85-бет.

<sup>5</sup> МДА УзР. ф.И-17, оп 1, д 24904 а, 7-бет. Ф.И-461, оп 1, д 1648, 87-бет.

<sup>6</sup> Перенос населения в Туркестанской республике (1920 г.) — Ташкент, 1923-1924, ч.1, вып III, 42-43-56-57-бетлар

## Тұртқынчи мавзу. Советлар ҳукмронлиги даврида күпмиллатлиликнинг шаклланиши

1. Совет миллий сиёсатининг камсоңли миллатлар ахволи  
нағаруожланишига таъсири.

2. Халқларнинг Ўзбекистонга депортация қилиниши.

1917 йил 26 октябрь (8-ноябрь) куни Петроградда Советларнинг II Бутун Россия съездида Халқ Комиссарлари  
кенеаси, яъни ҳукумат тузди. Кенгаш таркибида Миллатлар  
ишилари халқ комиссарлиги таъсис этилди. Давлатнинг миллий  
сийасати тамойилларини амалга ошириши лозим бўлган бу маҳкамада  
кўп миллатли Россия давлатининг бутун тарихи давомида биринчи  
маротаба тузилган бўлиб, унинг вазифаси миллий муносабатлар  
соҳасидаги муаммоларни ҳал қилишдан иборат эди. Миллатлар  
ишилари Халқ Комиссарлиги фаолиятининг тарихи шу пайтгача  
старли ёритилмаганлиги сабабли совет ҳокимиятининг ана шу  
тузилмасига батофисироқ тўхталиб ўтамиз. Мазкур комиссарлик  
хайъати Миллий Комиссарлар йигилишидан иборат эди. Ҳайъат  
мажлиси ҳафтасига бир маротаба чақирилар эди. Ушбу ҳайъат  
комиссарликнинг рус тилидаги матбуот органини нашр қилиши  
керак эди. Комиссарлик таркибида умумий декретларни тайёрлаш;  
ташивиқот ва тарғибот; миллий комиссарликлар билан алоқа, чет  
илар билан алоқа; статистика бўлимлари; “Жизнь  
национальностей” газета таҳририяти таъсис қилинди. “Миллий  
комиссарликлар ва қизил армия” масаласи юзасидан қабул  
қилинган резолюцияда шундай дейилган эди: “Мусулмон  
комиссари бу масалани шошилинч тарзда ҳал этиши истагини  
бидиргани учун бу масала ... ўртоқ Сталиннинг Мусулмон  
комиссарлари билан биргаликда ҳал этишига маҳсус равишда  
тақдим этилади”.

Миллатлар ишилари комиссарлик тузилмаси мамлакатдаги  
ижтимоий-сиёсий вазиятга мувофиқ равишда шакллантирилар ва  
узартирилиб турилар эди. Биринчи босқичда Комиссарлик ғарб  
халқлари ва фронтлардаги ахвол билан шугулланди. Ички ва ташқи  
аксилийқилоб (контрреволюция)га қарши кураш шароитида  
комиссарликлар ва бўлимлар ўз ходимларини Қизил Армияга ёрдам

Чеботарена В.Г. Наркомнац РСФСР: свет и тени национальной политики 1917-1924 гг. —  
М: Общественная академия наук российских немцев. 2003. — С. 38.

бериш учун фронтнинг турли жойларига юбориб турдилар.

Совет ҳукумати миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқини эълон қилганлиги сабиқ рус империяси томонидан эзилган халқлар орасида оммавий кўтаринкиликни келтириб чиқарди; бутун мамлакат бўйлаб миллий конференциялар ва съездлар ўтказилди, уларда ижтимоий-сиёсий тузилиш дастурларини муҳокама қилдилар. РСФСР ҳукумати миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш масалаларини ҳал этиш учун ваколатли делегациялар сайладилар, миллий масалалар бўйича халқ Комиссарлиги Россия Федерациясининг халқлари учун миллий давлатчиликни барто этиш соҳасида маълум ишларни олиб борди.

1918-1919 йилларда совет ҳокимиятининг бутун кучи ички ва ташқи аксилиниқиlobга қаратилган бир пайтда, буюк давлатчилик шовинизми сарқитларидан холос бўлмаган кўпгина давлат арбоблари миллий сиёсатга менсимай қарадилар. 1919 йилнинг охирида партия ва ҳукумат органларида Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигини тугатиш тўғрисидаги масала расмий ва норасмий тарзда кўтарила бошлади. Уларнинг асосий далили — айрим соҳаларда халқ Комиссарлиги давлат миқёсида ҳудди шундай вазифаларни бажараётган бошқа муассасалар қиласётган иш билан шуғулланишида эди. Бир қанча халқ комиссарликлари тузилмаси қайта ташкил этилганидан кейин “Миллий масалалар бўйича халқ Комиссарлигини тугатиш керак” деган фикр айниқса мустаҳкамланди. Натижада Миллатлар ишлари халқ Комиссарлиги миллатлар орасида ўтказаётган маданий-маърифий ишлар Маориф халқ комиссарлигига, ижтимоий-сиёсий ишлар эса РКП(б) Марказий қўмитаси ҳузуридаги Миллий озчиликлар бўлимига олиб берилди. Миллатлар ишлари халқ Комиссарлиги раҳбарияти ва вакиллари юқоридаги муассасалар миллий турмуш муаммоларининг бутун мајсумасини қамраб олишга қодир эмас, деб ҳисобладилар ва ўз маҳкамаларининг тугатилишинга қаршилик қилишга уриндилар.

Миллатлар ишлари халқ Комиссарлигини тугатиш тўғрисидаги таклифлар ғоят қатъият билан қўйилганлиги сабабли 1919 йил 12 декабрда Комиссарлик ҳайъати ўз маҳкамасининг бундан бўёнги фаолияти нақадар мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисидаги масалани муҳокамага қўйди.

Бутун Россия Марказий ижроия қўмитаси Миллий масалалар бўйича халқ Комиссарлигининг ҳолати ҳақида тегишли ахборотни олгач, “Миллий масалалар бўйича халқ Комиссарлигини қайта

*ташкил этиши түйрисида*" декрет қабул қилди.

Миллатлар ишлари халқ Комиссарлиги қуийидаги асосларда  
шайта ташкил этилди: РСФСР доирасидаги ҳар бир миллат  
комиссарликка маҳаллий Кенгашлардан ёки мухтор (автоном)  
хукумат орқали раис ва икки аъзодан иборат вакиллик ажратади;  
вакилликлар тегишли бўлимларга бошчилик қиласди, бу  
бунимларни ўз миллати меҳнаткашларининг эҳтиёжига мувофиқ  
република ўзгартиради; миллий вакилликларнинг раисларидан иборат  
булан Миллатлар Кенгashi Миллий масалалар бўйича халқ  
Комиссарлигига бошчилик қиласди. Кенгашга комиссар бошлиқ  
булади ва унинг ҳузурида беш кишилик ҳайъат тузилади;  
Комиссарлик халқларининг ўзаро ҳамкорлигини, уларнинг миллат  
манбаатларини таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқади ва  
ўмалга оширади<sup>1</sup>.

Мазкур ҳужжатни ривожлантириш юзасидан Миллий  
масалалар бўйича халқ Комиссарлигининг ҳайъати 1920 йил 20  
майда қарор қабул қиласди. Ушбу қарорга мувофиқ ўзларининг  
мухтор ҳукуматларига эга бўлган ёки уюшган омма бўлиб  
шакидиган миллатлар учун илгари мавқуд бўлган бўлимлар ва  
комиссарликлар ўрнига 18 та миллий бўлим — Бошқирд, Яхудий,  
Қалмоқ, қирғиз (қозоқ), Мари, Немец, Татар ва бошқа бўлимлар  
тузилди; РСФСР ҳудудида ўзга миллий бирликлар ичida ора-  
сира жойлашган миллатлар (белоруслар, латишлар, поляклар,  
финнлар ва бошқалар) учун миллий озчиликлар бўлими ташкил  
тушилди<sup>2</sup>.

1920 йил июн ойининг бошларида Миллий масалалар бўйича  
халқ Комиссарлиги эълон қилган йўриқномада бундай дейилган  
эди: Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига вакилликлар сайлаш  
учун миллий қурултойлар ўтказилади; миллий озчиликларнинг  
вакиллари ижроқўмлар ҳузуридаги тегишли миллий кичик  
бунимлар орасидан сайланади<sup>3</sup>.

1920 йил 19 майдаги Декрет аслида унинг ташкилий  
тузилмасига тааллуқли эди. Бу ҳужжат Миллий масалалар бўйича  
халқ Комиссарлигининг давлат бошқаруви тизимидаги, миллий  
давлат қурилиши соҳасидаги мавқеини асло мустаҳкамлагани йўқ.  
Қонуний ваколатларга эга бўлмаган, молиявий аҳволи заиф бўлган  
мазкур халқ комиссарлиги миллий мухториятларга тааллуқли

<sup>1</sup> Декреты Советской власти. Т. VIII, М., 1974. С. 221-222.

<sup>2</sup> Политика Советской власти за три года. М., 1921. С. 147.

<sup>3</sup> Уша жонда. С. 148.

масалаларни ҳал этишда бошқа идораларга жиiddий таъсир ўтказа олмас эди.

Миллатлар кенгаси Миллий масалалар бўйича ҳалқ Комиссарлигининг қонун чиқарувчи органи эди; унга ҳалқ Комиссари ва унга беш кишидан иборат хайъат бошчилик қиласр эди.

Миллатлар кенгаси Бутун Россия Марказий Ижроия қўумитасига ва Ҳалқ Комиссарлари кенгасига миллий муаммоларга оид қонунлар ва декретларнинг лойиҳаларини; бирон-бир миллат билан боғлиқ бўлган масалалар юзасидан раҳбар органларда ишлаб чиқилган ёки мавжуд қонун ҳужжатларини ўзгартиришга қаратилган қарорларнинг лойиҳаларини тақдим этар ва улар ўз навбатида Миллатлар кенгашининг мажлислирида албатта кўрип чиқилар эди. Кенгаш республикалар, вилоятлар ёки айрим миллий озчиликлар хусусида комиссарликлар томонидан қилинадиган барча ҳаракатлар юзасидан хуносалар бериб турар, минтақаларда миллий сиёсатни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган фармойишлар ўзгартирилганлиги ёки янги фармойишлар чиқарилганлиги ҳақида ҳалқ Комиссарликларига маълумот бериб турар эди.

Миллатлар ишлари ҳалқ Комиссарлигининг вазифалари қўйидагилардан иборат бўлган: миллий сиёсат масалаларига оид ҳужжатларнинг лойиҳаларини ишлаб чиқади ва Бутун Россия Ижроқўми ва Ҳалқ Комиссарлари Кенгашининг тасдигига ҳаволи этади; умумфедерал қонунчилигини, шунингдек айрим ҳалқ комиссарликларининг фармойишларини бутун РСФСР ҳудудидаги айрим миллатлар ва миллий-ҳудудий тузулмаларнинг эҳтиёжларига ҳамда уларнинг турмуш маданияти ва иқтисодиёти хусусиятларига мослаштириш чораларини кўради; марказий идораларда бюджет масалалари муҳокама қилинаётганида муҳтор республикалар ва вилоятларнинг манфаатларини ҳимоя қиласди; молиялаш сметалари бўйича хуоса беради; умумфедерал солиқларни ишлаб чиқишида қатнашиб, муҳтор республикалар ва вилоятларнинг манфаатлари ҳамда ҳўжалик ривожланиши билан уларни мувофиқлаштириш мақсадида солиқларнинг айрим моддалари юзасидан ўз хуносасини беради, барча муҳтор республикалар ва вилоятларнинг вакилларини бирлаштиради, уларнинг Федерация марказий идоралари билан ўзаро ҳамэжиҳатликда ишлашига кўмаклашади, уларнинг умумий фаолиятига раҳбарлик қиласди.

Миллатлар ишлари Ҳалқ Комиссарлиги миллий озчиликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиласди, бунинг учун

*Конституциянинг декретлар ва қарорларнинг алоҳида миллатларга тааллуқли бўлган тегишили моддалари бажарилишини кузатиб оради:*

- мухтор республикалар марказий ижроқўмлари ва Халқ ҳўжалиги Кенгашлари, автоном вилоятларнинг ижроқўмлари тунрида ўз ваколатларини очади;
- айрим миллатларнинг вакиллари билан музокаралар олиб оради, янги мухтор бирликлар тузиши тўғрисида Бутун Россия Марказий Ижроқўми ва Халқ ҳўжалиги кенгашига таклифлар сиптиади;
- миллатларнинг ҳаётига тааллуқли ҳуқускетларни тўплайди ишурсанади;
- уларнинг тарихига оид илмий ишларни нашр этади;
- айрим миллатлар ва қабилаларни ҳаётини ўрганиши учун маҳсус шимий жасамиятлар тузади, рус бўлмаган миллатлар орасидан тиесини ва совет идоралари учун ходим кадрлар тайёрлаш учун маҳсус институт ва курслар очади.

Туркистан, Бошқирдистон, Қирғизистон (Қозоғистон) ва үтия мухтор республикалари ваколатхоналарининг ҳуқуқ ва вазифалари бошқа мухтор республика ва вилоятлар ваколатхоналарининг ҳуқуқ ва вазифаларидан анча кенг тушунишларини таъкидлаб ўтмоқ керак.

1918 йил 20 апрелида Тошкентда Туркистан ўлкаси штатларининг V қурултойи очилди. Делегатлар РСФСР Халқ комиссарлари кенгашининг тўғри миллий сиёсати учун уни тақишиладилар. Кун тартибида миллий давлатчилик, Таъсис қурултойини чақирувчи комиссияни тузиш, мухториятнинг ҳуқуқ тирасини, унинг чегараларини белгилаш масалалари бор эди<sup>1</sup>.

1918 йил 22 апрелда РСФСР Халқ Комиссарлари кенгашининг раиси делегатларга телеграмма юборди. У РСФСР ҳукумати ўлканинг совет негизларидағи мухториятни қўллаб-туннатлашини таъкидлаб қўйидагиларни ёзган эди: “Сизлардан Конституциянинг Таъсис съездини чақириш учун тузатибган комиссиянгизни ўлка мухтор органининг Халқ комиссарлари кенгашига муносабатини белгилаб олиш тўғрисидаги масалани ширгаликда ишлаб чиқиши учун бизнинг ҳузуримизга, Москвага юборишингизни сўраймиз”<sup>2</sup>.

Қурултой “Марказий ҳукумат билан ўзаро муносабатларни

<sup>1</sup> И. И. Ленин о Средней Азии и Казахстане... С. 698.  
<sup>2</sup> Иштаги ясайди. С. 289.

белгилаш” учун беш кишилик Фавқулодда комиссияни тузди<sup>1</sup>. Туркистон республикаси Марказий ижроқўмининг аъзоси Собиржон Юсупов комиссия раиси этиб тайинланди.

РСФСР Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги хайъатининг мажлисига С. Юсупов Москвада Туркистон АССР ваколатхонасини таъсис этишини таклиф қилди<sup>2</sup>. 1918 йил 6 сентябрда ҳайъат, Россия федерациясининг ҳукумати ҳузурида Туркистоннинг Марказий ваколатхонаси очилсин, унинг зиммасига “Туркистон манфаатларини ва Бухоро манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси юклатилсин”, деган қарорни қабул қилди<sup>3</sup>.

В. Троицкий билан С. Юсупов Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги хайъатининг қарорини олиб, эртаси кун — 1918 йил 7 сентябрда Тошкентга қуийдаги радиограммани йўлладилар: “Туркистоннинг манфаатларини ягона ҳимоя қилиш ва Туркистоннинг талаблари салмоғини ошириш ҳамда унинг барча муҳтор вакилларини бирлаштириш учун Туркистон Халқ Комиссарлари Кенгашини тайинлаш билан Москвада муҳтор Туркистоннинг Марказий ваколатхонасини дарҳол тузиш зарур деб ҳисоблаймиз”. Телеграмма ваколатхонани икки бўлим: сиёсий ва иқтисодий бўлимлардан иборат қилиб тузиш, уларниге раҳбарлари этиб Троицкий ва Юсуповни тасдиқлаш таклиф қилинган эди<sup>4</sup>.

Туркистон АССР ваколатхонасини таъсис этиши учун Фавқулодда комиссия қуийдаги масъул шахсларнинг, Туркистон Республикаси Марказий Ижроқўми раиси П.А. Кобзев ва Бутун Россия Марказий Ижроқўмининг раиси Я.М. Свердловнинг розилигини олди. Тошкентдан, Туркистон Марказий Ижроқўмидан олинган радиограмма С. Юсупов ва В. Троицкийнинг ваколатларини тасдиқлар эди<sup>5</sup>.

Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига В. Троицкий ва С. Юсупов иштирокида вакиллик тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Унда қуийдаги сўзлар бор эди: “РСФСР марказий муассасаларининг Туркистон билан алоқа ўрнатиши ва марказий муассасаларининг Туркистон ва унга чегарадош давлатлар билан боғлиқ бўлган масалаларга оид фаолиятини келишиб олиб бориш мақсадида, Бутун Россия Марказий Ижроқўми ҳузурида Туркистон

<sup>1</sup> Наша газета. 1918. 5.май.

<sup>2</sup> Акрамов А. Полпред республики... Ташкент, 1987. С. 68.

<sup>3</sup> ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 48, л. 6; Акрамов А. Полпред республики... С. 71.

<sup>4</sup> Победа Октябрьской революции в Узбекистане. Сб. документов. Т.П., Ташкент, 1972. С. 476.

<sup>5</sup> Акрамов А. Полпред республики... С. 71.

республикасининг ваколатхонаси таъсис этилади”<sup>1</sup>. Чегарадош миллатлар деганда Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Афғонистон, йон назарда тутилган эди.

Юқоридаги ҳужжатлардан кўриш мумкинки, биринчи босқичда Фавқулодда Комиссия аъзоларида ваколатхонани РСФСР докумати — Халқ Комиссарлари Кенгashi ҳузуридами ёки қонунчилик ҳокимиятининг олий органи — Бутун Россия Марказий Ижроия қўмитаси ҳузуридами — қаерда таъсис этиши мақида аниқ тасаввур йўқ эди.

И. Сталиннинг сўровига биноан С. Юсупов Миллатлар ишлари халқ комиссарлигига республика ишлаб чиқарувчи кучларининг ривожланиш истиқболлари тўғрисидаги таҳлилий ҳужжатларни, муҳторият лойиҳасини, миллий масалалар бўйича комиссарнинг маъruzасини, аҳолининг миллий ва ижтимоий таркиби тўғрисидаги маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этди.

Туркистон ваколатхонасининг бевосита иштирокида Республиkanи иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим масалалари ҳал этилди. Натижада, 1918 йил 9 апрелда Туркистонда нахта харид қилиш учун 500 млн. сўмдан кўпроқ пул ажратиш тўғрисидаги декретни, 17 майда эса ўлкада суғориши ишлари учун 80 млн. сўм пул сарфлаш ҳақидаги декрет имзоланди. Режада Мирзачўлда 500 минг десятина, Даъварзин даشتida 40 минг десятина ва Учқўргон даشتida 10 минг десятина ерни суғориши учун ирригация иншоатлари қуриш кўзда тутилган эди. Ўша йили декабр ойида Туркистондаги ирригация ишлари қандай бораётганлиги тўғрисида В. Троицкий билан С. Юсуповнинг маъruzасини тингланди<sup>2</sup>.

Мазкур даврда фронтлар халқаси ичида қолган Туркистон Республикасида ҳам очлик ва қаҳатчилик ҳукм сурар эди. Ўз докуматининг топшириғига биноан Троицкий ва Юсупов РСФСР Ошқ-овқат халқ комиссарлигидан ёрдам сўради. Ўша йили ёрдам тарикасида Туркистонга 614 вагон дон, бир неча вагон бир қатор истеъмол моллари юборилди. Республиканинг Марказдан олисда қанлиги муносабати билан Тошкентда тузилган Туркистон озиқ-овқат маҳкамаси (Туркпрод) Туркистон ваколатхонаси ихтиёрига топширилди ва у Москвада ишлашга киришди.

1919 йил 9 февралда С. Юсупов Бутун Россия Марказий Ижроқўмига “Туркистон саноати учун талаб қилинадиган

<sup>1</sup> Акрамон А. Помпред республики... С. 72; Наша газета. 1918. 4 октябрь.

<sup>2</sup> В. И. Ленин о Средней Азии и Казахстане... С. 461, 466.

материаллар шигма ведомости"ни тақдим этди. У 73 номдаги саноат буюмлари ва ашёлари (темир, чүян, станок ва ҳоказ) рүйхатидан иборат. Идоралараро кенгаш республикага зарур асбоб-ускуна ва хом ашёларни ажратиб беришга қарор қилди. Туркистан ваколатхонасининг талабномаларига биноан республика доридармон харид қилиш учун 500 млн. сўм миқдорида кредит олди<sup>1</sup>.

Тинч қурилиш даврига ўтилгач, Туркистан АССР нинг Москвадаги ваколатхонасининг ҳуқуқ ва вазифалари бирмунча кенгайди. Шу муносабат билан янги ҳужжат — Туркистан АССРнинг РСФСРдаги ваколатхонаси тўғрисида Низом ишлаб чиқилди. Унда белгиланишича, мазкур муассаса Туркистан Марказий ижроқўми ва республика Халқ ҳўжалиги кенгашининг Бутун Россия Марказий ижроқўми ва РСФСР Халқ Комиссарлари кенгаши ҳузуридаги идора сифатида мавқеи белгилаб қўйилди.

Туркистан ваколатхонаси РСФСР Марказий ижроқўми ҳузурида таъсис этилган ва ҳаракат қилган бўлсада, аммо маданият соҳасидаги сиёсат билан боғлиқ бўлган масалаларни, одатда, РСФСР Миллий масалалар бўйича Халқ комиссарлиги олдига қўяр эди.

1920 йил 19 майда Бутун Россия Марказий Ижроқўми Миллатлар ишлари Халқ комиссарлигини қайта тузиш тўғрисида қарор қабул қилди, шу қарорга биноан мухтор республикаларнинг ваколатхоналари мазкур комиссарлик бошқарувига ўтказилди. Республикаларда бу янгилик ваколатхоналарнинг мақомини пасайтириш деб тушунилди ва уларни бошқа комиссарлик қарамогига ўтказишни пайсалга солдилар. Туркистан республикасининг ваколатхонаси билан ҳам шундай бўлди. 1920 йил 16 ноябрда миллий ишлар бўйича Халқ комиссарлиги Бутун Россия Марказий Ижроқўми Президиумига шундай ахборот берди: “Миллий ишлар Халқ комиссарлиги Туркистан Марказий ижроқўмига неча мартараб мурожсаат қилиб Миллий ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида Туркистан ваколатхонасини ташкил этиш учун ўзининг мухтор вакилини юборишни сўради, аммо бунга жавоб берилмади. Комиссарлик Сизнинг номингиздан Туркистан Марказий Ижроқўмига мурожсаат қилиб ўз вакилини юборишни сўрайди”<sup>2</sup>.

Тошкентда Миллий ишлар халқ комиссарлигининг таклифи қўллаб-қувватланди. 1920 йил 5 декабрда РКП(б) МК Турк бюроси

<sup>1</sup> Акрамов А. Полпред республики... С. 85.

<sup>2</sup> ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 100, л. 312.

иъзоларининг ёпиқ кенгашида “ТАССР билан РСФСРнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида”ги масала муҳокама қилиниб, қуйидаги қарор қабул этилди: “Миллий ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида Туркистон республикасининг ваколатхонасини ташкил этиш зарур деб топилсин ... ТАССР билан Қирғизистон республикасининг мувакқат ваколатхонаси зарурлиги тасдиқлансан, бунинг учун марқазкўмлар ўзаро делегатлар юборишсин”<sup>1</sup>.

РСФСР Марказий ижроқўми ва Халқ комиссарлари кенгаши қабул қиласиган қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни ўрганиш, уларнинг Туркистондаги ўзига хос ҳусусиятларга мувофиқлигини таҳлил этиш ваколатхона фаолиятининг энг муҳим соҳаси қилиб белгиланди. Марказий маҳкамалар томонидан руслаштириш ўйлида янги уринишлар бўлишидан хавфсираб ваколатхона халқларнинг маданий ва маънавий ҳаёти билан боғлиқ бўлган янги қонунларни юят синчиклаб ўрганаради.

1921 йилнинг баҳорида Туркистон АССР ваколатхонаси ўз раҳбариятидан турк тилшунослиги муаммоларини илмий ишлаб чиқиши ташкил этиши, бу муҳим ишга атоқли рус түркологларини жалб қилиш топшириғини олди. 1921 йил 31 май куни РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлиги ҳайъатига хат келиб тушди. Унда айтилишича, аҳолисининг “адабий тили ҳали тўла-тўқис ишлаб чиқилмаган” муҳтор республиканинг жуда муҳим назифаси “умумбашарий маданиятга тезроқ қўшилиш воситаси сифатида туб жой миллатларининг тилларини ишлаб чиқиши” чораларини кўришдан иборат эди. Туркистонда бунинг учун дастлабки қадамлар қўйилган бўлиб, марказ “кам маданиятли миллатларнинг тилларини ишлаб чиқишининг қатъий илмий үсулини яратишда” тилшунос, шарқшунос олимларнинг ёрдамига таяниб Туркистон АССРнинг туркий халқларига “ёрдам бериш” лозимлигини қайд этди. Мухториятларнинг халқига илмий ёрдамни ташкил этиши — РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлигидан мутахассилар иштирокида комиссарлик ҳузурида алоҳида орган ташкил этиши учун комиссия таъсис этиши сўралди”<sup>2</sup>.

28 июнда комиссарлик ҳайъати Туркистон республикаси ваколатхонасининг раиси Кучербоев ва унинг уринбосари Буратов тайёрлаган “Туб жой халқларининг тилларини ишлаб чиқиши тўғрисида”ги тезисларини тинглаб, асосан маъқуллади. Брайдо, Павлович, Кучербоевдан иборат комиссияга уни қўшимча

<sup>1</sup> РГАСПИ, ф.61, оп.1, д. 10, л. 28.

<sup>2</sup> ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 162, л. 302.

равишида кўриб чиқиши вазифаси топширилди<sup>1</sup>.

Туркистон этник гурухлари тилларини ўрганишга туркшунослардан А.К. Боровков, С.Э. Малов, Э.Д. Поливанов, Л.М. Ичербак ва бошқа мутахассислар жалб этилди. 20-йилларнинг ўрталарига келиб туркшуносликка оид янги тадқиқотлар эълон қилина бошланди. Масалан, К.К. Юдахиннинг “Қорабулок шевасининг баъзи ҳусусиятлари” номли китоби босилиб чиқди, унда ўзбек шевалари характерлаб берилди. Қурама воҳасининг ўзбек лаҳжалари А.К. Боровков томонидан тадқиқ этилди. В.В. Решетов ўзбек адабий тили ва лаҳжаларини қиёсий тарзда таҳлил этилди.

РСФСР ҳукумати 20-йилларнинг бошларида Туркистондаги археологик ёдгорликларини таъмирашга пул ажратма бошлади. Туркистон республикасининг ваколатхонаси шу мақсадлар учун молиявий маблағ берилишини назорат қилиб турди. Иқтисодий қийинчиликлар сабабли 1923 йилда таъмираш ишларини молиялаш “тўхтатилди”. 1923 йил 26 январда Туркистон ваколатхонасининг раиси Салько РСФСР Халқ комиссарлари кенгашига хат ёзиб Туркистон республикасининг муҳтор ваколатхонаси “Самарқанд шаҳридаги қадимий мусулмон меъморчилиги ёдгорликлари Халқ комиссарлари кенгашининг диний тусдаги биноларни таъмирашга маблағ ажратмаслик тўғрисида”ги 1921 йил 8 сентябрдаги қарорга қайтганлигини билib ҳаддан ташқари ҳайратга тушди. Жуда катта тарихий ва бадиий аҳамиятга эга бўлган бу ёдгорликлар, шубҳасиз, алоҳида муҳофаза этилиши лозим, бу нарса Туркистон АССР Халқ комиссарлари Кенгашининг 1921 йил 11 июндаги қарорида ёзиб қўйилган...”, - дега таъкидлаган эди.

Шундай қилиб 1920 йилнинг охирида Туркистон ваколатхонаси РСФСР Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги ҳузурида ишлай бошлади. Шуни таъкидлаш лозимки, агар РСФСРнинг бошқа муҳтор республикалари ваколатхоналари Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги воситачилигида сиёсий, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни җал этган бўлсалар, Туркистон ваколатхонаси том маънодаги сиёсат билан шугуулланмас эди; бу масалалар РКП (б) МК Турк бюроси, Бутун Россия Марказий Ижроқўми билан РСФСР Халқ комиссарлари Кенгашининг Турк комиссияси, сўнгра РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси тасарруфида эди, улар бевосита Туркистонда фаолият юритар эди.

Москвадаги ваколатхона эса асосан таъминот вазифаларини

<sup>1</sup> ГАРФ, ф. 1318, оп. 1, д. 6, л. 113.

шарарди. Россия Федерациясининг Давлат архивида сақланаётган  
жамиятларнинг далолат беришича, Туркистон ваколатхонаси  
филиалининг асосий йўналиши Туркистон АССР учун саноат  
небоб-ускуналари, хом ашё ва озиқ-овқат олиш, уларни  
республикага жўнатиш мақсадида Халқ комиссарликлари билан  
шаро муносабат ўрнатишдан иборат эди.

Собиқ Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи  
(СССР) тузилиши муносабати билан РСФСР Миллатлар ишлари  
Халқ Комиссарлиги тугатилди. 1923 йил 29 июнда 10-чақириқ  
бутун Россия Марказий ижроқўмининг 2-сессияси Миллатлар  
ишлари халқ комиссарлиги ўз вақтида тугатилган деб ҳисоблаб,  
қарорида бу комиссарлик иттифоқдош ва муҳтор республикалар,  
муҳтор вилоятлар тузилишига тайёргарлик кўриш ва уларни Совет  
Иттифоқига бирлаштиришдан иборат бўлган ўзининг асосий  
фаиласини бажарганилигини таъкидлади. 1924 йил 9 апрелда Халқ  
комиссарлиги ўз фаолиятини тўхтатди.

Ижроия ҳокимият органи бўлмиш Миллатлар ишлари Халқ  
комиссарлиги давлатнинг миллий сиёсатини амалга оширишда  
отакчи рол ўйнади, унинг зинмасига юклатилган тарихий вазифа  
миллий давлат қурилишига кўмаклашишдан иборат эди.

Миллатлар ишлари Халқ комиссарлиги бошқа давлат ва партия  
тумшамлари билан бир қаторда миллий зиддиятларни бартараф  
инши лозим бўлган мафкуравий марказ бўлди ва шу билан бирга  
худудий ҳамда иқтисодий муаммолар юзасидан федерация  
тубъектлари ўртасида келиб чиқсан низоларни ҳал этишида ҳакам  
вазифасини ҳам ўтади. Шубҳасиз кам сонли халқлар ҳақ-  
дукукларини ҳимоя қилиш ва қарор топтиришда, халқлар ўртасида  
дустлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишда  
комиссарликнинг хизмати катта бўлди.

Маълумки, Россиянинг бошқа минтақалари каби Туркистон  
дам кўпмиллатли ўлка бўлиб, унда туб жой миллатлари билан  
бир қатор миллий озчиликни ташкил этувчи халқ ва элатлар ҳам  
истиқомат қиласар эдилар<sup>1</sup>.

Шуни таъкидлаш эътиборга моликки, 20-йилларга оид баъзи  
жамиятларда миллий озчиликни ташкил этувчи туб жой халқларига  
ва Европа халқларига бўлинар эди. Бу соҳада чунончи, маълум  
бир вақтдан кейин бўлиб ўтган воқеликни эслатиб ўтиш мумкин  
булади. Ўрта Осиёда миллий—давлат чегараланиш ўтказилгандан

\* Матнда кам сонли миллатлар ёки миллий озчиликлар иборалари бир хил маънода  
иштаптилади.

кейин Ўзбекистон ССР Советлари Марказий ижроқўми, Миллий озчиликлар бўлимининг муваққат мудири Калонов томонидан имзоланган ва Самарқанд шаҳар Комитетига аталган йўриқномада шундай сўзлар бор эди: "... Сиз (чамаси, шаҳар комитетининг раиси назарда тутилади) шуни ёдда тутишингиз керакки, миллий озчиликлар ҳам туб жойликлар, европаликларга бўлинади, Ўрта Осиё маҳаллий яхудийлари туб жойли миллий озчиликлар жумласига киради".

Туркистон АССР, шунингдек Бухоро ва Хоразм республикаларида турли-туман ҳалқ вакиллари биргаликда яшаб, улар орасида йирик этнослар ҳам, кам сонли элатлар ва миллий гуруҳлар ҳам бор эди. Совет ҳокимиятининг миллатлар ўз тақдирини ўзи белгилаши ва эркин ривоҷсланиши тўғрисида эълон қилган шиорлари ҳалқларнинг миллий ўзлигини таниш онгини ошириб юбориб, уларнинг озодликка эришиш ва билим олиш иштиёқини кучайтирган бир пайтда, миллий озчиликларнинг ўлка ҳокимияти билан ҳам, шунингдек йирик туб жой этнослари билан ўзаро муносабатлари соҳасида турли муаммолар келиб чиқиши ҳам мумкин. Шу муносабат билан октябр тўнтаришидан кейинги дастлабки йиллардаётқ Туркистон Миллатлар ишлари Ҳалқ комиссарлиги ва унинг доирасида миллий озчиликлар бўлими тузилганлиги ижобий аҳамиятга эга бўлганлиги юқорида ҳам таъкидлаб ўтилди.

Туркистон Миллатлар ишлари Ҳалқ комиссарлиги ва унинг бўлимлари миллий озчиликнинг аҳволини мунтазам ўрганиб борди. Чиқадиган ахборот маълумотномаларида шу ишлар ўз аксини топиб, у ёки бу кам сонли миллий гуруҳлар ҳаёт фаолиятининг турли соҳалари ёритилди. Октябр тўнтаришидан кейинги дастлабки йилларда ва 20-йилларнинг бошларида нашр этилган "Жизнь национальностей" газетаси бу ишда муҳим роль ўйнади. Масалан, "Туркистонлик арманлар"<sup>1</sup>, "Туркистонлик украинлар"<sup>2</sup>, "Туркистон республикасида немис аҳолисининг аҳволи шарҳи"<sup>3</sup> ва шу каби мақолаларда миллий озчиликларнинг ҳаёти ва муаммолари тўғрисида бир қатор маълумотлар берилди. Мазкур мақолаларнинг мазмунидан этник майдага миллий муаммолари ҳақидагина эмас, айни вақтда уларнинг ўлгадаги жойлашиш географияси тўғрисида, улар қайси йўллар

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ф. Р-86, Оп. 1, Д. 6633, 164-бет

<sup>2</sup> ЎзР МДА, ф. 36, Оп. 1, Д. 143, 43-44-бетлар.

<sup>3</sup> Жизнь национальностей, 1922, 11 сентябрь.

<sup>4</sup> ЎзР МДА, ф. 36, Оп. 1, Д. 143, 31-32-бетлар.

билинг Туркистонга келиб қолғанликлари ҳақида тасаввур олиш мүмкін еди. Масалан, українларнинг Туркистон ўлкасига күчиб келишининг асосий сабаби Украина аҳолисининг зичлиги ва бошқа сабабларга күра кам ерли дәхқонлар қулай ерларни қидириб бу ерга келиб қолғанлигидан иборат. Арманларнинг бу ерда күчиб келиши учун турли сабаблар тилга олинади, шу сабабларнинг энг муҳимларидан бири савдо орқали бойлик орттиришга интилиш ёди, улар орасида қорабоғ, Зангизур ва Жибраидда ерларидан маҳрум бўлган кўпгина кишилар, чайқов савдосидан ўзларининг бевосита машғулотига ўтиш учун Туркистонга келган бир талай ҳунармандлар бор эди. Ўша йилларда эълон қилинган мақолаларда айрим миллий озчиликларнинг бу ерга келиб қандай ўрнашганликлари ва уларнинг машғулотлари ҳикоя қилинади. Чунончи арманлар даставвал Марв, Тошкент, Кўқон ва Андижонда 1944 бўлиб яшаб, асосан савдо-сомиқ билан шуғулланган бўлсалар, українлар Сирдарё вилоятида, қисман Фарғонада жойлашиб таълачилик билан шуғулланганлар, україн ишчилари эса Самарқанд ва Тошкентда макон топганлар.

Туркистон Миллатлар ишлари комиссарлигининг ўзижсатларида немис аҳолиси Тошкент ва Марв уездларида жойлашганлигидан дарак беради. Немисларнинг асосий машғулоти тилакорлик бўлган. Комиссарликнинг ахборотида ўлкада яшовчи бавзи оз сонли миллатлар ҳақида тасаввур беради. Чунончи 20-йилларнинг бошларида бу ерда 500 минг україн яшаганилиги, аммо бу рақам унчалик аниқ эмаслиги айтилади<sup>1</sup>, арманлар 80-100 минг киши<sup>2</sup>, очарчилик бўлиб турган Волга бўйидан күчиб келган немислар 635 минг киши<sup>3</sup>, поляклар 4500 киши<sup>4</sup>, деб кўрсатилади.

Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлиги ҳузурида кам сонли миллатлар ишлари Кенгаши тузилган ва унинг фаолияти ҳам диққатга сазовордир. Бу орган аввало оз сонли миллатларнинг маънавий эҳтиёжларини ўрганиш ва бу эҳтиёжларни қондириш учун амалий ҳаракатлар қилиши лозим еди. 20-йилларда унинг таркибида арман, эрон-озарбайжон, маҳаллий яхудий, україн, татар-бошқирд, немис ва яхудий марказий бюролари ишлар эди. Улар оз сонли миллатларнинг тилларида мактаблар ва ишчилар учун уйлар очиш ва уларни ўқув адабиёти ва педагог кадрлар

<sup>1</sup> Жизнь национальностей, 1922, 11 сентябрь.

ЎРМДА, ф. 36, Оп. 1, Д. 143, 43-бет.

Ўша жойда, 31-бет.

<sup>3</sup> Ўша жойда. Д. 95, 5-бет.

билин таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилар эди. Бу бюроларнинг иши қийин шароитда ўтар, айниқса фуқаролар урушидан кейин ўлкада ҳукмрон бўлган хонавайронлик, зарур моддий маблағвинг йўқлиги ва турли ҳалқ ва элатлар ўртасидаги муайян кескинлик бунинг асосий сабабларини ташкил этар эди. Ана шундай вазиятда оз сонли миллатлар кенгашининг Марказий Бюролари миллий озчиликларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш учун муайян ишлар олиб борди. Бу тузилмаларнинг иш услуги ва мазмуни ҳақида 1923 йил январ-март ойларига оид ҳисоботларнинг қисқа сатрлари яққол тасаввур беради. Масалан, арман Марказий бюросининг фаолияти ҳақида шундай маълумот берилади: “Ишчилар уйида 6 та маъруза ўқилди, салкам 30 та концерт ва кечга ўтказилди, улардан тушган маблағ ишчилар уйи ихтиёрига берилди ва ўйқсил арман талабаларига тарқатилди. Ўлкада 10 та мактаб бор, уларнинг баъзиларига арман тилидаги дарсликлар юборилди”<sup>1</sup>.

Эрон Озарбайжон Марказий бюроси бўйича шундай хабар қилинади: “ўлкада 10 та мактаб бор, улар маҳаллий маблағ ҳисобига таъминланади, уларнинг бир қисмини баҳоийлар жамияти оталиққа олган. Мактабларнинг деярли ҳаммасида маданият ходимлари етишмайди, она тилида дарслик ва адабиётлар ўйқ”<sup>2</sup>.

Украин Марказий бюроси ҳақида бундай деб ёзилган: “Жойлар билан алоқа ўйқлиги, маблағ етишмаслиги ва украинларни бирон-бир марказ төварагида бирлаштишининг қийинлиги сабабли мазкур миллат орасида барча маданий-маърифий ташаббусларни амалга ошириш имконияти ўйқ. Шунинг оқибатида Украин Марказий Бюроси деярли начор аҳволда қолган”<sup>3</sup>.

Туркистон Миллатлар ишлари ҳалқ комиссарлигининг Совет ҳокимияти дастлабки йилларидаги ҳуқожатлари олий ҳокимият ва бошқарув идоралари маҳаллий яҳудийлар (Бухоро яҳудийлари) каби миллий гуруҳга алоҳида эътибор берганликларини кўрсатади. Россия империяси даврида маҳаллий яҳудийлар камситилган аҳволда эканликлари сабабли ҳукумат идоралари миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва эркин миллий ривоҷланиш ҳуқуқи эълон қилинган шароитда маҳаллий яҳудийларни <sup>4</sup> ўлканинг бошқа миллатлари билан тенг бўлган турмуш ва ривоҷланиш асосига

<sup>1</sup> УзР МДА, ф. Р-34, Он. I, Л. 2232, 8-бет.

<sup>2</sup> Уша жойида. 8-бет.

<sup>3</sup> Уша жойида. 9-бет.

<sup>4</sup> Маҳаллий яҳудийлар ва Бухоро яҳудийлари тушунчалари бир хил маънени билдиради.

ўтказишга кўмаклашувчи чораларни кўришга мажбур бўлсанликларини кўриш мумкин. Чунончи, юқорида қайд этилган Самарқанд шаҳар Комитетига юборилган хатда, жумладан, шундай таъкидланган эди: “Ўзбекистон ССР Советларининг Марказий ижроия комитети Миллий озчиликлар бўлими Сизга шуни маълум қиласдики, Бухоро яхудийлари ёки Ўрта Осиёning яхудийлари туб жой аҳоли бўлиб, ҳукумат томонидан Ўзбекистон ССРнинг асосий миллатига бериладиган барча имтиёзлар уларга ҳам экорий тилиади”.

Маҳаллий яхудийлар учун мактаблар очиши, уларни ўлканинг боиқа миллатлари билан тенг аҳволга кўтарадиган маҳсус қарорлар қабул қилиш билан бирга республиканинг олий идораларида уларнинг манбаатларига хизмат қиласдики маҳсус тузилмаларни ташкил этиши чора-тадбирлари ҳам кўрилди. Шу мақсадда Туркистонда очилган маҳаллий яхудийлар бўлими ташаббуси билан республика Халқ маорифи комиссарлиги ҳузурида маҳаллий яхудийлар учун алоҳида халқ маорифи секцияси тузилди. Секциянинг ташаббусига кўра 1919 йил сентябррида Бухоро яхудийларининг болалари учун мактаб ва бир неча болалар боғчаси очилди<sup>1</sup>.

Туркистон АССРда ўтказилган миллий сиёсат аввалги бўлимларда таъкидланганидек, нуқсонларга қарамай, умуман ўлканинг йирик туб жой этносларинигина эмас, балки кам сонли миллатларнинг манбаатларини ҳам акс эттирас эди. Бу сиёсатда кам сонли миллатларнинг манбаатларини бирон бир тарзда камситишга йўл қўймаслик, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш йўли сезилиб турадиган эди. Бу йўл ижтимоий даражада ҳам, республика даражасида ҳам ўз аксини топди. СССР Марказий ижроқўми Миллатлар кенгashi президиумининг иттифоқдош республикаларга 1925 йил 21 ноябрда юборган фармойиши (циркуляр)ида сайлаб қўйиладиган барча совет органларига кам сонли миллатларнинг вакилларини киритиш каби чоралар асосида миллий озчиликларнинг ҳуқуқларини тўла-тўқис таъминлаш зарурлиги тан олингандан эди. Жумладан, майдаси миллатларнинг сони кўпроқ бўлган тақдирда алоҳида советлар тузиш ва мазкур кам сонли миллатларнинг тилларини муомалага экорий этиши уларнинг она тилида мактаблар: ва судлар ташкил этиши кераклиги

<sup>1</sup> ЎзР МДА, ф. Р-34, Оп. 1. Д. 6633, 154-бет.

<sup>2</sup> МДА ЎзР, ф. 2-34, Оп. 1, Д. 338, 625-бет.

таъкидланган эди<sup>1</sup>.

Иттифоқ органларининг умумий йўлига мувофиқ равишда миллий-давлат чегараланиши ўтказилгандан кейин ҳам бу соҳада муйян ишлар олиб борилди.

Мазкур фармойишга жавобан республика ҳудудида кам сонли миллатлар зич бўлиб яшайдиган жойларда иккита миллий туман: Конимехда<sup>2</sup> қозоқ тумани ва Конибодомда тоғсик тумани ташкил этилиб, иш юритилиш, суд ишларида ва бошқа шу жараёнларда мазкур ҳалқларнинг тиллари жорий этилганлиги ҳусусида хабар қилинди. Улар бевосита ЎзССР МИҚга ва шунингдек, Фарғона оближроқўмига бўйсундирилган эди.

Ўзбекистоннинг миллий таркиби хилма-хил бўлганлиги сабабли у ёки бу миллатлар зич бўлиб яшайдиган жойларни алоҳида миллий-маъмурий бирликларга ажратиш йўли кейинги даврда ҳам давом этиширилди. 1926 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра республикада яшаб турган 5,3 миллион кишидан 3,5 миллиони (ёки аҳолининг 65%) ўзбеклар бўлса улар билан бир қаторда 968 минг тоғсик, 247 минг рус, 107 минг қозоқ, 91 минг қирғиз, 28 минг татар, 28 минг араб, 27 минг қорақалпоқ, 26 минг туркман, 25 минг украин, 29 минг яхудий, 15 минг арман ва бошқалар ҳам яшар эдилар<sup>3</sup>.

Табиийки кўпмиллатлилар шароитидаги Ўзбекистон, аввало, миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминланиши асосидагина тўғри ривожланиши мумкин эди. Кам сонли миллатлар гуж бўлиб яшайдиган жойларда миллий туманлар ва миллий қишлоқ кенгашларини тузиш, уларни тилларидан бемалол фойдаланишини ўлга қўйши эса айнан шу мақсадга хизмат қилар эди. Ўзбекистон ССРнинг миллий-давлат чегараланиши давомида, Революцион қўмита ҳузурида тузилган миллий озчиликлар қўмитасининг вазифаси, бошқа ишлар билан бир қаторда у ёки бу ҳалқ аҳолиси кўп ва бир хил таркибда бўлган туманларни алоҳида минтақаларга ажратиш ва мазкур минтақанинг кўпчилик аҳолиси она тилида иш юритиши тўғрисида Ўзбекистон ССР Марказий ижроқўмига мулоҳазалар топширишдан иборат эди. Республика Советларининг 1925 йил февралидаги Таъсис қурултойидан кейин бу қўмитанинг номи ўзгартирилиб, Ўзбекистон ССР Советлари МИҚ ҳузуридаги миллий озчиликлар ишлари бўйича Марказий комиссия деб атала

<sup>1</sup> МДА ЎзР, ф. Р-86, Оп. 1, Д. 2156, 159-бет.

<sup>2</sup> Чамаси, Конимех назарда туттилади.

<sup>3</sup> Қаранг: Ҳакимов М.Х. Партия и советская национальная государственность. Ташкент: Ўзбекистан, 1980. 108-бет.

бошланди. 30-йилларнинг бошларигача партия қўмиталари ҳузурида ҳам миллий озчилик кичик бўлимлари ва секциялари мавжуд юди. Уларнинг фаол иштироки билан 1925-1926 йилларда Ўзбекистонда туманлаштириш ўтказилиб, юқорида қайд этилганидек, кам сонли миллатларнинг 302 та қишлоқ кенгаши ва 175 та аралаш кенгаши тузилди. Улар эса ўз навбатида республикадаги барча қишлоқ кенгашларининг 3%ини ташкил қилар, бу эса республика аҳолиси таркибидаги кам сонли миллат таскиларининг улушига тўғри келар эди<sup>1</sup>. Бундан ташқари 4 та тоғисик, 4 та қозоқ, 1 та туркман, 1 та қирғиз миллий туманлари, шунингдек миллий озчиликларнинг иккита бошқа тумани<sup>2</sup>, аралаш туман ҳам мавжуд эди. Булар республикадаги барча туманларнинг 17%идан кўпроғини<sup>3</sup> ташкил этар эди.

Шу йилларда миллий туманлардан ташқари юзлаб миллий қишлоқ кенгашлари ҳам тузилди. Архив хуёжжатларидағи маълумотларга кўра, уларнинг сони жами 333 тагача етган<sup>4</sup>.

Ушбу йилларга оид партия-ҳуқумат ҳуёжжатлари ҳам кам сонли миллатлар билан ишлаш масаласига жиiddий эътибор билан қаралганигидан далолат беради. Масалан, Ўзбекистон ССР Советлар Марказий ижроқўмининг 1929 йил марказий кенгашлар, ҳуёжалик муассасалари, ташкилотлар ҳамда барча округ ижроия қўмиталарига йўллаган фармойишида кам сонли миллатлар билан ишлашдаги камчиликлар очиб ташланди “... жойларда шу вақтга қадар миллий озчиликларга хизмат қилиш соҳасидаги ишга, - деб таъкидланган эди шу ҳуёжжатда, - халқ комиссарликлари Марказий Кенгашлар ва ҳўёжалик органларининг, жойлардаги кенгашлар ва округ ижроқўмларининг кундалик иши билан узвий боғлиқ бўлмаган қандайdir бир иш деб қаралаётганлиги кузатилмоқда. Кам сонли миллатларнинг иқтисодий ва маданий санясини кўтариши тадбирлари рејисали равишда олиб борилмаяпти, бундай режалар мавжуд бўлган жойларда эса, улар айрим миллатларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий хусусиятлари аниқ ҳисобга олмай тузилган, миллий озчиликлар ўртасида ишлаш юзасидан халқ комиссарликлари ўзларининг маҳаллий органлари на ижроқўмларнинг бўлимлари топшириқларини қандай ижро

<sup>1</sup> Карап: Ҳакимов М.Х. Партия и советская национальная государственность. Ташкент: Ўзбекистон, 1980. 108-бет.

<sup>2</sup> Чамаси иккита қўрама райони назарда тутилади

<sup>3</sup> Нуруллин Р.А. Из опыта национально-государственного строительства. Коммунист Ўзбекистана, 1990. №2, 89-бет.

<sup>4</sup> МДА ЎзР. ф. Р-86, Оп. 1, Д. 7328, 44-бет.

этадётганликларини текширишга берилаётган эътибор ҳаддан ташқари суст даражада. Миллий озчиликларга хизмат кўрсатиш аксарият ҳолларда ҳали ҳам рус тилида олиб борилмоқда ... ҳалқ маорифи идоралари кам сонли миллатларнинг тилларидағи ўқув қўлланмалари ва дарсликларни ғамлаб қўйиш зарурлигига деярли эътибор бермаяпти. Ниҳоят, айниқса оз сонли миллат аҳолиси билан ишлайдиган органларда миллий озчилик ходимларини совет ва хўжалик аппаратларидаги раҳбарлик ишига кўтариш мутлақо етарли эмас<sup>1</sup>".

Қайд этилган камчиликларни тугатиши мақсадида Марказий ижроқўм бу ишлар суст олиб борилаётган жойларда кам сонли миллатларнинг хўжалик-иқтисодий аҳволини аниқлаш ва эътиборга олишини таклиф қилди. Республиканинг асосий миллат аҳолиси билан бир даражада кам сонли миллатларнинг маданий юксаклигини таъминлаш ва иқтисодий аҳволини яхшилаш, шунингдек, мазкур миллат меҳнаткашлар оммасини совет қурилишига жалб этиши бош вазифа эканлиги таъкидланган.

Партия ва ҳукуматнинг кўрсатмаларига биноан 20-йилларда миллий озчилик вакилларини республика ҳокимият ва бошқарув идораларига жалб этиши соҳасида ҳам ишлар олиб борилди. Масалан, 1926 йилда республика бошқарув аппарати маркибида руслар 61,9%, ўзбеклар 24,7%, яхудийлар 6,0% ва бошқа миллат вакиллари 7,4% ни ташкил қилган<sup>2</sup>.

Ўзбекистон ССР аппаратида ишловчиларнинг миқдорий нисбатида оз сонли миллатларнинг кўплиги кўриниб турибди. Бу ҳол кўп жиҳатдан республика кечроқ даврда ташкил этилганлиги ва туб жой миллати вакилларини бошқарув аппаратига жалб қилиш сиёсати ҳали унчалик кенг тус олмаганилиги, туб жой аҳолининг муайян тарихий шароитлари билан изоҳланади. 1931 йилда Ўзбекистон қишлоқ Кенгашлари маркибига сайланган кам сонли миллатлар вакилларидан 27%и ва қишлоқ Кенгашлари раисларидан 16%и аёллар эди. Бироқ, юқоридагилардан Ўзбекистонда кам сонли миллатларга нисбатан олиб борилган сиёсат ҳеч бир қийинчиликсиз, силлиқ ўтган деган тасаввурга бориш хато бўлар эди. 20-30-йиллардаги ҳужжатлар таҳлил этиб кўрилганида, маълум бўлишича турли миллатларнинг тенг ҳуқуқлар билан ёнма-ён яшиши ва ривожланишини таъминлаш йўлида жиiddий қийинчиликлар рўй берганини ҳам кўриш мумкин эди.

<sup>1</sup> МДА УзР, ф. Р-86, Оп. 1, Д. 5459, 195-бет.

<sup>2</sup> Қаранг: Ботенковна Л.Ф. Интернационализм в действии. — М.: Мысль, 1988. 98-бет.

Республикада кўпгина ҳалқ ва элатларнинг биргаликда яшаси, ҳокимият ва бошқарув идораларининг ножӯя ҳатти-ҳаракатлари натижасида айрим зиддиятларни ҳал этиш соҳасида қаршиликлар ҳам бўлиб турди.

1925 йилда Ўзбекистон ССР КП(б) МК ва Марказий ижроқўм Президиумининг кўрсатмасига биноан уч вилоят — Гошкент-Фарғона ва Самарқанд вилоятларининг руслар яшайдиган қўргонлари (посёлкалари) текшириб чиқилганида миллатлараро муносабатлардаги ишларнинг аҳволи унчалик яхши эмаслиги маълум бўлди. Бу вилоятларда руслар яшайдиган 70та қўргон борлиги, бошқа вилоятларда эса бундай қўргонлар ўқилиги маълум бўлди.

Текширилган туманларда рус аҳолисининг муайян қисмида буюк давлатчилик шовинизми сарқитлари мавжудлиги равшан бўлди. Тошкент уездининг Луначарский қўргонида руслар билан туб жой аҳоли ўртасида ер-сув масаласидаги низолар мавжудлиги очиб ташланди. Бунинг сабаби шу эдикни, империя замонида бу ерга урнашиб олиб, пахтазорларда ишлаш учун маҳаллий деҳқонларни ёллашга ва уларга арзимаган пул тўлашга одатланиб қолган рус деҳқонлари, 1917 йил октябрдан кейинги йилларда бундай имкониятдан маҳрум бўлганлар, чунки энди бу ерлар уларнинг мулки деб ҳисобланмай қолган эди.

Совет ҳукмронлиги даврининг бошларида Ўзбекистонда юз берган миллатлараро муносабатларда нохуш манзараларни кузатиш мумкин. Масалан, рус қўргонларини текшириш асосида тузилган маълумотноманинг мазмунни миллатлар орасидаги ўзаро кескинлик, ҳатто миллатлараро можаролар сабаблари, бир томондан, айрим қўргонлардаги рус аҳолиси онгода шовинизм унсурлари сақланиб қолганлиги ва жабрдийда маҳаллий деҳқонлар бунга жавобан миллатчилик ҳаракатлари қылганликларидан иборат бўлса, иккинчи томондан, маҳаллий совет маъмурларининг бу борада ҳаддан ошиб, хатто йўл тутганликларидан иборатdir. Бу низоларга шубҳасиз, нафақат миллий эҳтирослар, балки ижтимоий зиддиятлар ҳам асос бўлган. Аввало НЭП (янги иқтисодий сиёсат) йилларида жамиятидаги ижтимоий табақалашувнинг кучайиши, ижтимоий тенгсизлик ҳолатини келтириб чиқарган эди. Миллий муносабатларда ўтмишдан қолган ғоявий-руҳий сарқитлар, ривожланиши ўйлида пайдо бўлган муаммолар ҳам аҳволни мушкуллаштираси эди. Бундай аҳволни тезроқ ва самаралироқ бартараф этиши қун тартибида турган асосий масалалардан эди.

20-30- йилларда кам сонли миллатларнинг вақти-вақти билан ўтказиб турилган республика кенгашлари миллатлараро муносабатлардаги муаммоларни аниқлашнинг энг мақбул шакли бўлган. Бундай кенгашларда қатнашган вакиллар ўз халқларидағи долзарб масалалар ҳақида гапириб, уларни ҳал қилиш йўлларини таклиф қилишлари ҳам мумкин эди. Ўзбекистонда бир қатор, жумладан 1928, 1932 ва 1935 йилларда шундай кенгашлар чақирилган. Уларнинг ҳуқускатларида турли халқ ва элатларнинг тенг ҳуқуқли яшаши ва фоалият юритиши соҳасида эришилган муваффақиятлар ҳам, ўша йилларда мавжуд бўлган экиддий муаммо ва зиддиятлар ҳам акс этар эди. Бу борада қуйидаги мисолни келтириш мумкин 1932 йил февралида ўтказилган кам сочли миллатларнинг 2-Республика кенгashiда раислик қилувчи жумладан, шундай деган эди: "... вақтимиз жуда чекланган, шу сабабли кенгашимизни эртароқ тугатишимиш керак. Сўзга чиқувчиларнинг икки тилда (чамаси, ўзбек ва рус тиллари назарда тутилган) гапиришлари таклиф қилинади. Ўз тилида гапиришни истовчи ўртоқлар бўлса, она тилида гапиришлари мумкин"<sup>1</sup>. Бундан шуни кўриш мумкинки, миллий озчилик вакиллари маълум тадбирларда ўз она тилларидан бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўлганлар.

Кенгаш Ўзбекистонда элликтага яқин миллат ва халқ вакиллари борлигини қайд этди. Олий ўқув юртларига ўқишига кирган 15205 нафар кишидан 1590 нафари миллий озчиликларнинг вакиллари эканлиги, бу эса жами 10%ни ташкил этиши кенгашда алоҳида қайд этилди. Бу рақам мазкур миллат вакилларининг сонига тўла-тўқис тенг келади, деган хуроса чиқарилди<sup>2</sup>.

Миллий сиёсат бобида маълум ижобий ўзгаришлар қайд этиш билан бирга, кенгаш бутун сабиқ Совет Иттифоқи миқёсида тарғиб этиб келинаётган барча миллат, элат ва миллий озчиликларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва эркин ривожланиши мафкурасига зид бўлган ташвишли ҳолатларни ҳам очиб ташлади. Макеевнинг туман ижроқўмлари ва шаҳар Кенгашларининг кам сонли миллатлар орасида ишлаш соҳасидаги вазифаларига бағишиланган маъруzasида мазкур миллат вакилларини бошқариш идоралари ва саноатга жалб этиши йўлидаги тўсиқлар борлиги кўрсатилди. Нотиқ бирон аниқ одамнинг номини тилга олмаган ҳолда, бундай ҳолат учун бошқарув аппарати ва саноатга фақат

<sup>1</sup> МДА ЎзР, ф. Р-86, Он. 1, Д. 8088, 4-бет.

<sup>2</sup> МДА ЎзР, ф. Р-86, Он. 1, Д. 8018, 9-бет.

туб жой аҳолисини (яъни ўзбекларни) тортишни талаб қилаётган айрим партия ва совет ходимлари айбор эканини айтди. "... Айтайлик, эроний, маҳаллий яҳудий, уйғур ва бошқалар иш сўраб келса, — дея таъкидлаган эди Макеев, — улар, сен ўзбек эмассан, бизга ўзбеклар керак, дейдилар. Улар идораларга туб жой вакиллари жалб этилмоқда, деб айтадилар, штатлар қисқартирилганида ўзлмай-нетмай майда миллат вакилларини ишдан бўшатадилар, биз туб жой аҳолиси вакилларини эмас, бошқа миллатдагиларни бўшатяпмиз, деб ўзларини оқлайдилар"<sup>1</sup>. Маърузачи бундай нуқтаи назарнинг манбаларини очишга интилиб, миллий сиёсатнинг моҳиятини бундай тушунмасликни фақатгина шунчаки тушунмовчилик деб талқин қилиб бўлмаслигини таъкидлайди. Бундай тушунмовчиликдан ташқари у маҳаллий яҳудийларга душманлик муносабатида намоён бўладиган пинҳона аксилинқилобий ҳаракат, бошқа ҳалқларга нисбатан буюк давлатчилик шовинизми ва маҳаллий миллатчилик ҳоллари борлигини уқтиради.

Эрон тумани вакили Адирбековнинг нутқида ҳам миллатлараро муносабатлар ривожидаги салбий жиҳатлардан дарак берувчи маълумот айтилди. "Бизнинг туманимизда ўзбеклаштириши бошлигандан кейин барча миллатлар гаройиб тарзда йўқолиб, ҳамма ўзбек бўлиб қолди, - дейди у, - тоҷиклар ҳам, эронийлар ҳам ўзбекка айланди ва ҳоказо. Статистикада ажабтovур ҳолат рўй берди. Бу не гап, тоҷиклар қаёққа кетди, эронийлар қаёққа ғойиб бўлди? Текшириб кўрилганда уларнинг ҳаммаси ўзбек бўлиб қолганлиги аниқланди.

Энди шундай ҳолат кузатилмоқда. Тоҷик тилида дарс берила бошласа, ўзларини тоҷик деб эълон қиласидилар, ўзбеклаштириши бошланса, эронийлар ўзларини ўзбек деб атайдилар ва уларга ўзбек тилида дарс ўтилади. Дарслар тоҷик тилига ўтказилганда улар қийиналишади, албатта. Бу йил қарасам, уларга янги китоблар пайдо бўлибди, эрон ёки озарбайжон тилига ўтишибди. Шундай қилиб, уларда дарс бериш тили уч марта ўзгарибди. Бу эса ўқиш сифатига салбий таъсир қиласиди. Бунга барҳам бериш керак"<sup>2</sup>.

Юқорида таъкидланган ушбу мисоллар миллатлараро муносабатлардаги нуқсонлардан дарак берар эди. Чамаси, ўша ишларда авж олдирилган маҳаллийлаштириши сиёсатини айрим партия ва совет ходимлари ўзбек миллатига устунлик бериш йўли

<sup>1</sup> МДА ЎзР, ф. Р-86, Оп. 1, Д. 8018, 14-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда. 16-65-бетниар.

деб тушунгандар. Улар совет идораларидағи ҳамма лавозимларни фақат ўзбеклар эгаллаши, мактабларда фақат ўзбек тилида дарс берилиши керак, деб билганлар. Мазкур даврда партия ходимларидан бири Тоғисев томонидан нашр этилган китобда, маҳаллийлаштириши сиёсати ҳудди шундай талқин этилганини кўрамиз. У республика ҳаётида ўзбек тилининг аҳамиятига тұхталиб, бундай деб ёзган эди: “Модомики Ўзбекистон шароитида ўзбек тили давлат тили экан, модомики, республиканинг иқтисодий ва сиёсий ҳаёти ўзбек тилида рўй берар экан, бу тил кам сонли миллатларнинг барча мактабларида маъжбурий бўлиши кераклиги равшан”.

20-30-йилларда ўтказилган маҳаллийлаштириши сиёсати, аслида тұғри сиёсат бўлиб, миллий чекка ўлкаларнинг ўтмишдаги қолоқлигини тугатишни имтилоқдош республикалардаги асосий туб жой миллатларнинг тилини ҳар томонлама ривожлантириши маҳаллий ишчилар синфи ва зиёлиларни шакллантиришига кўмаклашиши керак эди. Аммо, бу сиёсат баъзан оқилюналиқ доирасидан чиқиб, кам сонли миллатлар муайян қисмининг ҳуқуқларини поймол қилишга айланиб кетганлиги юқоридаги мисоллардан кўриниб турибди<sup>1</sup>.

Бу ўринда шуни таъкидлаш лозимки, собиқ Совет давлатининг руслаштириши сиёсати ва жамият турмушининг барча соҳаларида бошқа ҳалқ ва элатларнинг ҳам ҳуқуқларининг камситилиши, бир қатор салбий оқибатларга олиб келди.

Ўзбекистон Советлари Марказий Ижроқўмининг 1934 йил февралда бўлиб ўтган 4-чақириқ Тўртинчи сессиясида республиканинг баъзи туманларида миллий озчиликлар билан ишлашдаги аҳвол унчалик яхши эмаслиги аён бўлди. Сессияда миллий озчиликларга хизмат кўрсатиши масалалари юзасидан сўзга чиқсан Юабов бир қатор туман ижроқўмлари ва шаҳар Кенгашлари, шу жумладан Тошкент ва Бухоро шаҳар Кенгашлари кам сонли элат ва ҳалқларнинг манфаатларини писанд қилмаётганликлари ҳақида гапирди. Иш юритиш ва маориф соҳасида бу ҳалқларнинг тилларидан фойдаланиши борасидаги ишлар қониқарсиз тарзда эканлиги түғрисида мулоҳазалар билдирилди. Масалан, Нурота туманида аҳолининг кўпчилиги тоҷиклар бўлишига қарамай, мактабларда ўзбек тилида дарс олиб борилган, ўқитувчилар ўзбек тилидаги дарсликни тоҷик тилига таржима

<sup>1</sup> МДА ЎзР. ф. Р., Он. 1, Д. 8017, 7-бет.

Қилиш йўли билан ўқувчиларга таълим берар эди.

Сессияда, шунингдек, Янгийўл туманидан ҳам мисол келтирилди. Аҳолисининг 90%и қозоқлар бўлган жойларда ҳам ишлар ўзбек тилида олиб борилган. Юабов кам сонли миллатларнинг манфаатлари поимол қилинаётганлигини кўрсатувчи мисолларни айтиб, жумладан, бундай деб таъкидлади: "... Мен ўзбек тилида дарс бермаслик йўлидан боришимиз керак демокчи эмасман, бироқ модомики, биз миллий озчиликнинг ғуёзини таъминлашимиз керак экан, демак биз ташкилотларнинг бу ишга жиҳдийроқ эътибор беришлари кераклигини таъкидлашимиз лозим". Бу фикрда, бизнингча, туб жой миллатлар накилларидан партия-давлат кадрларини, ишчилар синфи ва шёлilarни шакллантиришига қаратилган миллийлаштириш сиёсатидаги зиддият акс этган. Юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон ССР бошқарув аппаратининг бир қисм раҳбарлари бу сиёсатни ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида ўзбекларнинг устунлигини қарор топтириш йўли деб қабул қилган эдилар. Шунинг учун ҳам улар партия-давлат бошқарувининг барча буғинларида ўзбек тилини жорий қилиш ва турли лавозимларга ўзбекларни кўтаришига ҳаракат қилганлар. Ҳолбуки, бу ерда истиқомат қилувчи кўпгина миллий озчиликлар ҳам ўзларининг миллий қадриятларини бемалол ва тўсиқларсиз ривоҷлантиришига, ҳокимият ва бошқарувнинг олий, ўрта ва қуий буғинларида ўз накиллари бўлишини талаб қилишга интилишлари табиий ҳол ёди. Бу ҳол маҳаллийлаштириш сиёсатини тўғри ўтказишни, республикада яшовчи ўзбек миллатининг ҳам, шунингдек кам сонли миллатларнинг ҳам эҳтиёжлари қондирилишини тақозо қилар эди.

Собиқ СССРда депортация, айрим манбаларда қайд этилганидек, 1930-1950 йиллар оралиғида эмас, балки анча аввалроқ одат тусига кирган эди. Совет давлати қарор топа бошлаган пайтдан бошлаб шафқатсиз репрессия, шу жумладан депортация сиёсати қўлланилиб келди. Ўша пайтда рўй берган ҳар қандай ижтимоий можаро турли миллат аҳолисининг айрим гуруҳларига нисбатангина эмас, бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам қатъий чоралар кўриш билан ҳал қилинар эди.

XX аср 20-йилларида, яъни жамиятни бошқаришнинг иоталимат тизими қарор топаётган шароитда казаклар, узоқ Шарқда

<sup>1</sup> МДА ЎзР, ф. Р., Оп. I, Д. 8017, 7-бет.

яшовчи корейслар, алеутлар, мамлакатнинг шимоли-карбиди яшовчи финлар ана шундай репрессияларни бошидан кечирган эдилар. Табиийки, бу ўринда давлат миллий озчиликларни манфаатлари ва хоҳишистакларини эътиборга олмаган. Кейинчалик бошқа халқларга нисбатан ҳам ана шундай чоралар кўрилди.

30-йилларда бутун дунёдаги сиёсий вазият ўзгарди, бу ҳол эса ўз навбатида ички ва ташқи сабиқ СССРнинг сиёсатига таъсир қилмай қолмади. Натижада, совет ҳукумати барча соҳаларда бўлганидек, миллий муносабатлар соҳасида ҳам одатдагидек шафқатсиз чораларни кўра бошлади. Халқлар ўзига хос “элак”дан ўтказилиб, “ишончли” ва “ишончсиз” гурухларга ажратилди. Ишончсиз гурухлар уруш бўлган тақдирда душман томонига ўтиб кетиши мумкин деб фараз қилинди. Ўша пайтда сабиқ СССРнинг ички давлат сиёсатида ҳамма жойда жосусларни кўриш, шубҳа-гумон кайфияти жамиятнинг айрим аъзоларигагина эмас, балки бутун-бутун халқларга нисбатан ҳам кучайтириб борилди. 30-йилларда марказий матбуотда, шу жумладан, партиянинг асосий органи бўлган “Правда” газетасида жосуслар ҳақидаги хабарлар тез-тез босилиб туради.

Аввалига сабиқ СССРнинг чегара минтақалари “ишончсиз унсурлар”дан “тозаланди”, сўнгра айни шу сабабга кўра айни шу кампания чегарадан олисдаги жойларга ва бошқа халқларга: корейслар, немислар, поляклар, курдлар, эронийлар, грекларга нисбатан ҳам қўлланила бошланди.

1944 йилда Грузиядан месхети турклари, курдлар, хемшинлар ва бошқа халқлар қўчирилганида худди шу “ишончсизлик” сабаби баҳона қилиб кўрсатилди. Юқорида кўрсатилган барча майда миллатлар хавф-хатарнинг олдини олиш мақсадида депортация қилинди.

1936-1944 йилларда сабиқ СССРнинг чегара туманларида ҳали жиiddий уруш ҳаракатлари бошланмай туриб, бу жойларда яшовчи халқларга нисбатан ҳам ана шундай чоралар кўрилди.

Шимолий Кавказ ва қrimда яшовчи қорачойлар, чеченлар ва ингушлар, болқорлар, қrim татарлари “ватанга хиёнат қилди” деган айб билан ётпасига қувғин қилинди. Шу йўл билан уларнинг миллий давлат тузилмалари йўқ қилиб юборилди.

Депортация ҳодисаси икки мезон — “олдини олиш” (превентив) ва “жазолаш” маъноларида таснифланади. Депортация жараёнларига раҳбарлик қилган идораларга тегишли ҳужжатларни ўрганиш асосида яна шундай таснифлаш имконияти туғилди. Бу

шаборалар жумласига СССР Халқ Комиссарлари кенгаши, Штатифоқдош республикаларнинг Халқ хўжалик кенгашлари, ЎКИ(б) ўлка қўмиталари, СССР Ички ишлар халқ Комиссарлиги ва Давлат хавфсизлиги комитети, шунингдек СССР ва РСФСР Халқ хўжалиги кенгашлари ҳузурида иш олиб борган кўчириш башкармалари ва шу кабилар кирап эди.

Собиқ СССР да ўтказилган депортация жараёнларининг сабабларини биринчи маротаба Россиялик олим профессор Н.Ф. йукаев қўйидаги тарзда характерлаб беради:

1) Мазкур халқлар ўрнатилган тузумни — совет ҳокимиятини, янги укладли ва социалистик ишлаб чиқариш ўсмини мақбул деб топмадилар. Бундай халқлар орасида казаклар ва русийзабон аҳолининг бошقا қисмлари, Болтиқ бўйи ва Молдавия халқларининг айрим гурухлари (поляклар, украинлар, белоруслар ва бошқалар) бор эди;

2) Халқлар босқинчи давлат билан ҳамкорлик қилиши ўтимоли бор деган баҳона билан тўсқинликнинг олдини олиш мақсадида немислар, курдлар, месхети турклари, хемшинлар (хемишллар), греклар депортация қилинди;

3) Айрим халқлар: чеченлар, ингушлар, болқорлар, қорачойлар, қрим татарлари, болгарлар, қалмоқлар, турклар, қисман арманлар гўё Совет ҳокимияти ва Қизил Армияга қарши чиқдилар, деган айб қўйилди;

4) “Ишончсизлик” ёки “ишончсиз унсурлар” тоифасига шторманляндлар, эронийлар, қисман курдлар ҳам қўшилди;

5) украин қўзғолончи армияси вакилари “власовчилар”, украин миллатчилар ташкилоти аъзолари ва бошқалар “фашистларга гумашталик қилди” деб айбланди<sup>1</sup>.

Ана шу характерлашдан маълум бўлишича, собиқ СССР халқларининг депортация қилиниши турли сабаблар билан асосланган эди. XX асрнинг 30-40-йилларида аҳолининг 60 дан кўпроқ миллий гурухларига ана шундай репрессия чоралари қўрилган бўлса, уларнинг 15 таси тўла-тўқис депортация қилинган юди. Ўша йилларда ҳаммаси бўлиб 3,5 миллион киши депортация қилинди<sup>2</sup>.

**Халқлар ва миллатларга нисбатан қўлланилган депортация ва**

<sup>1</sup> Бугай Н.Ф. 20-40-е годы: трагедия народаов. // Восток. — 1992. -№2. — С. 122; Он же. Трагические события не должны повторяться. Актуальные проблемы российского востоковедения. — М., 1994. - С. 115.

<sup>2</sup> Конфедерация репрессированных народов Российской Федерации. 1990-1992. Документы и материалы. — М., 1993. С.35.

қатагонлар воситаси билан совет давлати бошқарув аппаратинин ҳокимияти сақлааб турилди ва мустаҳкамланди.

Депортациялар мамлакатнинг деярли барча минтақаларидан асосан уч минтақа: Сибирь, Ўрта Осиё ва Қозогистонга кўчириши йўли билан ўтказилди.

Депортация қилинган халқларнинг қўпчилиги жумладан, Ўзбекистонга ҳам зўрлик билан бадарга қилинди. Бу ерга дастлаб корейслар кўчирилди. СССР Халқ Комиссарлари Кенгаши билан ВКП(б) МКСнинг “Узоқ Шарқ ўлкасининг чегара туманларидан корейсларни кўчириб юбориш” тўғрисидаги 1937 йил 21 августдаи қўйша қароридан кейин дарҳол 1937 йилнинг октябр ва ноябр ойларида Ўзбекистонга 74500 корейс (16307 оила) кўчириб келтирилди<sup>1</sup>. Уларнинг маълум қисми 1939 йилда Мирзачўнинг Ўзбекистон қисмига жойлаштирилди. Шундан кейинги йилларда қрим татарлари, месхети турклари, курдлар, хемшин (хемшил)лар, шимолий Кавказ халқлари, қалмоқлар, греклар, поляклар ва бошقا миллат вакиллари кўчириб келинди.

Махсус кўчириб келтирилганларни республикалар бўйича ҳисобга олиш миқдори тўғрисидаги архив маълумотларига кўра, 1950 йил 1 июлда Ўзбекистон ССРда махсус кўчириб келтирилганлардан 184122 киши бор эди. Улар орасида собиқ қулоқлардан 5860 киши, “власовчи”лардан 842 киши, Кримдан 126114 киши, Грузиядан 41885 киши, немислардан 7788 киши, шимолий Кавказдан 884 киши, қалмоқлардан 746 киши, Молдавиядан 3 киши бор эди<sup>2</sup>.

1953 йил 1 апрелда Ўзбекистондаги махсус кўчирилиб келтирилганлар 188689 кишини ташкил этди. Шундан 52.924 киши эркаклар, 73139 киши аёллар, 58996 киши 16 ёшга етмаган болалар эди<sup>3</sup>.

Собиқ СССРдаги республикалар, ўлкалар ва областларда жойлаштирилган махсус кўчириб келтирилганларнинг сони тўғрисидаги маълумотлар (контингентлар бўйича) қуйидагича: махсус кўчириб келтирилганлар орасида ўзга давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар 2743 киши бўлса, шундан 2472 киши Грециядан, 7 киши Эрондан, 208 киши

<sup>1</sup> МДА ЎзР. Ф.837. оп. 32. д. 593, 39-бет.

<sup>2</sup> Депортация народов СССР (1930-1959 йиллар) I часть. Документ источник ПТАОР высших органов госуправления СССР // материалы к серии «Народы и культуры». Выпуск 12. — М., 1992. С. 168.

<sup>3</sup> Қаранг: Уша жойда. 204-бет.

Түркиядан, 1 киши Германиядан, 3 киши Польшадан, 1 киши Руминиядан, 53 киши фуқаролиги бўлмаган шахслар эди<sup>1</sup>.

1952 йил 1 июлда Ўзбекистон ССРда ҳисобда бўлган 186310 тифар махсус кўчириб келтирилганлар республика вилоятларида қўйидагича жойлаштирилган эди. Андижон вилоятида 21395; йуҳоро вилоятида 7307 Самарқанд вилоятида 45246, Қашқадарё вилоятида 6800, Наманган вилоятида 11960, Сурхондарё вилоятида 142, Тошкент вилоятида 62358, Фарғона вилоятида 29967, Хоразм вилоятида 82 ва Қорақалпогистон АССРда 146 киши эди.

Яни архив маълумотларига биноан бу рўйхатни яна давом тишириш мумкин.

Депортация сиёсати оқибатида собиқ СССРнинг бошқа министақалари каби Ўзбекистон ҳудудида ҳам зўрлик билан этник отчиликлар яшайдиган жойлар вузждуга келтирилди. Ўша пайтда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан бунчалик кўп кўчириб келтирувчиларни қабул қилишга тайёр эмас эди. Аммо, бу тадбирлар қисман ҳарбий-стратегик тусда бўлганлиги учун шошилинч равишда амалга оширилди, шунинг оқибатида республика ҳукумати қатор мураккаб вазифаларни ҳал қилиши хотим бўлди.

30-йилларнинг ўрталарида Ўзбекистон ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жиҳатидан мамлакатда охирги ўринлардан биррида турар, нафақат кўчириб келтирилувчилар учун балки ўз аҳолиси учун моддий турмуш шароитини таъминлашга ҳам қийналган вақти эди.

Қурилиш материаллари, галла ва гўшт бошқа республикалардан келтирилиши сабабли уй-жой масаласи таранг на озиқ-овқат маҳсулотлари етишимас эди. Тиббиёт ходимлари етишимас, аҳоли учун кўп миқдорда дори-дармон талаб қилинади. Республикада 10 минг кишига бор-йўғи 4,7 шифокор тўғри келар, тиббиёт хизмати сифати жуда паст даражада эди. Зоро, Республикада турли юқумли касалликлар, безгак, қизамиқ ва бошқалар авж олган эди.

Шунга қарамай, Ўзбекистон ҳукумати, ҳалқи кўчириб келтирилган барча кишиларни қабул қилиш, жойлаштириш ва иш билан таъминлаш учун ўша мураккаб шароитларда ҳам имкони бўлган барча ишларни амалга ошириди.

1 Депортация народов СССР (1930-1959 ишлар) 1 часть. Документ источник ЦТАОР национальных органов госуправления СССР // материалы к серии «Народы и культуры». Выпуск 12. — М., 1992. 314-стр.

Хуллас, депортация сиёсати натижасида миллионлаб кишилар, уларнинг аксарияти мутлақо айбиз равишда азият чекканлигини таъкидлаш лозим. Депортация гайри-қонуний усуллар ва бениҳоя қаттиқўллик билан амалга оширилди. Халқларнинг кўчирилиши ўзининг моҳият-эътибори билан миллатчилик ҳаракати бўлмай, балки сиёсий мулоҳазалар билан ўтказилган эди.

Россиядаги Феврал инқилоби ва айниқса Октябр тўнтариши минтақада тараққиётнинг табиий-тарихий жараёнини тубдан ўзгартириди. 1917 йил Октябр тўнтаришининг ва шундан кейинги даврларнинг ижтимоий ағдар-тўнтарлари натижасида ижтимоий муносабатлар ҳаддан ташқари кескинлашганлиги, Туркистон ўлкасида, шу жумладан, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланишига таъсир қўсатмай қолмади.

Уруши ҳаракатлари, юқумли касалликларнинг тарқалиши, иқтисодий вайронгарчилик, кўпгина конларнинг ва ишлаб чиқариш корхоналарининг ёпилиб қолганлиги, 1917-1918 йиллардаги даҳшатли ҳосилсизлик натижасида кўпгина хўжаликлар хонавайрон бўлганлиги аҳоли орасида ўлимни кўпайтириб, туғилиш даражасини камайтириди. Аҳолининг умумий сони камайиб кетди. Фарғона вилоятининг ўзидағина қишлоқ аҳолиси салкам 25% га камайди.

1920 йилда Туркистон АССРда 5.221963 киши яшаб, шундан ўзбеклар 2.050755 киши ёки 39,3%ни қозоқлар, 1.091925 киши ёки 20,8%ни, қирғизлар 522292 киши ёки 10,0%ни, тоҷиклар 399912 киши ёки 7,7%ни, туркманлар 266681 киши ёки 5,1%ни, қорақалпоқлар 75334 киши ёки 1,4%ни, руслар 536671 киши ёки 10,3%ни ташкил қиласиди.

1918-1922 йиллардаги фуқаролар уруши муносабати билан демографик вазият жиҳдий равишда ўзгарди. Миграция жараёнлари кучайди, туб жой бўлмаган аҳолининг ўлқадан кўчиб кетиши ўсади. Бироқ, барибир келган аҳоли маълум фоизни ташкил қиласиди. Уларнинг сони жиҳатидан Самарқанд вилояти биринчи, Сирдарё вилояти иккинчи ўринда турар эди. Мазкур ҳудудлар миллий таркиби қуйидагича эди. Сирдарё вилоятида жами аҳолининг 8,0% руслар, 4,7% украинлар, 0,2% белоруслар; Фарғона вилоятида 3,2% руслар, 2,2% украинлар; Самарқанд вилоятида 0,5% руслар, 0,1%ни украинлар ташкил этган.

Шундай қилиб, руслар шарқий славян диаспорасида кўпчиликни ташкил қиласиди, украинлар ундан кейинги ўринда

туриб, белоруслар сони эса жуда озчиликни ташкил қилар эди. Нисбатан қисқа тарихий муддатда Туркистон ўлкаси ҳудудида шарқий славянларнинг кучли диаспораси вужудга келиб, улар кейинчалик минтақа Республиkanинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишига жуда катта таъсир ўтказди.

1921 йил баҳоридан келгинди аҳолининг кўчиб кетиши ўрнини Россиянинг очарчилик авж олган вилоятларидан аҳолининг кўчиб келиши эгаллади. Улар Туркистон ерларига тезлик билан ўрнашиб ола бошладилар. Совет ҳокимияти томонидан мазкур аҳолини аввало “Сирдарё ва Самарқанд вилоятларининг дехқон аҳолиси орасига” жойлаштириш тавсия этилди.

Россия империяси мустамлакачилигидан совет мустамлакачилигининг фарқи шундан иборат эди, у халқлар дўстлиги, тенглик ва қардошлиқ, инсонпарварлик ва ижтимоий адолат шиорларини эълон қилиувчи янги мафкура асосига қурилган ўди. Ўз навбатда бу шиорлар, бағрикенглик ва меҳмондўст туб жои аҳолисининг руҳи ва менталитетига мутлақ мос тушар эди. Шу боис Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллариданоқ турли халқларни Ўзбекистонга деярли бемалол кўчириш сиёсати бошланган эди.

20-йилларнинг бошларида ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР), Бухоро Халқ Совет Социалистик Республикаси (БХССР) ва Ҳоразм Халқ Совет Социалистик Республикаси (ҲХССР) ўртасида тақсимланган эди. Жами ўзбекларнинг 66,5% ТАССРда, 22.2%и БХССРда, 11.3% ҲХССРда яшар эди.

Ўзбеклар ТАССР аҳолисининг 51,4%ини, БХССР аҳолисининг 50,1%ини ва ҲХССР аҳолисининг 61,0%ини ташкил қилар эди.

Ўрта Осиёдаги 1924 йилги миллий давлат чегараланишидан кейин, минтақа ҳудудида Туркменистан ССР, Ўзбекистон ССР, Ўзбекистон ССР таркибида Тоҷикистон АССР, Россия Федерацияси таркибида Қорақыргизистон автоном вилояти, Қозогистон АССР таркибида Қорақалпоғистон автоном вилояти ташкил этилди.

Уша пайтда собиқ Россия империяси ҳудудида яшаб турган барча ўзбекларнинг 82% Ўзбекистон таркибига, барча тоҷикларнинг 75,2% Тоҷикистон таркибига киритилди. Чегараларни ўтказишда ўйл қўйилган ҳатолар сабабли янги тузилган республикалар ҳуюннида этник групхлар кўпайганлигини

таъкидлаб ўтмоқ керак.

1926 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг кўрсатишича, ўша даврда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 4 миллион 447 минг 555 киши яшган. Ана шу рўйхат Ўзбекистонда этно-демографик манзара жуда ҳар хил эканлигини ҳам кўрсатади. Айнан шу даврда 65 дан ортиқ турли миллат, элат ва ҳалқ вакиллари истиқомат қилганлар.

1926 йилда Ўзбекистон чегараларида республиканинг асосий миллати — ўзбекларнинг сони салкам 3,5 миллион кишига етди. Салкам 1 миллион кишидан иборат бўлган тоҷиклар бутун Ўзбекистон аҳолисининг 18,4%ини ташкил этиб иккинчи ўринда эдилар (қуийидаги жадвалга қаранг). Мамлакатдаги тоҷикларнинг салмоғи бу қадар кўплигининг сабаби шуки, 1926 йилги аҳоли рўйхати вақтида асосан тоҷиклар яшайдиган Ҳўжанд округи Ўзбекистон таркибига кириб, кейинчалик бу округ Тоҷикистон таркибига киритилди.

1926 йилги аҳоли рўйхатига кўра, шарқий славян диаспораси 275 минг кишидан кўпроқ бўлиб, Ўзбекистон жами аҳолисининг 5,3%ини ташкил қиласр эди. Мазкур аҳоли рўйхати вақтида “Туб миллатлар” деб аталган гуруҳ алоҳида ажратилиб унга ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, қурамалар, уйғурлар, қипчоқлар, араблар, қорақалпоқлар, туркманлар, турклар, Ўрта Осиё яхудийлари, эронийлар, қашқарликлар ва шу кабилар киритилди. Баъзи ҳалқлар қабила ва уруғларга бўлинди. Масалан, қурамалар, қипчоқлар ва турклар ўзларини қабила номлари билан атар эдилар, кейинчалик улар ўзбек миллатига қўшилиб кетдилар. Қорақалпоқлар 120 дан кўпроқ уруғни ўз ичига оловчи 12 гуруҳ қабилаларига бўлинар эди.

**1926 йил аҳоли рўйхатига кўра  
Ўзбекистоннинг миллий таркиби  
(тегишли йил чегараларида)<sup>1</sup>**

<b>Миллати</b>	<b>минг киши</b>	<b>%</b>
<i>жами аҳоли</i>	<i>5267,7</i>	<i>100,00</i>
<i>шу жумладан</i>		
<i>ўзбеклар</i>	<i>3475,3</i>	<i>66,0</i>
<i>тожиклар</i>	<i>967,7</i>	<i>18,4</i>
<i>руслар</i>	<i>246,5</i>	<i>4,7</i>
<i>қозоқлар</i>	<i>107,0</i>	<i>2,0</i>
<i>қирғизлар</i>	<i>90,7</i>	<i>1,7</i>
<i>қурамалар</i>	<i>50,1</i>	<i>1,0</i>
<i>үйгурлар</i>	<i>31,9</i>	<i>0,6</i>
<i>қипчоқлар</i>	<i>32,8</i>	<i>0,6</i>
<i>татарлар</i>	<i>25,4</i>	<i>0,5</i>
<i>украинлар</i>	<i>25,8</i>	<i>0,5</i>
<i>араблар</i>	<i>28,0</i>	<i>0,5</i>
<i>қорақалпоқлар</i>	<i>26,6</i>	<i>0,5</i>
<i>туркманлар</i>	<i>25,9</i>	<i>0,5</i>
<i>турклар</i>	<i>22,5</i>	<i>0,4</i>
<i>Европалик яхудийлар</i>	<i>19,7</i>	<i>0,4</i>
<i>Ўрта Осиёлик яхудийлар</i>	<i>18,2</i>	<i>0,3</i>
<i>арманлар</i>	<i>15,0</i>	<i>0,3</i>
<i>эронийлар</i>	<i>9,8</i>	<i>0,2</i>
<i>қашқарликлар</i>	<i>9,2</i>	<i>0,2</i>
<i>немислар</i>	<i>4,4</i>	<i>0,1</i>
<i>белоруслар</i>	<i>4,6</i>	<i>0,1</i>
<i>лўлилар</i>	<i>3,5</i>	<i>0,1</i>
<i>поляклар</i>	<i>3,7</i>	<i>0,1</i>
<i>молдованлар</i>	<i>1,8</i>	<i>0,03</i>
<i>бошқалар</i>	<i>15,2</i>	<i>0,29</i>

Аҳоли рўйхати маълумотларининг курсатишича, маҳаллий бўлмаган аҳоли, асосан, 1917 йил октябридан кейин кўчиб келганлардан иборат бўлган. Бу ерда 9 йилгача, яъни 1917 йилдан кейин яшаганлар улуши эркаклар орасида ҳам, аёллар орасида ҳам учдан иккини ташкил этади. Мигрантлар орасида 15-39 ёш гурухлари 62,9%, шу ерда тугилганлар эса 42,5%га тўғри келади.

Манба: 1926 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати. 1926. Т.XV — М., 1928. 8-9 бетлар.

Келгинди аҳолининг қарийб ярми руслар эди. 1926 йилда Ўзбекистон ҳудудида 246,5 минг рус халқи вакиллари асосан шаҳар жойларда яшар эдилар. Ўзбеклар ва Марказий Осиёни бошқа аҳолисининг шаҳарлардаги улуши камроқ (33,4%) бўлган. Бошқа миллатлар аҳолисининг асосий қисми украинлар, қозоқлар, татарлар, туркмандар эди. Маҳаллий бўлмаган аҳолининг 77,6%ни руслар ташкил этган.

Фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси даврида, Ўзбекистоннинг жойларида ҳам аҳолининг шаҳарлардан қишлоққа силжиш жараёни содир бўлди. Чунончи, 1913 йилда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларда 1060 минг ёки жами аҳолининг 24,5%и яшаган бўлса, 1924 йилга келиб, шаҳар аҳолиси 866 мингишига, салмоги эса 20,3%га тушиб қолди.

Кейинги йилларда маҳаллий аҳоли яна шаҳарларга қайта бошлади. Ўзбекистон ССР ташкил этилган йил (1924 йил)да республикада 4258 киши, шу жумладан шаҳарларда 866 мине (20,3%) ва қишлоқларда 3392 (79,7%) киши яшаган эди. 1926 йилга келиб шаҳар аҳолисининг сони 1102 кишига етиб, икки йил мобайнинда 27,3%га қадар ўсди.

30-йилларнинг бошларида Ўзбекистонда саноат янгидан барпо этилиб ва ривожлана бошлади. Шу даврда шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолисидан кўра тезроқ кўпайди, шубҳасиз, бунда миграциянинг маълум ҳиссаси бор эди.

Шу даврда дехқонларни ташкилий равишда кўчириш ҳам давом этди. Бу иш билан собиқ СССР Бутуниттифоқ Марказий Ижроқўми ҳузуридаги Бутуниттифоқ Кўчириш қўмитаси шуғулланди, бу қўмита кейинчалик сабиқ СССР Халқ Комиссарлари Кенгashi ҳузуридаги Бош кўчириш бошқармасига айлантирилди.

Мамлакатнинг Европа минтақаларидан миграция оқимларининг сифати аста-секин ўзгара бошлади, яъни Ўзбекистонга ишга юбориш билан айни бир вақтда фабрика-завод ходимларининг уюшмаган оқимлари ҳам келаверди. Маҳаллий ёшлиарни эса ўқиш ва касб-хунар ўрганиш учун асосан, Россия ва Украинага бориши йўлга қўйилди.

1926 ва 1939 йиллардаги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатлари ўртасидаги даврда Ўзбекистон аҳолисининг сони ва миллий таркибида катта ўзгаришлар рўй берди. Бу ўринда муайян ҳудудларни бир республикадан иккинчисига олиб бериш билан боғлиқ бўлган ўзгаришларни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Масалан,

1929 йилда Хўжанд округини Тоҷикистон АССРга ўтказиш түрисидағи масала кўриб чиқилди. Натижада Тоҷикистон АССР аҳолисининг сони 1.156015 кишига етди, шундан 78% тоҷиклар юди. Ўша йилнинг октябрیدа Тоҷикистон иттифоқдош республикага айлантирилди ва Ўзбекистон таркибидан чиқди.

Қорақалпоғистон автоном вилояти эса 1930 йилдан бевосита Россия Федерацияси таркибига кирад, 1932 йилда у автоном республикага айлантириб, 1936 йилдан Ўзбекистон ССР таркибига киради.

Республика аҳолисининг миллий таркиби шу даврда сабиқ Совет Иттифоқидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий нациятида шаклланди. Сабиқ СССРнинг кўпгина республикаларида фуқаролар уруши тугаб, оммавий қатагонлар бошланган эди. Қишлоқ аҳолисининг нисбатан бойроқ қатламлари – “қулоқлар”, шунингдек зиёлилар, руҳонийлар, бутун-бутун халқлар қатагонга дучор бўлди. Иқтисодий соҳада эса бу даврда юзага келган бир қатор иқтисодий муаммолар кейинчалик сабиқ Иттифоқнинг кўпгина минтақаларига фалокат келтирди.

Совет жамиятида қайд этиб ўтилган ва бошқа бир қанча кескин ўзгаришлар аҳолининг сабиқ Совет Иттифоқи кўпгина республикаларидан Ўзбекистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларига ихтиёрий ёки маъжбурий кўчишига ҳам сабаб бўлди.

Қишлоқ хўжалигини зўрлаб колективлаштириш муносабати билан “қулоқлар”ни сургун қилиш тадбiri маъжбурий кўчиришининг катта тўлқинини юзага келтирди. Унинг икки манбаи бор эди: 1) бутун минтақанинг туб жой аҳолиси ва шимолий Кавказнинг миллий туманларидан сургун қилингандар. 2) 30-йилларнинг ўрталарида Сибирь ва Қозогистонга сургун қилинган, аммо иқлимга ўргана олмаганларнинг маълум бир қисми.

Россияда, асосан унинг мусулмон аҳолили республикалари (Татаристон, Бошқирдистон, Чувашистон)да қулоқ қилиниш ва сиёсий қувғинга учраш хавфи остида қолган аҳоли ҳам бу ерларга кўчиб келишига маъжбур бўлган эди.

30-йиллардаги очарчилик ҳам, асосан, Волгабўйидан ва Россиянинг бошқа туманларидан, шунингдек Украинадан аҳолининг Ўзбекистонга ва Марказий Осиёнинг бошқа республикаларига кўплаб оқиб келишига сабаб бўлди.

Сабиқ СССРдаги миграция жараёнларини тартиб солувчи тегишли совет маъмурларининг таъсирি кучли эди. Аҳоли

силжишини рўйхатга олиш (прописка) тартиботи ва уй-жой тақсимоти тизими улар томонидан қатъий тарзда чеклаб туршлар эди. Колхозчилар бу тизимга кўпроқ қарам бўлиб, ўша пайтларда уларнинг ҳатто паспортлари мавжуд эмас эди.

Мамлакатни индустрлаш сиёсати жараённада собиқ СССР марказидан славян республикаларидан малакали мутахассислар ва ишчилар ташкилий равишда, режса асосида юборила бошланди. Ўзбекистонга асосан, рус ишчилари доимий яшаш учун кўчиб кела бошладилар. Масалан, 1930 йилда мамлакатнинг тўқимачилик марказларидан Ўзбекистонга 300 нафар малакали тўқувчи ва ип йигириувчи юборилди, улар республика янги тўқимачилик корхоналари ишчиларининг асосий ўзагини ташкил этди. 1931 йилда Россиядан ҳаммаси бўлиб, 15 минг турли касбларнинг малакали ишчилари етиб келди.

Биринчи беш йиллик даврида Ўзбекистоннинг иирик саноатига 57 минг нафар ишчи келиб қўшилди. Зоро, ўша даврда маҳаллий миллат ишчилари 4 минг кишидан ошмас эди.

Саноат корхоналари қурилишида ишлаш учун Россиядан Ўзбекистонга 1933 йилда 3062, 1934 йилда 3500, 1935 йилда 3000 нафар ишчи юборилди. 1933-1938 йилларда Ўзбекистонга ҳаммаси бўлиб 650 минг киши, шу жумладан Россиядан 94,3 минг киши ишлаш мақсадида кўчиб келди.

Республика ишчилар синфи кўп жиҳатдан четдан келтирилган ишчи кучи ҳисобига шакллантирилганлиги, марказнинг мустамлакачилик сиёсати оқибати эди. Чунончи, содиқ СССР Госплани (Давлат Режалаштириш Комитети)нинг саноатда биринчи беш йиллик режжани ишлаб чиқишга бағишиланган мажлисида (1927 йил феврал) аниқ қилиб шундай дейилган эди: “Ўрта Осиё каби мамлакатларда четдан келтирилган ишчи кучи асосида дарҳол иирик саноатни барпо этиш афзалроқдир”. Гарчи ишчилар синфининг миллий кадрларини шакллантириши йўлида қадамлар қўйилган ва уларнинг сони кўпайган бўлса ҳам, аммо фоиз жиҳатдан уларнинг сони жуда озчиликни ташкил қилас эди. Масалан, 1926 йилда ишчилар орасида ўзбеклар 50,4%ни, 1936 йилда эса 36,5%ни ташкил этди холос.

Содиқ СССРда 20-30-йилларда хорижий мамлакатлардан келувчи муҳожирлар, ишчилар синфи сафларини тўлдириш йўлларидан бири эди. 5-10 йил муддатга вақтинча келган бундай муҳожирларнинг бир қисми доимий яшаш учун советлар мамлакатида қолар эди.

Минтақа халқ ҳўжалигидаги 70 мингга яқин эроний, Хитойнинг шимолий-ғарбидан келган кўпгина муҳожисирлар бор эди. Улар кончилик саноати, нефть конлари, темир йўл қурилиши, турли заводларда ишлар эдилар. Тошкент яқинидаги пахта тозалаш заводи қурилишининг ўзида 640 нафар ажнабий ишчи бор эди.

1939 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати дастурида биринчи маротаба миллий таркиб тўғрисидаги катак кўзда тутилган бўлиб, ундан мавъумотга кўра, Ўзбекистонда яшовчи руслар сони 727,3 минг кишига етди ва 1926 йилга нисбатан 480,8 минг кишига ёки қарийб уч бараварга кўпайди.

Бу — Ўзбекистондаги руслар сони энг кўп миқдорда ўсган давр бўлди. Шу давр (1926-1939 йиллар) мобайнида уларнинг республика аҳолиси таркибидаги салмоғи 6,8%га кўпайиб, 11,5%га стди. Шу вақт ичida Ўзбекистон аҳолисининг умумий сонида татарлар, қозоқлар, украинлар, бошқирдлар ва тоҷиклар сони ҳам бирмунча кўпайди.

Ана шуларнинг натижасида республика асосий аҳолисининг улуши қисқара бошлади. 1926-1939 йилларда Ўзбекистон жами аҳолиси таркибидаги ўзбекларнинг улуши 2,5%га камайиб, 65%ни ташкил этди. Аммо, шу вақт ичida республикадаги ўзбекларнинг сони 524,7 минг кишига кўпайиб, 1939 йилда 4,1 млн. кишига ҳам етган эди.

Иккинчи жаҳон уруши (1939-1945 йиллар), юқорида таъкидланганидек, Ўзбекистон учун жуда хилма-хил демографик оқибатларни келтириб чиқарди. Жумладан, у республика аҳолисининг миллий таркиби хусусиятларида ҳам бевосита акс этди. Фарзанд кўриш ёшидаги эркаклар фронтга чақирилиши ва уларнинг кўпчилигини урушда ҳалок бўлиши натижасида туб жой аҳоли орасида тугилиш камайиб кетди. Уруш йилларида аҳоли орасида табиийки оила қуриш жараёни пасайди, мавжуд оиласалар ҳам эркаксиз қолди, аҳолининг табиий кўпайиши эса энг паст даражага тушиб кетди.

Уруш йилларида аҳолининг миграцияси демографик ўсиш нуқтаси назаридан катта ижобий самарага эга бўлди. Маълумки, уруш бошлангач, ғарбий районларнинг аҳолиси мамлакат ичкарисига — мамлакатнинг шарқий районларига, шу жумладан Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонга оммавий равишда кўчирила бошланди.

Ўзбекистонга урушнинг дастлабки йилларида қисқа вақт ичida Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан

бутун-бутун заводлар, фабрикалар, илмий-тадқиқот мұассасалари, олий ўқув юртлари, күтубхоналор, лойиҳа ташкилотлари эвакуация қилинди. Улар Ўзбекистонда асосий ишлаб чиқарыш ходимлари билан бирга жойлаштирилиб, ходимларнинг кўпчилиги эса ўз навбатида оиласлари билан келган эдилар. Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга 90 та завод асосий кадрлар таркиби билан кўчириб келтирилди. Ўзбекистонга кўчирилган салкам 1 млн. кишининг 70%и Россиядан келган эди. Мазкур заводлар негизида Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқарыш бирлашмаси, “Средазкабель” ишлаб чиқарыш бирлашмаси, “Чирчиқсельмаш”, “Ўзбексельмаш”, “Таштекстильмаш”, “Подъемник”, абразив буюмлар заводи каби йирик саноат обьектлари қад кўтарди. Улар ҳозирги пайтгача республиканинг йирик саноат корхоналари сифатида саналиб турмоқда. Заводлар билан бирга келган ходимларнинг бир қисми урушдан кейин Ўзбекистонда доимий яшаш учун қолдилар.

Шунингдек, уруш йилларида мамлакатнинг ғарбий оккупация қилинган жойларидан турли миллатларга мансуб кўплаб кишилар оммавий равишда бу ерга қочиб келишга мажбур бўлган эдилар.

Ўлка ҳалқларининг бағрикенглиги, меҳмондўстлиги, байналминал тарбияси уруш йилларида, айниқса қочқинларни қабул қилиб олишда яққол намоён бўлди. Кўпгина ўзбек оиласлари ота-онаси урушда ҳалок бўлган турли миллат фарзандларини ўз қарамогига олиб, асраб олдилар.

Шу йилларда ҳам Ўзбекистонга бошқа ҳалқларнинг вакиллари (поляклар, қрим татарлари, болқорлар, месхети турклари ва бошқалар)ни депортация қилиш жараёни давом этди. Масалан, месхети турклари 1944 йилда Грузиянинг жанубий ва жануби-ғарбий туманларидан кўчирилди. Мажбуран кўчирилган 115 мингдан ортиқ кишининг аксарияти “махсус кўчирилганлар” ҳуқуқи билан айнан Ўзбекистонга келиб жойлаштирилди.

1944 йил декабр ойида Тошкент шаҳар ижроқўми ҳузурида маҳсус кўчириш бўлими ташкил этилди, 1946 йил февралида унинг номи кўчириш бўлими деб ўзгартирилди. Мазкур бўлимнинг маълумотларига кўра 1944 йилнинг нояброда 566 турк ҳўжалиги (2260 киши) Сирдарё туманига, 463 хўжалик (1787 киши) Мирзачўл туманига жойлаштирилди.

Тўрмуш шароитлари оғирлиги боис ушбу кўчирилганларнинг бир қисми вафот этди. Шунга қарамай, 1946 йилда Ўзбекистонда маҳсус кўчириб келтирилган турли миллат вакилларидан 179992

киши яшар эди.

Урушдан кейинги йилларда ҳам, 70-йиларнинг ўрталариғача Ўзбекистонга аҳолининг миграцияси давом этди. Урушдан кейинги дастлабки даврда демография соҳасида алоҳида ўзига хосликка жа бўлди. Жумладан, шу йиллар (1946-1955 йиллар)да оила қуриш ўсиб, натижада туғилиши жараёни сезиларли равишда кўпайди. Шу уринда таъкидлаш жоизки, айниқса туб жой аҳоли орасида фарзанд қуриш даражаси ортди.

Уруши йилларида аҳоли камайиб кетганлигининг ўрни тез орада тўлиб кетиб, шу тариқа “компенсация эффицити” деб аталадиган ҳодиса юз берди.

Уруши йилларида Ўзбекистонга кўчиб келган кўпгина европаликлар — руслар, украинлар, яхудийлар, белоруслар ва бошқа миллат намоёндалари урушдан кейин секин-аста ўз юртларига қайтиб кета бошладилар, аммо уларнинг бир қисми Ўзбекистонда доимий яшааш учун қолиб кетди.

1949 йилда Тошкент, Чирчик, Бекобод, Янгийўл шаҳарларига Грециядан сиёсий муҳожисирларнинг каттагина гуруҳи келди. Бу ерда уларни самимий қабул қилиб олиб, уй-жой ва иш билан таъминладилар. Орадан 40 йил ўтгач, 1989 йилнинг кузидаги Греция парламенти уларни ўз юртига қайтишиларига ижозат берувчи қонун қабул қилди, натижада грекларнинг репарация жараёни бошланди.

1939 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати пайтига келиб, Ўзбекистонда яшовчи руслар сони миллион кишига етди. Республиkaning миллий таркибида уларнинг салмоғи 1939 йилга нисбатан 1,9% кўпайиб, 13%-га етди. Шу вақт ичидаги урушнинг демографик оқибатларига қарамай, кўп жиҳатдан аҳолининг уруш туфайли кўчиб келиши натижасида Ўзбекистонда яшайдиган руслар сони 324.4 минг кишига ёки 1,6 баробарга кўпайди.

Мазкур даврда республикадаги татарлар, яхудийлар, белоруслар, осетинлар, бошқирдлар, чувашлар, озарбайжонлар, уйғурлар ва бошқаларнинг сони айниқса ортиб борди. Масалан, 1959 йилда 1939 йилга нисбатан Ўзбекистонда яшовчи озарбайжонлар сони 11 баробардан зиёд, осетинлар қарийб 5 баробар, бошқирдлар, белоруслар, корейслар, татарлар, чувашлар, уйғурлар, яхудийлар 2 баробар ва ундан ҳам кўпроқ даражада ортди.

1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра Ўзбекистонда 444,8 минг татар, 138,5 минг корейс, 94,3 минг

яҳудий, 87,4 минг украин, 40,5 минг арман, 27,4 минг озарбайжон ва шу кабилар яшар эдилар.

1939-1959 йилларда айрим миллатлар бўйича Ўзбекистон аҳолиси сонининг қиёсий кўпайиши, шунингдек мазкур даврда аҳолининг миллий таркибида содир бўлган ўзгаришлар қўйидаги жадвалда акс эттирилган.

### 1939 ва 1959 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби

(Манба: 1939 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати, Россия Федерацииси Марказий Статистика бошқармасининг Марказий архиви, Ф-1, Оп 3, Д-620; 73-78-79-80-81-бетлар; 1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунлари. Ўзбекистон ССР. М., 1962. 138-143-бетлар).

Миллати	1939 йил		1959 йил	
	МИНГ КИШИ	%	МИНГ КИШИ	%
Жами аҳоли	6.271,3	100,0	8.105,7	100,0
шу жумладан:				
узбеклар	4.081,1	65,0	5.031,3	62,2
қорақалпоқлар	181,4	2,8	168,3	2,1
руслар	727,3	11,5	1.090,7	13,4
татарлар	147,2	2,3	444,8	5,5
қозоқлар	305,4	4,8	335,3	4,1
тожиклар	317,6	5,1	311,4	3,8
корейслар	72,6	1,2	138,5	1,7
яхудийлар	50,7	0,8	94,3	1,2
қиргизлар	89,0	1,4	92,7	1,15
украинлар	70,6	1,1	87,9	1,1
туркманилар	46,5	0,7	54,8	0,7
озарбайжонлар	3,6	0,05	40,5	0,5
арманлар	20,4	0,3	27,4	0,35
уйгурлар	50,6	0,2	19,3	0,2
молдовланлар	12,5	0,2	14,6	0,15
бошқирлар	7,5	0,1	13,5	0,15
белоруслар	4,0	0,07	9,5	0,1
осетинлар	1,9	0,03	8,8	0,1
тўғиллар	5,4	0,1	7,9	0,1
чувашлар	2,9	0,02	5,2	0,05
догистон элатлари	-	-	3,3	0,04
грузинлар	2,6	0,02	2,5	0,02
бошқалар	69,8	1,1	90,2	1,28

1939 йилга нисбатан республика аҳолиси умумий сонида ўзбекларнинг улуши 1959 йилда 28%га қисқарди ва 62,2%ни ташкил қилди. Таҳлил этилаётган йигирма йил мобайнида ўзбекларнинг сони 1 миллион кишига кўпайди, бунда урушнинг салбий оқибатларини ҳам эътиборга олиш керак. Шу вақт ичида Ўзбекистоннинг миллий таркибида татарлар, корейслар, яхудийлар, арманлар, озарбайжонлар ва бошқаларнинг улуши ўсди.

Кўриб чиқилаётган даврларда ҳам шаҳар ҳам қишлоқ аҳолисининг кўп миллатли таркиби шаклланганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак.

Иккинчи жаҳон урушидан аввалги йилларда шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби кўчиб келган аҳоли ҳисобига қарийиб баб- баравар тарзда шаклланган бўлса, урушдан кейинги даврда бу аҳоли европалик миллатларга мансуб шахслар асосан шаҳарларда ўрнашиб олди. Бу ҳол 1926, 1939 ва 1959 йиллардаги аҳоли рўйхати маълумотларида ўз аксини топди. Кейинги даврларда бу тамойил янада кучайди ва мустаҳкамланди.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ўзбекларнинг мутлоқ сони 1939-1959 йиллар мобайнида 0,6 миллиондан 1,0 миллион кишига, қозоқларнинг сони 0,3 миллиондан 0,7 миллионга, тоҷикларнинг сони 0,3 миллиондан 0,7 миллион кишигача кўпайди. Шундай тамойил бошқа туб жой миллатларнинг кишиларига ҳам хос бўлди.

Бироқ, Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида бу миллатларнинг улуши бир-биридан анчагина фарқ қилди. Чунончи, Ўзбекистоннинг шаҳар аҳолиси таркибидаги ўзбекларнинг улуши 1939-1959 йилларда 40,5%дан 37,2%га, тоҷикларнинг улуши эса 3,7%дан 2,4% га қисқарди, қозоқларнинг улуши 2,3%дан 2,6%га қадар кўпайди.

1939-1959 йилларда шаҳарлардаги европалик миллатлар вакиларининг сони ҳам анчагина кўпайди. Масалан, руслар 0,5 миллиондан 0,9 миллион кишига, татарлар 0,1 миллиондан 0,3 миллион кишига етди. Яхудийлар, украинлар, белоруслар ва бошқа миллатларнинг сони ҳам шу тариқа ўсиб борди.

Аммо, Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг таркибида мазкур миллатлар аҳолисининг улуши 1939-1959 йилларда бошқача тарзда ўзгарди. Масалан, Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг таркибида русларнинг улуши 35,5%дан 33,4%га, украинларнинг улуши 2,7%дан 2,5%га тушиб қолди. Айни вақтда, Ўзбекистон шаҳар аҳолисининг таркибида корейслар, яхудийлар, белоруслар,

арманлар, озарбайжонлар ва бошқа миллатларнинг улуши ҳам ошиди. Татарларнинг улуши 5,3%дан 10,5%га, белорусларнинг улуши 0,1%дан 0,3%га, яхудийларнинг улуши 3,1%дан 3,3%га, корейсларнинг улуши 0,8%дан 1,6%га қадар кўпайди.

Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг сони 1939-1959 йиллар мобайнида аввало, табиий ўсиш ҳисобига 4,8 миллиондан 5,4 миллион кишига етди, яъни йилига ўрта ҳисобда атиги 0,3%га кўпайиб борди.

1939-1959 йилларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг ўсиши шаҳар аҳолисининг ўсиши кўрсаткичларидан қарийб 15 баробар кам бўлди, бу эса шу даврда содир бўлган кўпгина ижтимоий-сиёсий воқеаларни ўзида акс эттирар эди. Бунда янги қўриқ ерларни ўзлаштириш, индустря обьектларини қуриш ва шу кабилар билан боғлиқ бўлган жараёнларнинг ҳам аҳамияти катта бўлди. Бу обьектларга “иҳтиёрий” равишда, ҳақиқатда эса кўпинча мајсбурий тарзда ўн минглаб ишчиларни, аввало, қишлоқ жойлардан кўчириш ва ташкилий ишга олиш йўли билан юборилди. Бу сиёсат Ўзбекистон аҳолиси сонининг структурасига таъсир қилмасдан қолмас эди.

Ана шу ва бошқа кўпгина жиҳатлар Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг миллий таркиби шаклланиши жараёнига жиiddий таъсир кўрсатди.

Қишлоқ жойларида ўзбекларнинг мутлоқ сони 1939-1959 йилларда 1,2 баробар кўпайиб, уларнинг улуши 74,4%ни ташкил қилди. Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси таркибидан бошқа туб жой миллатларнинг улуши анча қисқарди. Масалан, қозоқларнинг улуши 5,6%дан 4,9%га, тоҷикларнинг улуши 5,5%дан 4,5%га, қорақалпоқлар улуши 3,5%дан 2,5%га тушиб қолди ва ҳоказо.

Урушдан аввалги йилларда Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси таркибida четдан кўчиб келганларнинг таркиби бирмунча сезиларли дараражада эди. Чунончи, 1939 йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси таркибida русларнинг улуши 4,4%ни, украинлар улуши 0,6%ни ташкил қилган бўлса, 1959 йилги аҳоли рўйхати маълумотига кўра русларнинг улуши 3,3%, украинларнинг улуши 0,4%га тенг бўлди, яъни 1939-1959 йиллар мобайнида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси таркибida четдан кўчиб келганларнинг, аввало европалик аҳолининг улуши кескин қисқарди.

Мамлакатнинг асосий миллати — ўзбекларнинг сони ва салмоғи доимий кўпайиб бориши, Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланиши кейинги босқичларнинг ўзига хос асосий хусусияти бўлди. 1959-1970 йилларда ўзбекларнинг сони салкам

2,7 миллион кишига кўпайиб, республика аҳолисининг умумий таркибида уларнинг улуши 65,5%ни ташкил қилди. Буни қўйидаги жадвалда ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон демография тарихининг кўрилиб чиқилаётган босқичида славян аҳолиси (руслар ва украинлар), шунингдек Марказий Осиёning қўшни халқлари сони ҳам ўсганлиги кўриниб турибди. Айни вақтда Марказий Осиё туб экой аҳолисининг салмоги исосан аввалги дараҷада қолаётган бўлса, мамлакат аҳолисининг умумий сонида руслар ва украинларнинг улуши қисқара бошлади.

### Ўзбекистон аҳолисининг 1970 йилги миллий таркиби<sup>1</sup>

Миллати	Минг киши	%
Жами аҳоли	11.799,4	100,0
шу жумладан:		
узбеклар	7.724,7	65,5
руслар	1.473,5	12,5
татарлар	573,7	4,9
қозоқлар	476,3	4,0
тожиклар	448,5	3,8
қорақалпоқлар	230,3	1,9
корейслар	147,5	1,2
украинлар	111,7	0,9
қирғизлар	110,7	0,9
яҳудийлар	102,9	0,9
туркманлар	71,0	0,6
озарбайжонлар	38,9	0,3
арманлар	34,2	0,3
немислар	34,0	0,3
уйгурлар	23,9	0,2
бошқардлар	20,8	0,18
греклар	20,5	0,17
белоруслар	17,0	0,14
эронийлар	15,5	0,13
мордовлар	14,2	0,12
лўлилар	11,3	0,1
чувашлар	8,9	0,08
Догистон элатлари	5,9	0,05
бошқалар	83,5	0,7

<sup>1</sup> 1970 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рӯйхати якунлари, IV том. СССР аҳолисининг миллий таркиби, 1-қисм, 2-китоб, М., 1971. 596-бет. Крим татарлари қўшиб ҳисобланган.

Мазкур жадвалдаги маълумотлар кўп жиҳатдан кўнчилик, кимё корхоналари ва қўриқ ерларни ўзлаштириш учун четдан ишчи кучи келтирилиши билан ҳам боғлиқдир. 1961-1975 йиллар мобайнида четдан салкам 400 минг киши келтирди, уларни шудан икки қисми Россия ҳисобидан таъминланди. Четдан келган аҳоли асосан шаҳарларга келиб жойлашиди. Фарғона, Чирчиқ, Навоий, Самарқанд, Тошкент шаҳарлари мигрантлар учун эн маъқул шаҳарлар тоифасига кирав эди. 1966 йилги зилзиладан кейин Тошкентни қайта тиклаш учун қурувчиларни келиши рўй берган сўнгги йирик миграция бўлди. Уй-жойидан маҳрум бўлган тошкентликлар мамлакатнинг бошقا туманларига кўчиб ўтдишлар, уларнинг баъзилари ўша жойларда доимий яшаб қолдилар. Вайрон бўлган Тошкентга турли ҳудудлардан қурувчи, меъмор, малакали кадрлар етиб келишиди. Москва, Ленинград, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтлари, бошقا йирик шаҳарлардан ёрдамга келган жамоа аъзоларидан бир қисми қурилиш ишлари тугаганидан кейин, доимий истиқомат қилиш учун Ўзбекистонда қолдилар.

1939-1970 йиларда кўпчилик вилоятларда этник хилмажиллик индекси пасайган бўлса, Бухоро вилоятида бу индекс ўсиб +0,003ни ташкил этди, Қорақалпоғистон АССРда +0,001 бўлди. Тошкент шаҳрида унинг қиймати 0,64 дан 0,69 га ўзгарди<sup>1</sup>. Шундай қилиб, Ўзбекистон вилоятлари орасида миллий таркибнинг хилма-хиллиги камайган вилоятлар, хилма-хиллиги кўпайган вилоятлардан ортиқдир.

Туб жой аҳолиси билан европалик аҳолининг табиий кўпайши жараёнларидаги катта фарқ — бунинг асосий сабабини ташкил қиласи. Жумладан, ўзбеклар, тоҷиклар, қирғизлар ва қозоқлардаги туғилиш кўрсаткичлари руслар, украинлар, белоруслар ва бошқалардаги туғилиш кўрсаткичларидан 2-2,5 баробар юқори бўлган. 1959 йилдан 1970 йилгача Ўзбекистондаги руслар сони 382,8 минг кишига, яъни 13,5%га кўпайган ҳолда, уларнинг салмоги 0,9%га қисқариб, 1970 йилда 12,5%ни ташкил этди. Татарлар, украинлар, корейслар, яхудийлар ва бошқаларнинг улуши ҳам қисқарди.

Шу вақт ичida тоҷикларнинг сони 137,1 минг кишига ёки 144%га кўпайди, уларнинг республика аҳолиси умумий сонидаги улуши ўзгармай қолди (3,8%). Қозоқлар, қорақалпоқлар, туркманлар учун ҳам мана шундай манзара характерли бўлди.

<sup>1</sup> Эккель Б.М. Определение индекса мозаичности национального состава республик, краев и областей СССР // Советская этнография, 1976. М.2, 38-41-бетлар.

Ўзбекистон миллий структураси ривожланишида юқорида қайд тилган асосий тамойиллар, келгусида ҳам сақланиб қолди. Бироқ, шу билан биргаликда маълум муайян экиҳатлари ҳам кучайди. Бу ерда, гап жумладан руслар, украинлар ва бошқа славян халқларининг сони мутлоқ кўрсаткичлар бўйича ўсган бўлсада, лекин уларнинг улуши бирмунча пасайғанлиги ҳақида бормоқда.

Чунончи 1979 йилда русларнинг салмоғи 10,8%га тушиб қолди, мазкур йили шундан аввалги ўтказилган аҳоли рўйхатига нисбатан 1,7%га камайган эди. Ҳолбуки, шу вақт ичida (1970-1979 йилларда) русларнинг сони 192,2 минг кишига кўпайди. Ўтган 9 йил мобайнида русларнинг ўртача йиллик мутлоқ ўсиши атиги 21,4 минг кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич ўзбекларнинг мутлоқ кўпайиши кўрсаткичидан қарийб 15 баробар камдир. Ана шу 9 йил мобайнида ўзбеклар ҳар йили 3,16 минг кишига кўпайиб борди.

Қуриб чиқилаётган 9 йил мобайнида ўзбекларнинг сони 2,8 миллион кишига кўпайиб 10 миллион даражадаги маррадан ўтиб кетди. Шу вақт ичida ўзбекларнинг ўртача йиллик кўпайиши русларга нисбатан 1,6 баробар юқори бўлди. Жумладан, ўзбеклардаги ўртача йиллик ўсиш 3,6%ни, русларда эса 1,4%ни ташкил қилди.

Ўзбекистондаги украинлар, корейслар, татарлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, қозоқлар, арманларнинг сони кўпайгани билан уларнинг аҳоли умумий миллий таркибидаги салмоғи ўзгармаяпти. Сўнгги 1989 йилда Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати ўтказилган пайтгача, бу тамойил ҳозирги кунга қадар ўзгаргани йўқ.

1979-1989 йилларда ўзбекларнинг мутлоқ сони янада сезиларлироқ равишда кўпайди. Шу давр ичida улар қарийб 3,6 миллион кишига кўпайиб, 14,1 миллион кишига етди. Натижада ўзбекларнинг улуши 1989 йилда жами аҳолининг 71,4% ини ташкил этди.

Шу даврда русларнинг сони аввалги даражада 1,7 миллион кишилигича қолди, уларнинг Ўзбекистон миллий структурасидаги ҳиссаси эса 8,3%гача камайди.

Шу даврда тоҷикларнинг сони сезиларли равишда кўпайиб 594,6 минг кишидан 933,6 минг кишига, қозоқларнинг сони 620,1 минг кишидан 808,2 минг кишига, қорақалпоқларнинг сони 297,8 минг кишидан 411 минг кишига етди. Юқорида таъкидланган халқларнинг Республика аҳолиси таркибидаги салмоғи бирмунча ошганилигини жадвалдан ҳам кўриш мумкин.

Шу давр ичида тоҷикларнинг сони тез суръатлар билан кӯпайганилиги натижасида улар республика аҳолиси маркибидаги ўзбеклар ва руслардан кейин учинчи ўринни эгаллаб, қозоқларни орқада қолдириб кетдилар. 1989 йилда Ўзбекистондаги тоҷикларнинг сони миллион кишига етак деб қолиб, совет даврининг охирги 30 йил (1959-1989 йиллар)ида уч баробар кӯпайди. Аммо уларнинг салмоғи ўз вақтида 9%га ошиди холос.

Шу даврда Ўзбекистон аҳолисининг республикалараро миграция алоқалари характерида туб бурилишлар содир бўлди. Шу ўн йилликнинг ўрталаригача ҳар ҳолда миграция соҳасида ижобий сальдо сақланиб қолди. 1971-1975 йилларда у 100 минг кишини ташкил қилди. 1976 йилдан бошланган миграциядаги салбий сальдо узоқ муддатли тамойилга айланди. 1976-1980 йиллар мобайнида миграция сальдоси доимий равишда салбий тус олиб, аҳолининг кўчидаги кетиши 110 минг кишини, 1981-1988 йилларда 287 минг кишини ташкил этди. Шу пайтга келиб миграция оқимларининг шаклланишига сиёсий омиллар таъсир ўтказа бошлади. Мазкур йилларда аҳолининг Ўзбекистондан кўчидаги кетиши 397 минг кишига етиб, йилига ўрта ҳисобда 30,5 минг кишини ташкил этди.

Шу даврдаги миграция вазиятини бир ибора билан таърифлаб бўлмаслиги табиийдир, чунки уни мураккаб ва хилма-хил ижтимоий-иқтисодий, демографик, географик омиллар белгилаб берар эди.

Ўзбекистон аҳолисининг миграция соҳасидаги урф-одатлари эса ҳамиша кучли бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон аҳолисининг кўпмиллатлилиги шаклланиши ва ривожланишида юқорида кўриб чиқилган тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий хусусиятлар ҳозирги кунда республиканинг шаҳар аҳолисидагина ўз ифодасини топаётганлигини таъкидлаб ўтмоқ керак. Ҳозирги қишлоқ аҳолиси эса асосан Марказий Осиёнинг туб жой аҳолиси — ўзбеклар, қорақалпоқлар, тоҷиклар, қозоқлар ва туркманлардан иборат. Уларнинг республика қишлоқ аҳолиси маркибидаги улуши 1989 йилда 96,7%ни ташкил қилди.

Республика қишлоқ аҳолисининг қолган озгина қисми 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, қирғизлар (0,3%), уйғурлар (0,2%), озарбайжонлар (0,1%), українлар (0,1%), эронийлар (0,1%) ва бошқа миллатлар (0,4%)ни ташкил этади. Қишлоқ жойларда русларнинг улуши ҳаддан ташқари

кам (0,7%) бўлиб, 1989 йилги аҳоли рӯйхати маълумотларига кўра 1653,6 минг руслардан бор-йўғи 85,8 минг киши мамлакатнинг қишлоқ жойларида истиқомат қиласр эди.

Совет мустамлакачилигининг илк босқичларида бу манзара бутунлай бошқача бўлган, чунки янги ерларни ўзлаштириш вазифалари ва қисқа муддатларда метрополиянинг пахта мустақиллигига эришиши зарурлиги, асосий миллатни Россиянинг ҳамма жойларидан, мамлакатнинг чекка миллий ўлкаларига, шунингдек иттифоқининг чекка қишлоқ туманларига кўчиришини талаб қиласр эди.

Чунончи, 1939 йилда Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида 212,3 минг рус аҳолиси жойлашган эди. Унинг республика қишлоқ аҳолиси таркибидаги улуши 4,4%ни ташкил қиласр, яъни улар қозоқлар (5,6%), тоҷиклар (5,5%) дан сал озроқ ва қорақалпоқлар (3,6%)дан сал кўпроқ эди.

Ўша пайтда мамлакатнинг шаҳар аҳолиси орасида русларнинг салмоги анча юқори эди. 1939 йилда шаҳар аҳолиси орасида улар ўзбеклар билан деярли бир хил улушни эгаллаган. Масалан, агар шаҳар аҳолиси таркибida ўзбекларнинг улуши 40,8% бўлса, русларнинг улуши 35,5% эди. Кейинчалик бу улуш аста-секин камайиб, 1989 йилда 19,5% ни ташкил этди ёки қарийб икки баробарга қисқарди. Ўзбекистоннинг шаҳар аҳолиси таркибida ўзбекларнинг улуши доимий равишда ошиб борди ва 1989 йилги бутуниттифоқ аҳоли рӯйхати маълумотларига кўра 53,7%ни ташкил қилди.

**Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқ аҳоли  
миллий таркибининг ўзгариши (фоиз ҳисобида)  
(1939-1989 йиллар)<sup>1</sup>.**

Миңнаги	1939	1959	1959	1979	1989
	Шаҳар	Қишлоқ	Шаҳар	Қишлоқ	Шаҳар
Жали аҳоли, шу жумладан	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
ўзбеклар	40,3	72,5	37,2	74,8	48,1
руслар	35,5	4,4	33,5	24,8	1,2
тожиклар	35,7	5,5	2,5	4,5	3,5
қозоқлар	42,3	5,6	2,6	4,9	3,4
татарлар	5,3	1,5	10,5	2,9	7,0
коракалпоклар	0,7	3,6	1,2	2,5	1,9
қриш татарлари	-	-	-	1,4	0,3
кореислар	0,8	1,3	1,6	1,75	1,9
киргизлар	0,1	1,8	0,1	1,7	0,2
украинлар	2,7	0,65	2,4	0,4	1,7
туркманлар	0,3	0,9	0,15	0,9	0,2
турклар	-	-	-	0,2	0,5
европалик яхудийлар	3,1	0,1	3,3	0,1	1,2
арманлар	1,3	0,5	0,9	0,05	0,6
озарбайжонлар	0,2	0,0	0,4	0,6	0,3
немислар	-	-	-	0,5	0,1
үйгурлар	0,4	0,9	0,2	0,3	0,2
бошкирлар	0,2	0,1	0,3	0,1	0,4

<i>безоруслар</i>	0,2	0,03	0,3	0,05	0,2	0,0	0,4	0,0
<i>Урта Осиё жудийлари</i>	-	-	-	-	0,4	0,0	0,4	0,0
<i>эропийлар</i>	-	-	-	-	0,3	0,0	0,2	0,1
<i>лўлилар</i>	0,05	0,1	0,1	0,1	0,1	0,0	0,1	0,0
<i>муродалар</i>	0,45	0,1	0,45	0,05	0,2	0,0	0,1	0,0
<i>греклар</i>	-	-	-	-	0,2	0,0	0,1	0,0
<i>чубашилар</i>	0,1	0,02	0,1	0,05	0,1	0,0	0,1	0,0
<i>бошқа миллатлар</i>	2,3	0,85	2,2	0,95	0,9	0,3	0,8	0,4

<sup>1</sup> 1939 ияни Бутуниттифоқ аҳоли рӯйхати. Россия Федоратиси Марказий статистика биномаджитиниң Марказий орхани, Ф-1, В. 620, 73, 78, 81-бетлар; 1959 ияни Бутуниттифоқ аҳоли рӯйхатининг Ўзбекистон ССР бўйича якуплари — М., 1962. 139 т.43-бетлар; 1989 ияни Бутуниттифоқ аҳоли рӯйхати — Тошкент, 1990. 57-58-бетлар.

Жудийлар Узбекистон ССРине малий тарқаби. — Тошкент, 1990.

Совет йилларида Ўзбекистон қишлоқ хўёкалиги аҳолиси таркибида украинлар, татарлар, қозоқлар, қорақалпоқлар, арманлар ва бошқаларнинг улуши камайиб борганилиги умумий тамойил бўлиб ҳисобланади. Тожиклар, туркманларнинг улуши шаҳарда ҳам, қишлоқда ҳам таҳминан бир даражада қолмоқда.

Шундай қилиб, совет ҳукмронлиги давридаги Ўзбекистон аҳолиси кўпмиллатли тузилмасининг асосий белгилари XX асрнинг 50-йиллари охирларида узил-кесил шакланиб бўлган эди. Шундан кейинги даврда (1991 йилгача — Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги эълон қилингунча) аҳолининг таркибида баъзи ўзгаришларгина рўй берди холос. Бу ўзгаришлар эса ўз наебатида Ўзбекистондаги объектив демографик ва иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ эди.

1959 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рўйхати якунларига кўра республикада 100дан ортиқ турли миллатлар қайд этилган бўлса, 1970 йилги аҳоли рўйхатида 120га яқин, 1989 йилги аҳоли рўйхатида 130дан кўпроқ турли миллат вакиллари борлиги қайд этилди.

### 1897 йилда Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби<sup>1</sup>

(Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги бунга кирмайди)

Миллати	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
Жами аҳоли	2 352,4	100,0	489,9	100,0	1 862,5	100,0
Шу жумладан:						
ўзбеклар	1 515,5	64,4	253,6	51,8	1 261,9	67,8
тожиклар	174,0	7,4	54,1	11,0	119,9	6,4
қозоқлар	153,6	6,5	2,1	0,4	151,5	8,1
қорақалпоқлар	93,2	4,0	0,0	0,0	93,2	5,0
қирғизлар	80,6	3,4	0,2	0,0	80,4	4,3
руслар	44,6	1,9	37,9	7,7	6,7	0,4
бошқалар	290,9	12,3	142,0	29,0	148,9	8,0

<sup>1</sup> ЎзМДА, ф.1619, он.Н, д.5, 2-бет.

**Ўзбекистонга депортация қилинганлар**

№	Республика, улка, вилоят номи	Контингентлар номи	Мавжуд кишилар			Бундан ташкари			Жами хисоб- данилар
			Оила	Киши	Шу жумладан	Киши- рувда	Озодлик- дан маҳ- рум этиш жойларда		
1	Ўзбекистон ССР	Жами:	456000	185055	126063	58992	156	3478	188689
	Шу жумладан	Калмоқлар	224	794	551	243	-	14	808
		«власовчилар»	-	216	216	-	6	95	317
		Молдавия ССРдан	1	10	8	2	-	-	10
		Кримдан	32263	130856	91555	39301	101	2774	133731
		Шу жумладан:	Татарлар	30882	125519	87392	38127	97	2732
			Греклар	1068	4065	3185	880	1	31
			Арманлар	99	379	304	75	-	2
			Болгарлар	14	53	40	13	-	381
			Кримдан маҳсус кўчирилганилар оиласи таркибига кирмайдиган боникा миллатлар						53
			Грузиядан	10756	43611	26888	16723	39	217
			Туркиядан	7407	30399	18664	11735	35	154
			Курдлар	135	666	396	270	-	1
			Хеминиллар	-	2	2	-	-	2
			Нелислар	2021	7996	5804	2192	8	362
									8366

№	Республика, ўнка, вилюят номи	Контингентлар номи	Мавжуд кишилар				Бундан ташқари	Жами хисоб- дагилар
			Оила	Кинни	Шу жумладан	Кылла-		
	Шу жумладан			Катталарап	Болалар	Кыллы- рууда	Озодлик- дан маҳ- рум этини жойларда	
		Махаллийлар	1230	4603	3291	1312	3	58
	Хукумат қарори билан							4664
	сургун қилингандар	381	1431	1068	363	-	20	1451
	Сафарбар қилингандар	213	1010	788	222	-	14	1024
	Репатриация							
	қилингандар	192	910	615	295	5	270	1185
	Махсус күчирілган							
	немис оиласыраға							
	кирмagan босқа							
	миллаттар	5	42	42	-	-	-	42
	Шимолий Қаққаздан	335	1572	1041	531	2	16	1590
	Қорачойлар	150	818	558	260	1	2	821
	Болқорлар	101	409	250	159	-	1	410
	Чеченлар	53	175	119	56	-	5	180
	Ингушилар	29	159	106	53	1	7	167
	Шимолий Қаққаздан							
	махсус күчирілганлар							
	оиласыга кирмаган							
	босқа миллаттар	2	11	8	3	-	1	12

**1979 ва 1989 йилларда Ўзбекистон аҳолисининг  
миллий таркиби<sup>1</sup>**

Миллати	1979 йил		1989 йил	
	минг киши	%	минг киши	%
Жами аҳоли	15 389,3	100,0	19 806,1	100,0
шу жумладан:				
ўзбеклар	10 569,0	68,7	14 142,5	71,4
руслар	1 665,7	10,8	1 653,6	8,3
тожиклар	594,6	3,9	933,6	4,7
қозоқлар	620,1	4,0	808,2	4,1
татарлар	531,2	3,5	467,8	2,4
қорақалпоқлар	297,8	1,9	411,9	2,1
қрим татарлари	117,6	0,8	188,8	1,0
корейслар	163,1	1,1	183,1	0,9
киргизлар	142,2	0,9	174,9	0,9
украинлар	113,8	0,7	153,2	0,8
туркманлар	92,2	0,6	121,6	0,6
турклар	48,7	0,3	106,3	0,5
Европалик яхудийлар	73,9	0,5	65,5	0,3
арманлар	42,4	0,3	50,5	0,3
озарбайжонлар	59,8	0,4	44,4	0,2
немислар	39,5	0,3	39,8	0,2
үйғурлар	29,1	0,2	35,8	0,2
бошқирдлар	25,9	0,2	34,8	0,2
белоруслар	19,1	0,1	25,4	0,1
Ўрта Осиё яхудийлари	25,6	0,2	28,4	0,1
эронийлар	20,0	0,1	24,8	0,1
лўлилар	12,6	0,08	16,4	0,08
мордовлар	12,3	0,08	11,9	0,06
греклар	14,0	0,09	10,5	0,05
чувашлар	9,4	0,06	10,1	0,05
бошқалар	49,7	0,3	62,3	0,3

<sup>1</sup> 1989 йилги Бутуниттифоқ аҳоли рӯйхати якунлари, том IV. Ўзбекистон ССРнинг миллий таркиби. — Тошкент, 1990. 51-56 бетлар.

## **Бешинчи мавзу. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги шароитида бағрикенглик**

1. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон аҳолисининг миллий таркиби.
2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси – бағрикенглик түгрисида.
3. Турли миллатларнинг ўзига хослигини сақлаб қолишида миллий-маданий марказларнинг аҳамияти.
4. Ҳалқаро ташкилотлар толерантлик ҳақида.

Қадимги Ўзбекистон диёридаги тинчлик ва барқарорлик – давлатимизда ўтказилаётган оқилона миллий сиёсатнинг, шунингдек, Президент И.А. Каримовнинг узоқни кўзловчи, вазмин йўлининг натижасидир. Ўзбекистон энг мақбул эволюцион, босқичма-босқич ўтказиладиган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар йўлини танлаб олди.

Ўзбеклар диёрида яшовчи барча ҳалқларнинг ҳамжиҳатликка ва иноқликка интилиши барқарорликнинг ўзига хос нишонасидир. Ўзбекистон ҳамиша кўп миллатлилек ва кўп динлилек шароитида миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан ажралиб келган.

Хуқуқий давлат барпо этиши сари бораётган жамиятимизнинг маданийлиги ва давлатимизнинг демократиклилек дараҷаси миллий ва этник гурухларга яратиб берилган шароит ва имкониятлар билан белгланади. Шу туфайли улар маданий ўзига хосликни қарор топтириб, ўзларининг маънавий ва ақлий салоҳиятини тўла-тўқис тарзда рӯёбга чиқариб келмоқдалар.

Виждан эркинлигини таъминлаш, миллатлараро ва динлараро муносабатларни уйғунлаштириш соҳасида ўтказилаётган ҳар томонлама пухта ўйланган давлат сиёсати ўз самарасини берәётганлиги билан фаҳрланиш учун ҳамма асосларга эгамиз.

Ҳолбуки, мустақилликнинг илк даврида мамлакат олдида мазкур соҳаларни ҳаддан ташқари мағкуралаштириш ва сиёсийлаштиришга йўл қўймасликдан иборат мураккаб вазифа турар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли китобида республикада миллатлараро ва динлараро муаммоларнинг тўгри ечимларини топиш муҳимлигини уқтириб, “... ички сиёсий

аҳволнинг барқарорлиги, миллий хавфсизлик ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жўшқинлиги ана шунга боғлиқ жанлигини” алоҳида таъкидлаган эди.

Юқорида таъкидланган фикр-мулоҳазалардан шундай хуласа қилиш мумкинки, мантиқий хуласага ҳар қандай кўп миллатни ва кўп динли жамиятнинг умуммиллий хавфсизлиги ва барқарор тараққиёти икки энг муҳим ҳол билан чамбарчас боғлиқдир. Үнинг биринчиси — мамлакатда яшовчи турли миллат вакиллари ўртасидаги ўзаро муносабатлар бутун мажмуасининг уйғунлиги, мамлакат асосий миллати билан этник озчиликлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг алоҳида моҳиятини эътиборга олиш бўлса, иккинчиси эса — мазкур жамиятни ташкил этувчи турли диний конфессиялар вакиллари ўртасидаги ўзаро соғлом муносабатлардир.

Дин ва миллатпарварлик — ҳам шахсий, ҳам жамоавий инсоний феъл-авторнинг иккита буюк мезонидир. Қадим замонлардан бери ибтидоий жамиятдан ҳозирги давргача ҳар қандай дин одамларнинг ижтимоий феъл-авторига нисбатан, муайян, баъзан жуда қатъий талаблар қўйиб келган, муҳим ижтимоий тартибга солувчи куч ролини ўйнаган, ижтимоий муносабатларга фаол таъсири ўтказган.

Дин таъсирида шаклланадиган феъл-автор меъёрлари дин соҳасигагина эмас, инсоннинг шахсий ва ижтимоий турмушига ҳам тааллуқлидир. Ўзига хос усулларда инсоннинг феъл-авторига таъсири ўтказадиган ва ижтимоий меъёрларинг алоҳида тури бўлган диний омилнинг ноёб характеристери айни шу соҳада намоён бўлади. Аммо, коммунистик мафкура айни шу ҳолатларни инкор этди. Бу мафкуранинг асоссизлигини Марказий Осиё, шу жумладан Ўзбекистон тараққиётининг 70 йилдан ортиқ даврдаги тарихи ҳам исботлаб берган эди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлабоқ, ана шу муҳим ҳолат англаб олинганилиги давлатнинг миллий омилга муносабатини белгилаб берди. Давлатнинг динга янгича ёндошуви қандайдир ва қитобларда манфаатлар ёки тактик мулоҳаза ва ҳисоб-китоблар билан белгиланмайди, балки инсон динсиз (ҳеч нарсага ишонмай) яшай олмаслигига бўлган қатъий эътиқодга асосланади.

Суверен Ўзбекистон ўз тарихи, мамлакатнинг табиати ва жуғрофий-сиёсий ҳолати хусусиятларини, демографик вазият, ўзбек халқининг менталитетини эътиборга олиб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланиш соҳасида ўз йўлини танлаб олди.

Мустақил ривожланиш йўлини танлашда республиканинг кўпмиллатилигига катта аҳамият берилади, чунки гап Ўзбекистонда яшовчи турли миллатларга мансуб юз минглаб кишиларнинг тақдиди ҳақида, уларнинг ўз мамлакати равнағи йўлидаги жисплашган бунёдкорлик иши ҳақида боради. Республикада яшовчи турли-туман аҳолининг кўпчилиги учун Ўзбекистон қадрдан ватан бўлиб қолган.

Ўзбекистон тараққиётининг тақдиди ҳал этилаётган ҳозирги тарихий босқичда ҳалқнинг аҳлоқ-одоб ва маънавий мезони, миллатлараро ҳамжиҳатлиги, жисплик ва бағрикенглик, ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг асосий устувор вазифалари қилиб белгилаб олинди. Бу, республикадаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятли амалга оширилишининг, юксак ривожланган ва маданий даражаси баланд давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятига кириб боришининг ишончли гаровидир. СССР давлати барбод бўлиши натижасида барча собиқ иттифоқдош республикаларда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият ҳукмрон бўлиб, бу ҳолат республика аҳолисининг ривожланиш жараёнлари, шу жумладан миллий таркибининг ўзгариб боришида ўз аксини топди. Гап бу ерда аввало, совет тузумидан кейинги истисносиз барча маконларда қизғин тус олган янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятда аҳолининг миграцияси соҳасида ўзига хос жараёнлар бошланганилиги ҳақида бормоқда. Бу жараёнлар ўз навбатида Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Европалик аҳолининг республикадан миграцион оқими кучайганлиги 80-йилларнинг охирларида айниқса сезиларли бўлди.

XX аср 80-йилларининг иккинчи ярмига қадар республикада содир бўлаётган “суст” миграция оқими тамойили давом этди. Бунга фақат иқтисодий сабаблар асос бўлган эди. Уша пайтда Марказий Осиёning бошқа республикалари каби Ўзбекистонда ҳам турмуш даражаси Россия, Украина, Белоруссия ва бошқа гарбий иттифоқдош республикаларга нисбатан анча паст даражада бўлган. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий қўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон ҳам уша йилларда собиқ СССР республикалари орасида охирги ўринларни эгаллаб турар эди.

Бу минтақадаги алоҳида демографик вазият муайян аҳамиятни эга бўлган. Бу ерадаги туб жой аҳолисининг табиий кўпайишин, четдан кўчиб келган аҳолидаги табиий кўпайишга нисбатан уч тўрт баробар ортиқ эди. 80-йилларда СССРдаги иқтисодий танглини

кучайган шароитда нафақат туб жой аҳолиси борасида, балки Ўзбекистондаги европалик аҳоли орасида ҳам ишсизлик муаммоси пайдо бўлди. Бу муаммо юқорида қайд этилган иқтисодий ҳолат билан бирга республикадан кўчиб кетишга сабаб бўлган кучли омил бўлди.

Бироқ, 80-йилларнинг охирига қадар Ўзбекистон билан мамлакатнинг бошқа республикалари ўртасидаги миграцион айирбошлиш давом этиб келди. Чунончи, 1982 йилда Ўзбекистонга яшаш учун 88,6 минг киши келган бўлса, 94,6 минг киши бу ердан кўчиб кетди, 1985 йилда 113,9 минг киши бу ерга келган бўлса, 114,4 минг киши кўчиб кетди, 1986 йилда 132,2 минг киши келди, 143,1 минг киши кетди. Шундай қилиб мазкур йиллардаги салбий сальдо 6,0 минг, 0,5 минг ва 10,9 минг кишини ташкил этди.

Шу йилларда кетувчиларнинг сонигина эмас, келувчиларнинг сони ҳам кўтайдиганлигига эътибор бериш зарур. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг ташқи миграцияси ҳажми анча ошиди.

Шундан кейинги йилларда ҳам бу тамоийл сақланиб қолди. Жумладан, 1988 йилда республикадан 213,6 минг киши, яъни 1980 йилдагидан 1,19 минг киши жўнаб кетди, 164,8 минг киши, яъни 1980 йилдагидан 6,2 минг кўп киши бу ерга келди. Шу йилларда кўчиб кетганлар сони 2,2 баробардан зиёд, кўчиб келувчилар сони қарийб 9 баробар кўтайди, аҳолининг ташқи миграцияси ҳажми эса 2,1 баробар ортиб, 1988 йилда 378,4 минг кишини ташкил этди.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда Ўзбекистонга нисбатан иқинда келган, республика шарт-шароитига ўргана олмаган ўзга этносларга мансуб гурухларнинг вакиллари кўпроқ кўчиб кетди. Шундан кейин, айниқса, СССР парчаланиб кетганидан сўнг шу ерда туғилиб-ўсган, уй-жойга, ишга, муайян ижтимоий мавқега жа бўлган шахслар ҳам миграция жараёнларига қўшилдилар. Илгари ижтимоий-иқтисодий қийинчликлар кўчиб кетишнинг исосий сабаби бўлган бўлса, кейинги пайтда кўчиб кетувчиларга маънавий, руҳий ва миллий мулоҳазалар сабаб бўлди.

80-йилларнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграцияси кўламлари тўғрисида қуйидаги рақамлар тасаввур беради. Беш-олти йил (1985-1990 йиллар) мобайнида ҳаммаси бўлиб республикадан 1 миллиондан ортиқ киши кўчиб кетган бўлса, 715 мингга яқин киши кўчиб келди. Шундай қилиб ташқи миграция ҳажми 300 минг кишини ташкил этди. Шу

йилларда ҳар йили ўрта ҳисобда 50 минг аҳоли бу ердан кўчиб кетди.

Кейинги 90-йилларда бу рақам икки баробар ортиб, йилига ўрта ҳисобда 70-80 минг кишини ташкил этди.

Кейинчалик Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграцияси ҳажми қисқариб борди, бу ҳолат кейинги йилларда айниқса сезиларли бўлди. Республикага келувчилар сони кескин камайиши бундай қисқарышнинг асосий сабаби бўлди. Ўзбекистон аҳолиси миграциясининг салбий сальдоси шу кунгача анча юқори даражада турибди.

1994 йилда республика аҳолисининг миграцион камайиши энг юқори даражада кўтарилиб 141,2 минг кишини ташкил этди. Шу йили республикадан 179,2 минг киши кўчиб кетган бўлса, 38,0 минг киши кўчиб келди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибидағи ўзгаришлар аввало, республикадан миграцион оқим билан биринчи навбатда русийзабон аҳоли — руслар, украинлар, белоруслар, европалик ва ўрта осиёлик яхудийлар, шунингдек татарлар ва қрим татарларнинг кўчиб кетиши билан боғлиқдир. 80-йиллар охирлари — 90-йиллар бошида немислар ва месхети турклари ҳам оммавий равишда кўчиб кетдилар.

Ўзбекистон аҳолисининг ташқи миграциясида европалик аҳоли асосан руслар, татарлар, яхудийлар, қрим татарлари, украинлар, немислар асосий кўпчиликни ташкил этади.

Кейинги йилларда Марказий Осиёning қўшни республикаларидан ўзбеклар ва Тоҷикистондан тоҷиклар доимий яшаёт учун республикага кўчиб келмоқдалар.

Ўзбекистон аҳолиси ташқи миграцияси ривоҷланишининг юқорида кўрсатиб ўтилган хусусиятлари республика мустақил ривоҷланишининг ҳозирги босқичида аҳолининг миллий таркиби шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади. Ҳозирги Ўзбекистоннинг миллий таркиби эса қуйидаги жадвалда ўз аксини топган.

**Ўзбекистон аҳолисининг ҳозирги миллӣ таркиби<sup>1</sup> (2002 йил)**

Миллати	Жами аҳоли		Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	минг киши	%	минг киши	%	минг киши	%
Жами аҳоли	24 812,1	100,0	9 225,3	100,0	15 586,8	100,0
шу жумладан						
ўзбеклар	19 443,3	78,4	6 071,9	65,8	13 371,4	85,8
тожиклар	1 202,0	4,8	407,7	4,4	794,3	5,1
руслар	1 133,3	4,6	1 069,7	11,6	63,6	0,4
қозоқлар	989,0	4,0	412,4	4,5	576,6	3,7
қорақалпоқлар	534,8	2,2	293,7	3,2	241,1	1,5
татарлар	298,2	1,2	273,0	3,0	25,2	0,2
қирғизлар	221,8	0,9	28,0	0,3	193,8	1,2
корейслар	172,4	0,7	140,9	1,5	31,5	0,2
туркмандар	147,0	0,6	28,2	0,3	118,8	0,8
украинлар	103,5	0,4	90,9	1,0	12,6	0,1
арманлар	43,6	0,2	42,3	0,5	1,3	0,01
озарбайжонлар	41,0	0,2	32,5	0,4	8,5	0,05
белоруслар	23,2	0,1	18,9	0,2	4,3	0,03
яҳудийлар	12,3	0,05	11,6	0,13	0,7	0,0
немислар	7,5	0,03	5,6	0,06	1,9	0,01
молдаванлар	5,2	0,02	2,9	0,03	2,3	0,01
грузинлар	3,9	0,02	3,1	0,03	0,8	0,01
литваниклар	1,3	0,01	1,1	0,01	0,2	0,0
эстонлар	0,6	0,0	0,5	0,01	0,1	0,0
латишлар	0,2	0,0	0,1	0,0	0,1	0,0
бошқалар	428,0	1,7	290,3	3,1	137,7	0,9

Жадвалдан кўринишича, жами аҳоли таркибида тожикларнинг улуши (4,8%), руслар улушидан (4,6%) ошиб, республика аҳолисининг таркибида иккинчи ўринга чиқиб олди. Аммо, Ўзбекистон шаҳар аҳолиси орасидаги салмоғи (11,6%) жиҳатидан руслар иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда славян аҳолиси ва четдан келган бошқа аҳоли вакиллари — руслар, украинлар, белоруслар, татарларнинг сони ва салмоғи сезиларли равишда камайиб бормоқда. Бу ҳодиса миграциянинг натижасигина бўлиб қолмай, балки аҳолининг мазкур гурӯҳида туғилиш камлигининг ҳам

<sup>1</sup> Источник: Данные государственного департамента статистики Республики Узбекистан.

оқибатидир.

Айни вақтда ўзбек, тоғжик ва бошқа туб жой аҳолисининг сони юқори суръатлар билан ошиб бормоқда. Ўзбекистон аҳолиси умумий сонида уларнинг улуши ошиб, европалик миллатларнинг салмоғи кескин тарзда камайиб бормоқда. Масалан, 2003 йилда Ўзбекистон миллий таркибида республиканинг асосий миллати — ўзбекларнинг улуши 79,2%га, тоғжикларнинг улуши 4,9%га етди. Республикада татарларнинг улуши кескин камайиб 1,1%га, украинларнинг улуши эса 0,4%га тушиб қолди.

Хозирги вақтга келиб яхудийлар, шу жумладан Ўрта Осиё яхудийлари, месхети турклари, қрим татарлар, немислар, латишлар, эстонлар ва бошқалар Ўзбекистондан ўз тарихий юртларига тўла-тўқис қўчиб кетдилар.

Ўзбекистон аҳолиси миллий таркибининг мустақилликнинг дастлабки йилларида бошланган бу тамойиллари, келгусида ҳам бирмунча мұтадил тарзда давом этаверади.

Мустақиллик шароитида республиканинг асосий миллати бўлмиш ўзбекларнинг зиммасига миллатлараро тинчликни сақлашдек катта масъулият тушди-ки, улар бу синовдан шараф билан чиқдилар. Бу ҳол кўп ўзбек халқининг, уларнинг қон-қонига сингиб кетган бағрикенгликнинг натижасидир.

Мустақил Ўзбекистон миллий сиёсатининг энг асосий қоидалари қуйидаги тарзда эълон қилинди:

— миллати, ирқи, диний эътиқодидан қатъий назар республика барча фуқароларининг тенг ҳуқуқлилиги;

— шахснинг устуворлиги ва жамиятдаги ижтимоий адолатни белгилайдиган инсон ҳуқуқларининг бошқа барча ҳуқуқлардан устуналиги;

— кам сонли миллатларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эътибор билан қараш, уларнинг тили, анъана ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, уларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш, шунингдек эрkin ва ҳар томонлама ривожланishi учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

— ҳар бир оиласининг, ҳар бир инсоннинг миллатидан қатъий назар ижтимоий ҳимояланишини таъминлайдиган юксак даражада ривожланган, ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётига таяниш;

— миллатлараро муносабатлардаги низоли вазиятларни ижтимоий-сиёсий асосда тинч йўл билан ҳал этиш.

Бу мақсадга эришиш осон йўл бўлмай, баъзи бир муаммолар

мавжуд бўлиши табиий бўлсада, таъкидлаш жоизки, бу соҳада Узбекистонда кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги энг муҳим вазифа шундан иборатки, миллатлараро муносабатлардаги зиддиятлар жамиятдаги белгиловчи ҳолат бўлиб қолмаслиги, нотолерантлик кишилар феъл-авторидаги одат бўлиб қолмаслигига эришмоқ керак.

Кўпмиллатли жамиятда бағрикенглик, ўзаро ишонч ва ҳурмат — миллатлараро ҳамжиҳатнинг пойдевори, мамлакатдаги ҳалқлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни уйғунаштиришининг ҳаракатлантирувчи кучидир. Миллат ва элатларнинг бағрикенглиги, ўзаро ҳурмати — жамият маданиятлилик даражасининг кўрсаткичи, давлатдаги миллатлараро топувликнинг асоси ва шу билан бирга келгусидаги муваффақиятли ривожланишининг энг муҳим шарти ҳамdir.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий ва миллатлараро ҳамжиҳатлиги тўғрисидаги, Ўзбекистон — унда истиқомат қуловчи барча ҳалқларнинг умумий уйи ҳақидаги баёни, республикамизнинг тегишли расмий ҳужжатлари ва аввало Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. “Ўзбекистон ҳалқини, миллатидан қатъий назар Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ташкил этади”, — дега таъкидланади Конституцияда.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, давлат ва жамиятнинг сиёсий тузилиши, тизимини белгилайдиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатладиган, ҳалқаро қабул қилинган меъёрий ҳужжатларга жавоб берадиган ва ҳалқнинг тарихий тажрибасига мос келадиган Конституция — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатни қарор топтириш ва ривожлантиришининг энг муҳим шарти ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси янги жамиятнинг ишончили ҳуқуқий кафолатидир. Уни тайёрлаш ва қабул этишда Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, ирқи, миллати, қайси динга мансублиги, тили, туғилган жойи, ижтимоий келиб чиқиши, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилигига асосланиши кераклиги қатъий равишда ҳисобга олинди.

Айрим суверен давлатлардан фарқли ўлароқ бизнинг мамлакатимизда инсоннинг ҳаётий муҳим ҳалқаро ҳуқуқни ҳимоя қилиш ҳужжатларида тан олинган асосий ижтимоий-иқтисодий, маданий, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари

камситишга дучор қилинмайди.

Юқорида таъкидланган жиҳатларни эътиборда тутиб шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистонда юқорида санаб ўтилган ижтимоий соҳаларда салбий ҳодисаларни рўй бериши учун ҳеч қандай асос йўқ, чунки республикада фуқаролик тўғрисида, аҳолини иш билан таъминлаш ҳақида Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа бир қатор қонунлар қабул қилинганки, уларда фуқароларнинг туб жойли миллатга мансуб бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари бошқалар билан бирга фуқароликка эга бўлиш, озод меҳнат, эркинлик, машгулот ва иш турини танлаш каби ҳуқуқлар билан таъминланади.

Бинобарин, Ўзбекистонда ҳалқаро ҳуқуқнинг энг муҳим тамоили амалда рўёбга чиқарилади, яъни миллий, ижтимоий ва диний озчиликларни бостириб туриш эвазига давлат суверенитети учун курашини цивилизацияли кураш деб ҳам, ҳуқуқий кураш деб ҳам тан олиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси парламенти таркибида 15 миллат ва элат вакилларининг иштирок этиши, ҳуқуқий тенглик тамоилининг яққол ифодаси ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиёт таркибидаги ижтимоий институт — Олий Маҷlisининг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили барча миллат фуқаролари манфаатларини ҳимоя қиласди. Унинг ҳузурида фуқароларнинг Конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этиши бўйича комиссия тузилган. Мазкур тузилмалар ва умуман давлат, ҳуқуқий миллий ва диний бағрикенглик сиёсатини амалга оширишда қадимий тарихий анъаналар, ҳалқаро тажрибага таяниб, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси онгини ўзга миллат вакилига нисбатан дўстона муносабат руҳида тарбиялашга, миллатлараро адоватга йўл қўймасликка, ётсираши бартараф этишига, одамлар ўртасидаги муносабатларга инсонпарварлик ғояларини сингдиришга ҳаракат қилмоқда.

Ўзбекистон миллий сиёсатининг энг муҳим йўналишлари қўйидағилардан иборат: миллатлар ва элатларни жиспслаштириш; ҳар бир ҳалқ, шунингдек ҳар бир шахсни эркин демократик танлаш асосида ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини сўзсиз тан олиш; суверенитет тамоиллари, шу жумладан барча фуқароларнинг эркин миллий ривожланиши ҳуқуқини ҳаётга тадбиқ этиши; инсон ҳуқуқлари бошқа барча ҳуқуқлардан устунлигини тан олиш.

Республикадаги барча миллий масалага доир масалалар демократик, конституциявий асосда ҳал этилади. Кўп миллатли

Ўзбекистонда турли миллат ва элатларнинг ўзлигини қайта тикланиши учун зарур ҳуқуқий негиз яратилган. Мустақиллик шилларида халқлар ўртасида дўстлик ва ҳамжихатлик учун қулай шарт-шароитлар юзага келди. Эндиликда миллатига қараб камситиши йўлидаги ҳар қандай уринишлар Ўзбекистонда демократия ва ҳуқуқий давлат таборийларига зид бўлган ўта салбий ҳолат сифатида баҳоланади. Бу эса ўз навбатида республика халқларининг давлат сиёсати асосидаги бирлигини таъминлайдиган объектив иқтисадий ва ижтимоий шарт-шароитлар вужудга келишига қўмаклашади, ҳар бир халқнинг суверен ҳуқуқларини амалга ошириш асосида миллатлар ва элатларни жиспластиришига ёрдам беради. Ҳудди шу боис Ўзбекистонда ҳеч бир шахснинг ҳақ-ҳуқуқлари ирқий ёки миллий сабабларга кўра камситилиши қонундан ман этилиб, бундай ножсўя ҳатти-ҳаракатлар қонунга кўра жиноий жазога тортиласди.

Президент И.А. Каримов ўтказаётган миллий сиёсатга асос бўлган энг муҳим таборийлар инсон ҳуқуқларининг миллат ҳуқуқларидан устунлигини тан олиш, ҳар бир миллат ва элатнинг демократик жараёнлар доирасида эркин ривожланиши, қўпмиллатлилар шароитида ҳеч бир миллат ўз эҳтиёжларини ўзга миллат манфаатларини камситиши ҳисобига қондира олмаслиги, Ўзбекистон халқи ўзбеклар билан бошқа миллатлар вакилларининг узвий бирлиги эканлиги, улар учун республика она ватан бўлиб қолганликларини тушунишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳди, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобининг чиқиши давлатимиз раҳбарининг ҳозирги замон долзарб муаммолари хусусидаги чуқур мулоҳазаларининг мантиқий якуни бўлди.

И.А. Каримов мавжуд хавф-хатарларни — минтақавий можаролар, диний экстремизм ва ақидапарастлик, буюк давлат шовинизми ва агресив миллатчилик, этник ва миллатлараро қарама-қаршиликлар, коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатлари, экологик муаммолар кабиларни ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, таърифлаб берди. У мавжуд ижтимоий ҳодисаларнинг бузғунчилик салоҳиятини — ҳокимият ва ҳуқуқ-тартиботга путур етказиши имкониятини, уларнинг бошбошдоқлик, ўзаро кураш ва можаролар келтириб чиқариш, миллатни ёппасига инқирозга дучор этиш қобилиятини

Умумицлий хавфсизликка солинаётган ана шу ва бошқа баяни таҳдиидларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб миллий мустақиликни қўпоришга, давлатни заифлаштириш ва ҳатто барбод қилишга, фуқароларни сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларидан маҳрум этишига олиб боради ҳамда жамиятнинг бунёдкорлик имкониятларини йўққа чиқаради.

Президент И.А. Каримовнинг таъкидлашича, дунёдаги умумии бекарорлик, давлатлар ва ҳалқлар ўртасида кун сайн кучайиб бораётган можаролар қочқинлар сонини кўпайишига олиб боради. Ҳозирнинг ўзидаёт 59 миллиондан ортиқ киши ўз ватанидан қочиб бошқа юртларда яшашига маҳкум этилган. “ҳатто ўз чегараларидан олисда бўлса ҳам бутун-бутун ҳалқларни зўравонлик ва қонли фожеаларига жамиятнинг одатланиб қолишидан ҳам даҳшатлироқ ҳолат бўлиши мумкинми?”. Президентнинг ана шу сўзлари миллатлараро, этнослараро можаролар муаммоларига эътиборни кўчайтириш, уларни ҳал этишининг сиёсий усуслари устунлигини қарор топтириш пайти келганлигини таъкидлайди. Марказий Осиёнинг баъзи мамлакатларидаги кескинлик манбалари замиридаги хавф-хатарлардан бири шундан иборатки, озгина ҳатога йўл қўйилган тақдирда ҳам улар даҳшатли можароларга айланиб кетиши мумкин. Бу можароларда куч ишлатилган тақдирда эса сурункали тус олдирган бўхрон бошланиши мүқарарар.

Президент И.А. Каримов ана шу жараёнлар нақадар хавфли эканини кўрсатиб, “айрим давлатдаги ҳар қандай можаро узоқ вақтгача миллий чегаралар орасида қолиши мумкин эмас”лигига эътиборни қаратади.

Миллий хавфсизликка, жамият ривожланишидаги барқарорликка таҳлика солаётган бошқа хавф-хатарлар қаторида И.А. Каримов буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчиликни, этник ва миллатлараро зиддиятларни, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларини ҳам кўрсатиб ўтади. Убуюк давлатчилик шовинизмига аниқ ва равшан таъриф берид, “уни аниқ сиёсий кучлар давлатлар томонидан сиёсий, мафкуравий ҳукмронлик ўрнатиш ёки миллатлараро, давлатлараро ва минтақалараро муносабатларда шундай ҳукмронликка интилиш” дебя ҳақли тарзда баҳолади.

Агрессив миллатчиликнинг буюк давлатчилик шовинизмидан фарқи шуки, у “менинг миллатимдан афзалроқ миллат йўқ” деган

шиор остида ўз миллатини бошқалардан устун қўяди, турли миллат кишиларини “ўзимизники ва ўзгалар” деган тоифаларга бўлади, бошқа халқларнинг инсоний ҳуқуқлари ва қадр-қимматини менсимайди. Унинг хавфли эканлиги шундан иборатки, ақидапарастликни, аниқроғи экстремизмга, бош-бошдоқларча ва шивогарона ҳаракатлар қилишига чақиради. Миллатлараро можаролар доирасида агрессив миллатчилик, оммавий тартибсизлик ва зўравонлик ҳаракатларига кўмак беради, умуман у миллий сиёсатга амалий ва ижобий ёндошувларни қабул қилмайдиган кучларни бирлаштиришга уринади.

Китобда миллий омилдан ўзининг ғаразли мақсадларида фойдаланишига уринадиган, одамларнинг табиий туйғуларини миллатчилик йўлига буриб юбориш ва миллатлараро адоват чиқаришига умид қиласдиган барча кишилар жиҳдий равишда огоҳлантирилган. “...сиёсий тус берилган миллатчилик қудратли салбий йўналиш касб этиш ҳамда давлат хавфсизлигига, миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликка жуда кучли таҳлика солиши мумкин”.

Бинобарин, одамлар топ миллий, эгоистик, экстремистик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик манфаатлари асири бўлиб қолишиларига йўл қўйиб бўлмайди. Бу нарса кўпинча жамиятдаги миллатлараро кескинликни келтириб чиқариши ва можароларга, зўравонликка олиб бориши мумкин. Айни шу боисдан Президент И.А. Каримов шундай дея таъкидлайди: “ҳозир бизнинг мамлакатимизга нисбатан буюк давлатчилик шовинизми ва ташаббускор миллатчилик унсурлари нақадар кучли эканлиги, бу ҳодиса ҳозирги кунда қандай шаклга кирмасин, унинг замирида бизнинг хавфсизлигимизга қандай таҳлика солаётганлиги тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун долзарб масаладир”.

Айниқса, ҳозирги замонда курашмай туриб, куч-ғайрат сарфламай туриб, жамиятдаги барқарорлик ва хавфсизликни сақлаб бўлмайди. Жамиятдаги тинчлик ва осойишталик ўз-ўзидан келган тухфа бўлмай, балки унинг учун курашиш ва қаттиқ туриб ҳимоя қилиш лозим бўлади.

Шу хусусда сўз кетганда, жамиятда тинчлик ва хавфсизлик, миллатлараро ва давлатлараро жараёнларни тартибга солиш стратегиясини ишлаб чиқиша Узбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг буюк хизматларини таъкидлаб ўтиш мухимдир. Унинг бевосита раҳбарлигига Узбекистон минтақадаги

миллатлараро ва давлатлараро мөжаро муаммоларини ҳал этишини ва уларни олдини олиш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, одимлар ва маданият арбоблари ҳамда сиёсатчиларнинг кучи гайратларини бирлаштиришга муваффақ бўлди.

Ҳозир Ўзбекистонда амалга оширилаётган миллий сиёсат ўзининг тугал натижаларини бериб, фуқароларнинг тинчлиги, миллатлараро ҳамжиҳатликка эришилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китоби Ўзбекистоннинг ўзи танлаб олган йўлга нақадар содиқлигини исботлайдиган янги даилий асардир. Бу китобда, умуман давлат бошқарувининг битмас-туганмас методологик асослари баен этилган, шу билан бирга миллатлараро ва давлатлараро муносабатлар соҳасида рўй берадиган зиддиятларни кузатиб бориш, ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш учун объектин имкониятлар яратилиши таъкидланган.

Ҳозир Ўзбекистонда 80 дан ортиқ миллий-маданий марказлар ишлаб турибди. Улар орасида озарбайжон, бошқирд, белорус, украин, қирғиз, рус, татар, корейс, яхудий ва бошқа миллатларнинг маданий марказлари мавжуд.

Улар Ўзбекистоннинг кўп миллатли жамиятини сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий жиҳатдан қайта қуриш жараённада хайрли ишлар қилмоқда.

Қозоқ миллий-маданий маркази 1989 йилда Ўзбекистонда биринчилар қаторида тузилган эди. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларининг ўзаро ҳамкорлигини йўлга қўйиш унинг фаолиятидаги асосий мақсад ҳисобланади. Икки дўст давлат бошлиқларининг Тошкент ва Алматидаги учрашувларида барча соҳаларда, шу жумладан маданият соҳасида ҳам баҳамжиҳат ҳаракатларнинг ҳам асосий йўналишлари белгилаб берилди. Бунда кўп йиллик маданий алоқаларни сақлаб қолиш ва янада ривожлантириши зарурлиги назарда туттилди. Икки ўртадаги музокараларда кўпгина масалалар юзасидан тузилган битимлар, жумладан, санъат, илм-фан, маориф соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш имконини берди. Миллий-маданий марказнинг фаолиятига ана шу битиклар асос қилиб олинди.

Қозоқ маданий маркази ёшлар билан ишлашга жиiddий эътибор бермоқда. Бу гап аввало маориф ва таълимни она тилида ташкил этишиб масалаларини ўз ичига олади. Ҳозир Ўзбекистонда

истиқомат қулувчи қозоқ болалари учун 600 га яқин ўрта таълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда, Низомий номидаги Тошкент давлат Педагогика университетида эса қозоқ маданий марказининг бевосита иштироки билан қозоқ филологияси факультети ташкил этилган.

Қозогистон телевидениесининг дастурлари Тошкент шаҳри ва вилояти аҳолисига мунтазам тарзда олиб кўрсатилмоқда. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси қозоқ тилида кўрсатув ва юшиттиришилар тайёрламоқда, “Нурли жсол” газетаси чиқарилмоқда ва ҳоказо.

Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Нукус ва Навоий педагогика институтларида қозоқ тилида таълим бериладиган бўлимлар ишлаб турибди. Кўпгина олий ва ўрта маҳсус таълим муассасаларида қозоқ ёнлари учун кириш имтиҳонлари уларнинг она тилида қабул қилинмоқда.

Марказ хаваскорлик жамоалари, ҳалқ ижодий фестивалларини юштириб, қозоқ ҳалқи ижодининг анъанавий ва замонавий турларини тарғиб қилимоқда. Марказнинг фаоллари тарихий тарғибот ишларини ҳам ўtkазмоқдалар. Масалан, давлат арбобларидан С. Ҳўжаев, Турор Рисқулов, Сакен Сайфуллин ва бошқалар түғилган куннинг 100 йиллигига бағишиланган тантаналарда қозоқ маданий маркази бевосита иштирок этди.

Бошқа ҳалқларнинг маданий марказларида ҳам қизиқарли ишлар амалга оширилади. Чунончи, 1994 йилда тузилган рус маданий маркази турли хилма-хил масалаларни ҳал этишга ҳаракат қилиб, давлатлараро ва ҳалқлараро муносабатларни ривожлантиришда иштирок этмоқда. Марказ вакили Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Москвага қилган ташрифи вақтида расмий делегация таркибида бўлганлиги ана шундан далолат беради. Россия Федерациясининг жамоат ташкилотлари билан алоқа ўрнатиш, турли маданий тадбирлар юштириш, ижодий гуруҳлар тузиш ва шу кабиларга катта эътибор берилмоқда.

Ўзбекистондаги Корейс маданий марказлари уюшмасининг фаолияти алоҳида кўзга ташланади. Ўтган асрнинг 30-йилларида республикамизга зўрлаб кўчирилган корейслар учун Ўзбекистон иккинчи ватан бўлиб қолди. Таъкидлаш жоизки, собиқ совет ҳукмронлиги даврида бошқа миллий маданиятлар каби корейс маданияти ҳам деярли йўқолишга маҳкум этилган эди. Масалан, маҳаллий корейсларнинг 90%и аср охирига келиб, она тилида

ўқишини ва ёзини ҳам билмайдиган бўлиб қолди. Шу бош маданий марказлар уларга она тилини ўргатиш, миллий ғонбаҳаларни тиклашни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб билди. Эндиликда Тошкент санъат институтида корейс драмаси артистылари тайёрланмоқда, Шарқшунослик институтида эса коречи филологияси факультети очилди.

Ана шуларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, бутун мамлакатимизда иш олиб бораётган миллий-маданий марказлар турли миллат ва элатларнинг ўзига хослигини сақлаб қолиш соҳасидаги муҳим вазифани амалга оширмоқдалар. Улар маънавий турмушнинг беназир маконларигина бўлиб қолмай, айни вақтда ижтимоий-сиёсий ва маданий қурилишга самарали ҳисса қўшимоқдалар. Инсоннинг маънавий ҳаётида гоявий-фуқаролик негизларини шакллантириш мазкур марказлар фаолиятидаги асосий вазифалардан бирига айланган. Бу вазифани онда-сонда ўтказиладиган тадбирлар билан эмас, кун сайин зўр ғайрат билан қилинадиган ишлар орқали амалга ошириш мумкин. Шу боисдан ҳам республика раҳбарияти миллий-маданий марказларга катта ғамхўрлик кўрсатиб, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб турибди.

Миллий-маданий марказларнинг фаол иштирокчилари ҳукуматнинг юксак мукофотлари, орден ва медаллари билан тақдирланаётганлиги, уларга кўрсатилаётган юксак диққат-эътиборнинг ёрқин намунасиdir.

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг маданият марказларини тузиши гоясини шахсан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов бошлаб берди. Бу иш 1989 йилда бошланган бўлиб, эндиликда уларнинг фаолияти гуркираб ривожланмоқда. Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузурида Республикада тузилган миллатлараро маданият маркази уларнинг фаолиятини уюштириб ва мувофиқлаштириб туради.

1993 йилда бу марказ мустақил Республика байналмилал маданият марказига айлантирилди. У миллий-маданий марказларнинг фаолиятини уюштириб, Ўзбекистонда яшовчи миллий гурухларнинг маданий эҳтиёжларини ўрганиб, қондириш борасида давлат идораларига ва жамоат ташкилотларига кўмаклашмоқда. Марказ вазифалари: миллий-маданий марказларга амалий ва услубий ёрдам бериш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, республикада яшовчи

халқлар ва миллий гурухларнинг миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумлари, маданияти ва маънавий қадриятларини тиклаш ва ривожлантишига кўмак бериш, яқин ва олис хориждаги миллий ҳамда байналмилал маданий марказлар билан алоқа ва ҳамкорлик ўрнатиб, ривожлантиши, миллатлар ва элатларни байналмилал руҳда жисплаштиши, миллатлараро муносабатларни ўйғунаштишига ёрдам беришлардан иборатdir.

Ўзбекистоннинг ҳозирги кўп миллатли аҳолиси асосан этногенетик жиҳатдан боғлиқ бўлган иккита катта халқдан иборат. Уларнинг бири 83,1%ни ташкил этувчи туркийзабонлардан иборат бўлса, иккинчиси 9,2%ни ташкил этувчи русийзабон (славян)лардан иборатdir.

Уларнинг ҳар бири катта умумий луғавий заҳирага, умумий тарихий ўтмишга эгадир. Русийзабон аҳоли вакиллари катта қисмининг ота-боболари ўзбеклар диёрида кўп йиллардан бери яшаб келаётганликлари юқорида қайд этиб ўтилди. Ўзбекистон аҳолисининг этник тафовутлари миллатлараро ҳамжисхатлик учун тўсиқ бўла олмайди. Ўзбекистон раҳбарияти турли этник бирликларнинг оз-кўплигидан қатъи назар, улар ўртасида муштараклик руҳини сақлаб қолиш учун миллий сиёсатга энг мақбул тарзда ёндошии йўлларини қўлланмақда. Аниқ мақсадни кўзловчи инсонпарварлик руҳидаги миллий сиёсат, ўзбек бўлмаган аҳолининг илғор ижтимоий қатламларини фаоллаштиши жараёнини ривожлантишига, Ўзбекистондаги барча халқлар вакилларини умумдавлат миллий-сиёсий бирлиги, ватанпарварлик туйғуси ва ўз мамлакати учун фаҳраниши руҳида тарбиялашга кўмаклашиб келмоқда.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, аввало маънавий соҳада ва шу жумладан, тил сиёсатида янгиланиш жараёнлари учун катта имконият йўллари очилди. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши, миллий кўпчилик аҳолисининг тилига давлат тили мақоми берилиши, Ўзбекистондаги барча халқлар вакилларининг тўғри, тушунганилигини алоҳида қайд этиши керак. Жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига совет даврида рус тили мажбуран фаол жорий этиб келинганилигини, энди тарихий ўтмиш сифатидагина эсга олиш мумкин. Масалан, ўтган асрнинг 30-йилларида ўрта мактабдаги 10 йиллик таълим давомида рус тилини ўқитишига ҳаммаси бўлиб 400-500 соат ажратилган бўлса, 80-йилларга келиб, бу ҳолат 1600-1850 соатни ташкил этди. Умуман,

Ўзбекистонда биринчи синфдан бошлаб то институтни тугатгунни қадар туб жой миллатининг болалари учун рус тили ва адабиётини ўрганишга 3670 соат, она тилини ўрганишга эса 1675 соат ажратилар эди. Ҳатто 1991 йилда республика олий ўқув юртлари барча талабаларининг 39,5%и барча фанлар бўйича ўзбек тилида, 47,7%и эса рус тилида шуғулланган бўлиб, ҳолбуки талабалар орасида ўзбеклар 63,5%, руслар эса 15,8%ни ташкил қилар эди.

Миллий анъаналар ва ўзига хосликни қайта тиклаш ва ривожлантириш соҳасидаги ишлар иқтисодий ва моддий соҳалардаги нуқсонларни тугатиш билан бирга олиб борилди. Чунки, инсоннинг она тилида гапириш ва ёзиш имкониятидан маҳрум бўлиши, ўз халқининг тарихи, маданиятини билмаслиги, ўзликни англамасликка, маънавиятдан маҳрум бўлишга олиб бораар эди. Маънавият ва маданиятини тиклаш ҳамда янгилаш эса миллатининг иқтисодий тараққиёти учун қудратли пойдевордир.

Таъкидлаш жоизки, рус миллатига мансуб кишилар орасида ҳам турли соҳаларда ўзбек тилидан қўпроқ фойдаланаётганликлари социологик тадқиқот натижаларида ўз ифодасини топмоқда. Давлат тилини янада ривожлантириш йўлини республика ахолисининг қўпчилиги қўллаб-қувватламоқда. Савол-жавоб қилинганинг ярмидан қўпроғи давлат тилини ўрганиш учун мавжуд шартшароит ва имкониятларни яхшилаш чораларини кўришни хоҳламоқда. Уларнинг бешдан бир қисми эса бу жараённи секин-асталик билан эволюцион тарзда ўтказиш керак деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга ҳозирги вақтда миллатлараро алоқа тили сифатида ўзбек тили тарғиботини кучайтиришга эҳтиёж сезилмоқда. Социологлар шундай бир қизиқ ҳолатни кузатмоқдалар: ўзбек тилида сўзлашувчи суҳбатдошлар гуруҳига, айтайлик рус миллатига мансуб бир киши келиб қўшилиши биланоқ улар дарҳол рус тилига ўтадилар. Бу ҳодиса бир томондан ўзбекларнинг таълим-тарбияси ва одобидан, ўзбек сўзини тушунмайдиган кишини ранжитишини истамаслигидан далолат берса, иккинчи томондан туб жойли бўлмаган миллатларнинг кўпгина вакиллари ўзбек тилини ўрганишга ҳаракат қилмаётганлигидан далолат беради. Ҳаётий ҳодисалар ҳам, социологик тадқиқотларнинг маълумотлари ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Масалан, Ўзбекистон Миллий университети социолог талабалари ўтказган савол-жавобдан маълум бўлишича, русийзабон ахоли “барибир яқин орада кўчиб кетамиз” деган фикр билан ўзбек тилини ўрганишга қизиқмаслиги, бунинг устига давлат

тилини самарали ўрганиш учун ҳамма жойда ҳам қулай шароит тратилмаганлигини кўрсатади. Руслар орасида “бу жараёнга ғилашиш керак эмас, ҳаммаси аввалги ҳолида давом этаверсин” бўй ҳисоблайдиганлар сони бирмунча кўпайиб қолган (42,9%).

Хуллас, ҳозирги вақтда ўзбек тилининг миллатлараро алоқа тили сифатида аҳамиятини тарғиб қилишини кучайтиришга эҳтиёж мавжуд.

Ўзбек халқининг ҳаётида рўй берадиган чуқур ўзгаришларда Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқларнинг вакиллари ҳам бир жон, бир тан бўлиб қатнашмоқдалар. Ана шу халқларнинг ҳаётида ҳам чуқур тарихий ўзгаришлар фаол содир бўлмоқда.

Миллатлараро ҳурмат ва тотувлик руҳи билан ажralиб турадиган Ўзбекистонда миллати, диний эътиқоди, тилидан қатъи назар, барча фуқароларнинг якдиллигини таъминлаш сиёсати юритиляпти. Шу муносабат билан таъкидлаш лозимки, бизнинг давлатимизда кам сонли халқлар ёки этник гуруҳлар муаммоси амалий экихатдан мубаффақиятли ҳал этилмоқда. Умуман олганда жа кам сонли халқлар ва этник гуруҳлар муаммоси бутун дунёда мавжуд. Ҳозирги кунда дунёда икки мингдан ортиқ турли этник гуруҳлар мавжудлиги, уларнинг 320 дан ортиги 1 миллиондан кўпроқ кишини ташкил этиши эътиборга олинса, бу ҳол янада аниқ бўлади. Собиқ совет республикаларини ҳам қўшиб ҳисоблагандан, БМТ тан олган суверен давлатлар сони 200 дан шимайди. Дунёдаги ҳар тўрт давлатдан учтасида аҳолининг тўртдан бир қисмидан камроғини ташкил этувчи миллатлар яшайди. Умуман кўз фоиз бир миллат яшайдиган давлатнинг ўзи дунёда йўқ. Жаҳон мамлакатларининг 40%ида этатним ва этносним бир-бирига мос келади. Ўз номи билан айтиладиган давлатларнинг ташқарисида шивочи ёки ўз давлатига эга бўлмаган гуруҳлар 60 миллион кишидан ошади ёки МДҲ аҳолисининг 20% (Франциядаги жами аҳолидан кўпроқ кишини) ташкил этади.

Кейинги ўилларда мазкур, нозик муаммога эътибор кучайди ва турли мамлакатларда бу масалаларни ҳал этишга муайян таъсир ўтказиш муҳим бўлган бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Коненгагенда миллий озчиликларнинг ҳуқуқларига багишланган конференциянинг қарори, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгаш доирасида Санкт-Петербург, Москва, Женевада ўтказилган инсоний ўлчовлар Конференциялари қарорларига ўз таъсирини ўтказди.

Бизнинг назаримизда кам сонли халқларга тааллуқли

мундан келиши даи этиида ижообий тажриба түплаган ва миллатларни  
мисабатларда барқарорликка эришган Ўзбекистон Республикаси  
дунёдаги кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлиши мумкин.

Толерантлик (бағрикенглик) тамойиллари дунёдаги кўпчилик давлатларнинг қонун ҳужжатларида, инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилган ва халқаро декларацияларда ўз ифодасини топган. Бу соҳада БМТ томонидан қабул қилинганди Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси, шунингдек Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт энг асосий ҳужжатлар бўлиб хизмат қиласди. Европа Конвенциясида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа Конвенцияси амал қиласди. Конвенция юзасидан тузилган ва уни ратификация қилган давлатлар зиммасига барча ҳуқуқларни ҳеч бир камситишси кафолатлаш маъжбуриятини юклайдиган ва маъжбуриятлар бајсарилмаган тақдирда жазо чорасини қўллашни кўзда тутадиган 12-баённома яқинда кучга кирди.

Ирқий камситишнинг ҳамма шаклларини тугатиш тўғрисидаги халқаро конвенцияда, аввало, ирқчилик ва ирқий камситишга йўл қўймаслик қоидалари мустаҳкам белгилаб қўйилган. БМТ томонидан геноцид жиноятларининг олдини олиш ва бундай жиноятларни эказолаш тўғрисида Конвенция, миллий ва этник, диний ва тил озчиликларига мансуб шахсларни ҳуқуқлари тўғрисида декларация ҳам қабул қилинганди.

Дунё миқёсида иқтисодиёт глобаллашиб бораётганлиги, коммуникациялар тизими тез ривожланаётганлиги, урбанизация ва интеграция (бирлашиш) жараёнлари тоқатсизликнинг ҳар қандай кучайишини бутун дунё учун хавф-хатар манбаига айлантириб қўймоқда. Сиёсатчилар ва жаҳон жамоатчилиги ана шу хавф-хатарни англаб олганлиги туфайли ялпи бағрикенгликка эришишини дунё ҳамжамияти тараққиётининг энг муҳим мақсадларидан бири деб ҳисобланмоқда. Унинг тамойилларини байроқ қилиб олган турли ҳуқуқий ва маданий ташкилотлар ҳозирги даврда сабр-тоқат камайиб бораётганлиги ҳақида ҳақли тарзда бонг урмоқдалар. ЮНЕСКОнинг ташаббуси билан БМТ 1995 йилни (иккала ташкилотнинг 50 йиллиги нишонланадиган йилни) Халқаро толерантлик йили деб эълон қиласди. Шу йил давомида сабр-тоқат, маданиятлар хилма-хиллиги, одамлар ўртасидаги тафовутлар 50дан ортиқ минтақа ва халқаро конференцияларда муҳокама қилинди. Йил якунида Толерантлик

тамойиллари Декларацияси қабул қилинди. 2001 йилда ЮНЕСКО жон қилган Халқаро тинчлик ва зўравонликсиз маданият ўншиллиги бошланди.

Хозирги кунда бағрикенглик муаммоси бутун дунёда долзарб муаммо сифатида топилиб, тегишили халқаро ташкилотларда муҳокама қилинмоқда. Чунончи, ЮНЕСКО бағрикенгликни шакллантириш ўйлида муҳим ишларни амалга оширмоқда. Унинг Париждаги қароргоҳида 1993 йили толерантлик бўлинмаси тузилди. Орадан икки йил ўтиб (1995 йил 16 ноябрда) ЮНЕСКО Бош Конференцияси “Declaration of principles on tolerance”ни тасдиқлади. Бу ҳужжатни 185 та давлат, шу жумладан Ўзбекистон ҳам имзолади. Декларация миллий, этник, диний ва тил ғурухларига нисбатан зўравонлик, ётсираш ва камситишнинг ялпи авж олишига қаршилик кўрсатиши лозим. Бу ҳужжатни миллий ва халқаро даражалардаги экстремистик-террорчилик омилиниң олдини олиш, уни бартараф этиш ва тугатишнинг гоявий-услубий асоси деб ҳисоблаш мумкин.

Ўша пайтдан бери 16 ноябр кунини ҳар йили халқаро толерантлик йили сифатида нишонланиши одат тусига кириб қолди. Шу куни бутун дунёда сабр-тоқат ва ҳамжиҳатликни тарғиб қилишга бағишлиланган қатор тадбирлар ўtkазиб келинмоқда.

Бағрикенглик халқлар ўртасида муросага келиш ўйлини топиш, можароларни бартараф этишининг муҳим шарти эканлигини энди кўпчилик олим ва давлат арбоблари ҳам тан олмоқдалар. 1987-1999 йилларда ЮНЭСКОнинг Бош директори лавозимида ишлаган Фредерик Майорнинг қуйидаги сўзларини эслаш ўринлидир: “Хўш, толерантлик нима? Бу — ён бериш эмас, бепарволик эмас. Бу — бошқаларни билиш ва тушуниш демакдир. Бу — бошқаларни ўзаро ҳурмат қилиш демакдир. Бу — ҳамжиҳатлик орқали ўзаро ҳурмат демакдир... Толерантлик нима? Бир хиллик эмас, балки бирлашиш демакдир. Биз зўравонликка қаршимиз, хилма-хиллик тарафдоримиз, биз куч ишлатиш ва бўйсундиришга қаршимиз, қизғин мунозаралар тарафдоримиз”.

Шундай қилиб, толерантлик (бағрикенглик) тамойили шахслар, турли цивилизацияларга мансуб жамиятлар, эркаклар ва аёллар, катта ёшдагилар ва болалар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги ўзаро ҳурматни билдиради. Турли низолар шароитида толерантлик — атрофдагиларга зарар етказмаган ҳолда ўзини қарор топтиришдир. Толерантлик — инсоний ҳис-ҳаяжонни жиловлайдиган, онгли ва сергак нуқтаи назардир.

## **Олтинчи мавзуу. ТОЛЕРЕНТЛИК РУХИДА ТАРБИЯЛАШ**

Толерантлик — яъни бағрикенглик — күнгил ҳолати бўлиб, ҳар бир киши бу ҳолатга эришмоги албатта қийин кечади. Алоҳида олинган жамиятда бағрикенглик онгини вужудга келтириш мушкул ва мураккаб вазифадир. Бағрикенгликнинг самарадорлиги унинг шакл-шамойили мазкур жамиятдаги устун онг характерига нақадар мувофиқлигига боғлиқ бўлади. Бу нарса авлоддан-авлодга ўтиб келаётган онг ҳамжамиятнинг пойдевори эканлиги билан белгиланади. Биз эътиқодларимизга қўшилган кишилар билан ёки тили ва маданияти бизникига ўхшаш бўлганлар билан ёхуд бизнинг этник гурӯҳимизга мансуб бўлганлар билан бирлашамиз. Олимларнинг фикрича, бутун инсоният тарихи давомида тил бирлиги ва этник яқинлик туйғуси инсонлар ҳамжамиятнинг асоси бўлиб келган. Шу билан бирга биз “ўзгаларга” — биздан бошқача бўлган кишиларга душманлик кўзи ва қўрқув билан муносабатда бўлишга мойилмиз. Бундай тафовут биологик, маданий ёки сиёсий воқеликнинг ҳар қандай дараҷасида мавжуд бўлиши мумкин. Маданият ёки диндаги энг муҳим анъаналар ҳисобига ўз бирлигини сақлаб қолган анъанавий ҳамжамиятларга нисбатан ҳозирги замондаги барча миллатлар маданий, диний ва сиёсий жиҳатдан кўпроқ хилма-хилдирлар.

Ҳақиқатда, биз ишониб келган ғояларнинг нуқсонсизлигига ва биз баҳслашаётган қарашларнинг ёлғонлигига ҳеч қандай шубҳагумон қолмайдиган бўлса, ҳар қандай эътиқод — диний, сиёсий ёки маданий эътиқод тоқатсизликка олиб бориши мумкин. Этник ўзаро муносабатларда бағрикенглик ҳақида гапириш жуда мушкул. Чунки айни этник соҳа замерида турли-туман ихтиофлар, зиддиятлар, можаролар учун ҳавф яшириниб ётади. Ҳалқлар ўртасидаги муносабатлар кескин ва фожиали бўлиб келганлигини тарих тажрибаси кўрсатиб турибди. Инсоният тарихида рўй берган кўпдан-кўп урушлар давомида айрим миллат ва элатлар қириб ташланган, баъзилари қувғинга учраган. Ҳозирги давр кишилар миллий онгида ҳам бунинг таъсируни кўриш мумкин. Ҳалқлар онгида сақланган ана шундай ўзига хос адолатсизлик, можаролар тўғрисидаги хотиралар орага маълум совуқчилик тушуриб, кишилар ўртасидаги муносабатларни чигаллаштишига сабаб бўлади.

Этник бағрикенгликни шакллантириш — миллатлараро

можароларнинг олдини олиш ва бартараф этишининг энг тўғри ўйлидир. Бу жараёнда кўп хил маданиятларни бирлаштирувчи ягона маконни вужудга келтиришнинг аҳамияти каттадир. Бунинг учун аввало миллатлараро муомала маданиятини тарбиялаш зарурки, қўйидагилар ушбу маданиятнинг оддий унсурлари ҳисобланади:

- “этник индиферентлик” (бепарволик), яъни шахслар ўртасидаги муомалада миллий омилни эътиборга олмаслик (алоҳида зарур ҳолатлар бундан мустасно);
- бошқа миллат кишилари билан муносабатда мулоҳазали бўлиш;
- ҳар бир киши ҳар қандай дунёқарашиб масаласида ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, ўз нуқтаи назарини айтиши ҳуқуқига эга эканлиги;
- миллий, этник муаммолар хусусидаги муҳокамада мазкур масала юзасидан ўзи эга бўлган билимлар ҳажмигагина таяниш;
- инсон ўзи яшаб турган этник гуруҳнинг маросимлари, расм-русларни, урф-одатларини билиши зарурлиги;
- тил масаласи — миллатлараро муомала маданиятининг энг муҳим жиҳатларидан бири эканлигини эсда тутиш<sup>1</sup>.

Бағрикенглик онгини шакллантиришнинг тил масаласини ҳал этишда оммавий ахборот воситалари ва аввало телевидениенинг аҳамияти жуда катта. Телевидение, радио ва матбуотда бағрикенгликка унчалик мос келмайдиган “хейш спич”<sup>2</sup> — бачкана ва беҳаёй ибораларнинг ишлатилиши, шахснинг миллий ва диний туйғуларини ранжитади ҳамда бачкана ва ҳаёсиз сўзларни кўчага, кундалик ҳаётга, кўччиликнинг тилига туширади. Демократик фуқаролик жамиятида эса шубҳасиз бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўртага қўйилган мақсадга эришмоқ учун жамият кўп соҳалар бўйича ҳаракат қилиши зарур бўлади. Шу соҳаларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Илмий-таҳлилий йўналиш бағрикенглик онгини шакллантиришнинг, тотувлик маданиятини тарбиялашнинг, фуқаролик жамиятида экстремизмга қарши курашишининг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиши, экстремизм кўринишларини аниқлаш, текшириш ва мониторингдан ўтказиш усуllibарини, омма

<sup>1</sup> Немкова М. Развитие культуры межнациональных отношений у школьников — Ульяновск, 2003. 12-бет.

<sup>2</sup> Hate speech — этносга, ирқ ва динга, эътиқодларга нисбатан ишлатиладиган, можарога олиб борадиган ва миллатлар ёки динглар ўртасида иҳтилоф чиқарадиган, низоят, оқибатда душманлик ва адоватга даъват қиласидиган жирканч тил, камситужчи ва таҳқирловчи иборалар, этитматлар — маъносини билдиради.

онгидаги экстремистик кайфиятни тузатишнинг ижтимоий психологияк усулларини, шу жумладан коммуникацион технологияларини ишлаб чиқиши, оммавий ахборот воситаларини бу соҳадаги фаолиятини кучайтиришни кўзда тутади.

Ташвиқот ва қарши ташвиқот йўналиши ҳар қандай шаклдаги экстремизмни ғайри ижтимоий табиатини очиб бериш учун оммавий ахборот воситалари (ОАВ)дан фойдаланиш, матбуотди босилган, телевидение орқали кўрсатилган, радио орқали эшиттирилган миллий ва диний адоватни авж олишига олиб борувчи материалларни ижтимоий-психологик текширишдан ўtkазиш, бағрикенгликни оммалаштиришдан, жамиятда ижтимоий кескинликни камайтиришга кўмаклашувчи ўқимишли материаллар эълон қилиш вазифасини ўртага қўяди.

Таълим, услугий йўналиш барча погоналардаги таълим муассасаларида бағрикенглик онгини, динларга сабр-тоқат билан қарашни шакллантиришга ва маданиятлараро мuloқотни ўргатишни қаратилган таълим дастурлари ва технологияларини яратиб жориш этишини; муассасаларда оммавий коммуникациялар соҳасидаси мутахассисларни, давлат хизматчиларини, шунингдек ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича маҳсус дунёқарашиб психологик тренинглар (машгулотлар) ўtkазши назарда тутилади.

Мебёрий, услугий ва ташкилий йўналиш доираларида услугий ҳужжатлар мажмуасини ишлаб чиқиши ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, кўрсатилган ва эшиттирилган материалларни ижтимоий-психологик экспертиза (текширув)дан ўtkазиш учун шароит яратиш, жумладан интерактив таълим воситалари ва ўйинлардан фойдаланган ҳолда янги коммуникацион технологиялар ва таълим дастурларини ишлаб чиқиши, экстремизм, агрессия, жабрдийдалар, қочоқларга ва ноиложликдан кўчиб кетганларга ёрдам бериш воситаларини яратиш; динлараро мuloқот самарадорлигини ошириш методикасини ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Технологик ва моддий-молиявий йўналиш тинчлик маданияти соҳасида тажрибани тўплаш, дунёқарашиб барқарорлигини ижтимоий-коммуникацион технологиялари тизимини шакллантириш, шу асосда иқтисодиётнинг инновацион (янги) тармоқларини яратиш вазифасини кўзлайди ва ҳоказо. Ҳамма жойда ва барча соҳада бағрикенглик муҳитини яратиш шубҳасиз осон вазифа эмас. Тарбия — тоқатсизликнинг олдини олишда энг

самарали восита ҳисобланади, шу сабабли толерантлик руҳида тарбиялашни ҳозир биринчи даражали вазифа деб ҳисобламоқ керак. Бағрикенглик, яғни толерантлик руҳида тарбиялаш — қўпгина давлат ва жамият муассасаларининг умумий вазифасидир.

Мактаблар, коллежлар, академик лицеилар ва университетларда, норасмий таълим доирасида, уйда ва ишида бағрикенглик руҳини мустаҳкамлаш, рўй-ростлик, бир-бирига ўтибор ва бирдамлик муносабатларини вужудга келтириш, доимо толерантлик феъл-авторини ўргатиш, зўравонлик ва бегоналашувга исос бўладиган тоқатсизликнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва диний манбаларини очиб ташлаш зарур бўлади.

Хозир Интернет орқали тарқатилаётган ва йил сайн тобора кенг ва хилма-хил тус олаётган фаразий (виртуал) зўравонликка, шунингдек электрон оммавий ахборот воситаларидан, видео ва китоб маҳсулотларида тасвиirlанаётган жангари манзараларга қарши турадиган ички дунёқарашни шакллантириш масаласи кун тартибига қўйилмоқда.

Бағрикенглик муаммоси юзасидан эркин, ошкора мулоқот ва муҳокамага қўмаклашиш, толерантлик қадриятларини оммалаштириш ҳамда тоқатсизликни тарғиб қилиувчи гурухлар ва мафкураларга нисбатан лоқайдлик кўринишлари хавфли эканини тушунтириб бериш ишида коммуникация воситалари биринчи даражали ижобий роль ўйнаши мумкин. Ижтимоий портлашлар хавфини камайтириш мақсадида миллатлар ва динлараро тоқатсизлик билан боғлиқ бўлган инқирозларнинг олдини олиш ва бартараф этиши соҳасида фаол қарши ташвиқот олиб бориши зарур.

Агарда жойларда “Бағрикенглик марказлари” деб аталган илмий-амалий марказлар ташкил этилса, бу ҳол толерантлик руҳида тарбиялаш муаммоларини ҳал этишида муҳим ўрин олган бўлар эди. Уларнинг олдига бағрикенглик руҳида тарбиялаш соҳасида аниқ-равшан чора-тадбирларни амалга ошириш ва жамиятда бағрикенглик муҳитини ривожлантиришга қўмаклашувчи маҳсус илмий тадқиқотлар ўтказиш вазифасини қўйиш лозим. Ушбу вазифалар ўз нахбатида қуйидагиларни қамраб олади:

- жамиятда шаклланган бағрикенглик муносабатлари тузилмаси ва даражасини ўрганиш;
- дунёда ва мамлакатда амалга оширилган бағрикенглик онги таомилларини шакллантириш ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаш йўлида уларнинг таъсирчанлигини оширишга

- қаратилган дастур ва лойиҳаларни тадқиқ қилиш;
- мустақиллик йилларида давлатимизда қабул қилинган жамиятимизда бағрикенглиқ муносабатлари шаклланishi таъсир ўтказган қонунчилик ва бошқарувчилик қарорларини ўрганиш;
- жамиятда бағрикенглик онги таомилларини шакллантиришни таъминлайдиган ва Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик шароитини яратишга кўмаклашадиган давлат хизматчиларининг лавозим мажбуриятларини ўрганиш;
- барча погонадаги давлат хизматчиларининг бошқаруға фаолияти жараёнларида бағрикенглик кўникмаларини ривожлантириш учун уларнинг малакасини ошириш қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёжларини тадқиқ қилиш;
- миграция жараёнлари ва уларнинг жамиятдағы бағрикенглик даражасига нақадар мувофиқлигини ўрганиш;
- жамиятда бағрикенглик онгини шакллантириш ва унинг барқарорлигини мустаҳкамлашга оид тавсиялар ишлаб чиқиши.

Тадқиқот дастурини амалга ошириш учун аҳоли орасида ўтказиладиган социологик сўров усулларидан, лойиҳа дастурий фаолиятни амалга оширувчи жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, ўқув юртлари, фонdlарнинг раҳбарлари билан, мутахассисларнинг суҳбатларидан фойдаланиш, оммавий ахборот воситалари мониторингидан, диний муассасалар, миллий бирлашмалар ва оқимлар фаолиятига оид ахборотни мутахассислар ёрдамида таҳлил этиши усулидан фойдаланиш, Ўзбекистонда толерантлик (бағрикенглик)ка доир материаллардан бемалол фойдаланиш йўли билан олинадиган маълумотларни синхеклаб ўрганиш зарур бўлади. Тадқиқот дастурларини амалга ошириш асосида жамиятда, аниқроғи, бошқарув ва тарбия жараёнларида бағрикенглик кўникмаларини ривожлантиришга оид аниқ-равшан тавсиялар ишлаб чиқиласди.

Юздан ортиқ миллий, маданий марказни бирлаштирувчи республика байнамилал маданият маркази ташкил этилганлиги, мамлакатда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва фуқароларнинг ўзаро тотувлиги муҳитини мустаҳкамлашга, миллий маданиятларни сақлаб қолиш ва уларнинг маънавий қадрияларини тарғиб қилишга, умуман, давлат билан миллий жамоатчиликнинг ҳамкорлиги, воситаларини шакллантиришга ҳисса қўшиб келмоқда.

*Мазкур марказлар ўз маданиятини тарғиб қилиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга миллатлараро муносабатда бағрикенгликни тарбиялаш соҳасида ҳам доимо кўпгина режаларни амалга ошироқдада.*

*Кўпгина халқлар маданияти ва анъаналарининг бир-бирига ўзаро таъсири туфайли Тошкент шаҳрида ўзига ҳос бетакрор мұхит вужудга келди. Бу ерда миллати ва динидан қатъий назар пойтахтнинг бутун аҳолиси аҳил бир катта оила сифатида яшаб келмоқдада. Шу муносабат билан тинчлик, бағрикенглик, аҳиллик маданияти тамойиллари мамлакат аҳолиси ва меҳмонлари миллатлараро муносабатларининг асоси бўлиб қолиши лозимлигини доимо сергаклик билан кузатиб бормоқ керак, чунки миллий ҳис-туйғуларнинг ҳаддан ташқари кучайиши тоқатсизлик феъл-авторини, ўзга миллий ва ўзга дин кишилари ҳисобига ўз талабларини қондириш иштиёқини ва экстремизм ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин. Пойтахт ҳокимияти миллатлараро тинчлик ва тотувликни мустаҳкамлаш соҳасида олиб бораётган ишлар билан бирга миллий-маданий жамоат ташкилотларининг бу соҳадаги куч-ғайратлари ва амалий ишларини мувофиқлаштириб бориши зарур. Тошкент шубҳасиз миллатлараро бағрикенглик муносабатлари қарор топган, намунали шаҳар бўлиб қолиши лозим бўлади. Тошкент Ўзбекистон Республикасининг энг кўп миллатли шаҳри эканлигини эътиборга олиб, “Тошкент - тинчлик маданияти йўлида” мавзусидаги комплекс шаҳар дастурини қабул қилиб, амалга ошириш бу соҳадаги мұхим амалий қадам бўлар эди.*

*Бағрикенглик – кўп маъноли тушунчадир, шу сабабли уни фалсафий, тарихий, адабий, диний, сиёсий ва шу каби нуқтаи назарлардан кўриб чиқмоқ керак. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бағрикенглик тарбияси инсоннинг муайян шароитдаги муайян феъл-авторини ишлаб чиқишдан иборат.*

*Бағрикенгликни педагогик нуқтаи назардан кўриб чиқиш, айниқса долзарб масала ҳисобланади.*

*Шу муносабат билан таълимнинг маданий бунёд этувчилик аҳамиятини тиклаш, ўқувчиларни миллий анъаналар ва минтақавий ҳусусиятлар асосида тарбиялаб вояга етказиш, ҳозирги таълим тизимининг энг мұхим вазифасидир. Эндиликда кўп маданиятили таълим маконини вужудга келтириш муаммоси таълимнинг барча босқичларида: мактабгача тарбия, мактаб тарбияси, олий ўқув юрти тарбияси даражасида ҳал этилмоқдада. Айни олий ўқув юртларида түрли миллатларга мансуб йигит ва қизлар биргаликда*

*такомиллаштириши долгарб масала сифатида кун тартибида туриши бежиз эмас.*

*Бу мақсадга эришмоқ учун жамиятда психологлар, педагоглар, сиёсатшунослар, тарихчилар, социологлар, маданиятшунослар, файласуфлар ва шу каби олимларнинг биргаликдаги куч-тыйратлари билан ижобий бағрикенглик муносабатларини шакллантириши борасида аниқ мақсадни күзловчи таълим стратегиясини амалга ошириш зарур бўлади. Бу стратегия ўқув жараёни орқали таълим жамоаларида хайрихоҳлик муҳитини яратиш орқали ирқчилик, шовинизм, экстремизм, ксенофобиянинг ҳар қандай кўринишларини бартараф этиши, турли этносларга мансуб бўлган ўқувчиларни бирлаштирадиган соҳаларга (маданий меросга, фансанъат, давлатни ривожлантиришга қўшиладиган ҳиссага; характернинг ижобий хислатларига) эътиборни кучайтириши керак. Бошқа кишиларга ҳурмат ва очиқ кўнгиллик билан муносабатда бўлиш, бир-биридан фарқ қиласидиган маданий, диний ва ижтимоий муҳитлардаги кишилар ҳаётининг хилма-хиллигини тушуниш руҳини сингдириш зарур. Ҳар қандай миллат кишиси ўзини бемалол ҳис қилиши, ҳимояланганлиги, “ўзга” қўшни ва дунё билан ошкора ҳамжиҳатлик қила олишини ҳис қиласидиган ҳамжиҳатлик муҳитини яратишга кўмаклашиш муҳим аҳамият касб этади.*

*Бағрикенглик руҳини тарбиялашда ўзимизнинг ҳолатимизни, анъаналаримиз ва маданиятимиз хусусиятларини эътиборга олган ҳолда, одамларнинг у ёки бу кўзланган англашга ва ўзимизга боғлиқ бўлмаган шароитларнинг хусусиятларини эътиборга олишга тайёрлигини ҳисобга олиб иш тутмоқ керак бўлади.*

*Бағрикенгликнинг асоси — аввало шахснинг тажрибасидадир. Шу сабабли бағрикенглик тарбияси, педагогика нуқтаи назаридан, ижобий бағрикенглик тажрибасини аниқ мақсад йўлида ташкил этишдан, яъни “ўзга” кишилар билан биргаликда ҳаракат қилишини талаб этувчи шарт-шароитларни собитқадамлик билан яратишдан иборат<sup>1</sup>.*

*Ҳамкорликка тайёрлик руҳини шакллантириши жараёни нақадар эртароқ бошланса, шахснинг ўзаро ҳаракат вазиятларидаги имкониятлари, ўрни ва баҳоли қудрат ёрдам бериши заруриятини англаши шу қадар тезроқ содир бўлади. Шу боисдан, гудак туғилиши биланоқ унинг онгини атрофдаги дунё ва кишилар*

<sup>1</sup> Вульфов Б.З. Воспитание и толерантность: сущность и средства // Воспитание и дополнительное образование детей и молодёжи. 2002, №6. 25 б.

билин яхши муносабатда бўлишга ўргатиш лозим. Бу ўринда оиласа биринчи даражали рол ажратилади, яъни бошқача қилиб айтганда, оиласаги муҳит: катталарнинг ўзаро муносабатлари, фикр ва муроҷазалари, юриш-туриши ва ҳаракатлари жонли ва таъсирчан намуна бўлади. Гўдакнинг дастлабки тушунчаси билан унинг вояга етганда одамларга хайриҳоҳлик муносабати ўртасида жуда катта масофа борлиги барчага аён бўлган ҳолдир. Гўдак улгая борган сари унинг бағрикенглик тушунчаси ҳам ўзгариб, кенгайиб боради, бу эса кенг ва тор маънода ижтимоий-маданий муҳитдаги урф-одатларни қандай ўзлаштиришига боғлиқ бўлади. Унинг ҳаётда орттирган тажрибаси кўпинча кўнгилчанглик ва хайриҳоҳликни ривожлантиришига ёрдам бермаслиги мумкин. Инсон учун қайси феъл-атвор шакллари устувор бўлиши ҳар бир кишининг шахсий хислатлари ва жамиятдаги ижтимоий-маданий вазиятга боғлиқ бўлади.

Модомики шундай экан, таълим-тарбия жараёнида болаларда бағрикенглик қараашларини ривожлантириш, уларга ҳар бир кишининг ор-номуси, нафсоният чегараси борлигини тушунтириш, шу чегарадан ўтиш уни хафа қилиши ва ҳатто ранжитиши мухимлигини таъкидлаш керак. Халқлар ва ҳатто одамлар ўртасидаги адоват кўпинча ана шу чегарани бузишдан келиб чиқади. Одамлар турли маданиятларга мансуб бўлганликлари учун уларнинг урф-одатлари ҳам ҳар хил бўлади. Ижобий ва салбий маданиятлар йўқ, уларнинг ҳар бири ноёб ва бетакрор бўлиб, гўдак айнан мана шуларни уқиб олишига ёрдам бериш керак. Бағрикенглик — ўзга кишиларнинг бошқача эканлигини, танасининг ранги, кўз тузилиши бир-биридан фарқ қилишини ҳурмат қилиши ҳам демакдир. Бағрикенг бўлиш ўзгалар қандай бўлса, шундайлигича қабул қилиш ва улар ҳам яшааш ҳуқуқига эга эканлигини англаш демакдир.

Турли таълим ва тарбия муассасалари бу жараёнга қўшиладилар, зеро уларда миллатлараро муомаланинг ижобий анъаналарига асосланган ижтимоий-маданий муҳит вужудга келтирилса, бу нарса турли миллат ўқувчилари ўртасида бўлинши ва ихтилофларни бартараф этишга кўмаклашади ҳамда миллатлараро муомала тажрибасини шакллантириш, мөжароларни олдини олиш вазифасини ҳал этиш имконини беради.

Болалар билан бағрикенглик тарбияси соҳасида олиб бориладиган ишда таълим муҳити, аввало мактабнинг педагоглари — ўқитувчилар, тарбиячилар, ижтимоий фан муаллимлари, психологлар, болалар етакчилари ва шу кабилар зиммасига катта

масъулият юклайди. Мазкур мураккаб масалада, биринчидан, бағрикенглик тарбиясининг моҳияти, мазмуни ва кўринишлари тўғрисидаги маълумотлар, иккинчидан, ана шундай тарбиянинг имкони бўлган воситалари, технологиялари тўғрисидаги тасаввур ва учинчидан, педагогнинг ўзи бағрикенг бўлиши (бу нарса алоҳида катта муаммо!) жуда зарурдир. Бағрикенглик — педагогни вазифалари, иш мазмуни ва характеристери тақозо этадиган ўз касбига хос зарур фазилат бўлмоги керак.

“Бағрикенглик педагогикаси” деган тушунча эндиликда тез тез ишлатилмоқда. Бу тушунча бағрикенглик маконини, мулоқот ва муомала маданиятини шакллантириши билдиради. Бунда одамлар бир-бирининг кўнглини тушуниб, ташвишларига ҳамдар бўлади, бир-бираiga ўзаро ҳамнафаслик туйғуси билан яшайди. Янги Зеландия педагоглари ўқитувчининг бу соҳадаги ўз вазифасини бажариши учун қуийдаги йўналишларни таклиф қилдилар. Масалан, ўқитувчи:

- ✓ - ўзини тақлид қилса бўладиган намуна деб тушунишларини англайди;
- мулоқотни ривожлантириш ва можароларни тинч йўл билан ҳал этиш учун тегишли кўникмаларни ўзлаштириб олади ҳамда улардан фойдаланади;
- муаммони ҳал этишга ижодий ёндошувларни рағбатлантиради;
- таълим жараёни қатнашчиларининг биргаликдаги амалий фаол ҳаракатлари учун, бу соҳадаги шахсий ютуқлар учун шароит яратади;
- дўқ-пўниса ёки ашаддий рақобатчилик феъл-автори пайини қирқади;
- биргаликдаги фаолият дастурларини ишлаб чиқиши ва бу соҳада қарорлар қабул қилишга ўқувчилар ва ота-оналарни жалб қилишга кўмаклашади;
- танқидий фикрлашга, ўзгаларнинг нуқтаи назарини қадрлашга ўргатади, айни вақтда низоли масалалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини аниқ-равшан ифодалаб беради;
- маданий хилма-хилликни қадрлайди, ҳамда маданий тафовутларни ва уларнинг ҳаётда намоён бўлишини тан олиши учун шароит яратиб беради<sup>1</sup>.

Олимларнинг таъкидлашича, бағрикенгликни шакллантириши

<sup>1</sup> Библер В. Целостная концепция школы диалога культуры. Теоретические основы программы // Психологическая наука и образование. М., 1999. №4, 66 б.

мақсадида педагогика соҳасида қуийдаги шароитларни яратиш зарур:

- таълим муассасасида ягона бағрикенглик мұхитини яратиш;
- үқувчилар ва педагогларнинг биргаликдаги ҳамкорлиги орқали тенг ҳуқуқли мулоқотга тайёрлиги ва қобиљигидан иборат бағрикенглик хислатларини шакллантириш;
- фаол таълим усулларининг турли шаклларидан фойдаланиш;
- педагоглар ва үқувчиларнинг муомаладаги (коммуникатив) бағрикенглик күнікмаларини ривожлантириш;
- педагог ходимларнинг психологияк педагогика соҳасидаги билимдонлигини ошириш дастурини рүёбга чиқариш;
- бағрикенглик муаммосига оид маълумотлилек савиясини күтариши мақсадида үқувчиларга дарс бериш савиясини ошириш<sup>1</sup>.

Бағрикенгликтің сифат чегаралари ҳам борлигини педагог яхши билиши керак. Бу чегаралар у ёки бу обьект хусусидаги қараашларни тұла-тұқис қабул этиши, уларга рози бўлиш ва кенг маънода дұстона қараашдан тортиб, то бевосита ёки билвосита алоқани назар-писанд қылмайдиган лоқайдлик ва бепарволиккача (күриб-күрмасликка олиш!) — одамларни, фикр-мулоҳазаларни, вазиятларни пинҳона ёки ошкора идрок этмаслик, бирор кимсанинг ўзи билан тенг бўлиши мумкинлиги тұғрисидаги фикрга йўл қўймасликкача, тоқатсизлик, можаро, ҳатто тажковузкорликкача етиб бориши мумкин.

Бағрикенглик тарбиясига оид бирон-бир тадбирни үтказишдан аввал бу ҳақда жамоатчилик фикрини сұраб кўриш мақсадга мувофиқдир, бундай тадқиқотдан кузатилган мақсад мазкур одамлар орасида тоқатсизлик муаммоси нақадар үткир бўлиб турғанлигини аниқлашдан; муайян миллат вакилларининг ўзга миллат, маданият, дин ва сиёсий қарааш вакилларига муносабатини ўрганишдан; одамлар кимларга кўпроқ ишонмасликларини аниқлаб кўришдан, уларга бағрикенглик тушунчасининг ўзи қанчалик таниш эканини билиб олишдан иборат.

Мактаб ва коллеҗларнинг үқувчиларигина эмас, ҳатто олий ўқув юртларининг талабалари ҳам, кўпинча “бағрикентолерантлик” тушунчаси билан таниш эмасликлари иш давомида тез-тез маълум бўлиб қолмоқда. Шу сабабли, “бағрикенглик” деган умумий ном билан мунозара клублари — давра суҳбатларини

<sup>1</sup> Безюлева Г.В., Шмелева Г.М. Толерантность в педагогике. — М., 2002. 69 б.

ұтказиш зарур. Бунинг учун аввалдан тайёргарлик күриш: түшүнчә билан танишиш, муайян гурухнинг толерантлиги ёки нотолерантлигини аниқлаш мақсадида турлы усуллар йүли билан муаммога аниқлик киритиш керак бўлади. Турли гуруҳлар (мактаб ўқувчилари, олий ўқув юрти талabalари ва шу кабилар) билан иш олиб борганда, ҳар бир гуруҳга ўзига хос равиша ёndoшиш талаб қилинади. Масалан, бу ишда олий ўқув юртининг талabalariга бир кун талаб қилинса, мактаб ўқувчиларига уч қун берилади. Гуруҳларда иш олиб борилаётганида қисқача маъruzalар ұтказилади<sup>1</sup>.

Бағрикенглик руҳида тарбиялаш жараёнида таълимнинг фаол интерактив усулларидан фойдаланиш маъқулдир. Таълимнинг бу усуллари — ошкора муҳокама модели бўлиб, у ўқувчиларда баҳслашиш, мунозара қилиш ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш қобилиятини ривожлантиради, кўпгина фанларни ўқитишида педагогларга ёрдам беради. Болаларга таълим бериш ва педагоглар жамоаси муаммоларини ҳал этишга янгича ёndoшиш учун ўқувчилари ва педагогларнинг ҳурмати ортиб боришини ҳис қиладилар. Мазкур усуллардан фойдаланилганда ўқувчиларнинг таълим дастурига қизиқиши ошади.

Аммо, бу натижага эришишоқ учун, аввало, маданий муомала кўникумаларини шакллантиришида амалий ёрдам бериш ва тренер-педагоглар тайёрлаш мақсадида тренинглар ұтказиш йўли билан педагогларнинг ўзига таълим бериш керак бўлади. Бундай тренингларда тарбия жараёнига таалукли бўлган кўпгина масалалар муҳокама қилинади. Кичик гуруҳларда ишлаш, “ақлни чархлаш” (“мозговой штурм”) ва бошқа усуллардан фойдаланиш асосий воситалар ҳисобланади.

Сұхбат орқали таълим бериш ўзгаларнинг нуқтаи назарини қабул қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ҳалоллик ва очиқликка

<sup>1</sup> Индивидларни (шахсларни) маданиятлараро ҳамжиҳатликка тайёрлашнинг бир қанча услублари мавжуд. Моделлар таълим усулига қараб диджитик ёки эмпирик бўлиши, мазмунига қараб умуммаданий ёки маданий ўзига хос бўлиши, асосий натижаларга эришиш соҳасига қараб, когнитив, эмоционал бўлиши мумкин ёки феъл-атвор соҳасига қараб, бир-биридан фарқланади. Шу асосда гуруҳларда ўзаро ҳаракатга тайёргарлик пайтида дастурларнинг асосий типлари ажратилади. 1-этник бирликнинг маданияти ва бошқалар ҳақидаги билимларни олиш мақсадини кўзловчи маориф, 2-инсон учун янги бўлган теварак-атрофдагилар билан, уларнинг асосий гоялари, қадриятлари билан танишиш мақсадини кўзловчи Ориентир (йуналиш) бериш. З-вужудга келиши эҳтимоли бўлган муаммоларга кенг назар билан қарашни таъминлаудиган ёки янги теварак-атрофга мослашишининг айрим жиҳатларига асосий эътиборни қаратадиган Инструктаж (йўл-йўриқ) бериш. 4-таълимнинг бошқа гуруҳлари айзолари билан бевосита ҳамжиҳатликка амалий равиша ўйналиши таъминлаудиган тренинг (машқ). Қаранг Стефаненко Т.Г., Шлягина Э.И., Эниколопов С.Н. Методы этнопсихологического исследования. М.-Л., 993, 60-61-бетлар.

күмаклашувчи муҳитни вужудга келтириш, рағбатлантириш ва раҳбарлик қилиш; ўқувчиларнинг тўла-тўқис розилиги ва ишончини қозониш маҳоратига асосланади. Ўқитувчи билан ўқувчи — бир жамоанинг узвий қисмлари бўлиб, умумий мақсадга эришиш йўлида ишлайдилар. Муносабатларнинг самарадорлиги ҳар бир қатнашчининг қадр-қимматига ишонишга, унинг мустақил ва масъул бўла олиш қобилиятига асосланади.

Одамлар ўз ҳис-туйғуларини ҳар сафар ҳимоя қилишга ёки кимгадир қаршилик кўрсатишга зарурат бўлмаган тақдирда янгиликларни осонроқ ўзлаштириб оладилар. Педагог ўқувчиларга ўз қобилияtlарини ўзи баҳолай олиш, масъулият туйғусини ривожлантириш, ўзини мустақилроқ ҳис этиш имкониятини берishi керак.

Машғулотлар шундай тарзда ташкил этиладики, унда қатнашувчи ҳар бир киши турли вазиятларда яшагандек бўлади, ўзининг етакчилик қобилиятини, бошқаларни қўллаб-қувватлаш ва хизматларини эътироф этиш, ижод қилиш, ишонтириш, ўз нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қила олиш, шунингдек ўзгаларнинг фикрларини тушуниш, қабул қилиш ва шу каби қобилияtlарини белгилаб олади. Хуллас, ҳар бир қатнашчи ўзини тенг ҳуқуқли суҳбатдош сифатида ҳис қиласди, ўз шахсининг кўплаб турли-туман жиҳатларини кашф этадики, бу хислатлар унга алоқа ўрнатиш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш имкониятини беради. Бундай машғулотлар, психологларнинг фикрича, ўқувчилар шунчаки кузатувчи бўлиб қолмасдан, балки уларга қийин муаммоларни ҳал этиш имконини беради; билим ва фаолият тажрибасини машқ вазиятидан реал ҳаётга тадбиқ этиши учун жуда катта имконият яратади, руҳий жиҳатдан эса қизиқарли ва кўнгилли тарзда бўлади.

Турли фанларга оид дарс жараёнларига бағрикенглик таълим тарбиясини сингдириб юбориш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунончи, чет тилии муаллими шу мақсадда ўқувчиларга ўзга тилдаги адабиёт билан ишлашни ўрганиш, уларнинг концерт дастури ва байрамларда ўз билимларини ижодий тадбиқ этиши қобилиятини намоён қилиш имконини яратади, ўқувчиларга ўз билимларини турли соҳаларда синаб кўриш (ўзга тилда сўзлашувчилар билан хат ёзишини, чет элликлар билан учрашиш, ёшларнинг халқаро оромгоҳларидаги ишларда қатнашишлар)ида ёрдам беради. Ана шундай тарзда ташкил қилинган машғулот ўқувчиларнинг маданиятлар мулокотини йўлга қўйиш соҳасида хорижий

ёшларнинг турмуш тарзи билан бевосита танишишларига кўмаклашиб, ахборотни маълум қилиш ва сўраб олиш, ундан фойдаланиш ва қайта ишлаш маҳоратини ривожлантиради. Ўқувчилар хорижий адабиётни тушунишдаги қийинчиликлардан қўрқасликка, “маънони англаб олиш”га ўрганадилар. Бундан фаолият чет тили билан ижодий “муомала қилиш”, унинг гўзаллигини идрок этиш, ўзининг ижодий қобилиятини намоси қилишда ундан фойдаланиш қобилиятини вужудга келтиради.

Жамиятшунослик фанларини ўрганишда бағрикенгликни шакллантиришга эътибор бериш ғоят зарурдир. Мактаб, лицей, коллеҷ, сўнгра олий ўқув юртларида тарихни ўрганиш, бағрикенгликни тарбиялашга оид бениҳоя бой материалларни беради. Бироқ, бир қанча ривожланган мамлакатларда тарих дарслклари текшириб қўрилганда маълум бўлдики, айрим дарслкларди мактабнинг ўзидаёқ “ўзгалар”га нафрат руҳи сингдирисиб юборилган. Миллатларни бир-бирига нисбатан гиж-гижлаш, уларга нафрат кўзи билан қараши, тарихий ҳақиқатни яшириш ҳоллари учрайди. Афсуски, тарихни ўрганиш жараённида ўқувчиларга аввало нозик муаммоларни ҳал этишда куч ишлатиш мумкинлиги тўғрисидан тасаввур берадиган уруш воқеаларини, ижтимоий зиддиятларни ўргатишга каттагина ўрин берилмоқда. Айни вақтда бизнинг иш тажрибамиз шуни кўрсатадики, жаҳон тарихида, шу жумладан, Ўзбекистон тарихида ҳам бағрикенглик онгини шакллантириш учун жуда кўплаб материаллар мавжуд. Педагогнинг вазифаси ҳар бир дарсда сабр-тоқат, чидамлилик, муросага келиш ғояларини тарғиб қилишдан иборатки муросага келиш исталган натижаларни олиб бориши мумкинлигини кўрсатадиган тарихий материалларни муаллим қизиқарли тарзда баён этиши мумкин. Ўқувчилар тарихий жараёнларда бағрикенгликнинг ижобий аҳамияти ва “ҳаддин ошиш” сиёсатининг бузғунчилик оқибатлари тўғрисидаги фикрни уқиб олишлари зарур.

Бағрикенглик тушунчаси ўқувчиларнинг ёшига ва ўрганилаётган материалнинг мазмунига кўра аста-секин шаклланиси боришини таъкидламоқ керак. Бағрикенгликка бағишиланган алоҳиди бир дарс нақадар моҳирона ўтказилмасин, фақат унинг ўзи бағрикенглик онгини шакллантира олмайди. Тарих дарсларида бағрикенгликни шакллантиришга қаратилган аниқ мақсадни кўзловчи доимий ишгина ижобий натижаларга олиб бориши мумкин. Ўқувчилар тарихий жараёнларида бағрикенгликнинг аниқ равшан намуналари билан танишиб борган сайин, бу тушунчанинг

фалсафий маъносини англаш даражасига кўтариладилар.

Йигит ва қизларнинг ҳаёти мактаб, коллеж ва олий ўқув юрти билангина чекланмайди, шу боис бағрикенглик ўқув юртидагина намоён этилиб қолмаслиги лозим. Ўқув юртининг ўзи шу қадар кенг ижтимоий муҳитда яшайдики, унинг айрим омилларига педагогларнинг таъсир ўтказиши мушкулдир. Ҳолбуки, айнан мана шу омиллар шахсни ва унинг бағрикенглик хусусиятларини ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Шуни таъкидлаш лозимки, бир томондан, ҳаётда (айниқса кўп маданиятли, хусусан, кўп миллатли ва кўп динли муҳитда) ҳақиқий бағрикенгликнинг ижобий мисоллари кўп бўлса, иккинчи томондан, бағрикенглик хусусиятларини тадбиқ этиши зарур бўлган турли салбий обьектлар ундан ҳам кўпдир. Масалан, айрим кишилардан олинган шахсий таассуротлар (ақл ва қалб хотираси), ўқилган китобларнинг, ОАВда тарғиб қилинаётган “намунавий” оқимларнинг таъсири каби манбалар ҳам ўқувчининг қиёфасини шакллантиришда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Дунё ҳалқларининг ҳаёти ҳақида ўқувчиларга хайриҳоҳлик билан ҳикоя қилувчи матбуот материаллари бағрикенглик муносабати уруғларини сочади. Уларда миллатлараро муносабатлар тасавуруни вужудга келтиради. Айни вақтда кино ва телевизорларда кўплаб кўрсатилаётган зўравонлик манзаралари, бағрикенглик онгини ривожлантиришга ёрдам бермай, одамларнинг ҳулқ-автори ва ҳатто ҳаётий фаолиятига ҳам салбий тарзда таъсир кўрсатади. Шу ва бошқа манбалар болаларнинг хилма-хил ва зиддиятли ҳаётий тажрибасини, шу асосдаги бағрикенглик кайфиятини вужудга келтиради ҳамда шакллантиради.

